

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**



**Мактабгача таълим муассасаларида таълим
жараёнини мавзули режалаштириш**

Тайёрлов гуруҳи

Тошкент 2018

Мазкур мавзули режалаштириш Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болаларнинг ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари ҳамда “Илк кадам” мактабгача таълим муассасасининг Давлат ўқув дастури асосида яратилди.

Ушбу мавзули режалаштиришда 6-7 ёшли (тайёрлов гуруҳ) болалар билан ташкил этиладиган ривожланиш марказларидаги эркин фаолият жараёнлари ишланмалари баён қилинган.

Мактабгача таълим муассасаларида таълим жараёнини мавзули режалаштириш давлат ва нодавлат мактабгача таълим муассасалари педагоглари, ота-оналар, шунингдек, ушбу соҳа билан қизиқувчи барча мутахассисларга мўлжалланган.

Муаллифлар:

М.Р.Исҳоқова – Мактабгача таълим вазирлигининг Ўқув методик мажмуалар яратишни мувофиқлаштириш ва методик хизматни ташкил этиш бошқармаси бош мутахассиси,
Х.У.Ризаева - Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 366-МТМ мудир, Д.С.Мухамедова – Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 301-МТМ мудир, М.Х.Мухамадалиева – Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 288-МТМ методисти

Такризчилар:

А.А. Закиров - Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг маънавий ва илмий ишлар бўйича проректори, психология фанлари номзоди, доцент

М.З.Файзуллаева - Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг катта ўқитувчиси

М. К. Арсланова - Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг катта ўқитувчиси

Мактабгача таълим муассасаларида таълим жараёнини мавзули режалаштириш Илмий-методик кенгашнинг 2018 йил 28 сентябрда ўтказилган 2-йиғилиш баённомаси қарори билан тасдиқланган ва нашрга тавсия этилган.

Мундарижа

Сентябрь. Мавзу: “Ўзбекистон менинг Ватаним”	7
1-ҳафта. Менинг жонажон Ўзбекистоним	11
2-ҳафта. Менинг шаҳрим, менинг маҳаллам	17
3-ҳафта. Мен ва менинг оилам	23
4-ҳафта. Мен ва менинг дўстларим	28
Октябрь. Мавзу: “Ранг-баранг куз”	33
1-ҳафта. Мавсумий ўзгаришлар, учиб кетувчи қушлар	37
2-ҳафта. Серҳосил куз	41
3-ҳафта. Нон - энг азиз неъмат	44
4-ҳафта. Ўзбекистоннинг оқ олтини	48
Ноябрь. Мавзу: “Транспорт”, “Йўл ҳаракати қоидалари”, Ҳаёт хавфсизлиги асослари”	52
1-ҳафта. Сув, ҳаво, ер усти транспорти	56
2-ҳафта. Эҳтиёткор пиёда ҳафталиги	61
3-ҳафта. Фавқулотда вазиятлар хизматлари	65
4-ҳафта. Касблар. Бизнинг савобли ишларимиз	69
Декабрь. Мавзу: “Зумрад қиш”	73
1-ҳафта. Зумрад қиш. Конституция куни	78
2-ҳафта. Соғ танда - соғлом ақл	83
3-ҳафта. Уст, бош ва оёқ кийимлар	86
4-ҳафта. Янги йил байрами	89
Январь. Мавзу: “Болалар боғчаси”	94
1-ҳафта. Қишки ўйин-қулгулар	98
2-ҳафта. Ватан ҳимоячилари куни	105
3-ҳафта. Мен ва менинг танам	110
4-ҳафта. Хушмуомалалик алифбоси	116
Февраль. Мавзу: “Ғаройиб олам”	123
1-ҳафта. Қўшни мамлакатлар	127
2-ҳафта. Дунё мамлакатлари	130
3-ҳафта. Ўзбекистоннинг буюк сиймолари	132
4-ҳафта. Китоблар тарихи	136
Март. Мавзу: “Гўзал баҳор”	140
1-ҳафта. Онамнинг куни	144
2-ҳафта. Ўзбекистонда баҳор	148
3-ҳафта. Ассалом, Наврўз!	151
4-ҳафта. Ҳайвонлар, қушлар, ҳашаротлар ҳаёти	154
Апрель. Мавзу: “Ер сайёраси –умумий уйимиз”	159
1-ҳафта. Гуллаган баҳор	163
2-ҳафта. Коинот сирлари	167
3-ҳафта. Ер сайёраси куни	170
4-ҳафта. Сайёрани асранг!	174
Май. Мавзу: “Асбоб ва анжомлар”	180
1-ҳафта. Мен ва менинг уйим. Хотира ва қадрлаш куни	184
2-ҳафта. Мебель. Миллий ҳунармандчилик	188
3-ҳафта. Идишлар. Миллий нақшлар	192
4-ҳафта. Маиший буюмлар - бизнинг ёрдамчиларимиз	195

Кириш

Мактабгача таълим муассасаларининг тайёрлов гуруҳлари учун мўлжалланган таълимий-тарбиявий фаолиятни мавзули режалаштириш тарбиячиларга ёрдам сифатида ишлаб чиқилди.

Мактабгача таълим тизимида педагог томонидан таълимий-тарбиявий фаолиятни режалаштиришда таълимни ривожлантириш вазифаси илгари қўйилади ва бунда боланинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда бола шахсига йўналтирилган таълимни ташкиллаштириш замонавий мактабгача таълим-тарбиянинг концепцияси ҳисобланади.

Тайёрлов гуруҳ (6-7ёш) лардаги таълимий-тарбиявий жараён “Илк қадам” Давлат ўқув дастурида тавсия этилган мавзулар асосида ҳудудий, миллий, маданий хусусиятлар ва бу жараёнда мактабгача таълим муассасасининг имконияти ва ўзига хос томонларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади. Бир ҳафта давомидаги машғулотларда битта мавзу ўтилади ва ўзлаштирилади. Мавзу умумий гуруҳ ва ривожланиш марказларида олиб бориладиган фаолиятларда ўз аксини топади. Таълим жараёнининг асосий мавзусини танлаш, албатта, болаларнинг барча фаолияти бу мавзуга бағишланган бўлиши керак, дегани эмас. Яъни марказларлардаги фаолият мавзуларини ой ва ҳафта мавзулари ва умумий мақсаддан четлашмаган ҳолда ўзгартириш ва бойитиш тавсия этилади.

Мавзунинг асосий муддатларга тақсимлашдан мақсад – таълим жараёнини интеграциялаштириш ва болалар фаолиятини таълим мсоҳалари бўйича асосиз тақсимланишининг олдини олишдан иборат.

Таълим фаолияти мазмунини мавзули режалаштириш куйидаги таълим соҳаларини ўз ичига олади:

- жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши
- ижтимоий-ҳиссий ривожланиш
- нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалар
- билиш жараёнининг ривожланиши
- ижодий ривожланиш.

Ушбу таълим жараёнини мавзули режалаштириш асоси болалар фаолиятининг барча соҳаларини мактабгача таълим мазмунининг ичига тўлиқ киритилишини таъминлайди.

Турли ёш гуруҳларида ўзаро боғлиқ ўхшаш мавзуларнинг киритилиши тарбияланувчиларнинг индивидуал имкониятларига мувофиқ уйғун ривожланиш ва бутун мактабгача ёшдаги болаларни ривожлантиришда ўқув мақсадлари бирлигини ва узлуксизлигини таъминлаш орқали таълимий мақсадга эришилишига олиб келади.

Ҳафталик режа йиллик мавзули режалаштиришга асосланади ва ҳафтанинг кичик мавзулари бўйича ўтказиладиган жараёнларни ўз ичига олади.

Мавзули режалаштириш барча ривожланиш соҳалари бўйича мақсадларни белгилаш, тегишли марказларни тайёрлаш, машғулотларни ҳафта мавзусига мос равишда тақсимлашга йўналтирилади. Ҳафта мавзуси барча эркин фаолият марказлари орқали ўтиши лозим. Ҳафталик режада гуруҳдаги ва сайр вақтидаги таълимий ва ҳаракатли ўйинлар режалаштирилади. Болалар билан олиб бориладиган ишнинг мазмуни ва изчиллиги фаолият тури (фаол фаолият/пассив фаолият; индивидуал фаолият/кичик гуруҳда катта гуруҳда; тарбиячи раҳбарлиги остида ўтадиган фаолият/бола раҳбарлиги остида ўтадиган фаолият) ва уни ўтказиш жойи (хона ичидаги фаолият/кўчадаги фаолият)ни ҳисобга олган ҳолда режалаштирилиши керак.

Мавзули режалаштириш оптимал ва мослашувчан бўлиши лозим. Бошқача айтганда, об-ҳаво ўзгариши ва боланинг қизиқувчанлигини ҳисобга олган ҳолда режалаштирилаётган фаолият бошқасига алмаштирилиши ёки фаоллик вақти бироз кўпроқ ёхуд камроқ вақтга мўлжалланиши мумкин. Масалан, агар тарбиячи баҳорги гуллаган боғга боришни режалаштирган бўлса-ю, об-ҳаво ёмғирли бўлса, бу тадбирни хонада ўтказишнинг имкони бўлган бошқа тадбирга алмаштириш мумкин.

СЕНТЯБРЬ
ОЙЛИК МАВЗУ: “ЎЗБЕКИСТОН - МЕНИНГ ВАТАНИМ”

Гуруҳ		Тайёрлов					
Мавзу		Менинг жонажон Ўзбекистоним					
Муддати		Сентябрь ойининг 1-хафтаси					
Ривожланиш соҳаларига оид мақсадлар	Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши	Болаларга доимий жисмоний машқлар бажариш, озода юриш, тўғри овқатланиш соғлиқ учун фойдали эканлигини тушунтиришда давом этиш. Инсон ҳаёти учун нима зарарли эканлигини ўргатиш.					
	Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш	Эркинликка интилиш орқали шахсий ҳиссиётларини шакллантириш. Қийин вазиятлардан чиқишни ўргатиш. Кўчада юриш, йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилишни ўргатиш					
	Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари	Товушларни тўғри талаффуз қилишга, сўзлашиш одобига риоя қилишни ўргатиш.					
	Билиш жараёнининг ривожланиши	Давлат рамзлари ҳақидаги билимларни мустаҳкамлаш, она тилида ўзининг кўчаси ва маҳалласи номини айта олишга ўрганишига ёрдам бериш. Қурилмаларни мустақил ўлчашга ўргатиш.					
	Ижодий ривожланиш	Ҳамкорликда ишлаш кўникмаларини ҳосил қилиш, ритмни ҳис этиш, турли буюмлардан композициялар яратишга ўргатиш					
Ривожланиш марказлари		Таълимий-тарбиявий фаолият					
		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Ресурслар
Эркин фаолият	Қуриш, конструкциялаш ва математика	Менинг шахрим		Минора қурамиз		Қурилиш блоклари, леґо, конструктор, кубиклар	
	Сюжетли ўйинлар ва сахналаштириш	Ёш саёҳатчилар		Мактаб		Ниқоблар, белгилар, атрибутлар	
	Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш			Ватанимизнинг қадимий шаҳарлари (Самарқанд, Бухоро, Хива)		Сюжетли расмлар, АКТ, предметли расмлар	
	Фан ва табиат	Ўлкамизнинг рельефи (тоғлар, адирлар, дарёлар)			Сабзавот ва мевалардан бўёқ олиш		Лой, қум, тош, сув ва маҳсус идиш, мева ва сабзавот, шарлар
	Санъат	Ўзбекистоннинг миллий байрамлари			Табиий бўёқлардан қузғи манзара яратамиз		Қоғоз, рангли қоғоз, табиий материаллар
	Умумий гуруҳбўлиб ишлаш						

ОЙЛИК МАВЗУ: “ЎЗБЕКИСТОН- МЕНИНГ ВАТАНИМ”

Гуруҳ		Тайёрлов					
Мавзу		Менинг шахрим, менинг маҳаллам					
Муддати		Сентябрь ойининг 2-хафтаси					
Ривожланиш соҳаларига оид мақсадлар	Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши	Сафда биттадан, иккитадан, тўрттадан бўлиб юришни мустаҳкамлаш .Ўз –ўзига хизмат қилиш орқали ўз танаси ва уст бошларини озода сақлашга ўргатиш					
	Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш	Жамоавий фаолиятда ўз ҳиссиётларини назорат қилишни ўрганиш. Тегдошлари билан яхши муносабатда бўлишга ўргатиш.					
	Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари	Бола ёшига мос бўлган сўзлашув нутқни мустаҳкамлаш					
	Билиш жараёнининг ривожланиши	Ватан, маҳалла ҳақида билимни мустаҳкамлаш, геометрик шаклларнингҳажми ва шаклини таққослашга ўргатиш. Катталиқ ҳақидаги тушунчаларини мустаҳкамлаш					
	Ижодий ривожланиш	Муסיқага бўлган қобиляят, ҳаракат ва ритмик ифодани шакллантиришда давом этиш.					
Ривожланиш марказлари		Таълимий-тарбиявий фаолият					
		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Ресурслар
Эркин фаолият	Қуриш, конструкциялаш ва математика	Менинг келажакдаги уйим		Замонавий шаҳар	Маҳалла кўчалари		Қурилиш блоклари, леґо, конструктор
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш	Бувижонимникида меҳмонда			Сартарошхона		Никоблар, кийимлар, жиҳозлар
	Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш	“Тўртинчиси ортикча” таълимий ўйин					Сюжетли расмлар, АКТ
	Фан ва табиат	Лой ва қумнинг хусусиятлари		Тошнинг хусусиятлари “Кимнинг уйи мустаҳкам?”			Лой, қум, тош, сув ва махсус идишл, шарлар
	Санъат	Тоза ҳавода ихтиёрый расм чизиш (МТМ ҳовлисида)			Оригами, аппликация “Обод маҳалла”		Қоғоз А4, рангли қоғоз, бўёқлар, табиий материаллар, ватман
	Умумий гуруҳ бўлиб ишлаш						

ОЙЛИК МАВЗУ: “ЎЗБЕКИСТОН- МЕНИНГ ВАТАНИМ”

Гуруҳ		Тайёрлов					
Мавзу		Мен ва менинг оилам					
Муддати		Сентябрь ойининг 3-ҳафтаси					
Ривожланиш соҳаларига оид мақсадлар	Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши	Сафланиб юриш пайтида турли машқларни берилаётган топшириққа мос равишда бажариш малакаларини тарбиялаш					
	Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш	Ўз оиласи аъзоси эканлиги ҳақидаги туйғуни, оила аъзолари орасидаги қариндошлик ҳисларини шакллантириш. Инсонларнинг ҳис-туйғуларига қизиқиш уйғотиш					
	Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари	Оила аъзолари ва уларнинг касблари ҳақидаги сўзлар билан луғат бойлигини ошириш.					
	Билиш жараёнининг ривожланиши	Оила ҳақидаги тасаввурларни шакллантириш. Ўз оиласидан фахрланиш туйғусини ривожлантириш					
	Ижодий ривожланиш	Якка ва жамоада қўшиқ айтиш, рақсга тушиш малакаларини шакллантириш					
Ривожланиш марказлари		Таълимий-тарбиявий фаолият					
		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Ресурслар
Эркин фаолият	Қуриш, конструкциялаш ва математика	Оиламиз учун уй		Театр қурамиз		Қурилиш блоклари, лево, конструктор, геометрик шакллар	
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш	“Ателье” сюжетли-ролли ўйин		“Зумрад ва Қиммат” эртагини сахналаштириш		Ниқоблар, кийимлар, жиҳозлар	
	Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш	“Менинг оилам-менинг қўрғоним” суҳбат			Оилавий шажара дарахти		Сюжетли расмлар ва материаллар
	Фан ва табиат	Ажойиб магнитлар		Қумдаги магнит			Магнит ва магнитли доскалар
	Санъат	Расм ва аппликация: Мен ва менинг оилам					Рангли қоғоз, рангли бўёқлар, елим, қайчи, рангли қалам
	Умумий гуруҳ бўлиб ишлаш						

ОЙЛИК МАВЗУ: “ЎЗБЕКИСТОН- МЕНИНГ ВАТАНИМ”

Гуруҳ		Тайёрлов					
Мавзу		Мен ва менинг дўстларим					
Муддати		Сентябрь ойининг 4-ҳафтаси					
Ривожланиш соҳаларига оид мақсадлар	Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши	Югуришнинг турли усулларини бажариш. Тезликни оширган ҳолда югуришни ўргатиш. Тўсиқлардан сакраб ўтиш. Тасаввурдаги предметларни қўллари билан ифодалашга ўргатиш. Арқонлардаги тугунларни ечиш ва яна тугунлар ҳосил қилишни ўргатиш.					
	Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш	Қарор қабул қилиш қобилиятини шакллантириш. Мустақилликка интилишни тарбиялаш. Юклатилган вазифаларни бажаришга одатлантириш.					
	Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари	Сўз туркумларини эркин ва грамматик тўғри қўллашга ўргатиш. Кўп маъноли сўзларнинг маъноларини тушунишга ўргатиш					
	Билиш жараёнининг ривожланиши	Сон ва рақамларни фарқлай олиш					
	Ижодий ривожланиш	Санъатнинг турли воситалари орқали дунёни англашни шакллантириш					
Ривожланиш марказлари		Таълимий-тарбиявий фаолият					
		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Ресурслар
Эркин фаолият	Қуриш, конструкциялаш ва математика	Домино “Сехрли рақамлар”		Суюкли дўстим учун уйча (мушук, кучукча...)		Қурилиш блоклари, лево, конструктор	
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш	Дўстлар билан театрда		“Икки дўст” сахналаштириш		Никоб, кийим ва жиҳозлар	
	Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш	Дўст ҳақида ҳикоя		Дўстим исмини босма харфда ёзаман	“Икки дўст” фильмини кўриш ва муҳокама қилиш	Сюжетли расмлар ва АКТ	
	Фан ва табиат	Амалий тажриба					Атрибутлар
	Санъат	“Дўст портрети” расмини ноанъанавий технологияда чизиш		“Дўстимга совға” ихтиёрий яшаш			Қоғоз А4 қоғози, дўстлар расмлари, рангли қоғоз, ёрмалар
	Умумий гуруҳ бўлиб ишлаш						

СЕНТЯБРЬ. БИРИНЧИ ҲАФТА. МЕНИНГ ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ

Қуриш, конструкциялаш ва математика маркази

Менинг шаҳрим

Мақсад: болалар кублар ва турли конструкторлардан шаҳар қуриш, турли ҳажмдаги шаклларни номлаш ва улардан қурилишда фойдаланишни биладилар. Сон-санокни билиш, ранглар ва шаклларни фарқлаш малакалари мустаҳкамланади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: кублар, геометрик шакл ,манзарали ўсимликлар тўплами, шаҳар тасвири туширилган суратлар

Фаолиятнинг бориши:

1. “Менинг шаҳрим” мавзуси бўйича суратларни кўриб чиқиш.
2. Болалар билан шаҳар қурилишини режалаштириш.
3. Шаҳарни конструкциялаш.
4. Болалар ишларини муҳокама қилиш ва рағбатлантириш.

Қўшимча: тарбиячи болаларга ўз композицияларини майда ўйинчоқлар(автомобилчалар, байроқчалар, дарахт ва шу кабилар) билан безаш мумкинлигини тушунтириб беради, расмга алоқадор сўзлар билан таништиради.

Эътиборга молик жиҳати: болаларнинг жамоа бўлиб ишлашлари. Ҳаёт хавфсизлиги асослари

Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш маркази

Ёш туристлар

Мақсад: болаларнинг она юрт ҳақидаги тушунчалари кенгайди. Жамоада ўзаро фикр алмашиш кўникмалари ривожланади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: расмлар, АКТ , рюкзаклар, кепкалар, фотоаппарат, ўйин учун пуллар, харита, бинокль, компас, она юртимизнинг диққатга сазовор масканлари тасвирланган суратлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Шаҳар ёки кўча бўйича экскурсия йўналишини режалаштириш.
2. Керакли жиҳоз, буюмлар тўпламларини кўриб чиқиш.
3. АКТ орқали шаҳар ёки кўча бўйлаб экскурсия.
4. Ёш туристлар экскурсиясини муҳокама қилиш ва рағбатлантириш.

Қўшимча: тарбиячи болаларга ўз экскурсия йўналишларини тузиб чиқишни таклиф қилади.

Эътиборга молик жиҳати: ҳар бир боланинг фаолиятига эътибор қаратиш. Ҳаёт хавфсизлиги асослари.

Фан ва табиат маркази

Ўлка рельефи (шаҳар, водий, дарёлар)

Мақсад: болалар рельеф (шаҳар, водий, дарёлар рельефи) тушунчаси билан танишадилар. Ўлкамиз рельефи макетини яратиш, шаҳар, водий, дарёларнинг аҳамиятини марказдаги жиҳозлар орқали ўрганадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: кум, сув, лой, турли тош, шакл, челак, белкуракча, ҳаскаш, елим панжаралар

Фаолиятнинг бориши:

1. “Менинг ўлкам” мавзусида видеофильм ёки суратларни кўриб чиқиш.
2. Болалар билан ўлкамиз рельефи макетини режалаштириш.
3. Ўлкамиз мини-рельефини яратиш.
4. Болалар ишларини таҳлил қилиш ва рағбатлантириш.

Қўшимча: тарбиячи болаларга ўз композицияларини майда ўйинчоқлар(арчалар, дарахтлар, уйчалар, қайиқчалар ва шу кабилар) билан безаш мумкинлигини тушунтириб ўтади.

Эътиборга молик жиҳати: Тасаввур ва нутқ фаолиятининг ривожланиши. Ҳаёт хавфсизлиги асослари.

Санъат

Ўзбекистоннинг миллий байрамлари (Тасвирий фаолият)

Мақсад: болаларнинг Ўзбекистоннинг миллий байрамларини билиш, байрамларнинг ўхшашлик ва фарқларини англаш, миллий урф-одатлар ҳақидаги тасаввурлари кенгайтирилади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: байрамлар суратлари тўплами, АКТ, қоғоз, бўёқлар, бўёқлар учун махсус стаканчалар

Фаолиятнинг бориши:

1. “Миллий байрамлар” мавзусида суратлар билан танишиш.
2. Байрамлар ҳақида суҳбат.
3. Болалар томонидан ихтиёрий байрам мавзусини танлаш.
4. Расм чизиш жараёни.
5. Расмлар кўргазмасини ташкил этиш.

Қўшимча: тарбиячи болалардан байрамлар мавзусида шеър ва қўшиқлар айтиб беришини сўраш, ота-оналар учун расмларкўргазмасини ташкил қилиш

Эътиборга молик жиҳати: Иш жараёнида тартибли бўлиш ва озодаликка риоя қилиш. Ота-оналар учун кўргазма тайёрлаш жараёнлари.

Қуриш, конструкциялаш ва математика маркази

Минора қурамиз

Мақсад: болаларда турли қурилиш ашёларидан минора қуриш малакаси мустаҳкамланади. Шаклларни номлаш ва улардан қурилишда фойдаланиш жараёнида сон-санокни, катталиқ ва ранг ва шаклларни фарқлаш биладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: кубиклар, геометрик шакллар, қурилиш блоклари, минораларнинг суратлари

Фаолиятнинг бориши:

1. “Минора” мавзусидаги суратларни кўриб чиқиш.
2. Минора қуриш режасини тузиш.
3. Минорани конструкциялаш.
4. Ишлатилган қурилиш материалларини ҳисоблаш.
5. Болалар ишларини муҳокама қилиш ва рағбатлантириш.

Қўшимча: тарбиячи минора қурилиши жараёнига алоқадор сўзлар ҳақида тушунча беради.

Эътиборга молик жиҳати: жамоада биргаликда ишлаш ва ўзаро муносабатнинг шаклланиши.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш маркази

Мактаб

Мақсад: болаларда мактабда ўқишга қизиқиш уйғонади. Ўқув қуролларидан фойдаланиш тартибини ўрганадилар. Ўқитувчи касби ҳақидаги тушунчалари кенгаяди.

Керакли жиҳоз ва материаллар: парта расми, кублар, портфеллар, мактаб формаси, доска, ўқув қуроллари.

Фаолиятнинг бориши:

1. “Мактаб”, “Мактаб ҳаёти” мавзусида расмлар тўпламини кўриб чиқиш.
2. Болалар орасида ролларни тақсимлаш.
3. Ижро этиш жараёнини ташкиллаштириш.

Қўшимча: тарбиячи болаларга танаффус эълон қилади, бўлажак ўқувчиларни буфетга таклиф қилади, бутерброд тайёрлашни таклиф қилиши мумкин.

Эътиборга молик жиҳати: роллар тақсимотини болалар келишуви ва хоҳиш-истаклари асосида амалга оширилиши. Ҳаёт хавфсизлиги асослари.

Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш маркази

Ватанимизнинг қадимий шаҳарлари (Самарқанд, Бухоро, Хива)

Мақсад: болалар давлат рамзларини биладилар. Ўз кўча ва маҳаллаларининг номини биладилар, Ватанимиз қадимий шаҳарлари тарихи ҳақидаги маълумотлар билан билимлари ошади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: Ўзбекистондаги шаҳарларнинг суратлари, Ўзбекистон харитаси, АКТ, дискда слайдлар, ҳайкалчалар, макетлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. “Ватанимизнинг қадимий шаҳарлари” мавзуси бўйича суратларни кўриб чиқиш.
2. Суратлар бўйича ҳикоялар тузиш.
3. Ўлкамизнингдиққатга сазовор жойлари суратларини кўриб чиқиш.
4. Мустақил ёки тарбиячи ёрдамида шаҳарлар номини ўқиш, диққатга сазовор жойларни кўриш.

Қўшимча: шаҳарларнинг қадимий бинолари макетларини кўриб чиқиш ва харита билан ишлашни таклиф қилиш.

Эътиборга молик жиҳати: болалар луғатига кирган янги сўзларни ўзлаштириш. Харита ҳақидаги тушунчалари.

Фан ва табиат маркази

Сабзавот ва мевалардан бўёқ олиш (лавлаги, сабзи, бодринг, кўкатлар, пиёз, ёнгоқ барглари ва майсалар)

Мақсад: болаларнинг ўлкамизнинг неъматлари, сабзавот ва меваларнинг хусусиятлари ҳақидаги билимлари ошади. Лой, сув ва қумни бўйлаб бўйича амалий машғулотларни ўтказишда фаол бўладилар. Уларда табиий бўёқларни олиш малакалари ҳосил бўлади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: фартук, сабзавотлар, мевалар, тахтакач, пичоқ, қўлда шарбат сиқувчи мослама, идиш, қум, лой, сув.

Фаолиятнинг бориши:

1. Шарбат берувчи мева ва сабзавотларни аниқлаш
2. “Табиат ранглари” мавзуси бўйича расмлар билан танишиш (нимадан қайси ранг олиш мумкин?)
3. Танланган мева ва сабзавотлардан шарбат олиш бўйича амалий тажриба ўтказиш.

4. Қум, сув ва лойга ранг бериш.

5. Болалар ишларини муҳокама қилиш ва рағбатлантириш.

Қўшимча: тарбиячи ранглар аралашувидан қўшимча ранглар ҳосил қилишни ўргатади.

Эътиборга молик жиҳати: иш кетма-кетлиги ва гигиена талабларига амал қилиш. Ҳаёт хавфсизлиги асослари.

Санъат

Табиий бўёқлардан куз манзарасини чизиш

Мақсад: болалар кузнинг ўзига хос хусусиятлари ва кузги табиат ўзгаришлари билан танишадилар, “хазонрезги” ва “жала” каби сўзлар билан луғат бойликлари ошади. Йил фаслларининг хусусиятлари бўйича билимлари кенгаяди.

Керакли жиҳоз ва материаллар: қоғоз, натюрморт, бўёқлар, махсус стаканча, табиий хом-ашёлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Куз фасли ҳақида суҳбат.
2. Болаларнинг табиий ранглар бўйича тасаввурларини кенгайтириш.
3. Намунага қараб чизиш.
4. Кўргазма ташкил этиш ва рағбатлантириш.

Қўшимча: мавзуни мустақамлаш учун тарбиячи жамоада ишлашни ташкил этиши ва кузни бошқа фасллар билан таққослаши мумкин.

Эътиборга молик жиҳати: болалардаги қизиқиш ва тажрибаларнинг натижалари. Ҳаёт хавфсизлиги асослари

СЕНТЯБРЬ. ИККИНЧИ ҲАФТА **МЕНИНГ ШАҲРИМ, МЕНИНГ МАҲАЛЛАМ**

Қуриш, конструкциялаш ва математика маркази

Менинг келажакдаги уйим

Мақсад: болалар уй тасвирининг график чизмасини чиза оладилар. Шаклларни қисмларга ажратадилар ва бу қисмларни қайта бутун сифатида бирлаштирадилар. Улар ўз ҳаракат режаларини тузиш, мантиқий фикрлаш, диққат ва қўл моторикасини ривожлатириш учун ҳаракат қиладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: кубиклар, уй расмлари, ўйинчоқлар, геометрик шакллар.

Фаолиятнинг бориши:

1. "Менинг келажакдаги уйим" мавзусидаги расмни кўриш.
2. Уй қурилишини болалар билан режалаштириш.
3. Уйни конструкторлаштириш (болалар иши).
4. Ишлатилган қурилиш материалларини ҳисоблаш.
5. Геометрик шаклларни катталиги бўйича таққослаш.
6. Болалар ишлари муҳокамаси ва рағбатлантириш.

Қўшимча: тарбиячи болаларга ўзларининг композицияларини кичик ўйинчоқлар (стол, стул, тўшак ва бошқалар) билан тўлдиришни, шеърларни ифодали айтиш билан тақдим этишни таклиф қилиши мумкин.

Эътиборга молик жиҳати: болаларнинг жамоада ишлаш малакалари. Қўл моторикаси ва тасаввурининг ривожланиши. Ҳаёт хавфсизлиги асослари

Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш маркази

Бувимникида меҳмонда

Мақсад: болалар оилавий муносабатлар ва дам олиш чоғларини биргаликда ўтказиш кераклигини тушунадилар. Ёши катталардан ҳабар олиш, уларга меҳр кўрсатиш ҳақида тушунчага эга бўладилар. Оила аъзоларига меҳрибонлик кўрсатиш, аҳил муносабатда бўлиш ва уларга ғамхўрлик қилиш каби одатлар таркиб топади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: оилада ўйнаш учун зарур бўлган барча ўйинчоқлар, қўғирчоқлар, мебель, идишлар, совғалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Болалар томонидан ўйинни режалаштириш ва ролларнинг тақсимлаш.
2. "Оила" ўйинини ўйнаш.
3. Оила аъзолари билан бирга меҳмонга бориш.
4. Бувижонларига уй ишларида ёрдам бериш.
5. Болалар ижросини муҳокама қилиш ва рағбатлантириш.

Қўшимча: тарбиячи болаларни "бувига" эртак айтиб беришларини ёки болаларнинг истироҳат боғи ёки музейга борганликлари ҳақида гапириб беришларини сўрайди.

Эътиборга молик жиҳати: болаларнинг оилавий муносабатларни ўрната олиш малакалари.

"Сехрли сўзлар" дан фойдаланиш (илтимос, миннатдорман, кечирим сўрайман ва ҳ.к.). Ҳаёт хавфсизлиги асослари.

Фан ва табиат маркази

Лой ва қум хусусиятлари

Мақсад: болалар тупроқ ва қум хусусиятларини ажрата оладилар. Улардан турли тузилмаларни куриш малакасига эга бўладилар. Тажрибаларни ўтказишда гигиеник қоидаларга амал қилишни биладилар, иш жойини йиғиштириб қўйишни ўрганадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: юк машиналари, қум, тоғорача, сув, қум, тупроқ, қум ҳовузи, иш тахтаси, челакча, салфеткалар ва фартуклар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Катталарнинг мавзуни тушунтириб бериши.
2. Амалий тажриба ўтказиш тартиби чизмаси билан танишиш.
3. Болалар томонидан амалий тажрибаларни олиб борилиши.
4. Иш натижасига кўра муҳокама ва яқуни.

1-тажриба. Парчаланган қум

Болаларга қуруқ қумли майдончани текислаш таклиф этилади. Элакдан ўтказилган қумни майдон юзаси бўйлаб текис сепиб чиқилади. Қумга босмасдан қалам текиб қўйилади. Қумнинг юзасига бирон оғир нарса қўйилади (масалан, калит). Қумдаги предмет изининг чуқурлигига эътибор қаратилади. Идишни силкитиб, қумни текислаб калит ва қаламни яна шундай қумга киритилади. Эланган қумга нисбатан сочилган қумга қалам икки баровар чуқурроқ киради. Оғир нарсанинг изи эланган қумга нисбатан сепилган қумга аниқ из бўлиб тушади. Хулоса: эланган қум зичроқ.

2-тажриба. Лой хусусиятлари ва унинг хоссалари

1. Болаларга тош ва лойни бармоқ учлари билан босиб қайси бирида бармоқ излари(чуқурча) қолганини аниқлаш айтилади. Болалар лойда бармоқ излари қолишини, тошларда эса–йўқ деб хулоса қилишади.
2. Болалар қўлларига тошларни олиб уларни кафтлари орасида думалатадилар, уларни ўрганиб, оғирлиги, ҳажми, қаттиқлигини солиштирадилар. Тарбиячи тошларни эгиб кўриш, чўзиш, шаклини ўзгартириш, уларни қисмларга бўлишни таклиф қилади. Болалар тарбиячи билан биргаликда тош хусусиятларига таъриф берадилар: тош қаттиқ, у қисмларга бўлинмайди, уни эзиб нарса ясаб бўлмайди.
3. Болалар қўлларига лойни олиб, уни эзиб кўришади, уни турли йўналишларда тортиб, қисмларга бўладилар. Тарбиячи билан биргаликда болалар лой хусусиятларини аниқлайдилар: юмшоқ, у қисмларга бўлинади, шаклини ўзгартиради, ундан турли шакллар ясаш мумкин.

3-тажриба. Нима тезроқ?

Болалар қумли шиша идишга сув қуядилар; қумнинг қандай бўлиб қолганлиги, сув қаерга йўқолганлигини муҳокама қиладилар. Кейин худди шундай ишни лой билан қилинади. Қандай қилиб лой сувни (жуда секин) шимиб олишини кузатадилар. Барча сув сўрилиб бўлиндими? Хулоса: қум тупроқдан кўра тезроқ сувни шимиб олади.

4-тажриба. Шаклини сақлайдими ёки тўкиладими?

Болалар лойдан, сўнгра хўл кумдан "колбасалар", "тешик кулчалар" ва "бўғирсоқчалар" ни ясайдилар. Бироз муддати ўтгач, болалар натижаларни таққослайдилар. Лойдан ясалган "колбасалар", "тешик кулчалар" ва "бўғирсоқчалар"бузилмади, шакли сақланиб қолди, улар қаттиқ ва мустаҳкам бўлдилар, кумдан ясалганлари эса қуриб қолди, тўкилиб, сочилиб кетди. Тарбиячи билан биргаликда болалар шундай хулосага келишади: лой қаттиқ, мустаҳкам, қолипланади, шаклини сақлаб қолади; кум бундай хусусиятларга эга эмас.

5-тажриба. Нам қум

Нам қумни кафтга олиб уни синаш учун оққизилади, нам қум бир текисда тушмай кафтдан бўла-бўлак бўлиб тушади. Қум учун қолиплар нам қум билан тўлдирилади ва қумли қолип ағдарилади. Қум қолип шаклини сақлаб қолади. Хулоса: нам қумни кафтдан бир текисда тушириб бўлмайди, аммо хоҳлаган қолип шаклига кира олади. Яъни қуритмагунча исталган шаклни ҳосил қилиши мумкин. Қум хўл бўлганда, кум зарралари орасидаги ҳаво йўқолади, нам зарралар бир-бирларига ёпишиб қолади.

Қўшимча: тарбиячи болаларга кумдан бошқа шаклларни ҳосил қилишни таклиф этиши мумкин.

Эътиборга молик жиҳати: табиий материаллар билан ишлашда хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш малакаси.

Санъат маркази

Тоза ҳавода ихтиёрий расм чизиш (МТМ ҳовлисида)

Мақсад: болалар асфальтда ихтиёрий расм чизадилар. Кенгликда расм хажмини олишни биладилар. Рангли бўрлардан тўғри фойдалана оладилар. Одоб этикаларига риоя қиладилар. Расм чизиш асосида тасаввур ва қўл майда моторикалари ривожланади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: рангли бўрлар, мавзу юзасидан расмлар, маҳаллада нишонланган байрамларнинг сюжетли расмлари.

Фаолиятнинг бориши:

1. "Менинг маҳаллам", "Менинг шаҳрим", "Маҳаллада байрамлар" мавзуларидаги расмларни кўриб чиқиш.
2. Ким қандай расм чизиши режасини муҳокама қилиш.
3. Ихтиёрий расм чизиш жараёни.
4. Хатолари, қўшимчалари ҳақида ўзаро муҳокама.

Қўшимча: ноанъанавий усулларни қўллаш ёки қўшимча элементларни киритишни таклиф қилиш.

Эътиборга молик жиҳати: рангли бўрлар билан ишлай олиш малакаси. Тасаввур, мантиқ ва қўл моторикаларини ривожланиши.

Қуриш, конструкциялаш ва математика маркази

Замонавий шаҳар

Мақсад: болалар замонавий шаҳар тўғрисида тасаввурга эга бўладилар, конструктив тафаккурлари ривожланади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: кубиклар, лево жамламаси, замонавий шаҳар ва бинолар, йўллар тасвирланган расмлар, геометрик шакллар, машиналар.

Фаолиятнинг бориши:

1. "Замонавий шаҳар" мавзусидаги расмларни кўриш.
2. Болалар томонидан қурилиш режасин тузиш.
3. Уйларни лойиҳалаштириш (болалар иши).
4. Шаҳарни дизайн элементлари билан жиҳозлаш.
5. Қурилиш элементларини ҳисоблаш.

Қўшимча : композицияни бадиий сўз ҳамда турли хил жиҳозлар билан (реклама плакатлар, кўғирчоқлар, машиналар, дарахтлар ва бошқалар) тўлдириш.

Эътиборга молик жиҳати: болаларнинг жамоада ишлаш қобилияти. Ҳаёт хавфсизлиги асослари.

Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш маркази

"Тўртинчиси ортиқча" таълимий ўйини

Мақсад: болалар предметларнинг ўхшашлиги ва фарқларини асосли белгилар билан аниқлашни ўрганадилар. Умумлаштирувчи сўзларни маъносини тушунишга ҳаракат қиладилар, ўйин жараёнида сўз бойликлари ошади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: мавзуга мос расмлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Столда тўртта сурат, улардан учтаси бир мавзули гуруҳ, тўртинчиси эса бошқа гуруҳга тегишли.
2. Болаларга вазифа берилади: расмларга қараш ва қайси бири ортиқча эканлигини аниқлаш. "Ортиқча" расмни орқаси билан қўйиш, қолганларини битта сўз билан айтиш.
3. Болалар навбатма-навбат ортиқча расмларни чиқариб ташлашади. Агар бола адашса ёки топшириқни бажара олмаса, унинг вариантини кейинги бола бажариши мумкин.

Ўйин учун расмлар:

- 1) Минора, бозор, кино, тоғлар.
- 2) Кўча, ариқ, тротуар, стол.
- 3) Мачит, уй, дўкон, машина.

- 4) Мактаб, боғ, институт, шифохона.
- 5) Музей, супермаркет, кўргазма, планетарий.
- 6) Лола, олма, атиргул, мойчечак
- 7) Гилос, қулупнай, смородина, малина.
- 8) Телевизор, шкаф, стул, каравот.
- 9) Тарелка, нон, кастрюлка, қошиқ.
- 10) Лола, чинор, терак, қарағай ва бошқалар

Кўшимча: тарбиячи болаларга ўз жавобларини кичик ҳикоялар билан тўлдиришни таклиф қилиши мумкин.

Эътиборга молик жиҳати: тегишли саволларга жавоб бериши, тасаввур ва мантиқий фикрлашни ривожланиши.

Фан ва табиат маркази

Тошнинг хусусиятлари

Мақсад: болалар тошларнинг хусусиятлари, уларнинг кўриниши, табиатда ва инсон ҳаётидаги афзалликларини ўрганадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: кум, сув, лой, тошлар, кум ҳовузчаси, иш тахтачаси.

Фаолиятнинг бориши:

1. Материалларни ўрганиш.
2. Тажрибаларнинг намуналарини чизма бўйича ўрганиш
3. Амалий тажрибалар ва ижодий вазифаларни бажариш.
4. Болаларнинг фаолият бўйича хулосалари

1-тажриба. Ранг ва шаклни аниқлаш.

Болалар ҳар хил рангдаги тошлар (*кулранг, жигарранг, оқ, қизил, кўк ва бошқалар*)ни кузатувлари бўйича ўртоқлашадилар.

Хулоса: тошлар ранг ва шакллари билан фарқ қилади

2-тажриба. Ҳажмини аниқлаш.

Тарбиячи: сўроқ белгисини кўрсатиб “Ҳамма тошлар бир хил ўлчамдами?” - деб сўрайди. Энг катта тошни топинг ва кўрсатинг, (энг кичик, ўртача). Тошнинг ўлчами ҳақида ким муҳим хулоса чиқаради?

Хулоса: тошлар турли ҳажмда бўлади. Кейинги тажриба учун жуда сезгир бармоқлар керак.

3-тажриба. Тошларнинг устини аниқлаш.

Энди ҳар бир тошни силаб кўрамиз. Тошларнинг юзаси бир хилми ёки фарқлими? Қанақа экан? (Болалар ўз ихтиролари билан бўлишадилар).

Тарбиячи болаларга энг силлиқ тошни ва энг ғадир-будурларини кўрсатишни сўрайди.

Хулоса: тош силлиқ ва ғадир-будур бўлиши мумкин.

4-тажриба. Тошларни лупа орқали кузатиш.

Тошларнинг юзасини яхшироқ кўриш учун лупадан фойдаланамиз. *(Болалар ўзларининг тошларини кузатадилар).*

Тарбиячи: Болалар, нималарни кўрдингиз? *(нақш, йўлакчалар, чуқурчалар....)*

5-тажриба. Оғирликни аниқлаш.

Болалар қўлларида тошларни ушлаб, энг оғир ва энг енгил тошларни аниқлайдилар.

Энди “тарози”да ўлчаб кўрамиз. Тарози нима учун керак бизга? . Оғирликни билиш учун. Хулоса: тошлар турли хилоғирликда: енгил, оғир бўлади.

6-тажриба. Ҳароратни аниқлаш

Энди биз жуда қизиқ, жуда мураккаб тажрибани ўтказамиз. Болалар, кафтингизни аввал столга ва тезда чаккангизга қўйинг. Стол қанақа?, Чаккангизчи? Бизнинг теримиз ҳароратни тезда аниқлаши мумкин. Тошларингиз орасидан энг иссиқ ва энг совуқ тошларни топишингиз керак.

Болалар, бунинг учуннима қиласиз? (Болалар ҳароратни аниқлаш йўллариини таклиф қилишади, улар тажрибани бошдан кечирадидилар.) Устоз болаларга иссиқ ва совуқ тошни кўрсатишни ва совуқ тошни иситишни таклиф қилади.) Нафас олиш гимнастикаси. Болалар барча тошларни олиб, қўлларининг кафтига қўядилар, бурунларидан нафас оладилар, оғзиданлаблар чўччайган ҳолда нафас чиқарадилар .(3 марта).

Хулоса: тошлар иссиқ ва совуқ бўлиши мумкин.

Тарбиячи: болалар, тошни сувга солса , нима бўлади?"деб сўрайди. (Болалар варианты.) Нима учун шундай деб ўйлайсиз? (Болаларнинг аргументлари.) Ва ҳақиқатни билиш учун нима қилиш керак- ҳақиқат? (Болалар таклифлари).

7- тажриба. Сузувчанлик.

Болалар сувли идишни олиб, унга бир тошни эҳтиёткорлик билан жойлаштирадидилар. Тошнинг ҳолатини кузатадилар. Тош атрофида сувда айланалар ҳосил бўлади.

Қўшимча : Тажриба натижаларини баҳам кўринг. Тарбиячи қўшимча ҳодисаларга эътиборни қаратади - сувлар атрофида айланиб юрган, тошнинг ранги ўзгарган, янада ёрқинроқ бўлди.

Хулоса: тошлар сувда чўкиб кетади, чунки улар оғир ва зич.

Қўшимча: болаларга ўз гуруҳларида тошлар тўпламини яратишни таклиф қилиш.

Эътиборга молик жиҳати: ҳаёт ва илмни боғлаш қобилияти; диққат, фикрлаш ва нутқни ривожланиши;

Қуриш, конструкциялаш ва математика маркази

"Маҳалла кўчалари"

Мақсад: болалар бошлаётган ишларини режа асосида бажаришни ўрганадилар. Ғоялар яратишга ҳаракат қиладилар. Мантикий фикрлаш ва эътиборни, тасаввурни, қўлларнинг моторик қобилияти ривожлантирилади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: кубиклар, замонавий шаҳар ва биноларни тасвирлайдиган расм, замонавий шаҳарнинг йўлларини тасвирлайдиган расм, геометрик шакллар, автоуловлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. "Йўллар қурилиши" мавзусидаги расмларни кўриб чиқиш.
2. Кўчаларни қуриш режа сини тузиш.
3. Йўлларнинг қуриш (болалар иши).
4. Тайёр бўлган ишларини муҳокама қилиш.

Қўшимча : тарбиячи болалар ўзларининг композицияларини кичик ўйинчоқлар (реклама плакатлар, автомобиллар, дарахтлар ва бошқалар) билан тўлдиришлари мумкинлигини айтади.

Эътиборга молик жиҳати: маҳалла кўчалари тўғрисида фикрга эгаликлари, ҳаёт ҳавфсизлиги асослари.

Сюжетли–ролли ўйинлар ва сахналаштириш маркази

"Сартарошхона"

Мақсад: болалар сартарош уста билан танишадилар, муомала маданияти ривожланади. Диалогик нутқда сўз бирикмаларидан фойдаланадилар. Луғатларига сартарош ҳунарига оид янги сўзлар кириб келади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: сартарош учун кийим, мижоз учун фартук, сартарошхона асбоблари, тароқсимон, одеколон, лак ва бошқалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. "Сартарош" ўйинини режалаштириш.
2. Ролларни тақсимлаш.
3. Ўйин жараёнининг бориши.
4. Бир-бирларининг ва кўғирчоқларнинг сочларини турмаклаш.

Қўшимча : соч қистиргичлар, эластик бантлар, тўғноғичлар, стул.

Эътиборга молик жиҳати: аксессуарлардан тўғри фойдаланиш ҳамда ҳаёт ҳавфсизлиги асослари.

СЕНТЯБРЬ. УЧИНЧИ ҲАФТА МЕН ВА МЕНИНГ ОИЛАМ

Куриш, конструкциялаш ва математика маркази

Оила учун уй

Мақсад: болалар уйларнинг турли қурилмаларини кузатиш ва уларни умумий ҳолати ҳақидаги фикрларни бера оладилар, қурилиш материалларидан, леґо ва кубиклардан уй қуриш малакасини эгаллайдилар, турли ҳажмдаги шаклларни ранги, тузилишига қараб ажрата оладилар, ҳамда улардан қурилишда фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Ранг, шакллар, санок ва тартиб сонларни фарқлай оладилар. "Қанча?", "Тартиби бўйича қайси?" каби саволларга жавоб беришга қийналмайдилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: кубиклар, геометрик шакллар, леґо тўплами, қурилиш материаллари, ҳовли учун тўсиқлар.

Фаолиятнинг бориши

1. "Бизнинг оиламиз " мавзусидаги расмларни АКТ ёрдамида кўриб чиқиш.
2. Уй қуришни режалаштириш.
3. Шинам уйни лойиҳалаш.
4. Бажарилган ишлар муҳокамаси ва рағбатлантириш.

Қўшимча: тарбиячи болаларга ўзишларини кичик (майда) ўйинчоқлар (машина, пардалар, мебель, дарахтлар, ўсимликлар ва бошқалар) билан тўлдириш, бадий сўзлардан фойдаланиб суҳбатлашиш ва мулоқотни давом эттириш таклифини беради.

Эътиборга молик жиҳати: қурилиш материаллари билан ишлашни билиш. Керакли ечимни топиб дўстларини унга ишонтира олиш.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш маркази

"Ателье"

Мақсад: болалар тикувчи касби билан танишишда давом этадилар, ателье – сўзининг маъносини тушунадилар, мулоқот маданияти ва эстетик кўникмалари шаклланади, тикув машинаси ва унинг ишлаши ҳақидаги тушунчалари мустаҳкамланади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: болалар тикув машинаси, материаллар, сантиметр, кийимлар каталоги, моделлар (намуналар) расмлари, ишлар, тугмалар, қайчилар, тасмалар, безаклар, аксессуарлар (айрим қисмлар).

Фаолиятнинг бориши

1. Мавзуга оид расмлар ва материалларни кўриб чиқиш.

2. Ўйинни режалаштириш.
3. Ўз танлови бўйича кийим андозасини олиш.
4. Тайёрланган иш тақдимоти.

Қўшимча: тарбиячи модалар кўргазмаси намойишини ташкил этишни таклиф этиши мумкин.

Эътиборга молик жиҳати:

1. Болаларнинг материаллардан мақсадли фойдаланишлари.
2. Эстетик ва этик кўникмаларни шакллантириш.

Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш маркази

"Менинг оилам - менинг кўрғоним" Сухбат

Мақсад: болаларда оғзаки нутқ ривожланади, ўз оилалари ҳақидаги маълумотларни ифодалаб бера оладилар. Сухбат давомида фаол бўлишга интиладилар. Луғат бойликларига "кўрғон" сўзини кириб келади. Ушбу сўз маъносини тарбиячи ёрдамида тушунадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: Олдиндан ота-оналардан илтимос қилинган ва келтирилган оилавий фото альбомлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. "Менинг оилам" бармоқли гимнастикани бажариш.
2. Оилавий альбомдаги фотосуратларни кўриб чиқиш.
3. Болаларнинг "Менинг оилам - менинг кўрғоним" иборасини изоҳлашлари.

Қўшимча : "Оила" таълимий ўйинини таклиф этиш.

Эътиборга молик жиҳати: оилага ва оилавий кадриятларга муҳаббатнинг шаклланганлиги. Ўз-ўзини, яқинлари ва бошқаларни ҳурмат қилиш.

Фан ва табиат маркази

"Ажойиб магнитлар"

Мақсад: болалар тажрибалар асосида магнит тушунчаси ва магнит хусусиятларини билиб оладилар, магнит билан амалий тажрибалар ўтказишда иштирок этадилар ва магнит ҳақидаги тушунчалари кенгайди.

Керакли жиҳоз ва материаллар: турли хил магнитлар, магнитли доска ва фанер стол, турли материаллардан ясалган буюмлар.

Фаолиятнинг бориши

1. Магнит ҳақида билган маълумотлар билан ўртоқлашиш.
2. "Қувноқ шариклар" мультфильмининг "Тортишиш кучи" сериясини кўриш.

3. Фаолиятни иш зонасида режалаштириш.

4. Магнит билан амалий тажриба (магнитни бир-бирига бирлаштириш, доскада ёки столнинг устида уларни юргазиш).

5. Магнит хусусиятлари ҳақида болалар хулосаларини тинглаш.

Қўшимча: тарбиячи болаларга магнитли доскада сўзлар тузиш ёки турли магнит предметларидан фойдаланиб ребус тузишни таклиф этиши мумкин.

Эътиборга молик жиҳати: мавжуд билимларини ўртоқлашиш ва ҳаёт хавфсизлигига риоя қилиш.

Санъат маркази

Расм ва аппликация. "Мен ва менинг оилам".

Мақсад: болалар оилалари ҳақидаги маълумотларни умумлаштириш ва оила аъзоларини тасвирлаб бериш малакасига эга бўладилар. Бажарилаётган ишда расм чизиш ва аппликация каби иккита ижод турини уйғунлаштиришга ҳаракат қиладилар. Иш жараёнида татибли бўлишга ўрганадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: оилавий фотосуратлар тўплами, АКТ воситалари, қоғоз, буёқлар, қайчи, елим, қаламлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. "Мен ва менинг оилам" мавзусидаги расмларни кўриб чиқиш.

2. Ўз оилавий анъаналари ҳақида гапириб бериш.

3. Ишлаш технологиясини танлаш (аппликация билан расм чизиш).

4. Болалар ишлари ва уларни рағбатлантириш.

Қўшимча: болалар ишлари кўргазмасини ташкил этиш.

Эътиборга молик жиҳати: озода ишлай олиш малакалари ва ҳаёт хавфсизлигига риоя қилиш.

Қуриш, конструкциялаш ва математика маркази

Театр курализ

Мақсад: боалалар турли қурилиш материалларидан театр сахнасини қуришга ҳаракат қиладилар, оддий шаклларни айтиш ва улардан қурилишда нима мақсадда фойдаланишни биладилар. Сон-санокни, ўлчам, ранг ва шаклларни керакли жойда ишлатишни ўрганадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: кубиклар, геометрик шакллар, қурилиш блоклари, томошабинлар учун ўриндиқлар, экран, театр ва кинотеатрларни акс эттирувчи расмлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. "Ўзбекистон театрлари" видео материаллари ва "Театр", "Кинотеатр" расмларини томоша қилиш.
2. Биргаликда кинотеатр қурилишини режалаштириш
3. Кинотеатр лойиҳасини тайёрлаш.
4. Болалар ишларини муҳокама қилиш.

Қўшимча: тарбиячи монитор, стулчалар, қўғирчоқлар, томошабинлардан фойдаланиб, бадиий сўзларни ишлатган ҳолда томошалар ташкил қилиши мумкин.

Эътибор бериш лозим: болаларнинг жамоани тинглай олиш ва ўз фикрларини бера олиш қобилиятлари.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш маркази**"Зумрад ва Қиммат" эртагини сахналаштириш**

Мақсад: болалар эртак мазмунини биладилар, қаҳрамонларнинг ижобий ва салбий томонларини тавсифлаш, актёрлик маҳоратини намоён қилишга ўрганадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: эртак қаҳрамонларининг костюмлари, эртакка оид жиҳозлар.

Фаолиятнинг бориши

1. Болалар билан биргаликда эртак мазмунини ёдга олиш.
2. Ролларни тақсимлаш ва мос атрибутларни танлаш.
3. Эртак сюжетини ижро этиш.

Қўшимча: тарбиячи ролларни алмашиш таклифини бериши мумкин.

Эътиборга молик жиҳати: бир-бирини эшита олиши, жамоада дўстона фаолият олиб бориш, ўйнаш, ижодий фаолликни намоён қилиш.

Фан ва табиат маркази***Қумда магнит***

Мақсад: болалар магнит тушунчасини билиш асосида магнит хусусиятлари ва магнит билан боғлиқ бўлган физика қонуни ҳақида элементар тушунчаларга эга бўладилар. Магнит билан боғлиқ амалий тажрибаларни ўтказишда иштирок этадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: турли шаклдаги магнит, курук қум тўлдирилган контейнерлар, расм намуналари.

Фаолиятнинг бориши

1. Магнит билан турли амалий тажрибалар кўрсатиш.

2. "Қумли манзаралар" видеосини кўриш.

3. Қумли стол устида магнитлар ёрдамида расм чизиш (қумга столнинг тагидан магнит билан бошқариш мумкин бўлган предмет қўйилади).

4. бир-бирларига бажарган ишларини кўрсатиш ва муҳокама.

Қўшимча: тарбиячи болаларга ўз ижод намуналарини турли қўшимча предметлар билан безатишлари мумкинлигини таклиф этиши мумкин.

Эътиборга молик жиҳати: техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш. Ҳаёт, санъат ва фанни бир-бири билан боғлаш.

Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш маркази

Оилавий шажара дарахти

Мақсад: болаларда мантикий фикрлаш, фаол нутқ ривожланади, оиласидан фахрланиш туйғусини шаклланади . Ота-онаси, яқинлари ҳақидаги маълумотларни биладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: дарахт тасвирланган расм, оила аъзолари фотосуралари (ҳар бир бола)

Фаолиятнинг бориши:

1. Болалар ўзларининг оила аъзолари фотосуратлари солинган конвертни оладилар.

2. Энг катта авлод вакилидан бошлаб, исмларини айтиб, дарахт илдизига жойлаштирадилар.

3. Расмларни танлашни ҳамда жойлаштиришни давом эттирадилар ва иш жараёнида тушунтириб, таърифлаб берадилар (масалан, бу менинг бобом, унинг исми Иброҳимов Тоҳир).

Қўшимча : болалар оила ҳақидаги мақолларни эслайдилар.

Эътиборга молик жиҳати: ўз оиласининг барча аъзоларини билиш, гапни тўғри туза олиш.

СЕНТЯБРЬ. ТўРТИНЧИ ҲАФТА МЕН ВА МЕНИНГ ДЎСТЛАРИМ

Қуриш, конструкциялаш ва математика маркази

Домино "Сехрли рақамлар"

Мақсад: болалар 10 гача бўлган сонларни тўғри ва тескари санашни биладилар. Ҳисоб бўйича олдинги ва кейинги рақамларни айтган ҳолда сонлар тартибини туза оладилар, доминолардан турли шаклларни яратишни биладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: ёғоч соққалар, рақамли, шаклли домино, тушириб қолдирилган жойи мавжуд бўлган бир қанча рақамлар тасвирланган карточкалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. 1 дан 10 гача бўлган рақамли доминони танлаш ва уларни тартиб билан териб чиқиш.
2. Мавжуд бўлмаган рақамни топиб, қўйиш лозим бўлган берилган карточкани олиш.
3. Доминодан рақамларни яшаш.

Қўшимча: Тарбиячи домино тошлари билан қўшимча ўйинларни таклиф қилиши мумкин, содда (бир амалли) масалалар ечиш. 20 ичида санаш.

Эътиборга молик жиҳати: фикрлаш ва кўл моторикаси ва математик қобилиятларни ривожланиши ва ҳаёт хавфсизлиги асослари.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш маркази

Дўстлар билан театрда

Мақсад: болалар ўзларини театрда қандай тутиш кераклигини биладилар, актёрлик касби, актёрлар фаолияти ҳақида тушунчага эга бўладилар. Мулоқот маданиятини шакллантириш каби малакаларни эгаллайдилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: никоблар, либослар, атрибутлар, чипталар, мавзуга оид расмлар, ширма ва фотолар.

Фаолиятнинг бориши:

1. АКТ орқали қўғирчоқ театрдан лавҳа томоша қилиш.
2. Театр ҳақида болаларнинг фикрлари.
3. Болаларнинг истак-хоҳиши бўйича ролларни тақсимлаш.
4. Сюжетни бойитиш.

Қўшимча: тарбиячи болаларга кўрган спектаклларида парча ўйнаб беришларини таклиф этиши мумкин.

Эътиборга молик жиҳати: жамоада ишлашни билиш. Болаларнинг актёрлик қобилиятлари ҳамда ҳаёт хавфсизлиги асослари.

Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш маркази

Дўсти ҳақида ҳикоя

Мақсад: болалар шахсий тажрибасидан келиб чиқиб ҳикоя тузишни биладилар. Ҳикоя мазмуни асосида ўз фикрларини бера оладилар. Ҳикоя қилиб бериш жараёнида ўз нутқларига эътиборли бўлишни ўрганадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: дўсти фотосурати (машғулотдан олдин болалардан ўз дўсти ёки дугонасининг фотосуратини олиб келишни ёки портрет чизишлари сўралади)

Фаолиятнинг бориши:

1. Дўстлик ҳақидаги мақолларни ёдга олиш.
2. Дўсти фотосуратини бири-бирларига кўрсатиш ва дўсти ҳақида кичик ҳикоя тузиш.

Қўшимча : дўстлик ҳақидаги кўшиқни биргаликда куйлаш.

Эътиборга молик жиҳати: ҳикоя қилиш жараёнида боланинг нутқи ва суҳбат давомида дўстини тинглашни билиш.

Фан ва табиат маркази

Гуруҳ тарбияланувчиларнинг ота-оналарини қизиқарли тажрибалар ўтказиши учун таклиф қилиш.

Мақсад: болаларда аниқ фанларга қизиқиш шаклланиб боради. Ота-оналар билан ҳамкорликда тажрибалар ўтказиш орқали уларда ўзларига ишонч тарбияланади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: (жиҳозлар таклиф этилган тажрибани ҳисобга олган ҳолда танланади)

Фаолиятнинг бориши:

1. Болалар кимнинг ота-оналари келганлигини билишади ва улар билан танишишади .
2. Ота-оналар болаларни тажриба учун танланган асбоб-ускуналар билан таништирадилар ва олиб борилиши лозим бўлган ишлар ҳақида гапириб берадилар.
3. Тажрибалар ўтказиш.
4. Болалар мустақил хулоса чиқарадилар.

Қўшимча: тарбиячи жуфтликда ёки оилавий бажариладиган турли тажрибаларни таклиф этиши мумкин.

Эътиборга молик жиҳати: ҳаёт ва фанни бир-бирига боғлаш.

2.Фикрлаш ва нутқни ривожлантириш.

3.Ҳаёт хавфсизлиги асослари.

Санъат

"Дўст портрети" ноанъанавий технология асосида чизамиз

Мақсад: болаларда дўсти портретини чизишда, унинг ташқи кўринишга аҳамият бериш, расмга эмоционал кайфият бериш, чизишнинг ноанъанавий усулларини ўзлаштириш каби малакалар шакллантирилади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: ҳар хил форматдаги оқ ва ишлов берилган қоғоз, гуашлар, мўйқаламлар, пахта дисклари, губкалар ва босқичларни кўрсатиш учун таянч расмлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Расм чизиш кетма-кетлигини режалаштириш.
2. Болаларнинг ижодий ишлари.
3. Болаларнинг тайёр расмларини муҳокама қилиш ва рағбатлантириш.

Қўшимча : тарбиячи портретни безатишни ва оғзаки ҳикоя тузиш таклифини бериши мумкин.

Эътиборга молик жиҳати: Тасаввур ва майда моторикани ривожлантирилиши.

Қуриш, конструкциялаш ва математика маркази**Суюкли дўстим учун уйча (мушук, кучукча...)**

Мақсад: болалар қурилиш материалларидан уйча қуриш малакасига эга бўладилар, геометрик шаклларни фарқлай оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: кубиклар, геометрик шакллар, қурилиш блоклари, расм намуналари.

Фаолиятнинг бориши:

1. Уй ҳайвонлари уйчалари акс этган расмларни кўриб чиқиш ва уларнинг бўлақларини таҳлил қилиш.
2. Уйчалар қисмларининг ўхшашликларини таққослаш ва уларни тўғри кетма-кетликда жойлаштириш.
3. Болалар ишлари
4. Бажарилган иш муҳокамаси ва рағбатлантириш.

Қўшимча : болалар уйчаларни майда қурилиш материалларидан қуришади.

Эътиборга молик жиҳати: болаларни жамоада ишлашга бўлган ҳошишлари ва ҳаёт хавфсизлиги асослари.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш маркази**"Икки дўст"эртагини сахналаштириш**

Мақсад: "дўст" тушунчасига эга бўладилар, ҳаётда тенгдошлари ўртасидаги дўстона муносабатлардан мисоллар келтира оладилар. Дўстлик ҳақидаги ҳикояларнинг номларини айта оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: ниқоблар, чипталар, копток.

Фаолиятнинг бориши:

1. Мавзуга оид расмларни кўриб чиқиш.
2. Эртасюжетларини эслаш.
3. Ролларни тақсимлаш ва "Икки дўст" эртагини сахналаштириш.

Қўшимча : боғланишли нутқнинг тўғри ифодаланишига эътибор қаратиш.

Эътиборга молик жиҳати: актёрлик маҳорати, сўзлардан тўғри фойдаланиш малакаси.

Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш маркази

Дўстим исмини босма ҳарфларда ёзаман

Мақсад: дўстлик ва ўз дўстлари ҳақида гапириб берадилар, ўз исmlарининг маъносини биладилар. Ёзиш малакалари ривожланади, майда қўл моторикалари ривожланади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: рангли санок таёкчалар, ҳар бир бола учун кесма алифбо.

Фаолиятнинг бориши:

1. "Дўстлар билан учрашув" бармоқ гимнастикаси.
2. Дўстлар исmlари ёзилган табличкаларни кўриш.
3. Дўстлар исmlарини босма ҳарфларда ёзиш.
4. Алоҳида табличкада ўз исmlарини босма ҳарфларда ёзиш.

Қўшимча : ўз исми маъноси ҳақида гапириб бериш.

Эътиборга молик жиҳати: қўлнинг майда моторикасини ривожлантириш. Ҳаёт хавфсизлиги асослари.

Санъат маркази

Ихтиёрий лой иши: “Дўстимга совға”

Мақсад: болалар дўсти учун ўйинчоқ ёки ҳайкалча ясадилар. Ўз дўстларининг қизиқишларини биладилар ва у ёқтирган совғани тайёрлашга ҳаракат қиладилар. Совғани тайёрлашда унинг тоза ва чиройлилигига ҳам эътибор қаратадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: тузли ҳамир ва пластилин. Гуаш ранглари билан ишлаш учун жиҳозлар, бўёқ, мўйқалам.

Фаолиятнинг бориши:

1. Болалар ким учун совға тайёрлаётганликлари ҳақида айтиш.
2. Қандай совға яшашни режалаштириш.
3. Материални ранги бўйича танлаш ва иш ўрнини тайёрлаш.
4. Иш жараёни ва натижани баҳолаш.

Қўшимча : совғани безатиш, дўсти исми ёзилган таглик

Эътиборга молик жиҳати: техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилган ҳолда ишлаш.

Тасавури ва майда моторикани ривожланиши.

Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш маркази

Дўстлик ҳақидаги "Икки дўст" фильмини томоша қилиш.

Мақсад: болаларда диққат, хотирани ривожлантириш, "дўст", "дўстлик" тушунчаларини мустаҳкамлаш. Дўстга ёрдам бериш, уни ҳимоя қилиш, у билан аҳил бўлиш кераклиги ҳақида қисқача ҳикоялар туза оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: видео материаллар, АКТ, гуруҳ болаларининг фотосурати, сифатга оид карточкалар (қандай дўст, қандай дугона)

Фаолиятнинг бориши:

1. Дўстлик ҳақида фильм томоша қилиш.

2. Болалар томоша қилинган видео материални муҳокама қиладилар.

3. Дўстларининг фотосуратлари ҳақида сўзлаб берадилар. (масалан, Зухрада - чиройли кўйлак; Сардор – қувноқ, ҳазилкаш ва ҳ.к.)

Қўшимча: тарбиячи ҳар бир болага ўз дўстининг портретини тасавури асосида чизишни таклиф қилиши мумкин.

Эътиборга молик жиҳати: кўрган нарсалари ҳақида мулоқотга киришиш, дўстларнинг хулқ-атворини таҳлил қилиш, нутқни ривожлантириш.

ОКТЯБРЬ
ОЙЛИК МАВЗУ : “РАНГ-БАРАНГ КУЗ”

Гуруҳ		Тайёрлов					
Мавзу		Мавсумий ўзгаришлар, учиб кетувчи қушлар					
Муддати		Октябрь ойининг 1-ҳафтаси					
Ривожланиш соҳаларига оид мақсадлар	Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши	Тўсиқлардан ҳатлаб ўтиб, йўналиш ва мувозанатни сақлаган ҳолда енгил югуришга ўргатиш. Арғамчи ёки нарвончага тирмашиб чиқишни машқ қилиш. Арқон ва ленталарда турли боғламларни ҳосил қилиш. Табиат бурчагида ўсимлик ва ҳайвонларни парвариш қилишга ўргатиш					
	Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш	Қанотли дўстларимизга нисбатан меҳр ва эҳтиёткорона муносабатни тарбиялаш, қизиқувчанликни ошириш ва ҳамдардликни ривожлантириш.					
	Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари	Қушлар, уларнинг куз фаслидаги ҳаёти ҳақида билимларни мустаҳкамлаш, ташқи кўринишидаги ўзига хослик ва хулқ-атвори тўғрисидаги тасаввурларни бойитиш.					
	Билишжараёнининг ривожланиши	Болалардаги қушлар, табиат ва қушларни парваришлаш тўғрисидаги билимларини шакллантириш. Сули ёрмаси ва уни ундириш билан танишиш.					
	Ижодий ривожланиш	Биргаликдаги фаолиятга ижобий муносабатни, ритмни ҳис этишни, қушлар овозини тинглаш ва турли образларга кира олиш малакасини шакллантириш.					
Ривожланиш марказлари		Таълимий-тарбиявий фаолият					
		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Ресурслар
Эркин фаолият	Қуриш, конструкциялаш ва математика	Баланд –паст тоғлар		Санок чўплари ёрдамида турли расмлар яратиш ва фойдаланилган чўпларнинг сони, рангини аниқлаш		Қурилиш блоклари, лево конструктор, кубиклар, санок чўплари	
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналантириш	“Тулки ва турна” эртагини сахналантириш		“Ўн икки ой” эртагидан сахна кўриниши		Ниқоблар, белгилар, жиҳозлар	
	Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш	“Ўн икки ой” эртагини аудио тинглаш		Мен яхши кўрган фасл. Ижодий ҳикоя тузиш	Йил фасллари		Сюжетли расмлар, материаллар, предметли расмлар, АКТ
	Фан ва табиат	“Қушлар иссиқ ўлкаларга учиб кетмоқда” слайдлар орқали уларнинг ҳаёти билан танишиш		Ёмғир қаердан пайдо бўлади?	Табиат инжиқликлари (слайдлар орқали)		Расмлар, альбом, АКТ
	Санъат	Расм: Қафасдаги қуш		Апликация: Оригами усулида ясалган қушлар композицияси		Қоғоз, рангли қоғоз, бўёқлар, елимтабий материаллар	
	Умумий гуруҳбўлиб ишлаш						

ОЙЛИК МАВЗУ: “РАНГ-БАРАНГ КУЗ”

Гуруҳ		Тайёрлов гуруҳи					
Мавзу		Серҳосил куз					
Муддати		Октябрь ойининг 2-ҳафтаси					
Ривожланиш соҳаларига оид мақсадлар	Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши	Жисмоний машқларни мустақил бажаришга ўргатиш. Чамбаракни қўллари билан айлантиришни ўргатиш. Турли анализаторлар (ёпик кўзлар, пайпаслаш, таъмига қараб) ёрдамида предметларни текширишга ўргатиш					
	Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш;	Катталар меҳнатига нисбатан тўғри муносабатни шакллантириш, шахсий сифатларни ривожлантириш, ўзининг ва ўзгаларнинг меҳнатини кадрлаш туйғусини шакллантиришда давом эттириш. Инсонларни ҳурмат қилиш ва табиатни асрашни ўргатиш					
	Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари	Луғатни бойитиш, товушларни тўғри ва аниқ талаффуз қилишга ўргатиш, ўз фикрларини тўғри ва чиройли ифодалашни ўргатиш					
	Билиш жараёнининг ривожланиши	Буюмларнинг ранги ва шаклига кўра солиштириш, мева ва уруғларнинг шакли ва ҳажмига кўра фарқлашни билиш					
	Ижодий ривожланиш	Биргаликдаги фаолиятга нисбатан тўғри муносабатни шакллантириш, ритмни ҳис қилиш, мусиқа ва ҳаракатларда ритмик ифодалиликни ҳис қилиш қобилятини орттириш.					
Ривожланиш марказлари		Таълимий-тарбиявий фаолият					
		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Ресурслар
Эркин фаолият	Қуриш, конструкциялаш ва математика	Ҳосил ташиш учун юк машинаси		Дала қўриқчиси		Лего, конструктор	
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш	“Илдизими-поясими?” рус халқ эртаги			Сабзавот ва мевалар дўқони	Никоблар, кийимлар, атрибутлар, шарбатлар	
	Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш	“Олтин тарвуз” эртагини қайта ҳикоя қилиш		Табиат, сабзавот ва мевалар тўғрисида шеърхонлик кечаси	Сабзавот, мевалар, поллиз экинлари ҳақида топишмоқ ва тез айтишлар	Сюжетли расмлар, материаллар	
	Фан ва табиат	Иссиқхона. Бодринг ва помидор уруғларини экамиз			Табиий бўёқлар тайёрлаш	Лой, кум, тош, сув ва маҳсус идишлар, шарлар	
	Санъат	Лой. Тузли хамирдан катта саватчалар тайёрлаш	Саватчаларни нақшлар билан безаймиз	Ҳосилни йиғиб оламиз		Қоғоз А-4, рангли қоғоз бўёқлар, табиий материаллар муляжлар	

Ойлик мавзу: “РАНГ-БАРАНГ КУЗ”

Гуруҳ		Тайёрлов					
Мавзу		Нон-энг азиз неъмат					
Муддати		Октябрь ойининг 3-ҳафтаси					
Ривожланиш соҳаларига оид мақсадлар	Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши	Арқонда турли усулларда сакрашга ўрганиш малакаларини мустаҳкамлаш. Кўчада ва транспортда ўзини тутиш қоидаларига риоя қилиш ҳақидаги тушунчаларини мустаҳкамлаш.					
	Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш;	Инсон меҳнатига нисбатан ҳурматни, нон ва нон маҳсулотларига эҳтиёткорона муносабатни қадрлашни ўргатишда давом этиш. Бу кўплаб инсонларнинг меҳнати маҳсули эканлиги ҳақидаги тушунчаларини кенгайтириш. Ўз кайфияти ҳақида маълумот беришга ўргатиш.					
	Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари	Боғланишли нутқдан фойдаланиб, ўз фикрларини аниқ ва тушунарли баён этишни ўрганишда давом этиш, табиатга меҳр ва миллий анъаналарни тушуниш ҳиссини шакллантириш.					
	Билиш жараёнининг ривожланиши	Инсон ҳаётида ноннинг ўрни ҳақидаги билимларни мустаҳкамлаш. Нон ва нон маҳсулотлари юртимизда асосий маҳсулотлардан эканлигини тушуниб етиш.					
	Ижодий ривожланиш	Муסיкий асарнинг характери ва кайфиятини тушуниш малакасини шакллантириш.					
Ривожланиш марказлари		Таълимий-тарбиявий фаолият					
		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Ресурслар
Эркин фаолият	Қуриш, конструкциялаш ва математика	Комбайн		Нон растаси			Қурилиш блоклари, леҒо, конструктор, геометрик шакллар
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш	“Нонни босган қиз” эртагини сахналаштириш		“Нон дўкони”, “Кичик нонвой”			Ниқоблар, кийимлар, атрибутлар
	Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш	Нон ҳақида мақоллар		Бошоқдан нонгача (АКТ)	Ғаллакорлар меҳнати ҳақида суҳбат		Сюжетли расмлар ва материаллар, АКТ
	Ған ва табиат	Нонвойхонага сайёҳат		Электр печида пишган ширмой нонлар	Ширин қулчалар. Ошпаз маҳорат мактаби		Ғамир, тахта, жова, ун, патнис
	Санъат	Тузли Ғамирдан: Нон турлари			Расм: Бўғдой даласи		Рангли қоғоз, рангли бўёқлар, елим, қайчи, маҳсус Ғамир
	Умумий гуруҳбўлиб ишлаш						

ОЙЛИК МАВЗУ: “РАНГ-БАРАНГ КУЗ”

Гуруҳ	Тайёрлов						
Мавзу	Ўзбекистоннинг оқ олтини						
Муддати	Октябрь ойининг 4-ҳафтаси						
Ривожланиш соҳаларига оид мақсадлар	Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши	Юзаликда (асфальтда) турли чизиқлар чизиш малакасини ривожлантириш. Майда қисмлардан иборат бўлган мозаика ва пазлларни йиғишни машқ қилишда давом этиш. Икки ғилдиракли велосипедда учиш малакаларини ривожлантириш.					
	Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш;	Жонажон ўлкани эъозлаш, унинг бойликларидан ғурурланиш туйғусини шакллантириш. Ташаббускорлик кўрсатиш, ғоялар таклиф этиш, ўз истакларини аниқ ифодалаш малакаларини ривожлантириш.					
	Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари	Луғат бойлигини янги сўзлар ҳисобига бойитиш. Пахта ва унинг турли соҳаларда ишлатилиши ҳақида билимларни кенгайтириш. Расм асосида тарифий ҳикоя тузиш малакасини ривожлантириш.					
	Билиш жараёнининг ривожланиши	Иқтисодий тарбия орқали атроф олам ҳақидаги тасавурларини шакллантириш. Сонларнинг тартиби ҳақидаги тушунчаларни ҳосил қилиш					
	Ижодий ривожланиш	Ижодий тафаккурни орттириш, тасвирий фаолият орқали тасавурларни кенгайтириш. Шеърини ва насрий бадиий асарларга ҳиссий муносабат билдиришни тарбиялаш					
Ривожланиш марказлари	Таълимий-тарбиявий фаолият						
		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Ресурслар
Эркин фаолият	Қуриш, конструкциялаш ва математика	Трактор			Пахтазорда қурилган шийпон		Қурилиш блоклари, леґо
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш	“Модалар ательеси” (қоғоз кўғирчоқлар учун ипли матодан кўйлак тайёрлаш)			“Матолар дўқонида”		Матолар, иплар, тасмалар
	Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш	Пахтакорлар меҳнати. АКТ орқали суҳбат	Пахтадан олинадиган маҳсулотлар карточкалардаги тасвирга қараб гап тузиш		Пахта ҳақидаги шърлар		Сюжетли расмлар ва материаллар
	Фан ва табиат	Пахта билан тажрибалар ўтказиш (сув шимади, энгил, толаси узун, чигитидан ёғ чиқади каби)				Расм машғулотини учун пахтали чўплар тайёрлаш	Атрибутлар, идишлар, сув
	Санъат	Апликация: Пахта чаноғи билан			Расм: Пахта даласи		А-4 қоғози, дўстлар расмлари, рангли қоғоз, ёрма
	Умумий гуруҳбўлиб ишлаш						

ОКТАБРЬ. БИРИНЧИ ҲАФТА МАВСУМИЙ ЎЗГАРИШЛАР, УЧИБ КЕТУВЧИ ҚУШЛАР

Қуриш, конструкциялаш ва математика маркази

Баланд- паст тоғлар

Мақсад: легонинг қисмларидан ҳар хил катталиқда, кетма-кетликда бир бутун ҳосил қилиш орқали яшаш, баланд-паст тоғларни яшашни билладилар. Ўз ишларини таққослай оладилар, конструктив ечимларни топишга ўрганадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: геометрик шакллар, лево, “Тоғлар” мавзули- манзарали расмлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. “Тоғлар” номли расмларни кўриш, расм асосида суҳбат.
2. Ишни режалаштириш.
3. Моделлаштириш, қуриш.
4. Тайёр ишларни муҳокама қилиш.

Қўшимча: ўз композициясини майда деталлар билан тўлдириб сюжет ҳосил қилишни таклиф этиш.

Эътиборга молик жиҳати: болаларнинг ўз ишидан мамнунлиги, қурилмани мустаҳкамлиги.

Сюжетли–ролли ўйинлар ва сахналаштириш маркази

“Тулки ва турна” рус халқ эртаги

Мақсад: ижодий қобилиятларни ривожлантириш, эртақдаги қаҳрамонлар феъл-атворини, кайфиятини ифодалаб беришни ўрганадилар, ўз-ўзларига бўлган ишонч ошади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: ниқоблар, эртақдан олинган сюжетли расмлар, ликобча, кўзача.

Фаолиятнинг бориши:

1. Расмлар асосида эртақни ёдга олиш.
2. Ролларни тақсимлаш ва режалаштириш.
3. Эртақни сахналаштириш.
4. Таҳлил

Қўшимча: “Тулки ва турна” мультфильмининг томоша қилишни таклиф этиш.

Эътиборга молик жиҳати: болаларни жамоа бўлиб ишлаши, суҳбат (диалог) олиб бориши, қаҳрамонлар феъл-атворини ифодалаб бериши.

Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш маркази

“Ўн икки ой” рус халқ эртагини аудио тинглаш

Мақсад: нутқни ривожланади, эътиборини жамлаш, луғат бойлигини ошириш, сўз бирикмаларидан тўғри фойдаланишни ўрганадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: аудиотасма, эртақдан олинган сюжетли расмлар, рангли қаламлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. “Эртақлар- яхшиликка етаклар” мавзусида суҳбат.
2. “Ўн икки ой” эртагини тинглаш.
3. Эртақ асосида савол-жавоблар.
4. Луғат иши.
5. Эртақ қаҳрамонларининг бирини суратини чизиш.

Қўшимча: ўйин “Бу қайси эртақ қаҳрамони” (Оғзаки тасвирлаш орқали).

Эътиборга молик жиҳати: фикрлаш ва нутқнинг ривожланиши.

Илм-фан ва табиат маркази

“Қушлар учиб кетмоқда”

Мақсад: болалар қушларнинг турлари билан танишадилар, табиатдаги қушларнинг ҳаёт тарзини ўрганиш, қушларга яхши муносабатда бўлишни ўрганадилар, уларга нисбатан меҳр тарбияланади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: АКТ слайдлар, мавзуга оид расмлар, таълимий ўйин карточкалари.

Фаолиятнинг бориши:

1. Расмлар орқали суҳбат.
2. Слайд томоша қилиш.
3. Мавзуга оид савол-жавоблар.
4. Муҳокама ва хулосалар.

Қўшимча: мавзуга мос таълимий ўйин, қушлар ҳақида шеър ёд олиш, қушлар расмини чизиб дўстларига совға қилиш таклифини бериш.

Эътиборга молик жиҳати: болалар ўз ҳиссиётларини ифодалаши, эътибор ва кайфияти.

Санъат маркази

“Қафасдаги қуш” расм чизиш

Мақсад: болаларда мўйқалам ва бўёқлар билан ишлаш малакалари мустаҳкамланади, қоғоз сатҳини мўлжалга олиш, ижодий фикрлашни ўрганадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: қушлар расмлари жамланмаси, қоғоз, бўёқлар, мўйқалам, қафасда қуш.

Фаолиятнинг бориши:

1. Қафасдаги қушни кузатиш.
2. Намунада берилган расмлар бўйича суҳбат.
3. Топшириқнинг кетма-кетлигини режалаштириш.
4. Болалар ижоди.
5. Расмлар кўргазмаси.

Қўшимча: қафасдаги қушни парваришлаш, унга дон беришни таклиф этиш.

Эътиборга молик жиҳати: болалар муносабати, ҳиссиётлари. Гигиена қоидаларига риоя қилиши.

Қуриш, конструкциялаш ва математика маркази

Санок чўплари ёрдамида расмлар яратиш

Мақсад: болалар хотира ва тасавури кенгайди, санаш малакалари ривожланади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: санок чўплари, турли хил расмлар намунаси.

Фаолиятнинг бориши:

1. Расмларни томоша қилиш. Шакллар ҳақида суҳбат.
2. Амалий топшириқларни бажариш.
3. Мавзуга оид савол-жавоблар.
4. Топшириқнинг бажарилишини расмлар билан солиштириш.

Қўшимча: санок чўплари ёрдамида геометрик шакллар ҳосил қилиш таклифини бериш.

Эътиборга молик жиҳати: тасаввурини кенгайтириш ва уни намоён қилиш.

Сюжетли–ролли ўйинлар ва сахналаштириш маркази

“Ўн икки ой” рус халқ эртаги

Мақсад: болалар халқ ижоди билан танишишда давом этадилар, тўғри хулоса чиқаришга ўрганадилар, эртактаги қаҳрамонлар феъл-атворини ифодалаш қобилиятлари ривожланланади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: ниқоблар, кийимлар, сават, сунъий гуллар, арча ва мавзуга оид расмлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Расмлар асосида эртақ мазмунини ёдга олиш.
2. Ролларни тақсимлаш ва режалаштириш.
3. Саҳна кўриниши.
4. Тахлил.

Кўшимча: Болалардан ушбу эртақга ўхшаган яна қандай эртақларни билишлари сўралади.

Эътиборга молик жиҳати: Болалар нутқи ва ижодий қобилиятларини намоён қилиниши.

Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш маркази***Мен яхши кўрган фаслим***

Мақсад: болалар ўз тасаввур ва фикрларини ифодалашни ўрганадилар, нутқлари фаоллашади, гапни грамматик жиҳатдан тўғри тузишни ўрганадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: “Табиат кўринишлари” мавзусида расмлар, таълимий ўйин, расмли карточкалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Фасллар ҳақидаги суратларни томоша қилиш.
2. Ўз севган фаслларини танлаш.
3. Болалар ҳикоялари.
4. Савол-жавоблар.
5. Карточкалар ёрдамида луғат иши.

Кўшимча: “Бу қачон бўлади?” таълимий ўйин, топишмоқлар (йил фасллари).

Эътиборга молик жиҳати: тезкор жавоблар, тўғри талаффуз.

Илм-фан ва табиат маркази***“Ёмғир қаердан пайдо бўлди?”***

Мақсад: болалар тасаввурлари кенгайди, табиатда сув айланиши ҳақидаги тушунчалар мустаҳкамланади, табиатдан завқ олиш каби туйғулар ривожланади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: мавзуга оид расмлар, ёмғир товуши ёзилган аудиотасма, АКТ.

Фаолиятнинг бориши:

1. Аудиотасмадаги табиат ҳодисаларининг овозларини тинглаш.

2. Болаларни ҳиссиётлари ва тасаввурлари ҳақида суҳбат.
3. “Ёмғир қаердан пайдо бўлди?” суҳбат.
4. Савол-жавоблар.

Қўшимча: “Ёмғир” шеърини ёд олиш, расмини чизиш ёки сунъий ёмғир яратиш, “Томчи ҳақида эртак”ни айтиб бериш.

Эътиборга молик жиҳати: кузатувчанлик ҳамжиҳатлилик.

Санъат маркази

Апликация: Қушлар

Мақсад: болаларда майда қўл моторикалари ривожланади, қоғозни буклаш усулидан фойдаланиб шакл бериш малакалари ошади, жамоа билан композиция тузишни ўрганадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: оқ қоғоз, рангли қоғоз, қайчи, елим, салфеткалар, тайёр намуна, “Қушлар учиб кетмоқда” мавзусидаги расмлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Намуна ва расмлар асосида суҳбат.
2. Жиҳозларни тақсимлаш, режалаштириш.
3. Болалар ижоди.
4. Апликация кўргазмаси.

Қўшимча: “Рамка” ясашни таклиф этиш, композицияни рамкага солиш.

Эътиборга молик жиҳати: гигиена ва ҳаёт муҳофазаси қоидаларига риоя қилиш.

Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш маркази

Йил фасллари, табиат кўринишлари (карточкалар билан ишлаш)

Мақсад: болалар боғланишли нутқни фаоллаштиришга, гапларни грамматик жиҳатдан тўғри тузишга, ўз тасаввурлари ва фикрларини ифодалай олишга ўрганадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: “Табиат кўринишлари” мавзусида расмлар, таълимий ўйин, расмли карточкалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Мавзу билан расмлар асосида танишиш.
2. Суҳбат ва луғат иши.
3. Карточкалар билан ишлаш.

4. Мавзу асосида савол-жавоблар.

Қўшимча: “Фаслга мос карточкани топ” таълимий ўйин.

Эътиборга молик жиҳати: таҳлил қилиш ва кичик ҳикоя тузишни билиш.

Илм-фан ва табиат маркази

Табиат инжиқликлари

Мақсад: болаларнинг табиат кўринишлари ҳақидаги тасаввурлари кенгайди, табиатга бўлган меҳрлари ошади, инсон ва табиат ўртасидаги боғлиқликни тушунадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: АКТ слайдлар, мавзуга оид расмлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Табиат ҳодисалари, кўринишлари ҳақида суҳбат.
2. АКТ орқали слайдлар томоша қилиш.
3. Мавзуга оид савол-жавоблар.
4. Карточкалар билан ишлаш.

Қўшимча: “Табиатдаги товушлар” ўйинини таклиф этиш.

Эътиборга молик жиҳати: ўз фикрлари, таассуротларини баён этиш, ҳиссиётларини ифодалаш.

ОКТЯБРЬ. ИККИНЧИ ҲАФТА СЕРҲОСИЛ КУЗ

Қуриш, конструкциялаш ва математика маркази.

Ҳосил йиғувчи юк машина

Мақсад: болалар қурилиш материалларини қиёслайдилар, кетма-кетликда легодан юк машина яшашни ўрганадилар. Математикага оид бўлган сон-санок, катталик, фазовий тушунчалар ҳақидаги билимлар мустаҳкамланади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: қурилиш материаллари, леголлар, машина рули.

Фаолиятнинг бориши:

1. Юк машиналари тасвирланган расмларни томоша қилиш.
2. Юк машинаси учун керакли жиҳозларни танлаш.
3. Топширикни бажариш.

4. Машиналарни яшаш вақтида математик ҳисобларга эътибор қаратиш.

Қўшимча: “Юк машинаси турлари” таълимий ўйин ўйнаш таклифини бериш.

Эътиборга молик жиҳати: юк машинаси қисмларини мустаҳкамлаш.

Сюжетли–ролли ўйинлар ва саҳналаштириш маркази

“Илдизими-поясими” рус халқ эртагини саҳналаштириш

Мақсад: болалар халқ ижодиёти билан танишишда давом этадилар, болаларда актёрлик маҳорати намоён бўлади, эртақдан тўғри хулоса чиқариш малакалари ривожланади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: эртақнинг матни ва расмлари, ниқоблар, кийимлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Расмларни томоша қилиш жараёнида эртақни ёдга олиш.
2. Ролларни тақсимлаш.
3. Эртақни саҳналаштириш.
4. Ижро ҳақида хулоса.

Қўшимча: болалар ихтёрига кўра ролларни алмашишлари мумкин.

Эътиборга молик жиҳати: бир-бирига нисбатан ўзаро ҳурмат, нутқи ва ижодий сифатларнинг ривожланиши.

Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш маркази

“Олтин тарвуз” эртаги мавзусида суҳбат

Мақсад: болаларда нутқ ривожланади, халқ ижоди билан танишадилар, баҳиллик нимага олиб келишини тушунадилар. Одамларга ҳам, жонивор ва ўсимликларга ҳам меҳрибон бўлиш кераклигини тушунадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: эртақ асосида чизилган расмлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Эртақ асосида чизилган расмларни томоша қилиш.
2. Расмларга қараб эртақни ҳикоя қилиш .
3. Болалар эртақни биргаликда кетма –кет давом эттириш.
4. Янги сўзларни такрорлаш.

Қўшимча: “Яхши-ёмон” таълимий ўйинни таклиф қилиш.

Эътиборга молик жиҳати: тенгдошлари фикрини тинглаш ва нутқни ривожланганлиги.

Илм-фан ва табиат маркази

Бодиринг ва помидор уруғларини экиш

Мақсад: болалар бодиринг ва помидор уруғлари ҳақида янги маълумотлар оладилар, уларнинг уруғлари орасидаги фарқни таҳлил қила олишни ўрганадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: ёғоч қути, уруғлар, митти белкуракчалар, сув қуйгич, тупроқ.

Фаолиятнинг бориши:

1. Болалар уруғларни кўздан кечирадилар.
2. Ивитилган уруғ ва қуруқ уруғларни солиштирадилар.
3. Ивитилган ва қуруқ уруғларни экадилар.
4. Қайси тувакда ивитилган уруғ, қайси бир тувакда ивитилмаган уруғ экилганлигини билиш учун белгилар қўйишади.

Қўшимча: тарбиячи бажарилган ишни таҳлил қилиш ва экилган уруғларни парвариш қилиш таклифини беради.

Эътиборга молик жиҳати: Болаларни меҳнатга бўлган эътибори, жамоа бўлиб ишлашлари. Болалар орасидан чиқаётган янги лидерлар.

Санъат маркази

“Саватчалар ясаймиз” (тузли хамир)

Мақсад: болаларда қўл майда моторикалари ривожланади, тасаввурлари кенгаяди, эстетик жиҳатлари, меҳнатсеварлик, деҳқончиликка қизиқишлари ортади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: тузли хамир, тахтачалар, хўл салфеткалар, фартуклар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Салфетка, картон ва қоғозлардан мева ва сабзавотларни яшаш.
2. Қути ва саватларни яшаш.
3. Тайёр маҳсулотларни сават ва қутиларга жойлаштириш.
4. Катта қутини омборхона ўрнида ишлатиш.
5. Омборхонага қути ва саватларни жойлаштириш.

Қўшимча: болалар мева ва сабзавотлар тўғрисидаги топишмоқ ва шеърларни ёдга олишади.

Эътиборга молик жиҳати: тафаккур ва майда моторикани ривожлантириш, жамоада ишлашни билиш.

Қуриш, конструкциялаш ва математика маркази.

Дала қўриқчиси

Мақсад: болалар леги шакллари ни фарқлайдилар, леги тўпламидан дала қўриқчиси қиёфасини ясашга ҳаракат қиладилар. Тасаввурлари кенгайди, ўзаро мулоқот ривожланади. Сўз бойликлари ошади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: леги тўплами.

Фаолиятнинг бориши:

1. Леголарнинг катта-кичиклигини фарқлаш.
2. Қўриқчи расмини томоша қилиш.
3. Режалаштириш ва ясаш.

Қўшимча: “Дала қўриқчиси” ҳақида ижодий ҳикоя тузиш.

Эътиборга молик жиҳати: тасаввур қилиш, ижодкорликни ривожланиши.

Сюжетли–ролли ўйинлар ва сахналаштириш маркази

“Сабзавотлар” дўкони

Мақсад: болалар дўкон ҳақидаги тушунчаларни ўзлаштирадилар. Сотувчи ва харидор муносабати, харид, пул ҳақидаги тушунчалари кенгайди, диққат, хотира ва фикрлаш қобилиятлари ривожланади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: дўкон расталари, сабзавотлар муляжи, қоғоз пул, сотувчи кийими.

Фаолиятнинг бориши:

1. “Сабзавотлар” дўкони ўйини учун ролларга бўлиниш.
2. Дўкон расталарига сабзавотларни жойлаш.
3. Ўйин фаолияти.

Қўшимча: ролларни алмашиш.

Эътиборга молик жиҳати: сабзавотлар фойдаси ҳақидаги билимларнинг шаклланиши, жамоа бўлиб ўйнаш.

Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш маркази

Шеърхонлик кечаси (Табиат, куз, об-ҳаво, сабзавот ва мевалар ҳақида)

Мақсад: болалар диққати жамланади, бадиий нутқлари ривожланади. Хотиралари мустаҳкамланади, бадиий ўқиш малакалари ошади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: табиат, куз, сабзавотлар тасвирланган расмлар, шеърлар тўплами.

Фаолиятнинг бориши:

1. Мавзуга мос расмларни кўриб чиқиш.
2. Расмларга мос шеър айтиш.
3. Ижодкорлик(куз мавзусида шеър тўқиш).

Қўшимча: луғат иши.

Эътиборга молик жиҳати: нутқ ва фикрлаш қобилиятларини ривожланиши.

Фан ва табиат маркази

Табиий бўёқлар

Мақсад: болаларда сабзавотларнинг ажойиб хусусиятлари билан танишиш, уларнинг инсон ҳаётидаги ўрни ҳақидаги тушунчалари кенгайтирилади. Лавлаги, анор, сабзилардан олинган бўёқ ранглари ажратишни ўрганадилар. Ўзлари яратган рангларда матоларни бўяш ва расм чизишни синаб кўрадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: фартук, сабзавотлар, мевалар, тахтача, пичоқ, қўлда ишлатадиган шарбат чиқаргич, идиш, оқ рангли мато, оқ қоғоз.

Фаолиятнинг бориши:

1. “Табиатдан бўёқлар” мавзусидаги расмларни томоша қилиш.
2. Сабзавот ва мевалардан ранг олиш тажрибасини ўтказиш.
3. Оқ рангли матони бўяш.
4. Болалар хулосаси. Ҳар бир рангга тегишли мева ёки сабзавотни қўйишдан иборат жадвални тўлдириш.

Қўшимча: қоғозда табиий бўёқлар билан чизишга уриниб кўриш.

Эътиборга молик жиҳати: тажриба ўтказиш ва хулоса чиқара олиш, иш жойларини йиғиштириш.

Санъат маркази

“Саватчаларни нақш билан безаймиз” (Бўёқда)

Мақсад: майда қўл моторикалари ривожланади, мўйқалам ёрдамида турли нақшларни чиза оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: тузли хамирдан ясалган саватча, бўёқлар, гуаш.

Фаолиятнинг бориши:

1. Тузли хамир ёки оқ лойдан ясалган саватчаларни танлаш.
2. Турли нақш намуналарини кузатиш.
3. Саватни ўзлари ёқтирган нақшлар, гуллар билан безатиш.

4. Мўйқаламдан тўғри фойдаланиш.

Қўшимча : ижодий ишлар кўргазмасини ташкил этиш.

Эътиборга молик жиҳати:ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш ва тоза ишлашни билиш, тафаккур ва майда моторикани ривожлантириш.

Санъат маркази

Ҳосил йиғиб оламиз. Лой иши

Мақсад: тасаввурлари, қўл моторикалари ривожланади, ҳажм, шакл ва рангни уйғунлаштира олиш малакалари ўсади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: оқ лой ёки шўр хамир, гуашлар, табиий материаллар, пластилин.

Фаолиятнинг бориши:

- 1.Шўр хамир ёки оқ лойдан ясалган, нақшлар билан безатилган саватларни танлаш.
- 2.Пластилиндан мева ва сабзавотларни яшаш (бола танловига кўра).
- 3.Саватни мева ва сабзавотлар билан тўлдириш.

Қўшимча : ижодий ишлар кўргазмасини ташкил этиш.

Эътиборга молик жиҳати:ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш ва тоза ишлашни билиш, тафаккур ва майда моторикани ривожлантириш.

ОКТЯБРЬ. УЧИНЧИ ҲАФТА НОН-ЭНГ АЗИЗ НЕЪМАТ

Қуриш, конструкциялаш ва математика маркази

Комбайн

Мақсад:предметларнинг шакллари ҳақидаги билимлари ошади. Лего доначаларидан расмлар асосида комбайн яшашни ўрганадилар, расмда кўрганларини тасвирлаш малакалари ривожланади, комбайннинг қисмлари, қандай рангли доначалардан иборатлиги ва уларнинг сонини, кетма - кет жойлашуви, катта -кичиклиги ҳақидаги билимларимустаҳкамланади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: лего, қўшимча жиҳозлар.

Фаолиятнинг бориши:

- 1.Комбайн ва унинг ишлаш жараёни ҳақидаги суратларни кўриб чиқиш.
- 2.Комбайн яшаш учун лего бўлақларини танлаб олиш.

3. Уларни кетма кет жойлаштириш учун тақсимлаш.

4. Иш жараёнининг бориши.

5. Болаларнинг ишларини кузатиш ва натижалари бўйича рағбатлантириш.

Қўшимча : комбайн ҳақидаги тушунчалари билан ўртоқлашиш, комбайнни геометрик шакллардан ҳам ясаб кўриш таклифини бериш.

Эътиборга молик жиҳати:

1. Математик билимларни мустаҳкамланиши

2. Ҳажм ва миқдорни ўзаро боғлаш.

Сюжетли–ролли ўйинлар ва сахналаштириш маркази

“Нонни босган қиз”

Мақсад: “Нонни босган қиз” мультфильмини эслаш орқали хотирани чархлаш. Ижодий қобилиятлари ривожланади. Болаларда ўзларига нисбатан ишонч тарбияланади. Нонни эъзозлаш ҳақидаги тушунчалари кенгайди.

Керакли жиҳоз ва материаллар: нон муляжи, никоблар, матолар, гуллар ва бошқа жиҳозлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. “Нонни босган қиз” мультфильмини эслаш.

2. Болалар орасида ролларни тақсимланиши .

3. Сюжетни сахналаштириш.

Қўшимча: нон ҳақидаги шъер ва мақолларни айтиб беришни таклиф этиш.

Эътиборга молик жиҳати: сахнадан тўғри хулоса чиқариш, ўз фикрини ифодалаш.

Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш маркази

Нон ҳақида мақоллар.

Мақсад: ноннинг инсон ҳаётидаги ўрни, қадим замонларда ноннинг қадри қандай бўлганлиги, нима учун нон ҳақида мақоллар, ривоятлар кўплиги ҳақидаги тушунчаларга эга бўладилар. Айтилган мақолларнинг маъносини тушуниш ва унга риоя қилиш буғдой, тегирмон, ун, уннинг ҳосил бўлиши каби сўзларнинг маъносини билиш. Ун маҳсулоти турларини билиш.

Керакли жиҳоз ва материаллар: мавзу асосидаги расмлар

Фаолиятнинг бориши:

1. Мавзу асосидаги расмларни кўриш ва фикрлар бериш.

2. Мақоллар ёзилган аудио тасмани тинглаш.

3. Мақолларнинг маъносини ким қандай тушунганлиги ҳақида суҳбат

Кўшимча: “Ноннинг дастурхонга келиши “ таълимий ўйинини таклиф этиш.

Эътиборга молик жиҳати: нутқнинг равонлиги, ўз фикрини билдира олиши.

Фан ва табиат маркази

Нонвойхонага сайёҳат

Мақсад: Нонвойлархунари, уларнинг иш жойлари, иш қуроллари билан таниша-дилар. Катталар меҳнатига қизиқшлари ортади. Тайёр нон дастурхонга келиши учун қанча меҳнат кераклигини тушунадилар. Ушбу касбнинг ўзига хос қийинчиликлари ҳақидаги нонвой суҳбатининглайдилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: идишлар, ун, хамиртуруш, шакар, туз, нонлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Сайёҳатга тайёргарлик.
2. Нонвойхонадаги нонвой иш қуроллари билан танишиш.
3. Иш қуролларини ишлатиш жараёнларини кузатиш.
4. Хамирдан зувалалар узилиши. тезлик билан нон ясалиши ва уни иссиқ тандирга ёпиш жараёнларини кузатиш.
5. Тандирдан узилган иссиқ нонни муздай сувга солиб ейиш

Кўшимча: Ноннинг ҳиди ҳақида суҳбатқуриш

Эътиборга молик жиҳати: Нонвой меҳнатига муносабат ва ҳаёт хавфсизлиги асослари.

Санъат маркази

Лой ва тузли хамир билан ишлаш. “Нон турлари”

Мақсад: Нон ҳақидаги маълумотларга кўпроқ эга бўлиш, нон ва нон маҳсулотларининг шаклларини ярата оладилар, майда қўл моторикаси ривожланади, хамирнинг хусусиятларини биладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: тузли хамир ва рангли пластилин, картон қоғоз, нон турлари тасвирланган расмлар.

Фаолиятнинг бориши

1. Нон турлари тасвирланган расмларни кўриш.
2. Ишни режалаштириш. Вазифаларни бўлиб олиш (кимдир пластлиндан, кимдир тузли хамирдан фойдаланади).
3. Жараённинг бориши.
4. Тайёр нонларни паднисга териб чиқиш.

Қўшимча: Ота-оналар учун кўргазма тайёрлаш.

Эътиборга молик жиҳати: гигиеник талабларга риоя қилиш, дўстларнинг меҳнатини қадрлаш.

Қуриш, конструкциялаш ва математика маркази

Нон растаси (бозорда)

Мақсад: конструктив ечимлар топишга ҳаракат қиладилар. Предметлар шаклини тасвириб бера оладилар. Болаларда мустақил фаолият ривожланади. Растани қуришда сон-санокқа эътибор берадилар. Геометрик шакллардан ўз ўрнида фойдаланишни биладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: 1 дан 10 гача бўлган рақамли карточкалар, қурилиш блоклари, кубиклар, бозор расталари тасвирланган суратлар.

Фаолиятнинг бориши

1. Бозор расталари тасвирланган расмларни кўриб чиқиш.
2. Қисқача расталарни қуриш юзасидан суҳбат.
3. Расталар қуриш учун материалларни танлаш.
4. Ишни режалаштириш ва вазифаларни бўлиб олиш.
5. Иш жараёни ва тайёр расталарни рақамлаш.

Қўшимча: расталарни нон маҳсулотлари билан тўлдириш ва “Нон сотамиз” ўйинини ташкил этишни тавсия қилиши мумкин.

Эътиборга молик жиҳати: математикага бўлган қобилиятлари, сон ва ҳажмига эътибор қаратишлари.

Фан ва табиат маркази

“Ширин кулчалар” ошпаз маҳорат мактаби

Мақсад: сутли ширин хамир қориш, ундан кичкина ва турли шаклдаги кулчалар (булочкалар) тайёрлаш ҳамда уни пишириш жараёнида иштирок этадилар. Кулчалар тайёрлаш тартибини ўрганадилар. Оналарига ёрдам бериш истаги тарбияланади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: патнис, тахтақач, хамир учун масалликлар, идишлар, бош кийим, фартуклар

Фаолиятнинг бориши:

1. Болалар иш жойларини тайёрлашади.
2. Ошпаз ёки тарбиячи болалар билан бирга хамир тайёрлаш.
3. Болалар хоҳишига кўра турли шаклдаги кулчалар (булочкалар) ясаш.

Қўшимча: кулчалар (булочкалар) га безак бериш ҳамда дўстларини меҳмон қилиш таклифини бериш.

Эътиборга молик жиҳати: Озиқ-овқат маҳсулотларини тежаб-тергаб ишлатиш, тозалikka риоя қилиш ва ҳамкорликда ишлаш.

Санъат маркази

Буғдой даласи

Мақсад: Нукта кўйиш усули билан расм чизиш малакалари ривожланади. Ўз композицияларини яратишни ўрганадилар. Ижодий қобилиятлари ривожланади. Чизган расмларини ифодалаш орқали нутқлари ривожланади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: оқ қоғоз, пахтали чўплар, рангли бўёқлар, қаламлар, гуаш, фломастер, намуна учун расмлар, сув ва салфеткалар

Фаолиятнинг бориши:

1. Берилган намуналарни томоша қилиш.
2. Расмчизиш учун (рангли қалам, бўёқ, гуаш ёки фломастер) танлаш.
3. Ишни режалаштириш
4. Иш жараёни.

Қўшимча: “Бошоқни тер” таълий ўйинини таклиф этиш.

Эътиборга молик жиҳати: болаларда расм чизишга хошининг борлиги, ишни мустақил бажариш, ҳаёт хавфсизлиги асослари.

Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш маркази

“Ғаллакорлар меҳнати ҳақида суҳбат

Мақсад: ғаллакорлар меҳнати билан танишишда давом этадилар. Катталар меҳнатини эъзозлаш ҳақидаги тушунчалари мустаҳкамланади. Болалар луғатига янги сўзлар киради. Саволларга тўлиқ жавоб бериш малакалари ортади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: буғдой далалари, ғаллакорларнинг меҳнати тасвир-ланган мавзули расмлар, қисқа хужжатли фильм, АКТ.

Фаолиятнинг бориши:

1. Мавзуга оид расмларни томоша қилиш.
2. Расмлардаги ҳолатлар юзасидан ўз фикрларини айтиш.
3. 3-4та гапдан иборат қисқа ҳикоялар тузиш.

Қўшимча: мавзуга доир таълимий ўйинлар таклиф этиш.

Эътиборга молик жиҳати: Болалар нутқида кераксиз (анақа, ану каби) сўзларни ишлатилиши

Фан ва табиат маркази

Электр печида пишган ширмой нонлар

Мақсад: болаларда қайчи,елим билан ишлаш малакалари мустаҳкамланади. Пахтадан нон шаклини яшани, катталар ёрдамида унга иссиқ ишлов бериш жараёнларини ўрганадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: ошхонадаги элект ёки газ печларинон учун сават, пахта, тухум сариғи, салфетка,бош кийим, фартуклар

Фаолиятнинг бориши:

- 1.Болалар иш жойларини тайёрлашади
- 2.Тандирдан, нон пиширгич, печларда пишиб чиққан нон тасвирланган расмларни кузатиш.
- 3.Болалар хоҳишига кўра турли катталиқдаги кулчаларясаш.
- 4.Кулчалар устини салфеткалар билан ёпиш, ва тухум сариғини суртиш

Қўшимча:тайёр кулчаларни саватга териш ва уларни “Нон дўкони”, “Меҳмон-меҳмон” ўйин бурчакларига тарқатиш таклифини бериш.

Эътиборга молик жиҳати: тозалikka риюя қилиш ва ўзаро ёрдамни ташкил этиш, чаққонлик ва сифат.

Саҳналаштирилган ва сюжетли-ролли ўйин маркази

Нон дўкони.

Мақсад: Дўкон ўйини орқали болалардаги савдо-сотик ҳақидаги тушунчалари мустаҳкамланади. Математик тасаввурлари кенгайди Ўйин орқали магазин фаолиятини юритиш. Сотувчи ишини билиш. Харидор ва сотувчи ўртасида муносабатларни биладиларМуомала маданиятини ўрганадилар Дўконга чиқиб бирон керакли нарса харид қилиб келиш ҳам ота-оналарга яқиндан ёрдам эканлигини тушуниб етадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: нон учун стол, жавон,нон турлари, пул бирликларининг шакллари,хамёнчалар, нон маҳсулотларининг расмлари, дўкон пешлавҳаси.

Фаолиятнинг бориши:

- 1.Ўйин бурчагига керакли жиҳозларни жойлаш.
- 2.Мавзу асосидаги расмларни кузатиш
3. Иштирокчилар орасида ролларни тақсимлаш.
4. Ўйиннинг бориши ва таъсиротлар.

Қўшимча қисм: Ўйинни давом эттириш. Қўшимча мавзулар киритиш тавсиясини бериш

Эътиборга молик жиҳати: Жамоода ўйнаш, тенгдошлари орасида ўзини тутиш.

Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш маркази

“Бошқдан нонгача”мавзули расмлари орқали суҳбат

Мақсад: болалар нутқи ривожланади. Луғат бойлигига янги (бошоқ, хирмон, тегирмон) сўзлар киради. Нон ҳақидаги тушунчалари мустаҳкамланади. Болалар орасида муомала маданияти ривожлантирилади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: АКТ, тайёр слайдлар, расмлар, ҳақиқий бошоқ, бугдой доначалари.

Фаолиятнинг бориши:

1. АКТ орқали слайдларни кузатиш.
2. Мавзуга оид расмларни танлаб олиш.
3. Танлаган расмлари орқали ҳикоя тузиш.
4. Луғат иши

Қўшимча: “Нима қаерда ўсади” таълимий ўйинини таклиф қилиш.

Эътиборга молик жиҳати: Нутқнинг грамматик шаклланишига.

ОКТАБРЬ. ТҶРТИНЧИ ҲАФТА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ОҚ ОЛТИНИ

Қуриш, конструкциялаш ва математика маркази

Трактор

Мақсад: лего доначаларини мос равишда бириктиришга ҳаракат қиладилар, геометрик шаклларнинг устма –уст, ёнма-ён тўғри жойлашувига эътибор берадилар, ўз хатоларини мустақил тўғирлай оладилар, транспорт турлари ҳақидаги тушунчалари ортади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: лего, тайёр расмлар

Фаолиятнинг бориши:

1. Трактор тасвирланган расмларни томоша қилиш.
2. Трактор ясаш учун керакли материалларни танлаш.
3. Амалий жараён.
4. Рағбатлантириш.

Қўшимча: болаларга транспорт турлари ва уларнинг фаолиятига қаратилган таълимий ўйинларни таклиф қилиш.

Эътиборга молик жиҳати: машина қисмлари ҳақида тушунчани мустаҳкамлаш, конструкциянинг мустаҳкам бўлишига.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш маркази

“Модалар ательеси” (қоғоз кўғирчоқлар учун ипли матодан кўйлак тайёрлаш)

Мақсад: модельер ва тикувчи касби ҳақида тасаввурлари кенгаяди. Диққат, кузатувчанлик ва фантазиялари ривожланади. Ўзи танлаган матолардан қоғоз кўғирчоққа кўйлаклар бича олади ва ёпиштиради.

Керакли жиҳоз ва материаллар: турли гулли ва сидирға ипли матолардан намуналар, тасмалар, кўғирчоқ кийимлари андозалари, чиройли кўйлаклар кийган кўғирчоқлар, мольбертга ёпиштирилган қоғоз картондан ясалган кўғирчоқлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. “Кўғирчоқни кийинтирамиз” таълимий ўйини (тайёр кийимлар).
2. Ўз ишлари учун мато ва кўғирчоқ танлаш.
3. Ўз кўғирчоғи учун либос яратиш.
4. “Ясанган кўғирчоқлар” намойиши.

Кўшимча: Кўйлаклар учун аксесуарлар таклиф этиш.

Эътиборга молик жиҳати: майда қўл моторикаларининг ривожланиши ва ҳаёт хавфсизлиги асослари.

Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш маркази

Теримчилар меҳнати (слайдлар)

Мақсад: пахта, гўза, пахта териш машинаси тушунчалари кенгаяди. Расмларга қараб ҳикоя тузиш малакалари ортади. Луғат бойликларига “хирмон”, “этак” каби сўзлар қўшилади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: мавзу юзасидан расмлар, слайдлар, АКТ.

Фаолиятнинг бориши:

1. Мавзу бўйича слайдлар, расмлар кўриш.
2. Мавзуга доир шеър ўқиш (тарбиячи ёрдамида).
3. Слайдлар асосида ҳикоялар тузиш.
4. Савол –жавоблар.

Кўшимча: ”Мен пахта даласига бордим” мавзусида ижодий ҳикоя тузишни таклиф этиш.

Эътиборга молик жиҳати: нутқни, кузатувчанликни ривожлантириш.

Фан ва табиат маркази

“Чигитдан ёғ олиш “тажриба ўтказиш.

Мақсад: пахта ва ундан фойдаланиш ҳақида кўшимча билим ва тасаввурга эга бўладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: пахта шохи, момик пахта, пахта мавзусига оид расмлар, чигит, салфеткалар, ёнғоқ, қовун уруғи, жўва ва плакатлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Ҳақиқий чигитли пахтани кузатиш.
2. Пахтадан чигитларини ажратиш.
3. Пахтанинг чигитларини жўва билан эзиш ва ёғ чиқариш
4. Ўсимлик ёғи, пахта чигитидан, кунгабоқардан, зиғир ўсимлигидан олинган ёғларни кузатиш.

Кўшимча: конверт ичидан олинган мавзуга оид пахтадан олинган нарсалар ва уларга таъриф беришни тавсия этиш.

Эътиборга молик жиҳати: болаларнинг кузатувчанлиги, таҳлил ва хулоса қила олиши, ҳаёт хавфсизлиги асослари.

Санъат маркази

Апликация: “Чанокдаги пахта”

Мақсад: пахта кўринишини тасвирлаб беришни биладилар, қайчи билан ишлаш малакалари ортади, майда қўл моторикалари ривожланади, ижодий фикрлашга ўрганадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: газета, хамирли елим, оқ қоғоз, папье-машенинг асоси учун юмалоқ ва ярим думалоқ предметлар, мўйқалам, рангли қоғоз, пахта.

Фаолиятнинг бориши:

1. Ҳақиқий пахтага қараб уни ўрганиб чиқиш.
2. Папье-маше усулида пахта яшаш схемасини тузиш
3. Пахтанинг чанок қисмини яратиш
4. Сўнг асосий қисмига ўтиш.
5. Тайёр ишларни кузатиш ва рағбатлантириш.

Кўшимча: болалар иш якунида фойдаланиш учун баргчалар тайёрлаш ва ўз ишлари билан кўшиб композиция яратиш таклиф этилади.

Эътиборга молик жиҳати: батартиблик ва эҳтиёт қилишлик фазилатларини тарбиялаш, иш жойини тозалашга ўргатиш, мустқил ишлашга йўналтириш.

Фан ва табиат маркази

Пахта навлари ва пахтали таёқчалар тайёрлаш.

Мақсад: болаларда майда моторика ривожланади. Пахтанинг навларини билиб оладилар. Пахтадан тиббиётда нима мақсадда фойдаланилишини тушунадилар. Расм машғулотлари учун пахтали таёкчалар тайёрлайилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: пахтанинг навлари,

Фаолиятнинг бориши:

1. Болалар чигит ва донларнинг номларини айтадилар ва бир-биридан фаркли томонларини ажратадилар.
2. Пахталарни ранглари, юмшоқлиги, тозаллиги бўйича фарқлайдилар.
3. Энг тоза пахтани аниқлайдилар. Ва бу пахтани қаерда ишлатилиши ҳақидаги маълумотлар тшплайдилар.
4. Касалхоналарда, поликлиникаларда ишлатиладиган пахта ҳақида кўрганлари ҳақида ҳикоя қиладилар.
4. Берилган таёкчалар учига ўраш йўли билан пахта ўрайдилар.

Қўшимча: Мавзу бўйича расмларни кўрадилар.

Эътиборга молик жиҳати: тафаккур, тасаввур ва майда қўл моторикасини ривожлантириш, кузатиш ва хулоса қилишни билиш, ҳаёт хавфсизлиги асослари.

Санъат маркази

Расм. Пахта даласи.

Мақсад: ижодий қобилиятлари, майда қўл моторикалари ривожланади, диққат ва тасаввурлари кенгайди, ўз ишларига баҳо беришни ўрганадилар. Дўстларининг ижодий ишларига баҳо бериш орқали нутқлари ривожланади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: оқ қоғоз, рангли қалам, бўёқ, мўйқалам, пахта даласи тасвирланган бир нечта суратлар, тарбиячи томонидан чизилган намуналар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Пахта даласи тасвирланган суратларни кўриб чиқиш.
2. Расмни бўёқ биланми, рангли қаламлар билан чизишни танлаш.
3. Қора қалам билан чизиб олиш истаги бўлса, чизиб олиш.
4. Ижодий жараён ва натижалар бўйича болаларни рағбатлантириш

Қўшимча: ўз танловига кўра расм чизиш, қўйимча декорациялар киритиш.

Эътиборга молик жиҳати: озодлик ва батартиблик, болалар томонидан ишни мустақил бажарилиши, ҳаёт хавфсизлиги асослари.

Қуриш, конструкциялаш ва математика маркази

Пахтакорлар учун қурилган дала шийпони

Мақсад: лего тўпламидан ўзларига керакли шаклдаги доначаларини танлаб оладилар. Уларни ранги ва катталигига қараб жойлаштирадилар, деворларни мустаҳкам бўлишига эътибор қаратадилар, доначаларни қандай шаклда эканлиги худди шундай шаклдан нечта ишлатганлиги ҳисобини биледи. Фазовий жойлашув ҳақидаги тушунчалари ортади. Ўз хатоларини мустақил тўғирлай оладилар. Пахта, пахтазор, пахтакор ҳақидаги билимлари ортади. Луғатларига янги “шийпон” сўзи кириб келади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: лего, мавзуга мос расмлар

Фаолиятнинг бориши:

1. Дала шийпони тасвирланган расмларни томоша қилиш.
2. ”Шийпон” қуриш учун керакли материалларни танлаш.
3. Амалий жараён, рағбатлантириш.

Қўшимча: болаларга ўзи ясаган шийпонлари ҳақида сўзлаб беришни таклиф этиш.

Эътиборга молик жиҳати: Қурилиш ҳақида тушунчаларини борлиги, конструкциянинг мустаҳкам бўлишига аҳамият бериш.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш маркази

“Матолар дўконида”

Мақсад: матолар ҳақида тасаввурлари кенгаяди. Муомала маданиятини ўрганишда давом этадилар, диалогик нутқлари ривожланади. Математик тасаввурларидаги қанча, нечта, эни, бўйи каби ибораларнинг ишлатилиши кенгаяди. Луғат бойлигига “метр” математик атамаси ҳамда “реклама” сўзи кириб келади. Пул муомаласини ўрганадилар. Реклама сўзи билан танишадилар, ўз матоларини реклама қилишни ўрганади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: турли гулли ва сидирға матолар тўплами, тасмалар, тугмачалар, кийимлар учун аксессуарлар, қўғирчок манекенлар, пешлавха, (имкон даражасида кассаса, терминал аппарати), метр, қайчи, мавзу асосидаги суратлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. “Матолар дўкони” тасвирланган суратлар кузатиш.
2. Болалар орасида ролларнинг тақсимланиши.
3. Ўйиннинг бориши.
4. Болаларни рағбатлантириш.

Қўшимча: ҳар бир ҳарид қилинган мато учун аксессуарлар таклиф этиш.

Эътиборга молик жиҳати: болаларни ўзаро муносабатлари, бир-бирларини ҳурмат қилишлари ва тартиб.

Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш маркази

Пахтадан олинадиган маҳсулотлар (карточкалар орқали)

Мақсад: пахта, ғўза, кўсак, пахта териш машинаси тушунчалари кенгаяди. Эгаллаган билимлари мустаҳкамланади. Болалар карточкалар орқали пахтадан олинадиган маҳсулотларни ажрата оладилар. Уларнинг номлари ва уларни нималарга ишлатилиши ҳақида ўз фикрларини бера оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: мавзу юзасидан расмлар, слайдлар, АКТ пахтадан тикилган кийимлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Мавзу бўйича слайдлар, расмлар кўриш.
2. Карточкаларни болалар ўртасида келишган ҳолда тақсимлаш.
3. Ўз карточкалари орасидан пахтадан олинадиган маҳсулотларни танлаб олиш.
3. Танлаб олинган карточкаларни бир қаторга териш.
4. Хатолар бўлса тўғирлаш.
5. карточкалардаги расмлар ҳақида сўзлаб бериш.

Қўшимча: Мавзу бўйича шеър, қўшиқлар тинглаш.

Эътиборга молик жиҳати: нутқни, кузатувчанликни ривожлантириш.

НОЯБРЬ

ОЙ МАВЗУСИ: “ТРАНСПОРТ. ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАЛАРИ. ҲАЁТ ХАВФСИЗЛИГИ АСОСЛАРИ”

Гуруҳ		Тайёрлов					
Мавзу		Сув, ҳаво, ер усти транспорти					
Муддати		Ноябрь ойининг 1-ҳафтаси					
Ривожланиш соҳаларига оид мақсадлар	Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши	Сакрашнинг турли турларини ўрганиш, ўнг ва чап оёқда галма-гал жойда айланиб сакрашни ўргатиш					
	Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш	Йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилишни ўргатиш. Шахсий хавфсизлик кўникмаларини шакллантириш					
	Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари	Транспорт турлари ва соҳага оид бир қанча касб номлари тўғрисидаги тушунчалари мустаҳкамлаш. Мантиқий фикр юритишни ривожлантириш. Мавзуга оид тушунчалар билан сўз бойлиги ошириш.					
	Билиш жараёнининг ривожланиши	Болаларни йўл ҳаракати белгилари билан таништиришни давом эттириш, кўча ва йўлларда тўғри мўлжал олиш учун уларнинг схематик кўринишини тушунишга ўргатиш. Йўл белгилари, транспорт турлари ҳақидаги билимларни кенгайтириш, кузатишларни умумлаштириш ва хулосалар қилиш, предметларнинг ҳажми, баландлиги, қалинлигига қараб кетма-кет тахлашга ўргатиш.					
	Ижодий ривожланиш	Таниш асарларни мустақил қайта ҳикоя қилиш, уларни сахналаштиришда иштирок этиш.					
Ривожланиш марказлари		Таълимий-тарбиявий фаолият					
		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Ресурслар ва иловалар
Эркин фаолият	Қуриш, конструкциялаш ва математика	Транспорт йиғамиз		“Автострадада қандай ҳаракатланиш керак” Автострада қурамиз		Гараж қурамиз	Конструктор, лево, кубиклар
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш	“ЙҲХ ходими” сюжетли-ролли ўйин		“Самолётда учамиз” таълимий ўйини			Махсус кийимлар, атрибутлар
	Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш	Автомактаб		“Сўз ўйини” таълимий ўйини			Йўл ҳаракати қоидалари белгилари
	Фан ва табиат	Шахсий камалак			Гулхан ҳавони ифлослантиради (экология)		Идиш, сув, фонар, қоғоз, гугурт, пиёла
	Санъат	Расм: Келажак автомобили			Табиий материаллардан аппликация		Ватман, рангли қоғоз, табиий материаллар
	Умумий гуруҳбўлиб ишлаш						

ОЙ МАВЗУСИ: “ТРАНСПОРТ. ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАЛАРИ. ҲАЁТ ХАВФСИЗЛИГИ АСОСЛАРИ”

Гуруҳ		Тайёрлов					
Мавзу		Эҳтиёткор пиёда ҳафталиги					
Муддати		Ноябрь ойининг 2-ҳафтаси					
Ривожланиш соҳаларига оид мақсадлар	Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши	Мактабгача таълим муассасаси, кўча ва транспортда одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилишга ўргатиш. Пиёдалар йўл ҳаракати қоидаларини билиш.					
	Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш	Мустақил қарор қабул қилишга ўргатиш ва ўзгаларга намуна бўлишга интилишини ривожлантириш. Хавфли вазиятларда қандай ҳаракат қилишга ўргатиш.					
	Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари	Йўл ҳаракати қоидалари ҳақидаги тасавурларни кенгайтириш. Фикрлаш фаоллиги, кузатиш қобилияти, таҳлил қилиш ва хулосалар чиқаришни шакллантириш					
	билиш жараёнининг ривожланиши	Мавжуд хавф-хатарни олдиндан кўра билиш, хавф-хатар юз берган вазиятда тўғри ҳаракат қилиш ва ўзини ҳимоя қилиш воситаларидан фойдалана олиш қобилиятини ривожлантириш.					
	Ижодий ривожланиш	Тасвирий санъат турларини ажратиш, ранглар танлашни билиш					
Ривожланиш марказлари		Таълимий-тарбиявий фаолият					
		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Ресурслар
Эркин фаолият	Қуриш, конструкциялаш ва математика	Пиёдалар йўлаги			Йўл белгиларини йиғ		Қайчи, геометрик шакллар, йўл белгилари, қоғоз
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш	“Мен пиёдаман” сюжетли-ролли ўйин			Бизнинг шаҳримиз кўчалари”		Атрибутлар, харита, чизмалар, белгилар, эълонлар, ўйинчок машиналар, байроқлар, светофорлар
	Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш	Хавфли ҳолатлар таҳлили			Уйга йўл		Йўл ҳаракати белгилари, тарқатма карточкалар
	Фан ва табиат	Ҳавони қидириш (экологик тарбия) амалий тажриба		Ичимлик суви қандай пайдо бўлади? амалий тажриба			Хона гуллари
	Санъат	Ўз кўлимиз билан светофор ясаймиз			Лой иши: Йўл белгиларини яшаш		Бўёқ, картон, қалам, қоғоз, елим, қайчи, пластилин, махсус тахталар
	Умумий гуруҳбўлиб ишлаш						

ОЙ МАВЗУСИ: “ТРАНСПОРТ. ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАЛАРИ. ҲАЁТ ХАВФСИЗЛИГИ АСОСЛАРИ”

Гуруҳ		Тайёрлов				
Мавзу		Фавкулотда вазиятлар хизматлари				
Муддати		Ноябрь ойининг 3-ҳафтаси				
Ривожланиш соҳаларига оид мақсадлар	Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши	Чакқонлик, фазода мўлжал олиш, диққат, чидамлилик, тез ҳаракат қилиш малакаларини ривожлантириш				
	Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш	Жасорат ҳисси, тартиблилик, ғалабага интилиш ва иродали бўлиш каби фазилатларни шакллантириш				
	Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари	Кундалик ҳаётда болаларнинг шахсий хавфсизлик ҳақидаги билимларини кенгайтириш ва ривожлантириш. Тез ёрдам хизматларининг телефон рақамларини ўрганиш.				
	Билиш жараёнининг ривожланиши	Болаларда фавкулотда ҳолатларда ўзини тутиш кўникмаларини шакллантириш. Хавф келтириб чиқариши мумкин бўлган предметлар ҳақидаги билимларни мустаҳкамлаш.				
	Ижодий ривожланиш	Ҳамкорликдаги фаолиятга ижобий муносабатни шакллантириш, ритмни сезиш, мусиқани ҳис этишни тарбиялаш				
Ривожланиш марказлари		Таълимий-тарбиявий фаолият				
		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума
Эркин фаолият	Қуриш, конструкциялаш ва математика	Ўт ўчириш машинасини йиғамиз		Милиция машинасини йиғамиз		Конструктор, коробка, қўл остидаги материаллар
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш	“Биз кутқарувчилармиз” сюжетли-ролли ўйин		Тез ёрдам шифокори		Атрибут, никоблар
	Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш	“Хавфли буюмлар” таълимий ўйини		“Йўл ҳаракати қоидалари” серияли расмлар асосида ҳикоя тузиш	Оловнинг хусусиятлари- нимаси фойда нимаси зарар	Китоб, таълимий ўйин, мавзуга оид расмлар
	Фан ва табиат	Сув ва қум хусусиятлари – ўт ўчирувчиларнинг ёрдамчилари				Сув, қум, ўсимликлар
	Санъат	Менинг қахрамоним		Ёрдамчи машиналар	Лой иши	
	Умумий гуруҳ бўлиб ишлаш					

ОЙ МАВЗУСИ: “ТРАНСПОРТ. ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАЛАРИ. ҲАЁТ ХАВФСИЗЛИГИ АСОСЛАРИ”

Гуруҳ		Тайёрлов					
Мавзу		Касблар. Бизнинг савобли ишларимиз					
Муддати		Ноябрь ойининг 4-ҳафтаси					
Ривожланиш соҳаларига оид мақсадлар	Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши	Ҳар хил меҳнат турларини ўзлаштириш жараёнида болани жисмоний жиҳатдан ривожлантириш					
	Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш	Ижобий ҳиссиётларни шакллантириш, бир-бирига нисбатан дўстона муносабатни тарбиялаш. Илтимосни бажариш малакасини, турли касбдаги катталар меҳнатига ҳурматни шакллантириш					
	Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари	Боғланишли нутқ, саволларга тўлиқ жавоб бериш кўникмасини ривожлантириш. Диққат, хотира ва тафаккурни ривожлантириш					
	Билиш жараёнининг ривожланиши	Касблар, катталар меҳнати ва унинг ҳар бир инсон ҳаётида, жамиятда тутган ўрни ҳақида дастлабки тушунчаларни шакллантириш. Дунёқарашни ва касбларга нисбатан қизиқишни кенгайтириш					
	Ижодий ривожланиш	Тарбия жараёнига тасвирий фаолият ва мусиқани сингдириш орқали кундалик ҳаётда гўзалликни яратиш кўникмасини шакллантириш					
Ривожланиш марказлари		Таълимий-тарбиявий фаолият					
		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	
		Ресурслар					
Эркин фаолият	Қуриш, конструкциялаш ва математика	Мактабни кураимиз		Атрофимиздаги рақамлар		Конструктор, мозаики, қутилар, қўл остидаги материаллар ва лего	
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш	“Шифокор қабулида” сюжетли-ролли ўйин		“Қовураимиз, қайнатамиз, пишираимиз – ошпазлик касби” сюжетли-ролли ўйин		Ошпаз ва шифокор касбига доир ўйинчоқ жиҳозлар	
	Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш	Турли-туман касблар		Хунармандлар шаҳри		Ривожлантирувчи ўйинлар	
	Фан ва табиат	Балиқларни парваришлаймиз			Табиат календари (йилнома)си		Амалий тажриба, термометр, қалам, кузатиш варағи
	Санъат	Расм: Кузги осмон		Лой иши (ихтиёрий, тасаввур бўйича)		“Касблар” китобчаси	пластилин, бўёқ, қалам, қоғозлар
	Умумий гуруҳбўлиб ишлаш						

НОЯБРЬ. БИРИНЧИ-ҲАФТА СУВ, ҲАВО ЕР УСТИ ТРАНСПОРТИ

Кўриш-ясаш, конструкциялаш ва математика маркази

Транспорт йиғамиз

Мақсад: болалар таклиф қилинган материаллардан транспорт ясай оладилар, машина ёки транспортнинг вазифаси ҳақида сўзлаб берадилар, турли ранг ва шаклларни билиш ва уларни фарқлаш малакалари мустаҳкамланади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: турли ўлчамдаги қути, қурилиш материаллари, ғилдирак, рангли қоғоз, елим, скотч, қайчи, наклеикалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Транспорт тасвирланган расмларни кўриш ва кузатиш.
2. Машинани тайёрлашни болалар томонидан режалаштирилиши.
3. Транспортни ясаш.
4. Ясалган транспортнинг тақдими.
5. Болалар ишларини муҳокама қилиш ва рағбатлантириш.
6. Ишлатилган материалларнинг миқдори ва шакллари бўйича ҳисоблаш.

Кўшимча: тарбиячи болаларга ўзлари ясаган транспортни майда деталлар-ўйинчоқлар (кўғирчоқ ҳайдовчи ёки йўловчи, байроқчалар ва х.к.) билан тўлдиришни таклиф қилиши мумкин.

Эътиборга молик жиҳати: болаларни жамоада ишлаш кўникмаси. Транспортнинг хавфсизлиги ва ишлашига эътибор бериш. Тасаввур ва ижодкорликнинг ривожланиши.

Ҳаёт хавфсизлиги асослари.

Сюжетли-ролли ўйин ва сахналаштириш маркази

“Йўл ҳаракати хавфсизлиги ходими” сюжетли-ролли ўйини

Мақсад: болалар ЙХХ ходими фаолияти ҳақида маълумотга эга бўладилар, ҳайдовчи ва йўл ҳаракати хавфсизлиги ходими ўртасидаги муносабатларни, ҳаракат хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш, транспорт ҳайдовчиси ва ЙХХга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиш кераклигини тушунадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: ЙХХ кийими, унга мос аксессуарлар, машина, руль, персонажлар ҳужжатлари.

Фаолиятнинг бориши:

1. Йўналиш ва ЙХХ ходими билан учрашув жойини режалаштириш.
2. “ЙХХ ходими” сюжетли-ролли ўйинини ўйнаш.
3. Ўйин бўйича суҳбат.

Кўшимча: болалар ўйин фаолияти орқали светофор бўлмаган жойларда “хавфсизлик оролларида” фойдаланиб ҳаракатни ва йўлни бошқаришни (регулировка қилишни) машқ қиладилар.

Эътиборга молик жиҳати: болаларда ЙХХ ходими билан мулоқот қилиш кўникмасининг шаклланиши. Йўл белгиларига эътиборли бўлиш. Ҳаёт хавфсизлиги асослари.

Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш маркази

Автомактаб

Мақсад: болаларда автомактаб қандай тузилишга эга эканлигини, унинг вазифаларини билиш, луғат бойлигини янги сўзлар билан бойитиш ва ички нутқни фаоллаштириш, қайта сўзлаб бериш жараёнида боғланишли нутқни ривожлантириш, фазода мўлжал олишни билиш, мардлик, чاقқонлик ва дўстига ёрдам бериш кўникмалари шаклланади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: икки саҳифали картон: чап саҳифасида турли йўлда содир бўлиши мумкин бўлган вазиятлар ёпиштирилган, ўнг саҳифасида эса қоидалар чизилган.

Фаолиятнинг бориши:

1. Турли йўлда содир бўлиши мумкин бўлган вазиятлар тасвирланган расмларни томоша қилиш.
2. Расмларда тасвирланган вазиятларни муҳокама қилиш.
3. Пиёдалар, светофор ёнидаги болаларнинг ҳаракатларини баҳолаш, керакли йўл белгиларининг муҳимлигини тушунтириш.

Қўшимча: Ўйинни ўйнаш учун тарбиячи макет ясаши мумкин. Ушбу макет билан болалар йил давомида: йўл белгиларини қўйиб чиқадилар, юз бериши мумкин бўлган йўлдаги вазиятларни моделлаштирадилар ва уларнинг ечимини топадилар. Турли вазифаларни бажарадилар: масалан, пиёдага чорраҳадан ўтишга ёрдам бер, қоида бузувчини аниқла, пиёда ўйинчоқларни хавфсиз йўналишга қўйиб чиқ ва х.к.

Эътибор бериш керак: болалар тўлиқ гаплардан фойдаланиб жавоб бера олмаса, йўналтирувчи ва ёрдамчи саволлар билан кўмаклашиш.

Фан ва табиат маркази

Шахсий камалак

Мақсад: болалар ёруғлик нурининг сувдан ўтиш ҳолати билан танишадилар.

Жиҳоз ва материаллар: сув билан тўлдирилган идиш (ванна, тоғора), фонар, кўзгу, оқ қоғоз.

Фаолиятнинг бориши:

1. Идишга сув қуйиб, тубига кўзгуни қўямиз.
2. Кўзгуга фонар орқали ёруғлик туширамиз.
3. Акс этувчи ёруғликни қоғоз варағида ушлаш лозим, натижада камалак ҳосил бўлади.
4. Тушунтириш: ёруғлик нури бир неча рангдан тузилган, у сувдан ўтганда камалакнинг ранглари ҳосил бўлади.

Қўшимча қисм: тарбиячи болаларга ўтказилган тажрибани ота-оналарига гапириб беришларини ва уни уйда кўрсатиб беришни таклиф этиши мумкин.

Эътиборга молик жиҳати: ҳаётни илм-фан билан боғлашни билиш. Ҳаёт хавфсизлиги асослари.

Санъат маркази

Расм: Келажак автомобили

Мақсад: болалар қўл майда моторикалари, тасаввурларини ривожлантирадилар, қўл остидаги воситалар ёрдамида расм чизишга ўрганадилар, ўз чизган расмларини тасвирлаб бера оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: замонавий машиналар расмлари тўплами, қоғоз, бўёк, гуашь, сув идишлари, ноанъанавий расм чизиш учун табиат материаллари (пахта, кулок тозалагичлар, пахтали тампонлар)

Фаолиятнинг бориши:

1. “Замонавий машиналар” мавзусида расмларни кўздан кечириш.
2. Ноанъанавий расм чизиш техникаси билан танишиш.
3. Қўл остидаги воситалар ёрдамида машина расмини хомаки чизмаларини чизиш.
4. Болаларнинг ижодий фаолияти.
5. Болалар чизган тайёр расмларни муҳокама қилиш ва рағбатлантириш.

Қўшимча қисм: тарбиячи болаларга расм мавзусига оид шеър ёки қўшиқ куйлашни таклиф қилиши, кўргазма ташкил этиши мумкин.

Эътиборга молик жиҳати: тартибли ва гигиеник талабларга мос ишлашга ўргатиш. Келажак машинаси ғоясини киритиш. Тасаввур ва қўл майда моторикасини ривожлантириш. Ҳаёт хавфсизлиги асослари.

Қуриш, конструкциялаш ва математика маркази

Автострада: қандай ҳаракатланиш керак?

Мақсад: болалар автомобиллар қатнови учун махсус катта йўлни кубиклар, қурилиш блокларидан қуришни биладилар, фазода мўлжалга олишни биладилар, диққат, идрок, хотирани ривожлантирадидилар, топшириқни берилган кетма-кетликда бажарадилар, турли ҳажмга эга бўлган шаклларни номини биладилар ва ундан фойдаланган ҳолда қуриш, ранг ва шаклларни билиш малакаларини ошадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: кубик, геометрик шакл, лево, автострада элементлари, “Тўғрига ҳаракат”, “Ўнга ҳаракат”, “Чапга ҳаракат” йўл белгилари.

Фаолиятнинг бориши:

1. “Автострада” мавзусидаги расмни кўздан кечириш.
2. Болалар томонидан автострада қурилишини режалаштириш.
3. Болалар томонидан йўлни қуриш.
4. “Тўғрига ҳаракат”, “Ўнга ҳаракат”, “Чапга ҳаракат” йўл белгиларидан фойдаланган ҳолда йўлни конструкциялаш.
5. Ҳаракат бошланиши ва якуний нуқталарини белгилаш.
6. Болалар белгиланган йўналиш бўйича йўл ҳаракати қоидаларини бузмаган ҳолда белгиланган нуқтага тезроқ етиб боришлари керак.

Қўшимча қисм: тарбиячи болаларга ўз ишларига белгилар, реклама лавҳалари ўрнатишни таклиф қилиши мумкин (уларни болалар чизиши ёки конструкциялаши мумкин).

Эътиборга молик жиҳати: болаларни жамоада ишлашга ўргатиш. Тасаввурни ривожлантириш. Ҳаёт хавфсизлиги асослари.

Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш маркази

“Сўз ўйини” таълимий ўйини

Мақсад: болалар диққат, хотираларини ривожлантирадидилар, луғатни янги сўзлар билан бойитадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: икки тоифадаги сўзлар тасвирланган расмлар: **светофор** (луғат: учта кўз, кўчада турибди, чорраҳа, ҳаво ранг, бир оёк, сариқ ранг, қизил ранг, йўлдан ўтиш, пиёданнинг ёрдамчиси, яшил ранг, уйда турибди).

йўловчи (луғат: автобус, маршрут, бекат, йўл, ўқиш, уйқу, чипта, чиптачи, самолётда учиш, пиёда, ўриндиқ, салон, каравот)

Фаолиятнинг бориши:

1. Навбатма-навбат болалар орасидан бошқарувчини белгилаш.
2. Тарбиячи томонидан ўйин қондасини тушунтириш: бошловчи расми карточкани кўрсатади, болалар эса светофорга оид сўз бўлса бир марта, агар “йўловчи”га оид сўз бўлса икки марта чапак чаладилар.
3. Ҳар бир сўз танланишини тушунтириш.
4. Сўзлар иштирокида ҳикоя тузиш: эрталаб, нонушта, болалар боғчасига йўл, пиёдалар йўлакчаси, нон дўкони, дорихона, чораха, ер ости ўтиш йўли, светафор, болалар боғчаси.

Қўшимча қисм: тарбиячи мавзуга оид сўзлар талаффузини мустаҳкамлаш билан бирга болаларни жамоат жойларида ўзини тутиш маданиятига риоя қилишни ўргатади: транспортда йўл ҳаққини тўлаш, катталар турганда ўтириш мумкин эмаслиги ва бошқалар.

Эътиборга молик жиҳати: сўзларни тўғри талаффуз этиш. Тасаввурни ривожлантириш. Ҳаёт хавфсизлиги асослари

Фан ва табиат маркази

Гулхан ҳавони ифлослантиради (экологик тарбия)

Мақсад: болалар ҳаво хусусиятлари билан танишадилар, елим пакетга пуфлаш орқали ҳаво йиғиш мумкинлигини тушунадилар. Ҳавони ис газлари, оловдан ифлосланиши, аммо ифлосланган ҳавони ўсимликлар ёрдамида тозалаш мумкинлиги ҳақида билимга эга бўладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: ҳар бир болага пакет, гугурт, мавзуга оид расм, “Табиат ҳавони тозалайди” мавзусида слайд.

Фаолиятнинг бориши:

1. Пакетни ҳавога тўлдириш ва уни кузатиш.
2. “Ҳавонинг ифлосланиши ва уни тозаланиши” мавзусидаги расмларни кўздан кечириш.
3. Ҳавонинг ифлосланиши бўйича тажриба ўтказиш.
4. Шамни ёқиш ва олов устида ойна ёки чинни пиёлани тутиб туриш (бир оз муддати ўтгач, болалар предмет қорайишини ва қорақуя билан қопланишини кўрадилар)
5. Ўтказилган тажриба муҳокамаси (яна нима ҳавони ифлослантиради? – автомобиллардан чиқадиган ис газлари, сигаретлар, ёнғинлар, заводлардан чиқадиган тутунлар, ахлат уюмлари ва бошқалар)
6. Болалар хулосаси: ҳавони тозалашнинг муҳим воситаси ва кислород етказиб берувчи ўсимликлар ҳисобланади.

Қўшимча қисм: тарбиячи болаларга ўсимликларни парваришлаш қоидалари ҳақида гапириб беради ва экилган кўчатларга парваришлаш бўйича навбатчиларни белгилайди.

Эътиборга молик жиҳати: тажрибани ўтказиш ва соғлиқни сақлаш қоидаларига риоя қилиш. Ҳаёт хавфсизлиги асослари.

Санъат маркази

Табиат материалларидан аппликация: транспорт турлари

Мақсад: болалар майда қўл моторикаси, тасаввурларини ривожлантирадидлар, дид билан безатиш, аппликацияда табиат материалларини уйғунлаштиришни биладилар, ўз ижодларидан завқланадилар, чиройли сўзлар билан яратган асарларини ифодалаб берадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: табиат материаллари, рангли картонлар, қоғоз, елим, степлер, рамкалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. “Транспорт” мавзусидаги расмларни кўздан кечириш.
2. Тасвирий санъат фаолияти ноанъанавий техникаси билан танишиш.
3. Расм ва табиат материалларини танлаш.
4. Болалар билан мавзу асосида аппликация ишини бажариш.
5. Болаларнинг тайёрлаган расмларини муҳокама қилиш ва рағбатлантириш.

Қўшимча қисм: тарбиячи болаларга аппликацияни безатиш, мавзуга оид шеър ёки қўшиқ куйлашни таклиф қилиши, кўргазма ташкил этиши мумкин.

Эътиборга молик жиҳати: тартибли ва гигиеник талабларга мос ишлашга ўргатиш. Тасаввури ва қўл майда моторикасини ривожлантириш. Ҳаёт хавфсизлиги асослари.

Қуриш, конструкциялаш ва математика маркази

Гараж қурамир

Мақсад: болалар гаражни кубик, қурилиш блоклари, легодан қурадидлар, ҳажмга эга бўлган шаклларни номини ва ундан фойдаланган ҳолда қуриш, ранг ва шаклларни биладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: кубик, геометрик шакл, лего, гараж элементлари.

Фаолиятнинг бориши:

1. “Машина учун гараж” мавзусидаги расмни кўздан кечириш.
2. Болалар томонидан майдонча қурилишини режалаштириш.
3. Болаларнинг майдонча қуриш ишлари.
4. Болалар ишини муҳокама қилиш ва рағбатлантириш.

Қўшимча қисм: тарбиячи болаларга ўз ишларини майда ўйинчоқлар билан тўлдиришни таклиф қилиши мумкин (машиналар, асбоблар, дарахтлар ва бошқалар).

Эътиборга молик жиҳати: болаларни жамоада ишлашга ўргатиш. Тасаввурни ривожлантириш. Ҳаёт хавфсизлиги асослари.

Сюжетли-ролли ўйин ва сахналаштириш маркази

“Самолётда учамиз” таълимий ўйини

Мақсад: болалар аэропорт, аэропорт ходимлари меҳнати ҳақида тасаввурга эга бўладидлар, болаларда учувчи ва йўловчиларнинг ўзаро муносабатлари ҳақида тушунча ҳосил бўлади, учуш вақтида учуш қоидаларга амал қилиш кераклигини тушунадидлар, катталарга ва аэропорт хизматчиларига нисбатан ҳурмат ҳиссини ҳис қиладидлар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: учувчи ва стюардесса кийими, унга мос аксессуарлар, чемодан, кресло.

Фаолиятнинг олиб борилиши:

1. Болалар ўртасида ролларни тақсимлаш.
2. Аэропорт хизматчилари билан учрашув ва йўналишни режалаштириш.
3. “Самолётда учамиз” таълимий ўйинини ўйнаш.

4. Ўйналган ўйин бўйича суҳбат.

Қўшимча қисм: тарбиячи болаларга трапни конструкциялаш, чипталарни чизиб тайёрлаш, мусиқий безатишни таклиф этиш мумкин.

Эътиборга молик жиҳати: болаларнинг аэропорт хизматчилари билан мулоқот қилиш кўникмасини шаклланиши, маантиқий тафаккурни ривожлантириш, ҳаёт хавфсизлиги асослари

НОЯБРЬ. ИККИНЧИ ҲАФТА ЭҲТИЁТКОР ПИЁДА ҲАФТАЛИГИ

Қуриш, конструкциялаш ва математика маркази

Пиёдалар йўлаги

Мақсад: болалар геометрик шаклларни фарқлай оладилар, пиёда йўлагининг нима учун кераклини айтиб бера оладилар, йўлакчани геометрик шакллардан қуришда қанча шакл кетганлигини ҳисобини айтиб бера оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: геометрик, ҳамда қурилиш учун керакли шакл ва жиҳозлар, йўл.

Фаолиятнинг бориши:

1. Пиёда мавзусидаги расмларни кузатиш.
2. Болалар билан пиёдалар йўлагини қуриш режасини тузиш.
3. Геометрик шакллардан пиёдалар йўлагини қуриш.
4. Пиёдалар йўлагини ўлчаш.
5. Болалар ишини муҳокама қилиш ва рағбатлантириш.

Қўшимча: тарбиячи болаларга оқ қоғоздан лентачалар кесиб, пиёда йўлакчасини ёпиштиришни тавсия этиши мумкин.

Эътиборга молик жиҳати: болаларнинг жамоада ишлаши, қурилишда тозалikka эътибор, ҳаёт хавфсизлиги асослари.

Қуриш, конструкциялаш ва математика маркази

Йўл белгиларини йиғ

Мақсад: болалар ўйин орқали йўл белгиларини шакли, ранги, хошияларига қараб белгиларни қандай белги эканлигини биладилар. Бўлақлардан йиғилган йўл белигиларининг турини айтиб бера оладилар. Йиғилган айрим йўл белгиларининг маъносини тушунтириб берадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: турли шаклли бўлақлардан иборат бўлган йўл белгиларининг расмлари, АКТ, йўл белгиларининг макетлари.

Фаолиятнинг бориши:

1. АКТ орқали болаларга шаҳар кўчаларига қўйилган йўл белгиларини томоша қилиш.
2. Кўрилган йўл белгилари ҳақида қисқача суҳбат.
3. Берилган бўлақлардан йўл белгиларини йиғиш жараёни.
4. Энг кўп йўл белгиларини йиғган гуруҳ аъзоларига совға тақдим этиш.
5. Болалар ишини муҳокама қилиш ва рағбатлантириш.

Қўшимча: ўзлари йиққан йўл белгилари билан суратга тушиш ва бу белгини гуруҳнинг қаерига қўйишни маслаҳатлашиш.

Эътиборга молик жиҳати: болаларнинг жамоада ишлашлари, ҳаёт хавфсизлиги асослари.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш маркази

“Мен пиёдаман” сюжетли-ролли ўйин

Мақсад: болалар жамоат жойларида ўзларини тута олишга ҳаракат қиладилар, транспорт воситаларининг хавфли эканлигини тушунишга, транспорт турларини фарқлашга, кузатиш, таҳлил қилиш, хулоса чиқаришга ўрганадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: йўл белгилари, машиналар, фуражка, йўл кўрсатиш таёқчаси.

Фаолиятнинг бориши:

1. Мавзуга оид мавзуларни кузатиш.
2. Болалар билан сайрга бориш жойини режалаштириш.
3. Қоғоз картондан кўрсаткич ва белгиларни тайёрлаш.
4. Болалар ўртасида ролларни тақсимлаш.
5. Ўйин иштирокчиларининг диққатини йўлни тўғри кесиб ўтишга, йўл белгиларига риоя этишга қаратиш.
6. Жамоа жойларида тартиб сақлаш, йўл белгилари ҳақидаги билимларини мустаҳкамлаш.
7. Ўйин муҳокамаси ва болаларни рағбатлантириш.

Қўшимча: Тарбиячи болалар билан “Билмасвой шаҳарда (қишлоқда) мавзусида ўйинни сахналаштириши мумкин. “Уйдан боғчагача” йўл харитасини тузиш, жамоат жойларида жамоа тартиби қоидаларига риоя қилиш, атрофга эътиборли бўлиш, тозаликни сақлаш, пиёдалар йўлкасидан юриш, катта йўлга чиқиб кетмаслик, пиёдалар йўлкаси йўловчилар учун ажратилган бўлиб, пиёдалар йўлаги бўлмаган тақдирда катта йўлнинг четидан машиналар қатновига қарама-қарши юриши лозимлигини тушунтиради.

Эътиборга молик жиҳати: ижодий қобилиятни ривожлантириш. Ҳаёт хавфсизлиги асослари.

Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш маркази

Хавфли ҳолатлар таҳлили

Мақсад: болалар мустақил қарор чиқара оладилар, вазифаларни кетма-кетликда бажаришни, хавфли ҳолатларни фарқлаш ва уларга тўғри муносабатда бўлишни ўрганадилар, яқин атрофдаги жой, биноларнинг номларини билишга ўрганадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: турли хил ҳолатлар кўринишидаги объект (кўча, ўйин майдончалари, хиёбон, маҳалла)ларнинг расмлари, ўйинчоқлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Турли хилдаги кўргазмаларни куруллар, буюмлар, пазллар ва расмларни тайёрлаш.
2. Плакат ва расмлар билан ишлаш.
3. Хавфли ҳолатлар тасвирланган расмлар намойиши ва ҳолатларни болалар билан муҳокама қилиш.
4. Хиёбон, кўча ва ўйин учун хавфсиз жойлар тасвирланган расмларга ўз фикрини билдириш.
5. Луғат бойлигини бойитиш.

Қўшимча: тарбиячи болаларга кўчада юриш қоидаларини ўргатишда давом этади.

Эътиборга молик жиҳати: мантиқий фикрлаш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш, ҳаёт хавфсизлиги асослари

Фан ва табиат маркази

“Ҳавони қидириш” тажрибаси (экологик тарбия)

Мақсад: болалар ҳавонинг ажабланарли хусусиятлари билан танишадилар, “Ҳавони қидириш” мавзусидаги тажрибани ўтказишга ҳаракат қиладилар (банкадаги ҳаво, пакетдаги

ҳаво, ҳаво шарлари, совун кўпиги, совуқ кунларда ҳаво чиқариш), инсон ҳаётида ҳавонинг ўрни ва аҳамиятини тушунадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: елим пакет, шар, мавзу бўйича расм, “Табиат ҳавони тозалайди” мавзусидаги слайдлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. “Ҳавони қидириш” мавзусидаги расмни кузатиш.
2. Ҳавони қидириш бўйича амалий тажриба ўтказиш.
3. Амалий тажриба натижаларидан инсон ҳаётида ҳавонинг ўрни ва аҳамияти ҳақида суҳбат
4. Болалар ишини муҳокама қилиш ва рағбатлантириш.

Қўшимча: тоза ҳаво ҳақида шеър ўқиб беради.

Эътиборга молик жиҳати: тажриба ўтказиш давомида саломатликни сақлаш қоидаларига риоя қилиш, тасаввурларни кенгайтириш ва қўл майда моторикасини ривожлантириш, ҳаёт хавфсизлиги асослари.

Санъат маркази

Ўз қўлимиз билан светофор ясаймиз

Мақсад: болалар картондан светофор ясашни биладилар, ташландиқ материаллардан фойдалана олиш малакаларини ривожлантирадилар, ўз ясаган светофори ва уни қаерга ўрнатиш кераклигини тушунтириб бера оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: светафор тасвирланган расм, рангли қоғоз, картон, қайчи, елим, қути, пластилин, механик қисмлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. “Шаҳардаги светофорлар” мавзусидаги расмни кўриш.
2. Светофор ясаш учун столни тайёрлаш.
3. Қаттиқ қора картондан тўғри тўртбурчак шакл кесиб олиш.
4. Доира шаклидаги шаблонни тайёрлаш ва тўртбурчакда 3 та доира ҳосил қилиш.
5. Кесилган доираларга қизил, сарик, яшил рангли картонлардан доиралар кесиш ва қора картондаги тешиқларга ёпиштириш.
6. Тўғри тўртбурчакнинг ён томонларига ҳам қора картондан кесиб тайёрланган тўртбурчакларни ёпиштириш.
7. Ҳаракатлантирувчи қисмлар ўрнатиш.
8. Болаларнинг фаолияти натижасини муҳокама қилиш.

Қўшимча: кўرғазма ташкил этиш, мавзу бўйича шеър ёки қўшиқ ижро этиш.

Эътиборга молик жиҳати: болаларнинг гигиеник талабларга риоя қилган ҳолда ишлашлари. Бир-бирларини ҳурмат қилишлари. Боғланишли нутқ, қўл майда моторикасини ривожланиши. Ҳаёт хавфсизлиги асослари.

Сюжетли-ролли ўйин ва сахналаштириш маркази

“Бизнинг шаҳримиз кўчалари” сюжетли-ролли ўйини

Мақсад: болалар тасаввурларида ўйин сюжетини ижодий ривожлантирадилар, бир нечта мавзунини бир сюжет (мазмун)га бирлаштиришга ҳаракат қиладилар, одамлар ҳаёти, уларнинг ўзаро муносабати, бир-бирларига боғлиқлиги ҳақидаги тушунчалари кенгайишда давом этади, ўзаро суҳбатлаша олиш (диалог), катта гуруҳларда ўйнай олиш, сюжетли-ролли ўйинларга қизиқишлари ортади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: светофор макети, йўл белгилари, ўйинчоқ машиналар, аравачалар, ЙХХ ходими иш куруллари, “Дўкон”, “Гўзаллик салони”, уйлар макети.

Фаолиятнинг бориши:

1. Мавзуга оид расмларни кўриш
2. Болалар билан шаҳарнинг қайси кўчасига сайр уюштириш режасини тузиш.
3. Хўжаликни болалар билан бирга юритиш.
4. Шифохонага мурожаат қилиш.
5. Дўконга харид учун бориш.
6. Йўлдаги машиналар, пиёдалар ҳаракатини йўл ҳаракатини бошқарувчиси сифатида бошқариш.

Қўшимча: тарбиячи болаларга сайр пайтида йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилган ҳолда велосипедда учини таклиф этади.

Эътиборга молик жиҳати: сўз бойлигини ошириш, ижодий қобилиятларни намоён бўлиши.

Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш маркази

“Уйга йўл” таълимий ўйини

Мақсад: болалар уйга ва боғчага олиб борувчи йўналиш, йўл бўйлаб жойлашган ижтимоий объектлар (супермаркет, стадион, мактаб) ҳақида тасаввурга эга бўладилар, сўз бойликлари макон (жой)тушунчалари билан бойиб боради.

Керакли жиҳоз ва материаллар: расмлар, плакатлар, йўналиш чизмаси, шартли белгилар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Йўналишни танлаш.
2. Йўл бўйидаги ижтимоий объектлар ҳақида суҳбат.
3. Луғатни янги сўзлар билан бойитиш.
4. Йўналиш (маршрут)ни ўрганиб чиқиш ва макон (жой) тушунчаларини аниқлаштириш.
5. Ҳар бир боланинг уйига белги қўйиш (х, +..).
6. Ҳар бир боланинг уйдан боғчага ва аксинча юриш йўналишини аниқлаш.
7. Болалар боғчаси ва уйни йўл, ўтиш жойларини ҳисобга олиб қалам билан белгилаш (тарбиячи болаларга йўналишни белгилашга ёрдам беради).
8. Болалар билан хариталарда кўрсатилган йўл бўйидаги йўл ҳаракати белгиларини муҳокама қилиш:
 - пиёдалар ўтиш жойи
 - тиббиёт муассасаси
 - “Тўхта”, “Юриш таъқиқланади”, “Ёқилғи қуйиш шоҳобчаси” белгилари
9. Болалар билан яқуний суҳбат.

Қўшимча: кўшимча равишда тарбиячи энг муҳим белги ва йўлда юриш қоидаларини тушунтириб, мустаҳкамлаши мумкин.

Эътиборга молик жиҳати: хотира, диққат ва ижодкорликнинг ривожланиши. Тасаввур ва нутқнинг ривожланиши. Ҳаёт хавфсизлиги асослари.

Фан ва табиат маркази

Ичимлик суви қандай пайдо бўлади? Амалий тажриба

Мақсад: сув ҳақидаги тушунчалари кенгайтириш, табиий шароитда сув чиқариш усуллари билан танишадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: белкурак, плёнка, тош.

Фаолиятнинг бориши:

1. Муассаса худудидаги боғдан тажриба жойини тайёрлаш.
2. Ерда чуқурлиги 25 ва диаметри 50 см бўлган чуқурни тайёрлаш.
3. Чуқурнинг марказига бўш пластик контейнер ёки бошқа идишни ўрнатиш, унинг атрофига янги яшил ўт ва барглари жойлаштириш.
4. Чуқурликни тоза полиэтилен плёнка билан ёпиш ва унинг атрофларини четидан ҳаво чиқармайдиган қилиб тупроқ билан беркитиш.
5. Плёнка марказига тошни жойлаштириш ва бўш идиш устига аста босиб қўйиш.
6. Конструкцияни кечгача қолдириш. Плёнкадан ерни аста-секинлик билан қоқиб (идишга тупроқ тушиб кетмаслиги керак) олиш. Идишда тоза сув йиғилган бўлади.
7. Болаларга қуёш тафти туфайли ўт ва барглари ўзидан иссиқлик чиқариши, иссиқ ҳаво ҳар доим тепага кўтарилиши ва буғланиб совуқ плёнкада томчига айланиши тушунтирилади. Шу сув идишга оқиб тушгани кўрсатилади.

Қўшимча: тарбиячи болаларга амалга оширилган тажриба бўйича ота-оналар билан муҳокама уюштириш ва уйда мустақил бажаришни таклиф қилиши мумкин.

Эътиборга молик жиҳати: болаларнинг кузатувчанлиги, ҳаёт хавфсизлиги асослари.

Санъат маркази

Йўл белгиларини яшаш (лой иши)

Мақсад: болалар пластилин ёки лойдан йўл белгиларини яшашни ўрганадилар, қўшимча материаллардан фойдаланадилар, маданий-гигиеник кўникмаларни шакллантирадилар, пластилинни айлантириш ва думалатиш кўникмаларини ривожлантирадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: оқ тупроқ ва пластилин, йўл белгиларини безатиш учун жиҳозлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. “Йўл белгилари” мавзусидаги расми томоша қилиш.
2. Иш столини йўл белгиларини яшаш учун тайёрлаш.
3. Йўл белгиларини яшаш.
4. Болалар ишлари натижаларини муҳокама қилиш.

Қўшимча: тарбиячи мавзу бўйича шеър ёки ашула айтиб беришни таклиф этиши ва кўргазма ташкил этиши мумкин.

Эътиборга молик жиҳати: озода ва гигиеник талабларга риоя этиб ишлаш кўникмасининг ривожланиш. Дўстининг меҳнатини ҳурмат қилиш. Тасаввурлари, боғланишли нутқи ва майда моторикасини ривожлантириш. Ҳаёт хавфсизлиги асослари.

НОЯБРЬ. УЧИНЧИ ҲАФТА **ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ХИЗМАТЛАРИ**

Сюжетли-ролли ўйин ва сахналаштириш маркази

“Биз қутқарувчилармиз” сюжетли-ролли ўйини

Мақсад: болалар хавфли вазиятлар ва қутқарув хизмати иши ҳақида илк билим ва тасаввурга эга бўладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: ниқоблар, руль, машиналар, костюмлар; фуражкалар, мавзу юзасидан турли вазиятли иллюстрациялар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Мавзу юзасидан сюжетли расмларни кўриш
2. Ролларни тақсимлаш ва турли вазиятларни саҳналаштириш.
3. Тезкор чақирув телефонларидан фойдаланиш.
4. Ўйин, муҳокама ва болаларни рағбатлантириш.

Қўшимча: бадий сўз билан тўлдириш.

Эътиборга молик жиҳати: луғатни бойитиш, ижодий қобилиятни ривожлантириш, ҳаёт хавфсизлиги асослари

Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш маркази

“Хавфли буюмлар” таълимий ўйини

Мақсад: болалар турмушдаги хавфли буюмлар: электр асбоблар, газ плитаси, гугурт ҳақида дастлабки тушунчаларга эга бўладилар, айрим асбобларнинг болалар учун хавфли томонларини тушуниб оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: мавзу бўйича иллюстрациялар, плакатлар, хавфли предметлар ва тезкор хизмат рақамлари кўрсатилган пешлавҳа.

1. Фаолиятнинг бориши.
2. Сюжетли расм ва плакатларни кузатиш.
3. Расмлар бўйича таянч сўзларни айтиш.
4. Расмдаги вазиятларни тавсифлаш.
5. Мос рақамли пешлавҳани топиш, ундаги тезкор хизматнинг рақамини айтиш.
6. Болалар ишининг муҳокамаси, рағбатлантириш.

Қўшимча: бадий адабиёт намуналари билан танишиш.

Этиборга молик жиҳат: қисқа гаплардан иборат хикоя туза олиш, ижодий қобилиятларни ривожлантириш, ҳаёт хавфсизлиги асослари.

Фан ва табиат маркази

Сув ва қум хусусиятлари – ўт ўчирувчиларнинг ёрдамчилари

Мақсад: болалар сув ва қумнинг айрим хусусиятлари ва нам қумнинг ўзгача хусусиятлари билан танишадилар, сувдан фойдаланишни билиш, сув билан тажриба ўтказиш, ўт ўчирувчилар фаолиятида сувнинг аҳамиятини билишга ҳаракат қиладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: сув, қум, шам, гурурт, мавзуга оид иллюстрациялар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Сув ва қумнинг хусусиятларини ёнғиндан қутқариш воситаси сифатида танишиш.
2. Амалий тажриба: оловни ўчириш (ёнган шамни сув ва қум ёрдамида ўчириш). (амалий иш тарбиячи раҳбарлигида олиб борилади).
3. Тажриба якунини хулосалаш.

Қўшимча: расмлардан “кислородсиз олов” тажрибасини (кислород келишини тўхтатиш йўли билан оловни ўчириш) кузатиш.

Эътиборга молик жиҳат: амалий тажриба ўтказиш жараёнида ҳаёт хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш.

Қуриш, конструкциялаш ва математика маркази

Ўт ўчириш машинасини йиғамиз

Мақсад: болалар легонинг доначаларини турли хилда жойлаштириш орқали ўт ўчириш машинасини йиға оладилар, ўт ўчириш машинасини бошқа машиналардан фарқини биладилар, машинани баланд, қулай қуришга ҳаракат қиладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: ўз вазифасини бажараётган ўт ўчириш машиналари тасвирланган расм, АКТ, хужжатли фильм диски, ўйинчоқ ўт ўчириш машинаси.

Фаолиятнинг бориши:

1. АКТ орқали болалар ўт ўчириш машинасининг фаолиятини томоша қилиш.
2. Кўрилган слайдлар, хужжатли фильм ҳақида қисқача суҳбат.
3. Лего доначаларидан ўт ўчириш машинасини ясаш жараёни.
4. Болаларнинг ўз ишларининг тақдимотини қилишлари ва рағбатлантириш.

Қўшимча: ўзлари йиққан машиналар билан ўйин ташкил этиш таклифини бериш.

Эътиборга молик жиҳати: болаларнинг жамоада ишлаши, ҳаёт хавфсизлиги асослари.

Санъат маркази

Менинг қаҳрамоним

Мақсад: болалар ўзлари қаҳрамон деб билган образларини расм орқали яратишга ҳаракат қиладилар, тоза ишлашга, татиб билан чизишга ўргандилар, дўстларининг ютуқларидан хурсанд бўладилар, мўйқалам билан ишлаш малакаларини ривожлантирадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: оқ қоғоз, рангли бўёқ ва мўйқалам, салфетка, эртақ ва мультфильм қаҳрамонлари тасвирланган расмлар.

Фаолиятнинг бориши:

5. Эртақ ва мультфильм қаҳрамонлари тасвирланган расмларни томоша қилиш.
6. Иш столига керакли жиҳозларни тайёрлаш.
7. Қаҳрамонларнинг бирини танлаш ёки ҳаёлий қаҳрамон расмини чизиш.
8. Болалар ишлари натижаларини муҳокама қилиш.

Қўшимча: тарбиячи чизилган расмлар асосида шеър ёки ашула айтиб беришни, ёки мультфильм кўришни таклиф қилиши мумкин.

Эътиборга молик жиҳати: озода ва гигиеник талабларга риоя этиб ишлаш кўникмасининг ривожланиш. Дўстининг меҳнатини ҳурмат қилиш. Тасаввур, боғланишли нутқ ва майда моториканинг ривожланиши.

1. Ҳаёт хавфсизлиги асослари.

Қуриш, конструкциялаш ва математика маркази

Милиция машинасини ясаймиз

Мақсад: болалар мавжуд пазл, леголардан машина шаклини ясай оладилар ва унга айнан милиция машинасига ўхшатиш учун керакли белгиларни ёпиштиришга ҳаракат қиладилар, ушбу машинанинг вазифаси ҳақида биладилар, машинани ясашда керак бўлган лего доначаларининг сони, кимнинг машинаси катта, баланд, унга доначалар кўп кетганми, кам кетганлигини аниқлашни ўрганадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: турли шаклли бўлақлардан иборат бўлган лего ва пазл, ёзувли белгилар, АКТ.

Фаолиятнинг бориши:

1. АКТ орқали болаларга шаҳар кўчаларида хизмат вазифасини ўтаётган милиция машиналарини томоша қилиш.

2. Кўрилган расмлар ҳақида қисқача суҳбат.

3. Берилган лево ва пазллардан милиция машинасини йиғиш жараёни.

4. Тайёр машиналарга белгилар қўйиш.

5. Болалар ишини муҳокама қилиш ва рағбатлантириш.

Қўшимча: ўзлари йиғган машиналари билан суратга тушиш ва улар билан ўйнашни таклиф этиш..

Эътиборга молик жиҳати: болаларнинг жамоада ишлаши, ҳаёт хавфсизлиги асослари.

Сюжетли-ролли ўйин ва саҳналаштириш маркази

“Тез ёрдам шифокори” сюжетли-ролли ўйини

Мақсад: болаларда бошқаларга нисбатан ғамхўрлик хисси тарбияланади, нутқ ривожланади, хавfli вазиятларда тез ишлаш, ширин муомала қилиш каби шифокорларга хос малакалар тарбияланади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: ниқоб, руль, машина, костюм, фуражкалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Мавзуга оид сюжетли расмларни кўриш
2. Ролларни тақсимлаш ва турли вазиятларни саҳналаштириш.
3. Тезкор чақирув телефонларидан фойдаланиш.
4. Ўйин, муҳокама ва болаларни рағбатлантириш.

Қўшимча: ролларни алмаштириш таклифини бериш.

Эътиборга молик жиҳати: луғатни бойитиш, ижодий қобилиятни ривожлантириш; ҳаёт хавфсизлиги асослари

Фан ва табиат маркази

Оловнинг хусусиятлари – нимаси фойда, нимаси зарар?

Мақсад: болалар оловнинг айрим хусусиятлари билан танишадилар, оловдан эҳтиёт бўлиш кераклигини, олов билан ўйнаш мумкин эмаслигини тушунадилар, ҳаёт хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш ҳақидаги тушунчалари мустаҳкамланади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: сув, қум, шам, гурурт, мавзуга оид расмлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Оловнинг хусусиятлари билан танишиш.
2. Оловнинг ўзига хос яхши ва ёмон томонлари (иссиқлик беради, овқатимиз пишади, улар ёниб кетади, одамлар куйиб қолади.),
2. Амалий тажриба: оловни ўчириш (ёнган шамни сув ва қув ёрдамида ўчириш). (амалий иш тарбиячи раҳбарлигида олиб борилади).
3. Тажриба якунини хулосалаш.

Қўшимча: расмларда акс эттирилган ҳолатлар бўйича ўз фикрларини беришни таклиф этиш.

Эътиборга молик жиҳат: амалий тажриба ўтказиш жараёнида ҳаёт хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш.

Санъат маркази

Тасаввури асосида лой иши

Мақсад: болалар ҳаёлларига келган образларини пластлин орқали яратишга ҳаракат қиладилар, ўзлари ёқтирган буюм, ўйинчоқ, ҳайвончалар ва бошқа нарсаларни ясашга ҳаракат қилади. Уларни нима учун яхши кўришлари ҳақида қисқача гапириб берадилар. Тоза ишлашга, тартибга ўргандилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: пластилин, қўл артиш учун салфетка, турли предметлар тасвирланган расмлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Турли расмларни томоша қилиш.
2. Иш столига керакли жиҳозларни тайёрлаш.
3. Ҳаёлий қаҳрамонларни лойдан ясаш.
4. Болалар ишлари натижаларини муҳокама қилиш.

Қўшимча: тарбиячи болаларнинг ишларидан кўргазма тайёрлашни таклиф этади.

Эътиборга молик жиҳати: озода ва гигиеник талабларга риоя этиб ишлаш кўникмасининг ривожланиши. Ҳаёт хавфсизлиги асослари.

Санъат маркази

“Ёрдамчи машиналар”

Мақсад: болалар машина турлари ва номларини биладилар, ўзлари орзу қилган машиналарни аппликация ёрдамида ясай оладилар, ёрқин рангларни танлай оладилар, машиналарнинг инсонларга келтирадиган ёрдами ҳақида ўзаро фикр алмашадилар, қайчи билан ишлаш малакалари ошади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: оқ ва рангли қоғоз, елим, қайчи, мўйқалам, қўл артиш учун салфетка, ёрдамчи машиналар тасвирланган расм, турли белгилар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Ёрдамчи машиналар тасвирланган расмларни томоша қилиш.
2. Қандай ёрдамчи машинани ясашни танлаш.
3. Аппликация учун керакли жиҳозларни тайёрлаш.
4. Аппликация жараёни ва болаларни ишларини кузатиш
5. Тайёр машиналарни ясалиши бўйича муҳокама.

Қўшимча: тарбиячи болаларнинг ишларидан кўргазма тайёрлашни таклиф этади.

Эътиборга молик жиҳати: қайчи билан ишлаш кўникмасининг ривожланиши, ҳаёт хавфсизлиги асослари.

Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш маркази

“Йўл ҳаракати қоидалари”серияли расмлари асосида ҳикоя тузиш.

Мақсад: болалар ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини биладилар, билганларига қўшимча тарзда янги йўл белгиларини ўрганадилар, йўл белгиларида кўрсатилган расмлар асосида уларнинг маъносини тушунадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: ҳаракат хавфсизлиги қоидаларига мос расм, йўл белгилари.

Фаолиятнинг бориши:

1. Ҳаракат хавфсизлиги қоидаларига мос расмларни томоша қилиш.
2. Расмлар асосида кичик ҳикоялар тузиш.
3. Белгиларнинг маъносини айтиш
4. “Серияли расмлар” таълимий ўйинини ўйнаш.

Қўшимча: тарбиячи болаларга ҳаракат хавфсизлигига оид мультфильм кўришни таклиф этади.

Эътиборга молик жиҳати: мустақил фикр юритиш, ижодкорлик ва мантиқий фикрлаш.

НОЯБРЬ.ТЎРТИНЧИ ҲАФТА КАСБЛАР, БИЗНИНГ САВОБЛИ ИШЛАРИМИЗ

Қуриш, конструкциялаш ва математика маркази

Мактаб қурамиз

Мақсад: болалар қурилиш биноларининг жойлашуви, уларнинг текисликдаги шакллари биладилар, уларнинг баландлигини ўлчай оладилар. Геометрик шакллар (куб, тўғри тўртбурчак, квадрат)ни айта олиш малакалари ривожланади. Мактаб биносини қуриш учун ҳоҳиш пайдо бўлади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: катта қурилиш материаллари, стол усти қурилиш материаллари, мактаб ҳудудини безаш учун майда сюжетли ўйинчоқлар, дарахтлар ва гуллар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Қурилиш кўринишини танлаш.
2. Қурилиш учун керак бўлган материалларини тўплаш.
3. Мактабни қуриш.
4. Қурилиш атрофидаги ҳудудни ободонлаштириш.

Қўшимча: мактаб ҳақида шеърларни эслаш. Тарбиячи ўқитувчилик касби ҳақида гапириб беради.

Эътиборга молик жиҳат: жамоада биргаликда ишлай олиш. Геометрик шакллар ва қурилиш материаллари тўғрисидаги тушунчаларни мустаҳкамлаш. Қурилишнинг мустаҳкам ва пишиқлигини таъминлаш. Ҳаёт хавфсизлиги асослари.

Сюжетли-ролли ўйин ва сахналаштириш маркази

“Шифокор қабулида” ролли ўйин

Мақсад: шифокор касби билан танишиш, айрим тиббиёт ускуналари нима учун ишлатилиши тўғрисида тушунчага эга бўладилар (харорат ўлчагич, шприц, стетоскоп ва ҳ.к.)

Керакли жиҳоз ва материаллар: шифокор учун керакли бўлган анжомларнинг ўйинчоқ кўринишидаги тўплами, кўғирчоқлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Ролларни мустақил равишда тақсимлаш (шифокор, она қизи билан ва ҳ.к.)
2. Ўзи ўйлаб топган сценарийни сахналаштириш.
3. Мазкур Мавзу янги сюжетни сахналаштириш, ролларни алмаштириш.

Эътиборга молик жиҳат: ўйин давомида болаларнинг ўзаро муносабати; ўйин иштирокчиларига эмоционал муносабат; фаол бўлмаган болаларнинг ўйиндаги иштироки.

Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш маркази

Турли-туман касблар

Мақсад: айрим касблар ва уларнинг инсон ҳаётидаги ўрни ҳақидаги тушунчалари кенгайтирилади. Қўлдан келган меҳнатига қизиқишлари ортади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: ҳар бир бола учун иллюстрация, мавзули расмлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Шеърларни тинглаш.

2. “Касблар” карточкаларини кўриб чиқиш.

3. Ота-онасининг касби ва улар нима билан шуғулланиши тўғрисида гапириб бериш (масалан, менинг онам – болалар шифокори. Улар болаларни даволайдилар, дори ва уколларни ёзиб беради. Менинг отам – автобус ҳайдовчиси. Улар одамларни ишга ва ўқишга олиб борадилар.)

Қўшимча: келажакда ким бўлиши тўғрисида сўзлаб бериш.

Эътиборга молик жиҳат: болалар нутқини тўғри ривожланиш.

Фан ва табиат маркази

Балиқларни парваришлаймиз

Мақсад: аквариумдаги балиқларни парваришлай олишни ўрганадилар, балиқчаларни қандай озукланиши ва уларни овқатлантиришни билиш, сувда балиқнинг қандай нафас олишини тушуниш.

Керакли жиҳоз ва материаллар: балиқли аквариум, уларнинг озукаси, қармоқ, балиқлар учун сув ости ўйинчоқлари.

Фаолиятнинг бориши:

1. Болаларнинг аквариумни кузатишлари ва балиқчаларни парваришлай бўйича билимларини кўрсатишлари.

2. Балиқлар тўғрисида билганларини сўзлаб бериш.

3. Балиқларнинг рангини айтиб бера олиш.

4. Аквариумдаги балиқларнинг расминини чизиш.

Эътиборга молик жиҳат: фаол бўлмаган болаларни ижтимоий муҳитга мослаштириш, эмоционал ҳолаи, ҳаёт хавфсизлиги асослари.

Қуриш, конструкциялаш ва математика маркази

Атрофимиздаги рақамлар

Мақсад: рақамларни таниш ва уларни ёзишни билиш, топишмоқ ва мақолларни айта олиш малакалари ривожланади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: рақамли карточкалар, “Рақам нимага ўхшайди” предметлар иллюстрацияси, санок таёқчалари, топшириқли қоғозлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. 10 гача олдинга ва орқага санай олиш.

2. “Рақам нимага ўхшайди” предметларнинг иллюстрациясининг томоша қилиш.

3. Рақамли карточкаларни тартибли жойлаштириш олиш.

4. Ҳар бир рақамли карточкалар тагидан санок таёқчалари (тиш ковлагич) билан рақам шаклини ясаш.

Қўшимча: варақларда берилган топшириқларни бажариш.

Эътиборга молик жиҳат: болаларнинг фаол иштироки; ҳаёт хавфсизлиги асослари.

Сюжетли-ролли ўйин ва сахналаштириш маркази

“Қовурамиз, қайнатамиз, пиширамиз” (ошпазлик касби) сюжетли-ролли ўйин

Мақсад: ошпаз нима билан шуғулланиши ҳақида тушунчалари кенгайтирилади. Ошпазлар тайёрлайдиган таомларнинг номини биладилар. Ошпаз касбига қизиқишлари ортади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: болалар ошхона тўплами, ошпаз кийими; болалар идиш-товоғи, маҳсулотлар муляжи ва ҳ.к.

Фаолиятнинг бориши:

1. Ўйин сюжетини ўйлаб топиш.
2. Сюжетни сахналаштириш учун роллар тақсимоли.
3. Сюжетли-ролли ўйин.

Қўшимча: ёктирадиган таомлар ҳақида сўзлаб бериш.

Этиборга молик жиҳат: ўйин мобайнида болаларнинг ўзаро муносабатлари; ўйин иштирокчиларнинг эмоционал ҳолати.

Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш

Ҳунармандлар шахри

Мақсад: чизма асосида тавсифий ҳикоя туза оладилар, нутқда феъл туркумини қўллаш, турли касбдаги кишиларга ўз қизиқиш ва хурматини ифодалашга ўрганадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: тақдимот, турли касб вакилларининг иш кийимлари (формалари) ва уларнинг иш қуроллари.

Фаолиятнинг бориши.

1. Тарбиячи берган топшириқларга жавоблар топиш:

ким сизларга кўйлак, куртка ва севимли озиқ-овқатларни сотади? (Сотувчи)

ким ҳамма касалликларни даволайди, кимга нима фойдали эканлигини билади? (Шифокор)

- 1) ким ёнғинни ўчиради, одамларни қутқаради? (Ўт ўчирувчи)
- 2) ким машинада юк ташиydi? (Ҳайдовчи)
- 3) ким фен, тароқ ёрдамидамодага мос сочларни турмаклайди (Сартарош)
- 4) ким бизга тушлик тайёрлайди: шўрва, котлет, винегретлар (Ошпаз)
- 5) ким тинчлигимизни сақлайди, бузғунчиларни тутади? (Ички ишлар ходими)
- 6) ким мактаб, уй, болалар боғчаси, дўконларни қуради? (Қурувчи)

Қўшимча: турли касбларнинг иш кийими ва иш қуроллари билан танишиш. Ҳар бир касбга мос феъл туркумини танлаш: «Нима қиляпти?» саволига жавоб бериш (масалан: ошпаз – пиширади, қовуради, тайёрлайди; шифокор – даволайди, укол қилади. Қурувчи – қуради ва ҳ.к.)

Этиборга молик жиҳат: болалар нутқи, феълларни тўғри қўллай олиш малакаси.

Санъат маркази

Апликация: Касблар китобчаси

Мақсад: касблар тўғрисидаги тасаввурларга эга бўладилар, айрим касбларнинг асосий вазифаси тўғрисидаги маълумотларга эга бўладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: рангли қоғоз, картон, касблар тўғрисида расм ва табрикномалар, елим, қалам, қайчи, салфетка; китобчани жамлаш намунаси.

Фаолиятнинг бориши:

1. Намуна бўйича китобчани яшаш
2. Журналлардан касблар тўғрисидаги расмларни танлаб ва уларни қирқиб олиш.
3. Китоб варақларини касблар тўғрисидаги расмлар билан тўлдириш ва касблар номини ҳар бир расм тагига босма ҳарфларда ёзиб чиқиш.
4. Китоб муқовасини безаш.

Қўшимча: ўз китоблари билан бир-бирларини таништириш.

Эътиборга молик жиҳат: ишга ижодий ёндаша олиш, батариб ишлай олиш ва иш жойини тартибга келтириш.

Фан ва табиат маркази

“Табиат календари” амалий тажриба

Мақсад: об-ҳаво ўзгаришини кузатиш ва маълумотларни махсус жадвалга киритишни биладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: ташқаридаги ҳароратни ўлчайдиган термометр, қаламлар, кузатиш варағи

Фаолиятнинг бориши:

1. Об-ҳаво ўзгаришини кузатиш.
2. Кузатиш варағига маълумотларни киритиш: кўчадаги об-ҳаво ҳароратини белгилаш.
3. Осмондаги ўзгаришларни кузатиш ва уларнинг расмини чизиш.

Қўшимча: календарь мунтазам равишда ўқув йили мобайнида тўлдирилиб борилиши мумкин.

Жиҳоз ва материаллар: кузата олиш, таҳлил қилиш ва хулоса чиқариш.

Санъат маркази

Кузги осмон

Мақсад: куз осмонининг ўзига хослиги ва кузги табиат ўзгаришларини биладилар. Осмондаги оқ ва қора булутлар ҳақида тушунчаларга эгалар. Оқ булут ҳавонинг очиклигидан, қора булут эса ҳадемай ёмғир ёғишидан дарак беришини биладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: қоғоз, бўёқлар, сув идиши.

Фаолиятнинг бориши:

1. Куз осмони, об-ҳаво ва осмондаги ўзгаришларни сўз билан тасвирлаб бериш.
2. Куз осмони тасвирланган фотосуратларни томоша қилиб кўриш.
3. Осмон расмини чизиш ва уни кузги кўринишга мослаб бўяш.
4. Галерея ташкил этиш, рағбатлантириш.

Қўшимча: жамоа ишини ташкил этиш.

Эътиборга молик жиҳат: йил фаслларининг ўзига хослигини билиш, тасаввурни ривожлантириш ва янги ранг турларини яратиш малакаларининг ривожланиши.

ДЕКАБРЬ
ОЙ МАВЗУСИ: “ЗУМРАД ҚИШ”

Гуруҳ	Тайёрлов						
Мавзу	Зумрад қиш. Конституция куни						
Муддати	Декабрь ойининг 1-ҳафтаси						
Ривожланиш соҳаларига оид мақсадлар	Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши	Соғлом турмуш тарзи малакаларини шакллантириш					
	Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш;	Ўз ҳисларини ифодалашни назорат этиш ва турли ижтимоий вазиятларда ҳиссий муносабат билдиришга ўргатиш					
	Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари	Болаларнинг давлатимиз байрами бўлган «Конституция куни» ҳақидаги тасаввурларини кенгайтириш. Нутқда мураккаб гапларни ва ибораларни қўллаган ҳолда расмлар асосида ҳикоя қилишга ундаш					
	Билиш жараёнининг ривожланиши	Болаларда қиш ва унинг белгилари, қиш ойлари ҳақидаги билимларни мустаҳкамлаш					
	Ижодий ривожланиш	Ҳаётдаги ижтимоий ҳодисаларни ифодалашнинг турли воситаларини қўллаган ҳолда тасвирий ижодда акс эттиришга ўргатиш. Сюжетни истакка кўра танлаш, ўйланганларни расмда ёки ҳайкалда ифодалаш.					
Ривожланиш марказлари		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Ресурслар
Эркин фаолият	Қуриш, конструкциялаш ва математика	Предметларни тўғри ва тесқари санаш. Геометрик шакллар ёрдамида расм ҳосил қилиш			Байрамона уй		Қурилиш жамланмаси, лего, расмлар
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш	“Қорқиз” эртагининг сахналаштирилган ўйини					Ўйинга мос костюмлар
	Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш	“Бу қачон содир бўлади?” таълимий ўйини	Қиш ҳақидаги расмни жамла (пазллар)	Қиш мавзусида тасвирий ҳикоя			“Қиш” мавзусига оид карточкалар
	Фан ва табиат	Табиат календари билан ишлаш. Об-ҳавони таҳлил этиш, қиш белгиларини аниқлаш, ҳар куни об-ҳавони таққослаш.					Гуруҳдаги об-ҳаво календари
	Санъат	Апликация: Ўзбекистон байроғи	Расм: Мен қишни нима учун яхши кўраман	Лой иши: Биз қишда сайрдамиз			Бўёқлар, пластилин, қайчи, рангли қоғоз
	Умумий гуруҳ бўлиб ишлаш						

ДЕКАБРЬ
ОЙ МАВЗУСИ: “ЗУМРАД ҚИШ”

Гуруҳ	Тайёрлов						
Мавзу	Соғ танда – соғлом ақл						
Муддати	Декабрь ойининг 2-хафтаси						
Ривожланиш соҳаларига оид мақсадлар	Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши	Ҳаракат кўникмаларини мустаҳкамлаш. Тўғри қадди-қоматни сақлашга, орасталикка риоя этишга ўргатиш					
	Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш	Болалар орасида ўзаро дўстона муносабатни шакллантириш, атрофдаги инсонларга нисбатан хурмат билан муносабатда бўлишни тарбиялаш					
	Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари	Барча товушларнинг аниқ талаффузини мустаҳкамлаш. Нутқнинг аниқлигига эришиш					
	Билиш жараёнининг ривожланиши	Болаларни соғлом турмуш тарзи қоидалари ва спорт турлари билан таништириш, мамлакат ҳаётидаги жисмоний соҳага оид воқеаларга бўлган қизиқишни қўллаб-қувватлаш					
	Ижодий ривожланиш	Болаларни образнинг жонлилиги, предметларнинг белгилари, ҳаракатларини тасвирий воситалар кўмагида ифодалашга ўргатиш. Ижодкорликни ривожлантириш					
Ривожланиш марказлари		Таълимий-тарбиявий фаолият					
		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Ресурслар
Эркин фаолият	Қуриш, конструкциялаш ва математика	Спорт мажмуасини кураимиз (йирик қурилиш материалдан)			Спорт ҳақидаги расми тўпла (пазллар)		Йирик қуриш -ясаш материаллари тўплами, пазллар
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш	Спорт моллари дўкони					Спорт жиҳозлари, дўкон ўйини жиҳозлари
	Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш	“Расмда қандай спорт тури тасвирланган?” таълимий ўйини		“Қандай сўз мос келмайди?” таълимий ўйини		“Жисмоний тарбия ва спорт” мавзусига оид расмли карточкалар	
	Фан ва табиат	Муз парчасини кузатамиз		Рангли муз ясаймиз			
	Санъат	Лой иши: Биз спорт билан шуғулланамиз			Расм: Менга қайси спорт тури ёқади?		Бўёқлар, қаламлар, қоғоз, салфетка
	Умумий гуруҳ бўлиб ишлаш						

ДЕКАБРЬ
ОЙ МАВЗУСИ: “ЗУМРАД ҚИШ”

Гуруҳ	Тайёрлов					
Мавзу	Уст, бош ва оёқ кийимлар					
Муддати	Декабрь ойининг 3-хафтаси					
Ривожланиш соҳаларига оид мақсадлар	Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши	Ташқи орасталикка риоя этиш одатини тарбиялаш, ўз-ўзига хизмат қилиш ва гигиена малакаларига ўргатиш. Мувозанатни сақлашга ўргатиш, ҳаракатлар мувофиқлигини ривожлантириш, жойда мўлжал олишни яхшилаш				
	Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш	Тенгдошлари билан ҳиссий мулоқот шароитида ўз тажрибаларини қўллашга, турли фаолият давомида ижодкорликни намоён этишга ўргатиш				
	Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари	Грамматик хатоликларга танқидий муносабатни, нутқнинг софлиги ва тўғрилигига бўлган интилишни тарбиялаш				
	Билиш жараёнининг ривожланиши	Болаларнинг устки ва оёқ кийимлар ҳақидаги билимларини кенгайтириш. Фабрика, ательеда кийимларни тикиш билан боғлиқ меҳнатга доир тасаввурларни шакллантириш				
	Ижодий ривожланиш	Расмда нақш элементларини чизишга ўргатиш. Мўйқалам учи билан чаққон ва енгил ҳаракатлар қилган ҳолда тўғри, синик, тўлқинсимон, айлана, ярим доира каби чизиқлар чизиш, нукта қўйиш, мўйқаламни тўғри ушлаш малакасини шакллантириш				
Ривожланиш марказлари		Таълимий-тарбиявий фаолият				
		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума
Эркин фаолият	Қуриш, конструкциялаш ва математика	Конструкциялаш: Айиқча		Қўғирчоқ учун шифоньер ва комод		Санок учун майда ўйинчоқлар. Санок чўплари
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш	Модалар ательеси		“Кийимлар дўкони” сюжетли-ролли ўйин		Матолар, кийим деталлари
	Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш	Кийимларни мавсум ва мақсадига кўра таснифлаш		Ўзбек миллий либослари		Мавзуга оид карточкалар, қўғирчоқлар, миллий либослар
	Фан ва табиат	Кийим-кечак, бош ва оёқ кийимларни тикиш учун матолар нимадан тайёрланади?				Мато ва бошқа материаллар тўплами
	Санъат	Декоратив расм чизиш: Кийимни чиройли нақш билан безаш		Аппликация ва конструкциялаш: Дўппи		Рангли қоғоз, елим, қайчи
	Умумий гуруҳ бўлиб ишлаш					

ДЕКАБРЬ
ОЙ МАВЗУСИ: “ЗУМРАД ҚИШ”

Гуруҳ	Тайёрлов						
Мавзу	Янги йил байрами						
Муддати	Декабрьойининг 4-хафтаси						
Ривожланиш соҳаларига оид мақсадлар	Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши	Турли усуллар билан юриш, тиззани баланд кўтарган ҳолда югуриш, майда ва катта қадамлар билан югуриш, коптокни ерга отиш ва икки қўл билан бир неча марта такрор тутиб олиш малакаларини ривожлантиришда давом этиш					
	Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш	Ўз ҳисларини ифодалашни назорат этишга, ўз ҳиссий ҳолатини баён этишга ўргатиш					
	Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари	Болаларнинг янги йил байрами ҳақидаги билимларини кенгайтириш, болалар луғатини янги сўз ва иборалар билан бойитиш. Кўрганларига нисбатан бўлган муносабатни ифодалаган ҳолда расмлар асосида ҳикоя қилишга ўргатиш. Нутқнинг грамматик қурилишини мустаҳкамлаш					
	Билиш жараёнининг ривожланиши	Болаларда атроф-олам ҳақидаги тасаввурларни шакллантириш. Болаларни янги йил анъаналари, дунёнинг бошқа мамлакатларида янги йилнинг нишонланиши билан таништириш					
	Ижодий ривожланиш	Қўшиқ куйлаш, рақсга тушиш, расм чизишда фаол иштирок этишга бўлган қизиқишни ва интилишни тарбиялаш. Мусикий идрокни, таниш асарларни куйига кўра эсда олиб қолиш ва фарқлаш кўникмаларини ривожлантириш.					
Ривожланиш марказлари		Таълимий-тарбиявий фаолият					
		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Ресурслар
Эркин фаолият	Қуриш, конструкциялаш ва математика	Катта ва кичкина арчани конструкциялаймиз				Қурилиш кубиклари	
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш	Янги йил арчасини тайёрлаймиз				Ўйинчоқли арча, костюмлар, никоблар	
	Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш	“Расмларни мазмунига кўра қўйиб чиқ” таълимий ўйини		“Расмга мос сифатларни танла” таълимий ўйини		Мавзуга доир предметли расмлар ва иллюстрациялар	
	Фан ва табиат	Табиий қорақайрағоч дарахтининг шохи ва гулидан ҳосил бўлган гулдастани кўздан кечириш(ранг, хид, тактиль идрокни текшириш)				Табиий қорақайрағоч ёки қарағай шохларидан гулдаста	
	Санъат	Расм: Янги йил	Лой иши: Қорбобо ва корқиз	Қоғоздан аппликация: Янги йил арчасини ясаймиз		Бўёқлар, қоғоз, пластилин, стеклар.	
	Умумий гуруҳ бўлиб ишлаш						

ДЕКАБРЬ. БИРИНЧИ ҲАФТА
ЗУМРАД ҚИШ. КОНСТИТУЦИЯ КУНИ

Қуриш, конструкциялаш ва математика маркази

Педметларни тўғри ва тескари санаш. Геометрик шакллар ёрдамида расм ҳосил қилиш

Мақсад: болалар 20 сони ичида тўғри ва 10 дан тескари санайдилар, геометрик шакллардан расм ҳосил қиладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: майда ўйинчоқлар, 20 ичидаги сонли карточкалар, катта, ўрта, кичкина ҳажмдаги геометрик шакллар тўплами, предметлар тасвирланган карточкалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Карточкаларни 20 сонигача кўпайиб бориш тартибида тахлаб кўйиб, уни овоз чиқариб санаш.
2. Рақамли карточкаларга мос миқдорда ўйинчоқларни кўйиш.
3. Расмли карточкаларни кўздан кечириш (уйча, арча, машина, кемача, поезд).
4. Геометрик шакллардан турли расмларни ҳосил қилиш.

Қўшимча: тенглик ва тенгсизликни таҳлил қилишни таклиф қилиш: “Қанчага кўп? Қанчага кам?”

Эътиборга молик жиҳати: тартиб ва миқдор сонларидан тўғри фойдаланиш, уни ўраб турган оламдаги сон ва рақамларнинг аҳамиятини тушуниш.

Қуриш, конструкциялаш ва математика маркази

Байрамона уй

Мақсад: болалар қурилиш материалларидан уй қурадилар, уларда бир бутунни кўриш, қисмларни фарқлаш қобилиятлари ривожлананади(куб, цилиндр, пирамида, конус)

Керакли жиҳоз ва материаллар: қурилиш тўплами , лево, расмлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Мавзуга доир расмларни кўздан кечириш.
2. Болалар билан биргаликда байрамона уйни қуришни режалаштириш.
3. Болаларнингдан уйни қуришлари.

Қўшимча: тарбиячи болаларга уйни безаш учун шакли ва услубига кўра тайёр материалларни таклиф қилиши мумкин.

Эътиборга молик жиҳати: умумий натижаларга ва бошқа болаларнинг натижаларидан қувониш, зийраклик ва фантазияни ривожлантириш.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш маркази

“Қор қиз” эртагининг сахналаштирилган ўйини

Мақсад: ўртоқларига “Қор қиз” эртагини мустақил қайта ҳикоя қилиб берадилар, сахналаштиришда иштирок этадилар, эртақ қаҳрамонларининг ҳиссиётларини тушунадилар ва сўзлайдилар, фаол нутқлари ривожланади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: “Қор қиз” эртаги китоби, эртақ қаҳрамонларининг кийимлари, эртаққа доир атрибутлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. “Қор қиз” эртаги китобини кўздан кечириш.

2. Болаларга эртак қаҳрамонлари ролларини тақсимлаш.
3. Болалар томонидан эртак эпизодларини танлаш.
4. Эртакни саҳналаштириш.

Қўшимча: тарбиячи болаларга эртакка мусикий жўрликни таклиф этиши ёки “Қор қиз” бадиий фильмидан лавҳаларни кўришни таклиф этиши мумкин.

Эътиборга молик жиҳати: тенгдошлар билан мулоқот қилиш, ўз хатти-ҳаракатларини бошқа болаларнинг ҳаракатлари билан мувофиқлаштириш, бадиий адабиётга бўлган қизиқишни тарбиялаш, эртак қаҳрамонларини, уларнинг ҳаракатларини баҳолай билиш кўникмасини шакллантириш.

Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш маркази

“Қиш” мавзусида тасвирий ҳикоя

Мақсад: болалар йил фасллари, қиш фасли ва унинг белгилари, қиш ойлари ҳақида тасаввурга эга бўладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: “Қиш” тасвирланган расм, қишки ўйинларга оид расмлар, қиш ҳақидаги эртак китоблар.

Фаолиятнинг бориши:

1. “Қиш” тасвирини кўздан кечириш
2. Расм сюжетини тасвирлаш, расмга доир саволларга жавоб бериш.
3. Карточкаларга мувофиқ қисқа ҳикоялар тузиш.

Қўшимча: мавзуга оид шеър, ҳикоя эртаклар. Қишки байрамлар тасвирланган карточкаларни таклиф этиш.

Эътиборга молик жиҳати: расм, китоб бўйича тасвирий ҳикояни мустақил тузиш.

Фан ва табиат маркази

Табиат календари билан ишлаш. Об-ҳавони таҳлил этиш, қиш белгиларини аниқлаш, ҳар куни об-ҳавони таққослаш.

Мақсад: болалар табиат календари билан ишлаш, об-ҳавони кузатиш, қиш белгиларини билиш, табиат календариде бўлгилаб бориш, ҳар кунги об-ҳавони таққослашни ўрганадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: табиат календари, об-ҳавони белгилаш бўйича шартли белгилар тасвирланган карточкалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Гуруҳдаги табиат календарини кўздан кечириш, у неча бўлимдан иборат эканлигини аниқлаш.
2. Ҳар бир бўлим нимани англатишини таърифлаш.
3. Об-ҳавони белгилаш бўйича шартли белгилар тасвирланган карточкалар асосида белгиларнинг маъносини баён этиш.
4. Тўрт фаслда об-ҳаво қандай бўлишини ўзаро таққослаш, карточкалар асосида қайси белгилар қўйилиши мумкинлигини аниқлаш.
5. Кеча ва бугунги об-ҳаво қандайлигини таққослаш, календарда белгилаш.

Қўшимча: табиат календарлари турли вариантларда бўлиши мумкинлиги ҳақида маълумот бериш ва уларни намойиш этиш, уларнинг ўзига хос томонларини таҳлилий ўрганиш.

Эътиборга молик жиҳати: тенгдошлар билан мулоқот қилиш, мустақил берилаётган фикр-мулоҳазаларни рағбатлантириш.

Санъат маркази

Аппликация “Ўзбекистон байроғи”

Мақсад: болалар турли материаллардан ясси аппликацияни ижодий бажарадилар(қоғоз, мато). Уларда ватанга бўлган ифтихор ҳисси тарбияланади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: рангли қоғоз, байроқ рангига мос рангли матолар, елим, кайчи, салфеткалар, қоғоз.

Фаолиятнинг бориши:

6. Ўзбекистон байроғини кўздан кечириш (стол варианты).
7. Болалар томонидан ишни бажариш учун материални танлаш.
8. Болаларнинг ижодий фаолияти.

Қўшимча: тарбиячи болаларга ватан ҳақидаги шеърни айтиб беришни таклиф қилиши мумкин.

Эътиборга молик жиҳати: тартибли ва озода ишлаш, бошқаларга кўмаклашиш.

Санъат маркази

Расм: Мен қишни нима учун яхши кўраман

Мақсад: болаларда бўёқлар, қаламлар ёрдамида мустақил ижодий расм чизишга бўлган қизиқишлари ортади. Ўз ўйларини ифодалаш учун расм сюжетлари чизадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: қоғоз, акварель бўёқлар, рангли қаламлар, салфеткалар, мўйқалам, қиш мавзусига оид карточкалар (манзара, қишки ўйинлар, байрамлар).

Фаолиятнинг бориши:

1. Қиш тасвирланган расмларни кўздан кечириш.
2. Болалар томонидан расмнинг мазмуни, сюжетини аниқлаш.
3. Болаларнинг амалий ишлари.
4. Бажарилган ишлар муҳокамаси ва рағбатлантириш.

Қўшимча: тарбиячи болаларга табиат бурчагини ўз чизган расмлари билан безатиб кўйишни таклиф қилиши мумкин.

Эътиборга молик жиҳати: ўзига бўлган ишончни, ташаббускорликни, болаларнинг ижодий фикрларини қўллаб-қувватлаш.

Санъат маркази

Лой иши: Биз қишда сайрдамиз

Мақсад: болалар лой ёки пластилин билан ишлашнинг турли усулларини эгаллаш, инсон шакли ва ҳаракатларини, уларнинг характерли белгиларини, нисбатини янада аниқ ифодалай олиш малакаларини эгаллайдилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: пластилин, салфетка, стеклар, тахтачалар, бўш “қишки майдонча” макети.

Фаолиятнинг бориши:

1. Болалар қўғирчоқлар қатнашувчи ўйин сюжетларини ўйлаб топадилар.
2. Пластилиннинг тегишли рангини танлайдилар.

3. Болаларнинг амалий иш фаолияти.
4. Болалар “қишки майдонча”га ўзлари ясаган фигураларни ўрнатадилар.

Қўшимча: тарбиячи майдончада кўшимча ўриндиқ, арғимчоқларни ўрнатишни таклиф қилади.

Эътиборга молик жиҳати: ижодий қобилиятни, бармоқларнинг майда моторикасини ривожлантириш.

Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш маркази

Қиш ҳақидаги расмни жамла (пазлар)

Мақсад: болалар ўзларида фикрни ифодалаш учун энг аниқ сўзни танлай олиш кўникмасини шакллантирадилар, қиш, қиш белгилари ҳақидаги билимларини мустаҳкамлайдилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: қишга оид расмлар– пазлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Қиш ҳақидаги шеърларни эслаш ва айтиб бериш.
2. Пазл – расмларни кўздан кечиритиш ва тақсимлаш.
3. Болалар томонидан паздан расм ҳосил қилиш.
4. Қандай расм ҳосил бўлганлиги ҳақида расм асосида қисқа ҳикоя тузиш.

Қўшимча: тарбиячи қиш ҳақидаги мақол ва тез айтишларни таклиф қилиши мумкин.

Эътиборга молик жиҳати: мақол ва тез айтишларнинг маъносини тушуниш; бармоқларнинг майда моторикасини ривожлантириш, пазл-расмларнинг тўғри жойлаштирилиши.

Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш маркази

“Бу қачон содир бўлади?” таълимий ўйини

Мақсад: болалар инсонлар ҳаёти ва уларни ўраб турган табиат, йил фасллари ўртасида боғлиқлик ўрнатадилар, фаол ва пасив луғат бойликлари ошади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: йил фасллари мавзусига оид карточка-расмлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Болалар расмларни кўздан кечирадилар.
2. Болалар карточкада нима тасвирланганини ва бу қачон содир бўлишини ҳикоя қиладилар.
3. Карточкаларни йил фаслларига кўра таснифлайдилар.
4. Ўйинни яқунлаш ва рағбатлантириш.

Қўшимча : мавзуга оид шеърни айтиб бериш.

Эътиборга молик жиҳати: нутқ бўлақларини грамматик жиҳатдан тўғри қўллаш, мураккаб гапларни тузиш.

ДЕКАБРЬ. ИККИНЧИ ҲАФТА СОҒ ТАНДА – СОҒЛОМ АҚЛ

Қуриш, конструкциялаш ва математика маркази

Спорт мажмуасини қурамиз(йирик қурилиш материалларидан

Мақсад: болалар йирик кубиклар ёрдамида спорт мажмуасининг турли конструкцияларини курадилар, ҳажмли шаклларни номлайдилар ва улардан курилишда фойдаланадилар, спорт турларига қизиқадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: йирик курилиш материаллари, спорт мусобақаларининг слайдлари. АКТ.

Фаолиятнинг бориши:

1. Турли спорт турлари ҳақида слайдларни томоша қилиш ва уларнинг қаерда ўтказилаётганлигини аниқлаш(стадионда, сув ҳавзасида, кортда,югуриш йўлакчасида, майдонда)
2. Спорт комплексини куришни режалаштириш.
3. Спорт комплексини конструкциялаш.

Қўшимча: тарбиячи болаларга майда ўйинчоқлар билан қўшимчалар киритишни таклиф этиши мумкин. Бадиий сўз билан ифодалаш.

Эътиборга молик жиҳати: болалар ўртасида дўстона муносабатларни тарбиялаш, спорт турларига қизиқишни ошириш.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш маркази

Спорт моллари дўкони

Мақсад: болалар спорт дастгоҳи, анжом ва жиҳозларининг номларини, уларнинг вазифаларини биладилар. Спортга қизиқадилар, сюжетни ривожлантиришга ҳаракат қиладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: спорт жиҳозлари, спорт жиҳозларини жойлаштириш учун дўкон пештахтаси, касса, калькулятор, мавзуга оид расмлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. “Ўйинчоқлар”, “Китоблар дўкони”, “Оёқ кийимлар”, “Курилиш моллари”, “Спорт жиҳозлари” дўконлари тасвирланган расмларни кўздан кечириш.
2. Ролларини тақсимлаш.
3. Ўйин.
4. Сотиб олинган спорт жиҳози билан қандай шуғулланишни кўрсатиб бериш.

Қўшимча: Ўзбекистон спортчиларининг фотосуратларини томоша қилиш.

Эътиборга молик жиҳати: болаларнинг мустақил ролларни ижро этишдаги диалогларни қўллаб-қувватлаш.

Фан ва табиат маркази

Муз парчасини кузатамиз

Мақсад: болалар кузатишлар асосида умумлаштириш ва хулосалар чиқариш, қор, муз, сувнинг хоссалари ҳақида тасаввурга эга бўладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: қиш ва қиш ҳодисалари ҳақидаги расмлар, муз парчалари, муз эришига мўлжалланган идиш.

Фаолиятнинг бориши:

4. Қиш ва қиш ҳодисалари ҳақидаги расмларни кўриб чиқиш. Турли шаклдаги муз парчаларининг расмлари.
5. Болаларга музни ушлаб кўришни таклиф этиш ва кузатиш. Музнинг хоссаларини таърифлаш (совуқ, хўл, сирғанчиқ, силлик).
6. Муз хона ҳароратидан, кафтларнинг иссиқлигидан эрийди ва сувга айланади.

7. Тарбиячи сувни идишга қуйишни ва музга айланиши учун музлатгичга қўйишни таклиф этади(уйга вазифа)

Қўшимча: болаларни табиат ва иқлим ҳодисалари билан боғлиқ хавф-хатарлардан огоҳлантириш, улардан сақланиш, ҳаёт фаолияти хавфсизлигига риоя қилишни ўргатиш.

Эътиборга молик жиҳати: йил фаслларининг ўзаро боғлиқлигини тушуниш, хулосалар чиқариш.

Санъат маркази

Лой иши: Биз спорт билан шуғулланамиз

Мақсад: болалар яшашнинг турли усулларини ўзлаштирадилар, одам шакли ва ҳаракатини аниқ бера олиш, маълум ғоя асосида сюжетни тузишни ўрганадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: пластилин, тахта, стеклар, салфеткалар, спорт мусобақалари ҳақидаги расмлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Спорт мусобақалари расмларини кўриб чиқиш.
2. Ким нимани яшашини болалар томонидан танланиши.
3. Болаларнинг ижодий иши.
4. Тайёр ишлар кўргазмаси ва рағбатлантириш.

Қўшимча: болаларнинг тайёр ишларидан умумий спорт мажмуасини яшаш

Эътиборга молик жиҳати: ижодий қобилиятни ривожлантириш, спорт билан шуғулланишга қизиқишни ошириш.

Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш маркази

“Расмда қандай спорт тури тасвирланган?” таълимий ўйини

Мақсад: болалар расмни тасвирлашда гап тузиш кўникмасини ҳосил қиладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: спорт турлари, мусобақаларига иллюстрациялар, спорт атрибутлари (ракетка, копток, кўзойнак, қалпоқча, тўр, қалқон).

Фаолиятнинг бориши

1. Спорт тўғрисидаги иллюстрацияларни кўриб чиқиш.
2. Иллюстрацияларни тақсимлаш.
3. Болалар бир-бирига расмда қайси спорт тури тасвирланганлигини таърифлайдилар.
4. Таклиф қилинган спорт атрибутларидан ушбу спорт турига мос келадиганини танлаб, қўлланиши юзасидан маълумот оладилар.

Қўшимча: жисмоний тарбия ва спорт тўғрисидаги альбомни томоша қилиш. АКТ

Эътиборга молик жиҳати: бошқа болаларнинг фикрини тинглаш, ўз фикрини ифодалаш.

Фан ва табиат маркази

Рангли муз ясаймиз

Мақсад: болалар қор, муз, сувнинг хоссалари ҳақида оддий тушунчаларга эга бўладилар, топшириқни бажаришга ижодий ёндашадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: муз, муз эришига мўлжалланган идиш, бўёқлар, музлатиш учун шакллар, рангли муздан ҳосил қилинадиган ҳайкаллар ҳақидаги слайдлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Муз парчаларини ушлаб кўриш, уларни ўйнаш, муз хоссаларини эслаб кўришни таклиф қилиш.
2. Турли шакллардаги рангли муз ясашни таклиф қилиш.
3. Умумий патнисда рангли муз парчаларидан нақшлар ясаш.
4. Нақшнинг эриши, бўёқларнинг аралашиб кетиши жараёнини кузатиш.

Қўшимча: болаларга муздан ясалган ҳайкалларни томоша қилишни таклиф этиш.

Эътиборга молик жиҳати: тушунтириш ва ўтган тажрибани умумлаштириш, табиат ва табиат ҳодисаларини севиш ва улардан ҳайратланиш.

Кўриш, конструкциялаш ва математика маркази

Спорт ҳақидаги расмни тўпла. (пазллар)

Мақсад: болалар майда қўл моторикалари ривожланади, спортнинг турли шакллари ҳақидаги билимларни ўзлаштирадilar, спортга қизиқиш ва спорт билан шуғулланиш истаклари пайдо бўлади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: спортга оид расмларнинг пазллари, турли спорт шакллари ҳақидаги расмлар

Фаолиятнинг бориши:

1. Спорт турлари ҳақидаги расмни карточкаларни томоша қилиш.
2. Болаларнинг пазлларни йиғиши.
3. Расми ҳосил бўлган спорт тури номини айтиш.

Қўшимча: болалар яна қандай спорт турларини билишини айтиб берадилар.

Эътиборга молик жиҳати: сўзларни тўғри танлаш ва ўз фикрини ифодалаш учун гапни тўғри тузиш.

Санъат маркази

Расм чизиш: Менга қайси спорт тури ёқади?

Мақсад: болаларнинг ижодий тасвирлашга қизиқишлари ошади, сюжетнинг асосий аломатлари, нисбатлар ва ранглари ифодадай оладилар, спорт турлари ҳақидаги билимлари кенгаяди.

Керакли жиҳоз ва материаллар: қоғоз, акварель бўёқ, қаламлар, салфеткалар, спортнинг турли шакллари, мусобақалар ҳақидаги расмлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Мавзули расмларни томоша қилиш.
2. Болалар ўзларига қайси спорт тури ёкишини айтишади ва мустақил равишда ўз расмининг сюжетини танлайдилар.
3. Болаларнинг ишлари.
4. Чизилган расмлар муҳокамаси.

Қўшимча: болаларнинг расмларидан “Соғлом танда – соғ ақл” кўрғазмасини ташкил қилиш.

Эътиборга молик жиҳати: расм чизиш давомида ўз ғояларини ифодаланишига эришиш.

Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш маркази

“Қайси сўз мос келмайди?” таълимий ўйини

Мақсад: болалар барча товушларни тўғри талаффуз қиладилар, сўзнинг мазмуни бўйича ишни давом эттирадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: “Спорт”, “Қиш”, “Мактаб”, “Янги йил” мавзуларидаги расмлар туркуми, турли буюмларнинг расмлари.

Фаолиятнинг бориши:

1. “Спорт”, “Қиш”, “Мактаб”, “Янги йил” мавзули расмларини томоша қилиш.
2. Карточкаларни болалар ўртасида тақсимлаш.
3. Болалар мавзуга оид карточкани танлайдилар ва нима учун мос (тўғри) келишини тушунтирадилар.

Қўшимча : нима учун бошқа расмлар тўғри келмаслигини тушунтириш.

Эътиборга молик жиҳати: нутқнинг аниқлигига эришиш.

ДЕКАБРЬ. УЧИНЧИ ҲАФТА УСТ, БОШ ВА ОЁҚ КИЙИМЛАР

Қуриш, конструкциялаш ва математика маркази

Конструкциялаш: Айиқча

Мақсад: болалар қоғоз ва картондан шаклларни конструкциялашни ўрганиб оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: гофрировка қилинган картон, қайчи, тугмалар, тасма, қоғоз, таёқча, иш намунаси ва чизмаси.

Фаолиятнинг бориши:

1. Тайёр “Айиқча” намунасини кўриб чиқиш.
2. Ишни босқичма-босқич бажариш чизмасини кўриб чиқиш.
3. Иш босқичлари: шаблон асосида айиқнинг барча қисмларини кесиб чиқиш. Айиқнинг барча қисмларини бўйаш. Танасида ва қўлларида тешиқлар қилиниб уларни ёпиштириш. Тугмалар ёрдамида қўл-оёқларни танасига маҳкамлаш.

Қўшимча: “Уч айиқча” эртаги қаҳрамонларидек қўшимча айиқчаларни яшашни таклиф этиш.

Эътиборга молик жиҳати: ижодий конструкциялашга қизиқишни ошириш, бажарилган ишдан қониқиш ҳосил қилиш.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш маркази

Модалар ательеси

Мақсад: болалар ательеда кийим тикиш жараёнида қилинаётган меҳнат ҳақида тасаввур ҳосил қиладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: мато, болалар тикув машинкаси, ўйинчоқлар: дазмол, дазмоллаш тахтаси, кийим, кийим деталлари (ёқа, чўнтак, тугмалар, ёпишқоқ тасма, камар), илгаклар, “Ателье” карточкалари ёки расмлари

Фаолиятнинг бориши

1. Модалар ательеси мавзуси бўйича расмларни ёки карточкаларни томоша қилиш.
2. Модалар ательеси атрибутлари, у ердаги муҳит билан танишиш.
3. Ролларни тақсимлаш, ўйин қоидаларини белгилаш. Мода коллекцияларини яратиш (зарур ҳолатларда тарбиячи йўналтиради ва тузатишлар киритади).
4. Ўйин жараёнида роллар билан алмашиш мумкин.

Қўшимча: модалар намоёйиши

Эътиборга молик жиҳати: болаларнинг турли касблар ва жамият ҳаётида инсон меҳнатининг аҳамияти ҳақидаги тасаввурини бойитиш.

Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш маркази

Кийимларни мавсум ва мақсадига кўра таснифлаш

Мақсад: болаларнинг мавзуга оид луғатлари бойийди, кийим ва пойафзал ҳақидаги тасаввурлари кенгаяди, кийим, пойабзални фарқлашга ва улардан ўринли фойдаланишга ўрганадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: мавсумий кийимлар (телпак, кулоқчин, панама), пойабзалларнинг (туфли, этик ва б.) расмли карточкалари.

Фаолиятнинг бориши:

1. Расм-карточкаларни томоша қилиш.
2. Кийим, пойабзал ва бош кийимларни мавсумга кўра таснифлаш, уларнинг номини тўғри айтиш.
3. Кийимларни мақсадига кўра танлаш (байрам либоси, иш кийими, уй кийими, махсус кийим (врачлар, қурувчиларники).

Қўшимча: тарбиячи болаларга қиз бола ва ўғил боланинг магнит ўйинчоғини, уларнинг кийимларини таклиф этиши мумкин.

Эътиборга молик жиҳати: марказда ўйин давомида ўйнаб, ўз ортидан йиғиштиришга ўргатиш.

Фан ва табиат

Кийим-кечак, бош ва оёқ кийимларни тикиш учун матолар нимадан тайёрланади?

Мақсад: болалар мато, терининг келиб чиқиши ҳақида тасаввур ҳосил қиладилар, матоларни сифатига кўра ажрата олишга ўрганадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: пахта, жун, мўйна, тери, шойи, похол, пат намуналари. Кийимлар, бош кийимлари расм-карточкалари, кўғирчоқ кийимлари, пойабзаллар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Кийимлар, пойафзал, бош кийим расмларини кўриб чиқиш.
2. Пахта, жун, мўйна, тери, шойи, похол, пат намуналарини ўрганиб чиқиш.
3. Ушбу намуналарнинг келиб чиқишини аниқлаш: пахта, бўз – ўстирилади, тери, мўйна – хайвонларнинг терисидан қилинади.
4. Материаллар намуналарини расмлари билан тақсимлаш.
5. Кийим-кечак, бош кийим, пойафзал қандай материалдан қилинганлигини аниқлаш.

Қўшимча: пиллачилик, пилла қурти тўғрисидаги слайдларни таклиф қилиш.

Эътиборга молик жиҳати: тенгдошларни диққат билан тинглаш, ўз қўшимчаларини киритиш.

Санъат маркази

Декоратив расм чизиш: Кийимни чиройли нақш билан безаш

Мақсад: болалар рангли қаламлар билан расм чизиш ва тасвирни бўяш кўникмасини мустақкамлайдилар, композиция яратиш хоҳишлари шаклланади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: рангли қаламлар, салфеткалар, қоғоздан ясалган кўйлак, рўмол, сарафан.

Фаолиятнинг бориши:

1. Кийимлар кўргазмасини томоша қилиш: кўйлак, рўмол, сарафанлар.
2. Кийимлар қандай безалганлигига эътибор қаратиш (гуллар, нақшлар, геометрик шакллар билан).
3. Болаларнинг ижодий иши.
4. Бажарилган ишлар муҳокамаси ва рағбатлантириш.

Қўшимча : ишни аппликация билан тўлдириш.

Эътиборга молик жиҳати: болаларнинг мустақил ижодини ривожлантириш.

Қуриш, конструкциялаш ва математика маркази

Қўғирчоқ учун шифоньер ва комод

Мақсад: турли материаллар, ҳар хил ўлчамли қутилардан конструкциялар ясашга қизиқишни ошириш, ижодий қобилиятларни ривожлантириш.

Керакли жиҳоз ва материаллар: ҳар хил ўлчамли қутилар, картон, елим, салфеткалар, рангли қоғоз, бўёқлар, мебеллар, шифоньерлар расмлари, конструкциялашни босқичма-босқич бажаришга оид карточкалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Мебеллар, шифоньерлар расмларини томоша қилиш.
2. Материалларни ўрганиш. Ишни режалаштириш.
3. Болаларнинг самарали фаолияти.
4. Шифоньер, комодни бўяш ва безаш.

Қўшимча: қўғирчоқлар кийимини шифоньер, комодга тахлаб қўйишни таклиф қилиш.

Эътиборга молик жиҳати: жамоа бўлиб ишлаш, ўз хатти-ҳаракатларини дўстлари билан келишиш.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш маркази

“Кийимлар дўкони” сюжетли-ролли ўйини

Мақсад: болалар турли мавсумда кийиладиган (қишки, ёзги) ва мақсадига кўра кийиладиган кийимлар ҳақида тасаввур ҳосил қиладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: илгак-витриналар, турли болалар кийими, касса, счет, чеклар, калькулятор, пакетлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Дўкон расминини томоша қилиш.
2. Дўкон атрибутлари билан танишиш.

3. Илгак-витринадаги кийимларни мавсумига кўра, мақсадига кўра тахлаб чиқишни таклиф қилиш.
4. Ролларни тақсимлаш, ўйин қоидаларини белгилаш (сотувчи, харидор, маслаҳатчи, ёрдамчилар, кассир).
5. “Кийимлар дўкони” ўйини жараёни

Қўшимча : янги йил байрами учун кийимлар коллекциясини яратишни таклиф қилиш.
Эътиборга молик жиҳати: касбларга ҳурмат туйғусини тарбиялаш, ўйин пайтида болаларнинг ижодий мустақиллигини қўллаб-қувватлаш.

Санъат маркази

Апликация ва конструкция:Дўппи

Мақсад: болалар қоғоз билан ишлаш кўникмаларини ҳосил қиладилар, кесиб чиқиш усулларидан фойдаланадилар, дўппида нақшларни чиройли жойлаштиришни ўрганадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: қоғоз, елим, салфетка, рангли қоғоз, дўппининг тайёр намунаси, конструкциялаш босқичларига оид карточкалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Ҳақиқий дўппи ва тайёр намунани кўриб чиқиш.
2. Қоғоздан дўппи яшанинг конструкциялаш босқичи билан танишиш.
3. Нақшни кесиб чиқиш усуллари билан танишиш.
4. Дўппи яшаш.
5. Болаларнинг ижодий иши, дўппини безаш.

Қўшимча : Ўзбекистоннинг турли ҳудудларига хос дўппиларни томоша қилиш.

Эътиборга молик жиҳати: қайчи билан тўғри ишлаш кўникмаларини мустақамлаш, кўлнинг майда моторикасини ривожлантириш.

Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш маркази

Ўзбек миллий либослари

Мақсад: болаларда ўзбек миллий либоси ҳақида тушунчалари шаклланади(дўппи, чопон, атлас, адрас, беқасам).

Керакли жиҳоз ва материаллар: кўғирчоқлар учун миллий ўзбек либоси, қиз бола кўғирчоқ, ўғил бола кўғирчоқ, сандиқ, мавзуга оид карточкалар, миллий ўзбек либосига иллюстрациялар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Миллий ўзбек либоси намоиши иллюстрациясини томоша қилиш.
2. Сандиқ ичидагиларни кўриб чиқиш (чопон, атлас кўйлак, миллий рўмол, салла, беқасам, адрасдан камзул, дўппи, яхтақ).
3. Қиз бола учун кийим, ўғил бола учун кийимни таснифлаш.
4. Қиз бола ва ўғил бола кўғирчоқларини ясантириш.
5. Ўзбек миллий мусиқасини тинглаш, кўғирчоқлар билан ўйнаш.

Қўшимча: Болаларнинг қайси пайтларда миллий либос кийишлари ҳақидаги ҳикоялари.

Эътиборга молик жиҳати: миллий анъаналарни қадрлаш ва эъзозлаш.

ДЕКАБРЬ. ТўРТИНЧИ ҲАФТА **Янги йил байрами**

Куриш, конструкциялаш ва математика маркази

Катта ва кичик арчаларни конструкциялаймиз

Мақсад: болаларда конструкция яратиш кўникмаси шаклланади, диққат ва тасаввурни ривожлантириш, конструкциялаш ва жамоада ўйнашга қизиқишларни ортади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: қурилиш материали, модуллар, леґо, қурилиш тўплами, турли арчалар тасвирланган расмлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Расмларни томоша қилиш.
2. Болалар томонидан конструкциялаш учун материаллар танлаш.
3. Болаларнинг мустақил иши.
4. Болаларнинг арчаларни таққослаши.
5. Тушунтириш: нима учун арча катта? Нима учун арча кичкина?
6. Ишни муҳокама қилиш ва рағбатлантириш.

Қўшимча: болаларга арчани безашни таклиф қилиш (рангли қоғозлар, майда арча ўйинчоқлари, майда ўйинчоқлар).

Эътиборга молик жиҳати: ижодий қобилиятларни ривожлантириш, мустақилликка ўргатиш.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш маркази

Янги йил арчасини тайёрлаймиз

Мақсад: болалар янги йил байрами ҳақида тасаввурлари кенгайди, диққат, нутқ, майда қўл моторикалари, ижодий қобилиятлари ривожланади, луғат бойликлари фаоллашади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: сунъий арча, арча ўйинчоқлари солинган кути, турли материаллар солинган кути (тасмалар, рангли қоғоз, фантиклар, фольга).

Фаолиятнинг бориши:

1. Сунъий арча ва ўйинчоқли кутини томоша қилиш.
2. Арчани безаш учун буюмларни танлаш.
3. Болалар билан арчани безаш.
4. Байрамга атаб ёд олган шеър ва кўшиқларини айтиш.

Қўшимча : арча атрофида қўл ушлашиб айланиш.

Эътиборга молик жиҳати: жамоа бўлиб ҳаракатланишни, умумий натижага эришишни тарбиялаш.

Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш маркази

“Расмларни мазмунига кўра қўйиб чиқ” таълимий ўйини

Мақсад: болаларнинг боғланишли нутқлари ривожланади, сўзларни гапда ўз ўрнида қўллай оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: сюжетли расмлар, расм сюжети бўйича турли буюмлар тасвирланган карточкалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Сюжетли расмларни томоша қилиш.
2. Мазмунига кўра расм сюжетига мос бўлган карточкаларни танлаш.
3. Карточкаларни алмаштириш, 3 тадан карточка олиш.

4. Расмда тасвирланган сўзлардан фойдаланиб гап тузиш.

Қўшимча: тарбиячи болаларга жамоа бўлиб, 3-5 карточка асосида ҳикоя ёки эртак тузишни таклиф қилиши мумкин.

Эътиборга молик жиҳати: кўرғазмали-образли ва мантиқий тафаккурни ривожлантириш.

Фан ва табиат маркази

Табиий қорақайрағоч дарахтининг шохи ва гулидан ҳосил бўлган гулдастани кўздан кечириш(ранг, хид, тактиль идрокни текшириш)

Мақсад: болалар игнабаргли дарахт намуналари қорақарағай, қарағай билан танишадилар, уларни игнабарглари ва ғуддасини таққослаш орқали хулосалар чиқаришга ўрганадилар, аҳамиятли томонларини биладилар, табиатга бўлган меҳр, уни асраб авайлаш, ҳимоя қилиш ҳис-туйғулари тарбияланади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: қорақарағай, қарағай тасвирланган расмлар, уларнинг шохлари, ғуддалари, қарағай мойи.

Фаолиятнинг бориши:

1. Қорақарағай, қарағай тасвирланган расм, сўнг шохларини кузатиш, уларни ўхшаш ва фарқли томонларини аниқлаш (қорақарағай-игналари калта, қарағай-игналари узун).
2. Қорақарағай ва қарағай ғуддаларини ўзаро таққослаш
3. Игнабаргли дарахтларнинг фойдали хусусиятлари билан танишиш.
4. “Бу нима?” таълимий ўйин (тактиль идрокни текшириш)

Қўшимча: болаларга қарағай ғуддасидан ўйинчоқлар ясашни таклиф қилиш.

Эътиборга молик жиҳати: болаларнинг мустақил фикр юритишлари, таҳлил қилиш ва хулоса қилишлари, ҳаёт хавфсизлиги асослари.

Санъат маркази

Қоғоздан янги йил арчасини ясаймиз

Мақсад: болалар буюмнинг (арчанинг) шаклини кесиш ва елимлашни машқ қиладилар, кўл моторикаларини ривожлантирадилар, тасаввурларини кенгайтирадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: яшил рангли қоғозлар, асос учун қалин қоғоз, елим, қайчи, салфеткалар, тайёр намуна, иш босқичлари кўрсатилган харита.

Фаолиятнинг бориши:

5. Арчанинг тайёр намунасини томоша қилиш.
6. Иш босқичлари билан танишиш.
7. Болаларнинг ишлари.
8. Тайёр ишлар муҳокамаси, рағбатлантириш.

Қўшимча: болаларга арчани қор парчалари ва ялтироқ қоғозлар билан безашни таклиф қилиш.

Эътиборга молик жиҳати: турли материаллардан ўйинчоқ ясаш, марказда ўз ортидан йиғиштиришни ўргатиш.

Санъат

Лой иши: Қорбобо ва қорқиз

Мақсад: болалар бир бутун лойдан одам қомати мутаносиблигига амал қилиб тўғри яшаш малакаларини шакллантирадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: пластилин, махсус пичоқча, таглик, қорбобо ва қорқиз расми акс эттирилган расм ёки ҳайкал, тайёр намуна, иш жараёни намоён этилган карточкалар .

Фаолиятнинг бориши :

1. Болалар қорбобо ва қорқиз акс эттирилган расм ёки ҳайкални томоша қилиш ва кўли билан ушлаб кўриш.
2. Иш жараёнининг кетма-кетлиги билан танишиш.
3. Болаларнинг ижодий фаолияти.

Қўшимча : болалар ишлари кўрғазмаси.

Эътиборга молик жиҳати: ясаган ишларини тагликка тўғри ўрнатиш малакаларини, иш жойларини тартибга келтиришларини кузатиш

Санъат маркази

Расм: Янги йил

Мақсад: болалар байрам таассуротларини расмда акс эттиришга ўрганадилар, қоғоз марказига тўғри жойлаштирадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: қоғоз, акварель бўёқ, гуашь, салфетка, оддий қалам, янги йил тасвирланган расмлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Болалар Янги йил тасвирланган расмни кўрадилар.
2. Болалар ўзларининг ишлари учун мустақил сюжет танлайдилар.
3. Болаларнинг ижодий фаолияти.

Қўшимча: Болалар ўзлари танлаган сюжетни таърифлайдилар.

Эътиборга молик жиҳати: Ўзлари танлаб олган расмни қизиқарли томонларини таҳлил қилиш ва уни тушунтириш.

ЯНВАРЬ
ОЙ МАВЗУСИ: “БОЛАЛАР БОҒЧАСИ”

Гуруҳ	Тайёрлов						
Мавзу	Қишки ўйин-кулгулар						
Муддати	Январь ойининг 1-ҳафтаси						
Ривожланиш соҳаларига оид мақсадлар	Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши	Сафда бир қатор бўлиб юриш малакаларини мустаҳкамлаш, сигналга қараб сафда жуфт, тўрттадан юриш, доира бўлиб туриш					
	Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш	Юклатилган мажбуриятларни бажариш ва фаолликни ошириш.					
	Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари	Гап бўлақларини эркин ва грамматик жиҳатдан тўғри қўллашга ўргатиш. Берилган сўзларга мос синоним ва антонимларни топа олишга ўргатиш					
	Билиш жараёнининг ривожланиши	Атроф-олам ҳақидаги маълумотларни мустақил излашга ўргатиш. Йил фасллари ва ойларни кетма-кетликда номлашга ўргатиш.					
	Ижодий ривожланиш	Ҳаётдаги ижтимоий ҳодисаларни ифодалашнинг турли воситаларини қўллаган ҳолда тасвирий ижодда акс эттириш (шакл, колорит, композиция).					
Ривожланиш марказлари		Таълимий-тарбиявий фаолият					
		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Ресурслар
Эркин фаолият	Қуриш, конструкциялаш ва математика	Қишки қалъа			Қўғирчоқ ва айиқча учун қишки майдонча	Кубик, ғишт ва қутилар	
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш	“Ўн икки ой” эртагини сахналаштириш		“Қишки олимпиада ўйинлари” сюжетли-ролли ўйинлар		Махсус кийим, спорт анжомлари	
	Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш	Қиш тасвирланган расм асосида ҳикоя			Қиш ҳақида шеър билан танишиш		Сюжетли расмлар
	Фан ва табиат	Қор ва муз билан амалий тажриба			“Қишки ўйинлар” таълимий ўйини		Лото, ўйинлар
	Санъат	Расм: “Сехрли қиш”		Лой иши: Қордан байрам торти	Аппликация: Қишки олимпиада ўйинлари Жамоа иши		Бўёқ, қайчи, елим пластилин, рангли қоғоз
	Умумий гуруҳ бўлиб ишлаш						

ОЙ МАВЗУСИ: “БОЛАЛАР БОҒЧАСИ”

Гуруҳ	Тайёрлов						
Мавзу	Ватан ҳимоячилари куни						
Муддати	Январь ойининг 2-ҳафтаси						
Ривожланиш соҳаларига оид мақсадлар	Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши	Жисмоний сифатлар, чаққонлик, эпчиллик, тезкорликни ривожлантириш					
	Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш	Болаларда ўз салбий эмоцияларини жиловлаш кўникмасини ривожлантириш					
	Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари	Кувноқ байранома муҳитни яратиш, ўз армияси билан фахрланиш ҳиссини тарбиялаш. Болаларда ўзбек армияси, “Ватан ҳимоячилари куни” байрами ҳақида тасаввурни шакллантириш					
	Билиш жараёнининг ривожланиши	Болаларни ҳарбий кийим ва ҳарбий унвонлар билан таништириш					
	Ижодий ривожланиш	Муסיқий асар турлари (марш, полька, вальс) ни эшитиш ва уларни фарқлай олиш					
Ривожланиш марказлари		Таълимий-тарбиявий фаолият					
		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Ресурслар
Эркин фаолият	Қуриш, конструкциялаш ва математика	Оригами: Самолёт		Ҳарбий техника, машинани йиғиш		Конструктор, мозаика, кубиклар	
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш	“Ҳарбий денгизчилар” сюжетли-ролли ўйин		“Чегарачи” сюжетли-ролли ўйин		Китоблар, АКТ	
	Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш	Бизнинг армия		Ҳарбий кийим ва уларнинг фарқланиш белгилари		Мавзуга оид расмлар	
	Фан ва табиат	Кўринмас - ҳаво. Шамол		Биз ва табиат		Тувак, хонаки гуллар	
	Санъат	Аппликация: Ватан ҳимоячилари кунига табрикнома		Жонажон Ватанимга душман кўрқичли эмас		Бўёқ, қайчи, қоғоз, пластилин	
Умумий гуруҳ бўлиб ишлаш							

ОЙ МАВЗУСИ: “БОЛАЛАР БОҒЧАСИ”

Гуруҳ	Тайёрлов							
Мавзу	Мен ва менинг танам							
Муддати	Январь ойининг 3-ҳафтаси							
Ривожланиш соҳаларига оид мақсадлар	Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши	Жисмоний машқлар орқали соғлом турмуш тарзини шакллантириш. Тоза ҳавода ҳаракатли кишки ўйинларни ўтказиш. Болаларда ўз соғлиғи ҳақида қайғуриш ҳиссини тарбиялаш.						
	Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш	Соғлом турмуш тарзи ва соғлом овқатланиш ҳақидаги тасаввурларни мустаҳкамлаш. Бақувват ва соғлом бўлиб ўсиш истагини ҳосил қилиш.						
	Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари	Болаларда инсон кўриниши (имо-ишора, хатти -ҳаракатлар, юриш, нутқ, кийиниш) ҳақидаги тасаввурларни мустаҳкамлаш. Болаларни юз, соч турмаги, кайфиятни оғзаки тавсифлашга ўргатиш						
	Билиш жараёнининг ривожланиши	Болаларда инсон тана қисмлари ва ички органлар - юрак, ўпка, мия тузилишининг ўзига хослиги ҳақидаги билимларни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш. Тана қисмлари (қўл, оёқ, бурун, оғиз ва б.) нинг фойдаси ҳақидаги тасаввурларни кенгайтириш						
	Ижодий ривожланиш	Ижодий фаолият орқали ҳиссий ривожлантириш. Сезги органлари ёрдамида ижод қилиш (музикани тинглаб чизиш ва лойдан яшаш).						
Ривожланиш марказлари		Таълимий-тарбиявий фаолият						
		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Ресурслар	
Эркин фаолият	Қуриш, конструкциялаш ва математика	Конструкциялаш: Робот-одам		Одам танасини конструкциялаш		конструктор, мозаика, қутилар		
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш	“Оилавий шифохона” сюжетли-ролли ўйин					Сюжетли ўйинлар жамланмаси	
	Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш	Валеология: Ёқимли иштаҳа		Соғлом ҳаёт сари			Мавзуга оид расмлар	
	Фан ва табиат	Тўғри овқатланиш – соғлиқ гарови			Сезги органлари валеология		Лото, пазллар	
	Санъат	Расм: Менинг оилам	Аппликация: Одамчамизни кийинтирамиз		Лой иши: Фойдали витаминлар		Бўёқ, мўйқалам, қоғоз, пластилин, қайчилар	
	Умумий гуруҳ бўлиб ишлаш							

ОЙ МАВЗУСИ: “БОЛАЛАР БОҒЧАСИ”

Гуруҳ	Тайёрлов							
Мавзу	Хушмуомалалик алифбоси							
Муддати	Январь ойининг 4-ҳафтаси							
Ривожланиш соҳаларига оид мақсадлар	Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши	Болаларда теварак-атрофни асраб-авайлаш ҳисси ва муносабатларни шакллантириш						
	Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш	Жамоода болаларни шу жамоа аъзоси ҳисси ва шахсий сифатларни шакллантириш. Гуруҳда болалар ўртасидаги дўстона муносабатларни шакллантириш, жамоода жипсликни таъминлаш. Болаларда ўзини ва ўзгаларга бўлган эмоционал ҳиссий ҳолатларни кўрсата олишга ундаш						
	Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари	Тарбияланувчиларнинг боғланишли нутқини ўстириш, ўзаро мулоқотга кириша олиш, мулойимлик ва саховатлилик сифатларни тарбиялаш						
	Билиш жараёнининг ривожланиши	Кундалик ҳаётда маданий-гигиеник кўникмаларни мустаҳкамлаш. Стол атрофидаги этикетга риоя қилишга одатлантириш						
	Ижодий ривожланиш	Болаларда мусиқа асарларини тинглаш ва сюжетли расмларни кўриш орқали бадиий эстетик дидларини ўстириш						
Ривожланиш марказлари		Таълимий-тарбиявий фаолият						
		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Ресурслар	
Эркин фаолият	Қуриш, конструкциялаш ва математика	Қоғоздан яшаш: Эзгу ишлар елпиғичи		Дўстларимиз учун уй курамыз		Конструктор, мозаика, қути, леголар		
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш	“Икки қизғанчиқ айиқча“ кўғирчоқ театрини сахналаштириш		“Автобусда саёҳат” сюжетли-ролли ўйин		Кичик театр, “Автобусда”, “Театрда” сюжетли-ролли ўйинлар тўплами		
	Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш	“Нима яхши-ю, нима ёмон” сўз ўйини			Сухбат: “Яхши хулқ”, “Эзгу сўз”		“Тескари” мавзусидаги расмлар	
	Фан ва табиат	Қушларни парваришлаймиз			“Меҳр улаш” таълимий ўйин		Ҳайвонлар учун озуқа	
	Санъат	Расм: Эзгулик дарахти	Лой иши: “Чойга марҳамат”		Апликация: Дўстим учун табрикнома		Керакли анжомлар	
	Умумий гуруҳ бўлиб ишлаш							

ЯНВАРЬ БИРИНЧИ ҲАФТА КИШКИ ҶИҲОЗ-КУЛГУЛАР

Қуриш, конструкциялаш ва математика маркази

Қишки қалъа

Мақсад: болалар расм, схема, ижодий ёндашув асосида қурадилар, шаклларнинг катталиги ва кўринишига қараб номларини айтадилар, рақам ва сонларни фарқлайдилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: кубик, геометрик шакл, ёғоч ва пластмасса конструктор, табиат материаллари, декоратив жиҳозлар тўплами, фотосурат ва расмлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Қалъа расми тасвирланган фотосурат ва расмларни кўриш чиқиш.
2. Болалар билан қалъани қуриш режасини тузиш.
3. Конструкциялаш.
4. Қалъани тавсифлаш.

Кўшимча: Қалъага ном бериш. Қалъа сурати фониди болаларни расмга тушириш.

Эътиборга молик жиҳати: ижодий тасаввурни ривожлантириш, жамоа ишида вазифаларни бўлиб олиш малакаларини ўстириш.

Қуриш, конструкциялаш ва математика маркази

Қўғирчоқ ва айиқча учун қишки майдонча

Мақсад: болалар майдончани турли хил конструкция асосида қурадилар, предметларни белгиланган тартибда бириктирадилар, жой-макон тушунчаларига эга бўладилар, тартиб сонини билладилар, предметларни катта-кичиклиги бўйича солиштира оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: кубик, геометрик шакл, лево, қути, ўйинчоқ, схема, сурат ва расмлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. “Қишки ўйинлар”, “Қишки майдонча” суратларини томоша қилиш.
2. Қишки майдончани қуриш.
3. Қурилган майдончада қўғирчоқ ва айиқчани ўйнатиш.

Кўшимча : Бадиий адабиёт намуналаридан Н.Носовнинг “Сирпанчик” ҳикоясини ўқиб бериш.

Эътиборга молик жиҳати: қурилиш намуналарини мустақил таҳлил қилиш ва энг мақбул ечимини топиш.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш маркази

“Ўн икки ой” эртагини сахналаштириш

Мақсад: болалар “Ўн икки ой” эртаги асосида сахналаштирилган ўйинни, қаҳрамонларнинг феъл-атворини тушунадилар, композициянинг асосий хусусиятларини илғаб оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: ўн икки ойнинг ўзига хос бўлган кийими; сунъий арча, ўрмонни акс эттирувчи йўлак ва очик майдон, гулхан (болаларбоп), эртақ мазмунни акс этган сурат, саватча ва бойчечаклар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Эртак асосидаги суратлар мазмуни билан танишиш, ойлар сони ва уларнинг номларини сўраш.

2. Саҳналаштиришчун сюжет танлаш.

3. Ролларни тақсимлаш.

4. Эртак ижросини таҳлил қилиш.

Қўшимча : “Ўн икки ой” мультфильминини кўрсатиш.

Эътиборга молик жиҳати: сюжетли-ролли ўйин орқали эзгулик ва ёмонликни, дўстона муносабатлар, ҳамкорликни тушуниш.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва саҳналаштириш маркази

“Қишки олимпиада ўйинлари” сюжетли-ролли ўйинлар

Мақсад: болалар замонавий олимпиада ўйинлари ҳақида тасаввурга эга бўладилар, олимпиада умуминсоний маданиятнинг бир қисми сифатида эканлигини биладилар, ҳар хил спорт турларига қизиқиш билдирадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: қишки олимпиада ўйинларига хос бўлган жиҳоз, спорт кийимлари, Ўзбекистон ва олимпиада байроқлари, мавзуга мос бўлган суратлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Болалар спорт кийимларини кийиб икки гуруҳга бўлинадилар.

2. Болалар “Чанғида пойга” ўйинини ўйнайдилар. Болалар чанғида юргандек (тақлидий) ҳаракатланадилар.

3. Биатлон¹ўйини.Чанғида ҳаракатлангандек (тақлидчан) белгиланган масофагача югурадилар, тўпни нишонга улоқтирадилар.

Қўшимча: спорт мавзусига оид суратларни томоша қилиш.

Эътиборга молик жиҳати: болалар орасида дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш, бир-бирини қўллаб-қувватлашни тарбиялаш, соғлом ҳаёт тарзини сингдириш, болаларни жисмонан кучли, эпчил ва чаққон бўлишларига кўмаклашиш.

Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш маркази

Қиш тасвирланган расм асосидаги ҳикоя

Мақсад: болалар нутқда сифат туркуми ва келишикларни қўллаш оладилар, таянч сўзлар ва расмлар асосида қисқа ҳикоя туза оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: қиш табиати акс этган сурат, сюжетли расм: ўғил бола ва қиз бола қиш кийимида, чанғи, чана, коньки, қорбола.

Фаолиятнинг бориши:

1. “Белгиларини танла!” таълимий ўйини

Қиш қандай? – совуқ, қаҳратон, бўронли.

Қор қандай? – оппоқ, юмшоқ, момикқина, кумуш ва ҳ.к.

2. “Иш-ҳаракатни танла” таълимий ўйини

Қор нима қилади? – ёғади, айланади, учқунлайди, қоқлайди, ғирчиллайди, ялтирайди, эрийди.

Шамол нима қилади? – елади, эсади, ҳуштак чалади, увиллайди.

3. Қиш манзараси акс этган расмни кўриб чиқиш.

¹Чанғида юриш ва нишонга отиш бўйича қисқа ва узоқ масофада ўтказиладиган спорт тури.

4. Сюжетли расм асосида гаплар тузиш.

5. Қиш ҳақида қисқа ҳикоя тузиш.

Қўшимча: Болаларда киришимлилиқ ва дўстона ҳамкорликни тарбиялаш.

Эътиборга молик жиҳати: сўзлар ва охириги бўғинларни тўғри талаффуз қилиш, таянч сўзлар асосида гап тузиш.

Тил, нутқ ва саводхонлиқка ўргатиш маркази

Қиш ҳақида шеър билан танишиш

Мақсад: болалар шеърни ифодали ёддан айтадилар, шеърнинг муаллифини биладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: қиш ҳақидаги сурат ва китоблар

Фаолиятнинг бориши:

1. Болаларнинг қиш ҳақида ёзилган асарларни кўриб чиқиш.
2. Китобнинг муқовасидан муаллифини, китобнинг номини ўқий олш.
3. Тарбиячи ёрдамида қиш ҳақидаги шеърни ёд олиш.

Қўшимча: болалар билан ёзувчи ва шоирлар ҳақида суҳбатлашиш.

Эътиборга молик жиҳати: шеърини асарларга ижобий муносабат билдирилиши.

Фан ва табиат маркази

Муз ва қор билан амалий тажриба

Мақсад: болалар қор ва музнинг физик хусусиятларини биладилар, амалий тажриба ўтказиб хулосалар чиқарадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: иккита стакан (бири қор, иккинчиси муз билан тўлдирилган), қор ва муз акс этган суратлар, рангли қоғозлар (кул ранг, оқ ва кўк рангдаги), қиш ажойиботлари акс этган суратлар, бўёқ ва мўйқалам.

Фаолиятнинг бориши:

1. Болаларнинг қор ва муз ҳақида топишмоқларни тинглашлари.
2. Қор ва муз билан тўлдирилган стаканларни томоша қилиш. Ранги ва шаффофлигини аниқлаш.
3. Пайпаслаб кўриб қаттиқ ва юмшоқлигини аниқлаш.
4. Ҳароратнинг таъсирини аниқлаш.

Қўшимча : сайр пайтида қорда таёқча билан расм чизишни таклиф қилиш.

Эътиборга молик жиҳати: болаларнинг билиш фаолиятини ривожлантириш.

Фан ва табиат маркази

Қишки ўйинлар

Мақсад: болалар спортнинг қишки турлари ҳақида тасаввур ҳосил қиладилар, спорт жиҳозларининг аҳамиятини биладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: спортнинг қишки турлари ва спорт жиҳозлари акс этган белгили йирик (топишмоқли) ва кесма карточкалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Болаларга кесма карточкалар таклиф этилади. Қишки спорт тури акс этган карточкани тўғри тузиш.
2. Болаларга қишки спорт тури акс этган карточкалар таклиф этилади. Ушбу спорт турига мос бўлган спорт жиҳози акс этган карточкани танлаш.

3. Болаларнинг спорт турлари акс этган карточкаларни ололиб, унда қандай спорт тури акс этганлигини сўзсиз кўрсатиб бериш.

Кўшимча: болалар билан қиш ва унинг ажойиботлари, қишки спорт турлари ҳақида суҳбатлашиш, шу мазмундаги иллюстрацияли суратларни кўриш.

Эътиборга молик жиҳати: тафаккур, диққатни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзига қизиқиш уйғотиш.

Санъат маркази

Сехрли қиш. Расмлар танлови

Мақсад: болалар суратнинг мазмунини қоғозга туширадилар, қоғоз фонини ҳамда мазмунни уйғунлаштирувчи бўёқларни танлайдилар, қоғозга суратни жойлаштирадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: қоғоз, бўёқ ва мўйқалам.

Фаолиятнинг бориши:

1. Қоғоз фонини танлаш.
2. Сурат мазмунини ўйлаб топиш.
3. Расм чизиш.
4. Болалар ишларининг кўргазмаси.

Кўшимча : тасвирий санъатнинг турларини ажратиш

Эътиборга молик жиҳати: композицияни яратиш.

Санъат маркази

Лой иши: Қордан байрам торти

Мақсад: болалар буюмга хос бўлган белгиларни таърифлайдилар, қисмларнинг катталигига (ҳажмига) аҳамият бериб қордан торт ясайдилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: металл тоғорача, ўйинчоқ идиш, қум учун идишлар жамланмаси, қор, йирик мунчоқ, ярим тухумсимон пластмасса идиш, бўёқ ва мўйқаламлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Металл тоғорача ёрдамида тортнинг асоси учун кичик кулча яшаш.
2. Ярим тухумсимон пластмасса идишларни қор билан тўлдириш ва тортнинг асосий қисмига доира бўйлаб (безе) жойлаштириш.
3. Тортни рангли бўёқ билан бўяш.
4. Тортни мунчоқлар билан безаш (мевалар ўрнига).

Кўшимча: хамирдан торт тайёрлаш.

Эътиборга молик жиҳати: қорнинг эриши ва қорларга ранглар бериш.

Санъат маркази

Апликация: Қишки олимпиада ўйинлари Жамоа иши

Мақсад: болалар олимпиада рамзини ва олимпиада халқаларининг ранглари уйғунлигини қоғозга туширадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: рангли қоғоз, оқ картон қоғоз, тухум пўчоғи, елим, қайчи, гуашь, мўйқалам.

Фаолиятнинг бориши:

1. Халқалар четига мўйқалам билан елим суртиш.

2. Халқа четига сурилган елимга мустаҳкам қилиб тухум қобиғидан мозаика жойлаштириш.

3. Тухум қобиғига олимпиада халқаларининг ранглари уйғунлигига мувофиқ ранг бериш.

Қўшимча: болаларга олимпиада рамзи, маёғи, байроғи, ва халқалари ҳақида ҳикоя қилиб бериш. Олимпиада байроғини рангли қоғозлардан тайёрлаш ва қоғоз тешиш мосламаси ёрдамида рангли доирачалар ёғдусини яратиш мумкин.

Эътиборга молик жиҳати: болаларнинг биргаликда ижод қилиши ҳамда майда қўл моторикасини ривожлантириш

ЯНВАРЬ. ИККИНЧИ ҲАФТА ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

Қуриш, конструкциялаш ва математика маркази

Оригами: Самолёт

Мақсад: болалар қоғоздан шакл яратадилар, бармоқларни ҳаракатлантира оладилар, диққатни тўплаш оладилар, аниқ режа асосида ишлайдилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: чизма, оқ ва рангли қоғозлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Болалар самолётни йиғиш чизмасини ўрганиб чиқадилар.
2. Самолётни қуриш учун рангли қоғоз танлайдилар.
3. Самолётни чизма асосида йиғадилар.
4. Самолётни хоҳишига кўра безатадилар (рангли қаламлар, елим ва бошқалар билан)

Қўшимча : самолётни ҳар хил усулда йиғиб кўришни таклиф қилиш.

Эътиборга молик жиҳати: бола “ўзига” ва “ўзидан” каби йўналишда мўлжал олади, ўзининг амалий фаолиятини режалаштиради ва назорат қилади.

Қуриш, конструкциялаш ва математика маркази

Ҳарбий техника, машинани йиғиш

Мақсад: болалар ҳарбий транспортни биладилар, сюжетни ижодий ривожлантирадилар, курали кучлари (армия)миз билан фахрланадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: кесма суратлар, кичик қутилар, гугурт қутиси, ҳарбий техника акс этган суратлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Болаларнинг ҳарбий техника акс этган суратларни кўриб чиқишлари.
2. Болаларнинг ўз танловларига кўра қутилардан ҳарбий техникаларни қуришлари.
3. Ишни тугатиш учун рангли қоғоз, ёпишқоқ байроқ, юлдуз ва бошқа тасвирлардан фойдаланишлари мумкин.

Қўшимча:“Ҳарбий техника” мавзусида кўргазма ташкил этиш.

Эътиборга молик жиҳати: болаларда ижодий конструкциялашни такомиллаштириш, шуғулланиш жараёнида болалар ўртасида ижобий ҳамкорликни шакллантириш, қўл моторикасини ривожлантириш.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш маркази

“Ҳарбий денгизчилар” сюжетли-ролли ўйин

Мақсад: болалар ҳарбий касблар – капитан, матрос, боцман, алоқачи, денгизчиларни биладилар, ўйин давомида ҳарбий денгизчиларнинг ҳаракатлари акс этган сюжетни ривожлантирадилар

Керакли жиҳоз ва материаллар: курилиш жиҳозлари, капитан бош кийими, ҳарбий денгизчи кийими (денгизчилар ёқаси ва бош кийими), штурвал, дурбин, курул, лангар, суратлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Модуллардан кема курилади (стуллардан фойдаланиш мумкин).
2. Роллар тақсимланади.
3. Болалар мустақил “Денгиз флоти” таълимий ўйинини ўйнайдилар.
4. “Трапдан ўтаман” таълимий ўйини: ердаги арконнинг устидан кўзлар боғланган ҳолатда мувозанат сақлаб юриш.

Қўшимча: ҳарбий денгизчилар ҳақидаги фильмни намоиш этиш.

Эътиборга молик жиҳати: болаларда ватанпарварлик ҳиссини тарбиялаш, сюжетни ижодий ривожлантириш

Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш маркази

“Чегарачи” сюжетли-ролли ўйини

Мақсад: болалар чегарачининг аҳамиятини, сюжетли-ролли ўйинни ташкиллаштиришни ҳамда ҳамкорликда қарор чиқаришни биладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: планшет, дурбин, каска, ичимлик, автомат, сурат, ҳарбий техника, тез ёрдам анжомлари.

Фаолиятнинг бориши:

1. Болаларнинг чегарачи кузатув пости учун модуллардан тоғлар куриши.
2. Ҳамширалар ёрдам кўрсатиши учун вақтинчалик қароргоҳларни ўрнатиш.
3. Ролларни тақсимлаш – чегарачи, ҳамшира, пойлоқчи.
4. Сюжетни ривожлантириш.

Қўшимча : чегарачи хизмати ҳақида фильм кўриш ва адабиётларни ўқиб бериш.

Эътиборга молик жиҳати: жамоа бўлиб ўйнаш ва ўзаро келиша олиш, тасаввурларни ривожлантириш.

Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш маркази

Бизнинг армия

Мақсад: болалар ҳар бир давлатнинг армияси ва қўриқланиши лозим бўлган чегараси бўлишини биладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: кесма расм, пазл, магнитли доскалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Болаларнинг бизнинг давлатимиз чегаралари акс этган пазлларни йиғишлари.
2. Ҳарфлардан армия, чегара, мамлакат сўзларини тузиш.
3. Мавзуга оид суратларга мос сўзлар топиш.

Қўшимча : мавзуга оид суратлар асосида ҳикоя тузиш.

Эътиборга молик жиҳати: болаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳарфларни билиш ва улардан сўзлар ҳосил қилиш.

Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш маркази

Ҳарбий кийим ва уларнинг фарқли белгилари

Мақсад: болалар ҳарбий кийимларнинг турларини биладилар, ҳарбий кийим кийиш қоидалари билан танишадилар, ҳарбий хизматчиларнинг фарқли белгиларини тушунадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: ҳарбий кийим суратлари, ҳарбий хизматчиларнинг фотосуратлари, кесма сурат, пазл ва магнитли доскалар.

Фаолиятнинг олиб борилиши:

1. “Ҳарбийнинг суратини йиғ!” таълимий ўйини: (*учувчи, денгизчи, танкчи, десантчи, қуруқлик қўшинлари*).
2. Сурат асосида ҳикоя тузиш ва бир-бирларига ҳикоя қилиб бериш.
3. Суратдаги ҳарбийларга мос бўлган сўзларни танлаш: *учувчи, танкчи, денгизчи, десантчи, милиционер ва ҳ.к.*

Қўшимча: болалар магнит доскага ҳарбий касб номларини жойлайдилар.

Эътиборга молик жиҳати: болаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ўзининг армиясидан фахрланиш туйғусини шакллантириш.

Фан ва табиат маркази

Амалий тажриба: Ҳаво – кўринмас. Шамол

Мақсад: болалар амалий тажрибани ўтказиб, муаммони аниқлайдилар, эркин фаолият учун материал танлайдилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: қоғоздан ясалган самолётлар (марказдан), бир тоғорача сув ва шамлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Стол четига самолётларни қўйиб, болалар унга пуфлайдилар. Кимнинг самолёти узоққа учганини кузатадилар.
2. Болалар тоғорадаги сувга шамолни акс эттириб пуфлайдилар, қанчалик қаттиқ пуflanса, тоғорадаги сув шунчалик тўлқинланади.
3. Болалар таҳлил қиладилар, шамол кўринмайди, бироқ у ўзининг хусусиятига эга. Шамол- бу ҳавонинг ҳаракати.

Қўшимча: тарбиячи раҳбарлиги остида шам билан тажриба ўтказиш. Шамни ёқиш ва елпиғич ёрдамида уни ўчириш.

Эътиборга молик жиҳати: ўтказилган тажрибаларни болалар кўриши ва кузатиши лозим.

Фан ва табиат маркази

Биз ва табиат

Мақсад: болалар муаммоли вазиятларни ҳал этишга ўрганадилар, бизни ўраб турган табиатни асраш, ўсимлик ва жониворларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш лозимлигини биладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: магнит доска, “Атрофимиздаги олам” мавзусида суратлар тўплами.

Фаолиятнинг бориши:

1. Муаммоли вазиятлар акс этган суратларни кўриш. Сойга нима бўлди? Ўрмонга нима бўлди? Дарага нима бўлди?
2. Болаларнинг суратларни таърифлашлари. Нима яхши-ю, нима ёмонлигини, қандай қилиб табиатни кўриқлашимиз кераклигини тушунтириш.
3. Мавзуга мос бўлган пазлларни йиғиш.

Кўшимча: “Қушлар ва ҳайвонлар” мавзусидаги таълимий ўйинни ўтказиш. Болаларни табиатдаги жараёнларнинг хилма-хиллиги ва уни кўриқлашга жалб этиш.

Эътиборга молик жиҳати: табиат ва инсон тушунчаларини ривожлантириш, табиатда инсоннинг ўрни, табиатнинг кўркемлигини англаш, ер юзидаги барча тирик жонзотга меҳр-муҳаббат ва эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишни тарбиялаш.

Санъат маркази

Расм чизиш: Бизнинг жонажон армия

Мақсад: болалар аскар суратини чизадилар, жангчининг тимсоли, ҳарбий кийимга алоҳида урғу бериб қоғозга тасвирни жойлаштира оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: мавзуга оид суратлар, марказнинг номланиши, А-4 форматдаги қоғоз, гуашь, мўйқалам, сув учун стакан.

Фаолиятнинг бориши:

1. Ҳарбий мавзуга оид суратларни кўриш.
2. Берилган мавзуга ўз хоҳишига кўра сюжетни ўйлаб топиш.
3. Чизиш кетма-кетлиги бўйича чизма билан танишиш.
4. Ўйлаганларни амалга ошириш.
5. Ишлар кўргазмаси, муҳокама.

Кўшимча: Қуриш ва ясаш, санъат марказларида кўргазма ташкил этиш.

Эътиборга молик жиҳати: бажарилган ишга мустақил ёндашув, кайфиятни кўтариш ва ватанпарварлик ҳиссини ривожлантириш.

Санъат маркази

Лой иши: Жонажон Ватанимга душман кўрқинчли эмас

Мақсад: болалар яратилаётган образ орқали инсоннинг феъл-атворини кўрсатиб бериш, армия билан фахрланиш, кучли, эпчил ва жасур бўлишга интилиш.

Керакли жиҳоз ва материаллар: пластилин, тахтача, стек, ҳарбийлар акс эттирилган суратлар, ҳарбий база макети.

Фаолиятнинг бориши:

1. Суратлар ёки ҳар хил кўшинлар акс этган ўйинчоқларни кўриб чиқиш.
2. Болалар билан ясаш учун материал танлаш.
3. Ўйлаганларни амалга ошириш.
4. Ҳарбий база макетини қуриш.

Кўшимча: фақат ҳарбийларни эмас, балки ҳарбий техникаларни ясаш мумкин.

Эътиборга молик жиҳати: фаоллик, ташаббус кўрсатиш, тасаввурни кенгайтириш, жонажон юртига меҳр-муҳаббатни тарбиялаш, Ватан ҳимоячиси бўлишга қизиқтириш.

Санъат маркази

Апликация: Ватан ҳимоячилари кунига табрикнома

Мақсад: болалар ўзбек армияси ҳақида тасаввурга эга бўладилар, Ватан ҳимоячилари куни қачон нишонланишини биладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: рангли қоғоз, картон, расм ва “Ўзбек армияси” мавзусига оид табрикномалар, елим, рангли қаламлар, қайчи, салфетка, тахтачалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Болалар билан тайёрланган табрикномаларнинг бир неча нусхасини кўриш.
2. Байрам табрикномасини тайёрлаш жараёни.
3. Табрикномалар кўргазмасини ташкил этиш

Кўшимча: жамоа бўлиб табрикнома тайёрлаш ва уни “Ота-оналар учун маълумотлар” бурчагига жойлаштириш.

Эътиборга молик жиҳати: жамоа бўлиб ишлаш, ишга ижодий ёндашиш.

ЯНВАРЬ. УЧИНЧИ ҲАФТА МЕН ВА МЕНИНГ ТАНАМ

Қуриш, конструкциялаш ва математика маркази

Одам танасини конструкциялаш

Мақсад: болалар одам танаси турли хил орган ва ҳужайралардан ташкил топганлиги ҳақида тушунчага эга бўладилар, иш давомида ҳар хил буюмлардан фойдаланадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: ҳар хил ташландиқ материаллар, қоғозга чизилган ва қирқилган тайёр материаллар, турли шакл ва рангдаги мунчоқ, ип, рангли қаламлар ва ҳ.к.

Фаолиятнинг бориши:

1. Болаларнинг инсон танаси акс этган катта ҳажмдаги кўргазмани томоша қилишлари. Маълумотлар билан ўртоқлашиш.
2. Одам танаси қисмларини кузатиб тана аъзоларини ҳаракатланадиган қилиб одамчани йиғиш (тарбиячи йиғиш чизмасини кўрсатиб бериши мумкин).
3. Йиғилган одамчага юз шаклини чизиш ва иплар билан соч қисмини яратиш.

Кўшимча : инсон танаси ички аъзолари тасвирланган тарқатма

Эътиборга молик жиҳати: тасаввур ва қўл майда моторикасини ривожлантириш

Қуриш, конструкциялаш ва математика маркази

Конструкциялаш: Робот-одам

Мақсад: болалар чизма асосида конструкциялайдилар, ўз тасаввури бўйича қура оладилар, турли ҳажм ва катталиқдаги шаклларни айтадилар, рақам ва сонларни фарқлайдилар. ҳисоблашни биладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: конструктор, кубик, ёғоч ва елим модуль йиғмалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Болалар билан робот-одам қуришни режалаштириш. Йиғиш учун керакли кути ва кубикларни танлаб олиш.
2. Биргалиқда қуриш.
3. Йиғилган робот-одамчага исм қўйиш.

Кўшимча: робот-одам расминини томоша қилиш.

Эътиборга молик жиҳати: ижодий тасаввурни ривожлантириш, вазифаларни тақсимлаш ва жамоа бўлиб ишлашни билиш.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш маркази

“Оилавий шифохона” сюжетли-ролли ўйини

Мақсад: болалар шифокор касбини биладилар, ўйин давомида шифохона, касалхона, дорихона, шифокор меҳнати тушунчаларидан фойдаланадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: стол, стул, шифокор учун хона, оқ халат, тиббиёт анжомлари, шприц, тана ҳароратини ўлчаш асбоби, жадвал, ёритгич, дори, касса, “Она ва қиз” ўйини учун маиший жиҳоз, идиш, стол, стул, она учун сумка, тиббий маълумотнома учун қоғоз, картон, ручка, қоғоз пул ва қўғирчоқлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Ролларни тақсимлаш.
2. Шахсий ташаббусга кўра ёки таклиф қилингандагидек ўйинни ўйнаш.

Ўйиннинг бориши: Бемор қабулхонага боради. Шифокорга талон олади ва қабулга боради. Шифокор беморни қабул қилади, диққат билан унинг шикоятларини эшитади, саволлар беради, фонендоскоп билан эшитиб кўради, ҳароратни ўлчайди, томоғини кўради, ташхис кўяди. Ҳамшира рецепт ёзади, шифокор қўл қўйиб тасдиқлайди. Бемор муолажа хонасига боради. Ҳамшира эмлайди ва муолажа ўтказиши.

Қўшимча: МТМнинг тиббиёт хонасига сайр. “Муолажа хонаси” сюжетини сахналаштириш

Эътиборга молик жиҳати: болаларнинг шифокор меҳнати, ҳамшира ва дорихона ходимлари ҳақидаги билимларини бойитиш, беморга алоҳида эътибор бериш, мулоқот маданияти, ўйин давомида болаларни нутқини ривожлантириш, сўз бойлигини ошириш.

Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш маркази

Валеология: Ёқимли иштаҳа

Мақсад: болалар инсон ҳаётида соғлом овқатланишнинг аҳамияти ҳақида тушунчага эга бўладилар, овқат ҳазм қилиш тизимининг вазифалари билан танишадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: овқат ҳазм қилиш тизими, Тўғри овқатланиш қоидалари акс этган жадвал, ўйин учун озиқ-овқат маҳсулотлари.

Фаолиятнинг бориши:

“Озиқ-овқат маҳсулотлари” таълимий ўйини. Стол устига ҳар хил озиқ-овқат маҳсулотлари териб қўйилади. Болалар маҳсулотларни учта столга бўлиб чиқадилар ва нимагалигини тушунтирадилар.

Қўшимча : болалар билан овқатланиш тартиби бўйича суҳбат ўтказиш.

Эътиборга молик жиҳати: болаларнинг тўғри овқатланиш, соғлом маҳсулот бўйича тасаввурини кенгайтириш, билишга бўлган қизиқишларини ошириш, фаол ҳаракатланиш, ўз соғлиғи ҳақида қайғуришни тарбиялаш ва соғлом турмуш тарзини олиб боришга интилишни кўллаб-қувватлаш.

Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш маркази

Соғлом ҳаёт сари

Мақсад: болалар соғлом инсон тушунчасини англайдилар, шахсий гигиена кўникмаларига эга бўлиш, совун, тиш пастаси, тароқ, сочқикнинг аҳамиятини биладилар, витаминлар ва шамоллаш касалликлари ҳақида тасаввурга эга бўладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: куёш макети, гигиена воситалари: совун, тиш чўтқаси, тароқ, сочиқ, сюжетли рас, муляж, маҳсулотлар тўлдирилган сават, чиниктириш учун жиҳозлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. “Бизнинг ёрдамчиларимиз” таълимий ўйини: болаларнинг эшитиш, кўриш, ҳид билиш ва таъм билиш борасидаги билимларини мустаҳкамлаш. Суратларни аниқ белгиларига кўра гуруҳларга ажратиш, бу органларнинг инсон ҳаётидаги аҳамиятини билдириш.

2. “Тартиб узвийлиги” таълимий ўйини: болалар сюжет акс этган суратларни боғлиқлик тартиби билан териб чиқадилар ва уларнинг аҳамиятини тушунтирадилар. (уйғониш, ювиниш, бадантарбия, нонушта, ўйин, сайр, тушлик, кундузги уйку, толма чой, сайр, ўйин ва бошқалар.)

Кўшимча: шахсий гигиена ва кун тартиби қоидалари бўйича суҳбат.

Эътиборга молик жиҳати: тўғри овқатланиш, чиникиш, МТМ тартибидек уйда ҳам кун тартибига риоя қилиш.

Фан ва табиат маркази

Тўғри овқатланиш — соғлиқ гарови

Мақсад: болалар инсон саломатлигида витаминлар ва тўғри овқатланишнинг аҳамиятини биладилар, одам соғлиги тўғри овқатланишга боғлиқлиги ҳақида тушунчага эга бўладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: озиқ-овқат маҳсулотлари, дарахт ва челақ, сутли усти ёпилган стаканлар, мевалар (бутун ва кесилган), сихлар расмлари, салфетка

Фаолиятнинг бориши:

1. “Фойдали ва зарарли овқатлар” таълимий ўйини. Фойдали овқатлар дарахтга осилади, зарарлилари челақка ташланади.

2. “Мева ва сабзавотлар” таълимий ўйини. Болалар мева ва сабзавотларни витаминлар гуруҳига мос тақсимлайдилар (ажратадилар).

3. “Сут маҳсулотларини айт” таълимий ўйини.

Кўшимча: мева ва сабзавотлар, улардаги витаминларнинг болалар организмига фойдаси ҳақида суҳбат.

Эътиборга молик жиҳати: мустақил равишда ўз соғлиғи ҳақида қайғура билиш, соғломлаштиришнинг оддий усулларини қўллаш олиш (фито чой, чиникиш, зарядка).

Фан ва табиат маркази

“Сезги аъзолари”. Валеология бўйича таълимий ўйин

Мақсад: болалар сезги аъзоларининг тузилиши ва аҳамиятини биладилар, шунингдек, хавфли манбалар, хавфли буюмлар билан эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишга ўрганадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: мавзуга оид суратлар

Фаолиятнинг бориши:

1. Мавзуга оид суратларни томоша қилиб сезги аъзоларининг тузилиши ва аҳамиятини сўзлаб бериш.

2. “Сезги аъзолари” таълимий ўйини. Болалар керакли расмларни танлайдилар.

Сенинг хизматингда бор беш ёрдамчи,

Уларни ишлатасан билмай гарчи.

Кўзлар сенга кўриш учун берилган,
Қулоқлар эса эшитиш учун.
Тил сўзлаш ва таъм билишга,
Бурун эса ҳид билиш учун.
Сен безовта бўлмагин ҳеч,
Улар ёрдам берар эртаю-кеч.

Қўшимча қисм: инсон тана аъзолари ҳақида суҳбат, одам макетини ўрганиш.

Эътиборга молик жиҳати: ўзининг соғлиғи в танасини эҳтиёт қилиш.

Санъат маркази

Расм: Менинг оилам

Мақсад: болалар тасвирни сурат мазмунига мувофиқ қоғозга жойлаштирадилар, инсон танасини чиза оладилар, катталар ва болаларнинг бўй-бастини тасвирлай оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: А4 ҳажмдаги оқ қоғоз, рамка, рангли қаламлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Оила аъзолари ҳақида гапириб бериш.
2. Чизиш учун иш қуролларини танлаш.
3. Ўзлари тасвирлаб чизиб берадилар.

Қўшимча қисм: оила тасвирланган сюжетли расмларни томоша қилиш, сеvimли оилавий байрам ҳақида суҳбат.

Эътиборга молик жиҳати: ижодий тасаввурни ривожлантириш. Ўзи яратган тимсолнинг чиройини кўра олиш.

Санъат маркази

Лой иши: Фойдали витаминлар

Мақсад: болалар лой ишида ҳар хил усуллар (думалоқлаш, япалоқлаш, эзиш) да мевалар шаклини бера оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: пластилин, стек, салфетка, лой иши учун тахтача, табиий сабзавот ва мевалар: апельсин, банан, олма, сабзи ва ҳ.к.

Фаолиятнинг бориши:

1. Мева ва сабзавотларни кўриб чиқиб, улардан витаминларга бойини яшаш учун танлаш.
2. Керакли бўлган рангдаги пластилинни олиш.
3. Фаолиятни амалга ошириш.

Қўшимча қисм: мева ва сабзавотлар учун саватча яшаш мумкин.

Эътиборга молик жиҳати: кўл майда моторикасини ривожлантириш, кўзда мўлжал олиш, тасаввур қилиш. Пластилин билан тартибли, мустақил, фаол ишлашга ўргатиш.

Санъат маркази

Апликация: Одамчамизни кийинтирамиз

Мақсад: болалар апликация яшашда турли қоғозлардан фойдаланадилар, ранглар ҳамоҳанглигини танлай оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: қайчи, пва елим, мўйқалам, нам салфетка, клеёнка, рангли картон, фломастер, мунчок, тугмача, кийим расмлари

Фаолиятнинг бориши:

1. Курилиш марказида ясаган одамчаларни олиш ва уларга қандай кийим ясашни танлаш.
2. Рангли қоғоз танлаш ва ундан кийим ясаш.
3. Кийимни безатиш.

Қўшимча қисм: болалар ижодлари кўрғазмасини ўтказиш.

Эътиборга молик жиҳати: болаларнинг ижодий тасаввурини шакллантириш

ЯНВАРЬ. ТҶРТИНЧИ ҲАФТА ХУШМУОМАЛАЛИК АЛИФБОСИ

Кўриш, конструкциялаш ва математика маркази

Қоғоздан ясаш: Эзгу ишлар елпиғичи

Мақсад: болалар қоғоз ва қайчи билан ишлашни, қоғозни тенг ярмига, бир неча бор кетма-кетликда буклашни биладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: эзгу ишлар ёзилган елпиғич қисмлари, тайёр елпиғич шакли.

Фаолиятнинг бориши:

1. Елпиғич тайёрлаш йўриқномасини кўриш.
2. Болалар ўзининг елпиғичи учун эзгу ишлар ёзилган қисмни танлайдилар.
3. Елпиғични тайёрлаш.

Қўшимча қисм: болаларнинг луғатини фаоллаштириш ва бойитиш.

Эътиборга молик жиҳати: фикрлаш доирасини кенгайтириш.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш маркази

“Икки қизғанчиқ айиқча” кўғирчоқ театрини сахналаштириш

Мақсад: болалар асарнинг номи ва унинг мазмунини биладилар, ном ва мазмуннинг уйғунлигини кўра оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: ўрмон акс этган ширма, икки айиқча, она айиқ, тулки, пишлоқ бўлаклари, ҳар хил рангдаги геометрик шакллар чизилган театр чиптаси (шу шакллар стулларга ҳам чизилади).

Фаолиятнинг бориши:

1. Эртас сюжетини эсга олиш.
2. Ролларни тақсимлаш ва кўғирчоқ театрини сахналаштириш.

Қўшимча қисм: сахналаштирилган эртаски бошқа гуруҳ болаларига намойиш этиш.

Эътиборга молик жиҳати: бир-бирига дўстона муносабатда бўлиш, бўлишиш ва имкон беришга ўргатиш.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш маркази

“Автобусда саёҳат” сюжетли-ролли ўйин

Мақсад: болалар жамоа билан ўйнаш, аниқ бир ролни бажариш, йўл ҳаракати қоидалари ва транспорт турларини биладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: стуллардан автобус, ҳайдовчи учун жой ва бош кийим, чипталар сумкаси, чипталар, оқ, қизил, сариқ ва кўк рангдаги капалаклар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Ролларни тақсимлаш.

2. Сюжетли-ролли ўйин жараёни:

“Мустақиллик” бекати: “Гулларни йиғиб ол!” сюжетли ўйини. Болалар автобусдан тушиб гулларни саватчага терадилар.

“Халқлар дўстлиги” бекати: “Қушга айлан” ҳаракатли ўйини. Бошловчи: “Бир, икки, уч, ўз атрофингда айланиб қушга айлан!(чумчуқ - болалар чумчуқнинг юришига, овозига, ҳаракатига тақлид қиладилар, кейин қалдирғочга, турнага).

Қўшимча қисм: бекатларда ўйинни давом эттириш мумкин.

Эътиборга молик жиҳати: ҳамжихатликни, ўз ишига масъулиятни кўчада ва транспортда ўзини тутиш қоидаларига риоя қилишни сингдириш.

Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш маркази

“Нима яхши-ю, нима ёмон?” сўз ўйини

Мақсад: болалар яхши ва ёмонни ажрата оладилар, эртак ва ҳикоялардан парчаларни сўзлаб бера оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: сюжетли расмлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Сюжетли расмларни томоша қилиш.
2. Мавзу мазмунига мос расмларни танлаш.
3. Танланган расмлар асосида кичик ҳикоя тузиш ва уни ифодали айтиб бериш.
4. “Яхши ишлар” таълимий ўйини. Болалар мазмунга мос бўлган суратларни томоша қиладилар ва қайси бири яхши ва ёмонлигини сўзлаб берадилар.
 - ўғил бола бувисига игнага ип ўтказишда ёрдам беради;
 - қиз бола гулхонадан гулларни теради, гулдаста тайёрлайди;
 - ўғил бола укасига китоб ўқиб беради;
 - қиз бола боғда дарахтларни суғормоқда;
 - ўғил бола идиш ювади;
 - ўғил бола кўлмакка оёғи билан тушиб, тепсинмоқда;
 - катта қиз кичкинасини арғимчоқдан йиқитди, ва у йиқилди, урилди;
 - қиз бола ҳиёбонда қушлар инига дон сепди ва ҳ.к.
5. “Яхши ва ёмон” сўз ўйини. Болалар расмларни томоша қилиб, эртак қахрамонларининг яхши ва ёмон ишларини изоҳлайдилар.

Қўшимча қисм: жамоа бўлиб яхшилик ва ёмонлик тўғрисидаги мультфильм кўрадилар.

Эътиборга молик жиҳати: болаларни яхши ишлар қилишга интилишлари, ижодий тасаввурлар.

Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш маркази

Сухбат: “Яхши хулқ”. “Эзгу сўз”

Мақсад: болалар катталар ва кичиклар билан хушмуомалали бўлишга интиладилар, одамларнинг хатти-ҳаракатларини таҳлил қилкадилар, эзгу ишлар қилишга қизиқадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: мазмунга оид суратлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Мавзуга оид расмларни кўриб чиқиб ижобий хатти-ҳаракатлар акс этганларини танлаш.

2. Этак қаҳрамонлари ва уларнинг хатти-ҳаракатларини эслаш.
3. “Қизикарли карточкалар” таълимий ўйини. Карточкаларда берилган вазият бўйича имкон қадар кўпроқ “сеҳрли” сўзларни ишлатиш.
4. Хушмуомалалик “олтин” қоидалари. Таклиф қилинаётган карточкалардан “олтин қоидалар”ни танлаш ва доскага жойлаш. Олтин қоидалар акс этган карточкалар намуналари:

- Доим саломлашиш
- Хушмуомалали бўлиш
- Ўйинчоқларни дўстлари билан бўлишиш
- Агар хафа қилса, узр сўраш
- Бошқаларни ҳурмат қилиш ва ҳ.к.

Қўшимча қисм: тарбиячи раҳбарлигида М.Расулеванинг “Сеҳрли сўз” асарини ўқиш.

Эътиборга молик жиҳати: яхши хулқ ва хушмуомалалик.

Фан ва табиат маркази

Қушларни парваришлаймиз

Мақсад: болалар қушларнинг ҳаёт тарзи, яшаш муҳити, уларнинг ташқи кўринишидаги ўзига хослиги, ўзини тутиши, муҳитга мослашиши ҳақидаги билим ва тасаввурларини кенгайтирадилар, табиатни асраб-авайлаш, унга зарар етказмасликка амал қиладилар, суратлар асосида ҳикоя қилиб берадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: қушлар расмлари, дон, донхўрак, қафас, видеороликлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Қушлар тасвирланган карточкаларни томоша қилиш, қушларни эслаш, янги қуш билан танишиш, суратдаги қушларни таққослаш.
2. “Қушлар” таълимий ўйини.
3. Инсонларнинг қушларга меҳр-мурувват кўрсатаётганлиги акс эттирилган суратларни томоша қилиш. Суратлар асосида ҳикоя тузиш.

Қўшимча қисм: сўз бойлиги, боғланишли нутқни ривожлантириш, ўз атрофидаги қушларни кузатиш, суратларни томоша қилиш, ижодий ҳикояларни тузиш.

Эътиборга молик жиҳати: жонзотга яхши муносабатда бўлиш, қизиқувчанликни ошириш, табиатни яқиндан билишга интилиш.

Фан ва табиат маркази

“Меҳр улаш” таълимий ўйини

Мақсад: болалар хушмуомалали бўлиш, ижобий ва салбий эртак қаҳрамонлари, уларнинг яхши хатти-ҳаракатларини таҳлил қилиб, “эзгу ишлар поғоналари” зиналарига меҳр бериш даражалари бўйича қўйиб чиқиш.

Керакли жиҳоз ва материаллар: рангли картонлардан иккита нарвон, ясси шаклдаги эртак қаҳрамонлари (ялмоғиз кампир, тулки, айиқ, бўри ва ҳ.к.), мойчечак гулбарглари

Фаолиятнинг бориши:

1. “Эзгулик гули” таълимий ўйини. Мойчечакнинг ҳар бир гулбаргига қилинган ёки қилинадиган эзгу ишлар айтилади.

2. Болалар эртак қахрамонларини томоша қиладилар. Эртак қахрамонларини яхши ва ёмон ишларини эслаб, уларни зинанинг энг тепа поғонасига яхшисини, энг паст поғонасига ёвузини жойлаштирадидлар.

Қўшимча қисм: яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги эртакни ўқиш.

Эътиборга молик жиҳати: болаларни эртаклар мисолида эзгулик, ҳамдардлик ва бир-бирини ҳурмат қилишга ўргатиш.

Санъат маркази

Расм: Эзгулик дарахти

Мақсад: болалар чизма бўйича барг ва дарахтларни чиза оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: қоғоз, гуашь, салфетка, мўйкалам, қайчи, елим.

Фаолиятнинг бориши:

1. Болаларнинг турли дарахтлар суратларини томоша қилиб, дарахтлар қандай фойда келтиришини гапириб беришлари.
2. Ўзининг эзгулик дарахтини чизиш.
3. Барглари чизиш.
4. Тайёр ишлар кўргазмаси

Қўшимча қисм: ўзининг эзгулик дарахти ҳақида ҳикоя ўйлаб топиш.

Эътиборга молик жиҳати: болаларда эзгу ҳиссиётларни уйғотиш орқали ижодий салоҳиятни намоён этиш.

Санъат маркази

Лой иши: Чойга марҳамат. Жамоа иши

Мақсад: болалар пластилиндан қўғирчоқлар учун чойнак ва пиёла ясайдилар, жамоа бўлиб ишлай оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: чизма, пластилин, тахтакачл, стек, салфетка, идишни безаш учун турли хилдаги ашёлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Тарбиячи билан биргаликда М.Нуриддинованинг “Чойга марҳамат” шеърини ўқиш.
Келинг дўстлар, чойга марҳамат,
Биргаликда чакчаклашайлик.
Сўнг айтиб сизга катта раҳмат,
Кулиб, дилдан иноклашайлик.
2. Қўғирчоқ учун чойнак ва пиёла яшаш.

Қўшимча қисм: чойнак ва пиёлани мунчоқлар билан безатиш.

Эътиборга молик жиҳати: майда моторикани ривожлантириш, кўз билан чамалаш.

Санъат маркази

Апликация: Дўстим учун табрикнома

Мақсад: болалар мустақил ҳолда табрикнома тайёрлайдилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: ишни босқичма-босқич бажариш бўйича йўриқнома, рангли картон, рангли қоғоз, қайчи, елим, мўйкалам, салфетка, бўёқ, клеёнка.

Фаолиятнинг бориши:

1. Композицияни танлаш.

2. Ишни схема асосида босқичма-босқич бажариш (тарбиячининг танлови асосида намуналар ҳар хил бўлиши мумкин).

3. Тайёр ишлар муҳокамаси ва рағбатлантириш

Қўшимча қисм: болаларга ўзларининг табрикномасини ўйлаб топиш таклифини бериш.

Эътиборга молик жиҳати: боланинг ижодий лаёқати ва ранг танлаш қобилиятини ривожлантириш

ФЕВРАЛЬ
ОЙ МАВЗУСИ: “ҒАРОЙИБ ОЛАМ”

Гуруҳ	Тайёрлов					
Мавзу	Қўшни мамлакатлар					
Муддати	Февраль ойининг 1-ҳафтаси					
Ривожланиш соҳаларига оид мақсадлар	Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши	Болаларга бир меъёрда жисмоний ривожланишига кўмаклашиш. Ҳаракатланиш тартибини бойитиш, машқларни барча турини англаган ҳолда бажаришга эришиш (асосий ҳаракат, умумривожлантирувчи машқлар) сафда жуфт бўлиб, ҳар хил буйруқларни бажариш. Болаларни енгил югуришга ўргатиш (йўналишни сақлаган ҳолда тўсиқдан ҳатлаб ўтиш).				
	Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш	Бошқа одамлар, адабий асар қаҳрамонларининг ҳиссиётлари ҳақида гапириб, боланинг умуминсоний кадриятларга бўлган муносабатини шахсий эмоционал-эстетик кечинмалар орқали ошириш. Боланинг дунёқарашини, эмоционал-ҳиссий, тимсолий-ассоциатив тафаккурини ривожлантириш. Санъат асарлари билан танишиш, эмоционал жонли мулоқат учун имкон яратиб бериш.				
	Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари	Нутқда оддий ва қўшма гаплардан фойдаланган ҳолда болаларга суратга қараб ҳикоя тузишга ўргатиш, сўз луғатини бойитиш, тўғри нутқни шакллантириш.				
	Билиш жараёнининг ривожланиши	Хушмуомала бўлиш ва ўзини тутиш коидаларини мустаҳкамлаш. Инсонларни ахлоқий томонлари ҳақида бадиий-адабий ва бошқа санъат турлари намуналари ҳамда болаларнинг ўзини тутишлари ва мулоқотига таянган ҳолда тушунча бериш.				
	Ижодий ривожланиш	Жамият ҳаётида воқеаларни ижодий тасвирлашнинг ҳар хил воситалардан фойдаланган ҳолда акс эттириш (шакл, колорит, мажмуа). Ихтиёрий сюжетни танлаган ҳолда ўйлаганларини ижодида рўёбга чиқариш (апликация ёки ҳайкалтарошлик).				
Ривожланиш марказлари		Таълимий-тарбиявий фаолият				
		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума
Эркин фаолият	Қуриш, конструкциялаш ва математика	Дўстлик кўпригини курамиз				Кубик, конструктор модули, қоғоз
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш	“Почта” сюжетли-ролли ўйини		“Меҳмонларни кутамиз” сюжетли-ролли ўйин		Сюжетли ўйинлар тўплами
	Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш	Шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари акс этган суратлар асосида ҳикоя тузиш		Алишер Навоий “Шер билан Дурроғ” масали (Ҳайрат ул-аброр” досонидан		сюжетли суратлар
	Фан ва табиат	Зилзилада ўзини тутиш. Амалий тажриба		Сабзи экиш: Амалий тажриба		Амалий тажриба ашёлари
	Санъат	Лой иши: Тойчоқ		Расм чизиш: Тулпорни бўя!		Керакли анжомлар
	Умумий гуруҳ бўлиб ишлаш					

ФЕВРАЛЬ
ОЙ МАВЗУСИ: “ҒАРОЙИБ ОЛАМ”

Гуруҳ	Тайёрлов						
Мавзу	Дунё мамлакатлари						
Муддати	Февраль ойининг 2-ҳафтаси						
Ривожланиш соҳаларига оид мақсадлар	Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши	Болаларга бир меъерда жисмоний ривожланишга кўмаклашиш. Ҳаракатланиш тартибини бойитиш, машқларни барча турини англаган ҳолда бажаришга эришиш (асосий ҳаракат, умумривожлантирувчи машқлар) сафда жуфт бўлиб, ҳар хил буйруқларни бажартириш. Болаларни энгил югуришга ўргатишда (йўналишини сақлаган ҳолда тўсиқдан ҳатлаб ўтишда) давом этиш					
	Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш	Адабий асар қаҳрамонларининг ҳиссиётлари ҳақида гапириб, боланинг умуминсоний кадриятларга бўлган муносабатини шахсий эмоционал-эстетик кечинмалар орқали ошириш. Боланинг дунёқарашини, эмоционал-ҳиссий, тимсолий-ассоциатив тафаккурини ривожлантириш. Санъат асарлари билан танишиш, эмоционал жонли мулоқот учун имкон яратиб бериш.					
	Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари	Нутқда оддий ва мураккаб гаплардан фойдаланган ҳолда болаларни суратга қараб ҳикоя тузишга ўргатиш, луғатни бойитиш, тўғри нутқни шакллантиришда давом этиш.					
	Билиш жараёнининг ривожланиши	Болалар билан биргаликда хушмуомала бўлиш ва ўзини тутиш қоидаларига риоя этиш. Инсонларни ахлоқий томонлари ҳақида бадиий ва бошқа санъат турлари намуналари ҳамда болаларнинг ўзини тутишлари ва мулоқотига таянган ҳолда тушунчалар бериш.					
	Ижодий ривожланиш	Жамият ҳаётида воқеаларни ижодий тасвирлашнинг ҳар хил воситаларидан фойдаланган ҳолда (шакл, колорит, мажмуа) акс эттириш. Ихтиёрий сюжетни танлаган ҳолда ўйлаганларини ижодида (апликация ёки хайкалтарошлик) рўёбга чиқариш.					
Ривожланиш марказлари		Таълимий-тарбиявий фаолият					
		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Ресурслар
Эркин фаолият	Қуриш, конструкциялаш ва математика	Қоғоздан самолёт ясаш		Эйфель минорасини конструкциялаш		Кубик, конструктор модули, қоғоз	
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш	А.Навоийнинг “Нон иси” ривоятини сахналаштириш		Қўлқоп театри(болалар танловига кўра)		Никоблар, ширма, қўлқоп.	
	Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш	Дунё мамлакатларига саёҳат					Керакли анжомлар
	Фан ва табиат	Ун олиш мақсадида донни янчиш. Амалий тажриба		Электр ҳақида тушунча. Амалий тажриба		Кофемайдалагич, буғдой, шар, фольга, елим тайёкча	
	Санъат	Расм: Миллий нақшлар		Расм: Матрёшкалар	Лой иши: Дўстлар давраси	Расм ва лой иши учун керакли ашёлар	
	Умумий гуруҳ бўлиб ишлаш						

ФЕВРАЛЬ
ОЙ МАВЗУСИ: “ҒАРОЙИБ ОЛАМ”

Гуруҳ	Тайёрлов						
Мавзу	Ўзбекистоннинг буюк сиймолари						
Муддати	Февраль ойининг 3-ҳафтаси						
Ривожланиш соҳаларига оид мақсадлар	Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши	Болаларни жисмоний сифатларини ривожлантириш: умумий чидамлилиқ, тезкорлик, кучлилиқ, мувозанат сақлаш, эгилувчанлик. Жисмоний такомиллаштириш, фаол ҳаракат тартибини англаган эҳтиёжга кўра шакллантириш.					
	Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш	Ҳаётда ва жамиятда ўзини тўғри тутиш кўникма ва малакаларини шакллантириш. Фейл-атворида ижобий хислатларни шаклланишига кўмаклашиш (эътиборли бўлиш, беғараз ёрдам бериш).					
	Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари	Сўз бойлигини кенгайтиришда буюмларнинг номлари, сифати, ҳаракати билан луғатни фаоллаштириш. Нарсаларнинг хусусиятлари, сифатини таърифлашда мос сўзларни қўллашни, қарама-қарши маъноли сўзлар (антоним) ни топишни ўргатиш.					
	Билиш жараёнининг ривожланиши	Ўзбекистоннинг буюк сиймолари билан таништиришда давом этиш.					
	Ижодий ривожланиш	Ўзбек миллий либосларини бор чиройида кўришни ўргатиш, расмга декоратив нақш безакларини беришни билиш, осон ва ўзига ишонган ҳолда мўйқаламнинг учини тўғри, гажак, тўлқинсимон, доира, ярим доира, нуктали ҳаракатлар билан юргизишни, мўйқаламни тўғри ушлашни шакллантириш.					
Ривожланиш марказлари		Таълимий-тарбиявий фаолият					
		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Ресурслар
Эркин фаолият	Қуриш, конструкциялаш ва математика	Оригами: Ракета		Регистон майдони. Йирик қурилиш ашёларидан конструкциялаш		Геометрик лото. Пазллар.	
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш	“Дорихона” сюжетли-ролли ўйин				Ўйин атрибутлари	
	Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш	Алишер Навоийнинг “Икки вафодор дўст” ривояти бўйича суҳбат				Китоблар	
	Фан ва табиат	Оҳанграбо (магнит). Амалий тажриба.	Кун ва тун алмашинуви. Қуёш системаси. Қуёш тутилиши. Амалий тажриба		Амалий тажриба ашёлари		
	Санъат	Расм: Регистон майдони	Жамоавий аппликация: Кўзани миллий нақшлар билан безатиш		Керакли жиҳозлар		
	Умумий гуруҳ бўлиб ишлаш						

ФЕВРАЛЬ
ОЙ МАВЗУСИ: “ҒАРОЙИБ ОЛАМ”

Гуруҳ	Тайёрлов						
Мавзу	Китоблар тарихи						
Муддати	Февраль ойининг 4-хафтаси						
Ривожланиш соҳаларига оид мақсадлар	Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши	Турли хилдаги мустақил фаол ҳаракатларни эҳтиёжга кўра ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашда давом этиш, болани ҳаракатланиш тажрибасини умумривожлантирувчи ва асосий машқлар ҳисобига бойитиш					
	Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш	Болаларда эмоционал нутқ бойлигини шакллантириш, яқинларига мулоим ва зийрак муомалали бўлишни тарбиялаш. Бир-бирини танишга, ўйин жараёнида тўғри мулоқот қилиш, дўстона муносабатни шакллантириш.					
	Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари	Боғланишли нутқда содда ва қўшма гаплардан фойдаланган ҳолда ҳикоя қилишга ўргатиш, фаол луғатидаги сўзларни грамматик тўғри ўзлаштириш. Грамматик хатоларга танқидий муносабатни, соф нутқга интилишни тарбиялаш.					
	Билиш жараёнининг ривожланиши	Болаларни китоб тарихи билан таништириш. Турли жанрдаги китоблар ҳақида тушунчани шакллантириш. Болаларни касблар билан таништиришда давом этиш, билимга қизиқтириш, китобга тўғри муносабатни тарбиялаш.					
	Ижодий ривожланиш	Ижодкорликни ривожлантириш, осон ва ўзига ишонган ҳолда мўйқаламнинг учини тўғри, гажак, тўқинсимон, доира, ярим доира, нуктали ҳаракатлар билан юргизишни, мўйқаламни тўғри ушлашни ўргатиш.					
Ривожланиш марказлари		Таълимий-тарбиявий фаолият					
		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Ресурслар
Эркин фаолият	Эркин фаолият	Қоғоздан яшаш: Ўз кўлларинг билан китобча ярат		Эртакнамо шаҳар. Йирик қурилиш материалларидан конструкциялаш			Қоғоз, қайчи, елим, салфетка, суратлар, фломастер
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш	“Китоб дўкони” сюжетли-ролли ўйин		“Кутубхона” сюжетли-ролли ўйин			Мавзуга мос атрибутлар
	Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш	Менинг сеvimли китобим		Сеvimли эртақлар бўйича адабий викторина			Такдимотлар
	Фан ва табиат	Қоғознинг хусусиятлари. Амалий тажриба					Турли хил қоғозлар, мато, сув, катта қоғоз фломастерлар
	Санъат	Лой иши: Менинг сеvimли эртақ қаҳрамоним		Расм: Бизнинг сеvimли китобларимиз			Пластинин, тахтачалар, бўёқ, мўйқалам, салфетка
	Умумий гуруҳ бўлиб ишлаш						

ФЕВРАЛЬ. БИРИНЧИ ҲАФТА ҚЎШНИ МАМЛАКАТЛАР

Қуриш, конструкциялаш ва математика маркази

Дўстлик кўпригини курамиз

Мақсад: болалар кўприк қуришни режалаштирадилар ва уни қуриш малакаларига эга бўладлар, биргаликда ишлаш кўникмасини ортирадилар.

Тарбиячи учун маълумот:

Эстакада

Кўприк йўлини қурилиш учун одатда 2-4 узун 10-30 метрли бетон плиталари кетади, эстакада қуриш учун эса кўпроқ керак бўлади. Кўприк йўли ва эстакадани асосий фарқи шундаки: кўприк йўли битта йўл устидан кесиб ўтади, эстакада эса бир нечта тўсиқларни устидан ўтади – дарё йўли, темир йўл устидан кесиб ўтиши мумкин. Шундай қилиб, эстакадага ҳам кўприк йўли, ҳам осма кўприк кириши мумкин.

Виадук

Йўл ва сув омборларидан ташқари яна бошқа тўсиқлар бор – рельеф, ер устки қатлами ёриқлари, икки тоғ оралиғи. Баланд-паст тепаликларга қуриладиган кўприклар виадук деб аталади. Буларнинг қурилиши иқтисодий оқланган, чунки кўприк пойдеворини қуриш шарт эмас ортиқча сарф-ҳаражат йўқ.

Виадукнинг эстакададан фарқи шундаки, кўприк тагида текислик мавжуд эмас. Шунинг учун кўприкнинг бир хил тиркагич ва устунлари оралиқлари бўлмайди. Одатда виадуклар чиройли ва жозибали қурилмалар бўлади. Айтайлик, Франциядаги дунёнинг энг баланд Мийо виадукининг таянч устунининг баландлиги 340 метр!

Керакли жиҳоз ва материаллар: турли хил кўприкларни қуриш учун қурилиш хом ашёлари.

Фаолиятнинг бориши: (катталар билан ишлаш)

Турли хил кўприклар акс этган суратларни томоша қилиш.

Кўприклар қанадй бўлиши ва уларнинг аҳамиятини ҳикоя қилиб бериш.

Биринчи суратда биз темирйўл кўпригини кўряпмиз, бундай кўприклар орқали сув устидан поездлар ўтади.

Иккинчи суратда — автомобиль кўприги, машиналар ўтиши учун қурилган кўприк.

Учинчи суратда — одамлар учун кўприк акс этган. Бу кўприкдан фақат йўловчилар юрадилар. Тўртинчи суратда — икки қаватли кўприк акс этган: биринчи қаватида машиналар юради, иккинчи қаватидан эса поездлар ўтади. Шунингдек, икки қаватли кўприкларда машиналар ва одамлар ўтиши мумкин. Кўприклар нафақат темирйўл, машина ва йўловчилар учун ажратилади, балки қурилиш турига кўра ҳам ҳар хил бўлади.

Бешинчи суратда – осма кўприкларни кўришимиз мумкин. Бундай кўприклар тоғларда ва баланд жойларда одамлар ўтиши учун қурилади. Ҳозирги замон технологиялари автомобиллар учун ҳам осма кўприк кура олади.

Олтинчи суратдаги кўприк дарё устида эмас, балки поезд йўли устига қурилган. Ушбу кўприк “Эстакада” деб айтилади. Бундай кўприклардан машиналар, одамлар ва поездлар ҳам ўтиши мумкин.

Еттинчи суратдаги кўприк –бундай кўприклар дарё устида ҳам ва бошқа йўл устида ҳам эмас, бундай кўприклар “Виадук” деб номланади. Унинг эстакададан фарқи текис жойга қурилмайди.

Саккизинчи суратда эса виадукдан поезд ўтиб кетмоқда.

Тўқизинчи суратда эса Хитойдаги кўприк акс этган. У “Аждархо кўприк” деб номланади.

Ўнинчи суратда – йўловчилар учун қурилган “Моисей кўприги” дир, у Голландияда. Ушбу кўприк дарё бўйи билан баробар ҳолатда қурилган.

Барча кўприкларнинг қопламаларини ушлаб турувчи таянчи мавжуд, (осма кўприклар бундан мустасно). Кўприкнинг таянч асоси жудаям ишончли бўлиши талаб этилади.

1. Болаларнинг қўшни мамлакатлар билан боғловчи кўприк қурилишини режалаштириш.
2. Қурилиш хом ашёларидан кўприк қуриш.
3. Болалар ишларини муҳокама қилиш ва рағбатлантириш.

Қўшимча қисм: тарбиячи болаларнинг ижодини майда ўйинчоқлар билан бойитишни таклиф қилиши мумкин.

Эътиборга молик жиҳати: қура олиш лаёқати, биргаликда ишлашни ривожлантириш, ҳаёт хавфсизлиги асосларига риоя қилиш.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш маркази

“Почта” сюжетли-ролли ўйин

Мақсад: болалар роль учун диалог (икки киши мулоқоти) тузадилар, ўйинни ривожлантирадилар, бир-бирининг ўйиндаги хатти-ҳаракатларини муҳокама қиладилар, катталар ёрдамида ўйинда қўлланиладиган атрибутларни тайёрлайдилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: телеграмма қоғози, посылка хабарномаси, конвертлар, табрикномалар, газета, журналлар, штамп, почтальон сумкаси, Ўзбекистон хабарчиси (почтальон) нинг махсус кийими, почта қутиси.

Фаолиятнинг бориши:

1. “Почтачи” шеърини ўқиш.
Шаҳдам қадам ила чарм сумкаси билан,
Хатлар, табрик... нималар йўқ!
Ёмғирда ҳам, қорда ҳам,
Шошилади хабарчи, элга хабар бергани:
Кимга хабар, кимга теледастур,
Кимга жўнатма, кимга телеграмма.
2. Ўйин учун сюжет яратиш.
3. Ролларни тақсимлаш.
4. Ўйинни олиб бориш.

Эътиборга молик жиҳати: боғланишли нутқни шакллантириш, товушларни тўғри талаффуз қилиш, ҳаёт хавфсизлиги асослари.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш маркази

“Меҳмонларни кутамиз” сюжетли-ролли ўйин

Мақсад: болалар тенгдошлари ва катталар билан мулоқат қилиш, уй-рўзғор юмушларини билиш (тозалаш, таом тайёрлаш, стол безатиш), бош ва кичик ролларни ижро эта олиш малакаларига эга бўладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: болалар учун мўлжалланган ошхона тўплами, мевалар, сабзавотлар, дастурхон, гуллар билан гулдон, болалар мебеллари, ошхона буюмлари.

Фаолиятнинг бориши:

1. Танлов.
2. Ўйин қоидалари билан танишув.
3. Ролларни тақсимлаш.
4. Ўйин режасини тузиш.

Қўшимча қисм: мавзуга оид шеърни ёд олишни таклиф этиш.

Эътиборга молик жиҳати: болаларни бош ва кичик ролларни ўзига ишонч билан ўйнай олишга ўргатиш, бармоқ машқларида фаол қатнашиш, ҳаёт хавфсизлиги асослари.

Санъат маркази

Лой иши: Тойчоқ

Мақсад: болалар тойчоқ ясашни ўрганадилар, пластилиннинг бутун қисмидан фойдаланадилар, ўз ишининг натижасини кўра оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: тойчоқ намунаси, лой, тахтачалар, стеклар, салфетка.

Фаолиятнинг бориши:

1. Тойчоқнинг танаси ва шаклини томоша қилиш.
2. Лой ишини комбинацион усулда амалга ошириш.
3. Болаларни ишга ижодий ёндашуви.
4. Ишлар кўргазмаси.

Қўшимча қисм: бармоқлар машқи:

Мана менинг ёрдамчиларим,
Уларни ҳар хил букаман.
Силлиқ ва оппоқ йўлларда,
Тойчоқлар каби чопқиллар.
Тақа-тақ, тақа-тақ,
Чопқиллар учқур уюр.

(Болалар стол атрофида стулда ўтирибдилар, қўллар стол устида. Навбат билан ўнг ва чап қўллар ва бармоқлар ҳаракатлантирилади)

Эътиборга молик жиҳати: лой билан ишлаш, тасаввурни ривожлантириш, ҳаёт хавфсизлиги асослари.

Санъат маркази

Расм чизиш: Тулпорни бўя!

Мақсад: болалар амалий санъат, безаш усули билан танишадилар, Ҳамро бувининг ўзига хос ёрқин ўйинчоқлари ҳақида тасаввур ҳосил қиладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: Ҳамро бувининг ўйинчоқ тойчаси, бўёқ, пахтали таёкчалар, сочиқчалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Тойчоқни оқ рангга бўяб олиш.
2. Безак элементларини ўйлаб топиш.
3. Ишни тугатиш.
4. Болалар ишларининг кўргазмаси.

Қўшимча қисм: лойдан ясалган, нақшинкор безалган ўйинчоқларни томоша қилиш (болалар музика садолари остида расм чизадилар).

Эътиборга молик жиҳати: ижодкорлик қобилиятларининг, мустақил ижод эта олиш малакаларининг шакллантириш.

Фан ва табиат маркази

Зилзилада ўзини тутиш. Амалий тажриба

Мақсад: болаларнинг билиш фаолияти ривожланади ва тезкор хулоса чиқаришга ўрганадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: қурилиш хомашёлари, қурилган бино туриши учун платформа, баланд бинолар акс этган суратлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Тарбиячи зилзила ҳақида ҳикоя қилиб беради.
2. Иншоотларни қуриш.
3. Бинони чидамликка текшириш (турли куч билан)

Қўшимча қисм: зилзила вақтида ўзини тутиш қоидаларини мустаҳкамлаш.

Эътиборга молик жиҳати: болаларнинг билиш фаолиятини ривожлантириш, ҳаёт ҳавфсизлиги асослари

Фан ва табиат маркази

Сабзи экиш. Амалий тажриба

Мақсад: болалар сабзининг уруғдан чиқиши, одамлар учун фойдали жиҳатларини, кетма-кетлик бўйича ҳаракатланишни биладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: фермердан хати билан посилка, сабзи уруғлари, болаларни гуруҳларга ажратиш учун карточкалар, стол учун клеёнка, турли хилдаги сабзи расмлари акс этган карточкалар, учта белкурак, учта лейка, учта стол артиш учун сочиқча, фартуклар, сабзи экиш учун жой.

Фаолиятнинг бориши:

1. Табиат бурчагида суҳбат ўтказиш. Ўсимликларни ўсиши учун нима керак?
2. Муаммоли вазиятни юзага келтириш.
3. Тажриба ўтказиш алгоритми муҳокамаси, керакли ашёларни аниқлаштириш.
5. Мустақил ишлаш.
6. Сабзининг ўсишини кузатиш юзасидан кундалик тутиш.
7. Фермер хўжалиги учун қилинган ишлар юзасидан суратлар

Қўшимча қисм: сабзи қаердан келганлигини, сабзини экиш (уруғ, кўчат орқали) ҳақида ҳикоя қилиб бериш

Эътиборга молик жиҳати: керакли маълумотларни мустақил излаб топиш ва таҳлил қилиш, қўйилган мақсадга эришиш йўлида фаолиятни тўғри режалаштириш.

Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш маркази

Суратлар асосида шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари акс этган суратларга асосида ҳикоя тузиш

Мақсад: болалар ўз шаҳрини иллюстрациялар орқали танийдилар, шаҳарнинг диққатга сазовар жойларини, қўшни давлатларнинг пойтахтларини биладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: кўшни мамлакатларнинг диққатга сазовор жойлари акс этган иллюстрациялар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилиш.
2. Мазмунга оид суратларга гаплар тузиш.
3. Қисқа ҳикоя тузиш.
4. “Шаҳарларга сенинг муносабатинг” мавзусида суҳбат ўтказиш.

Қўшимча қисм: болаларнинг мулоқот малакалари ва дўстона муносабатда бўлиш малакаларини шакллантириш.

Эътиборга молик жиҳати: сўзларни, бўғинларни тўғри талаффуз қилиш, таянч сўзлар асосида гап тузиш.

Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш маркази

Алишер Навоийнинг Шер билан Дурроғ масали (“Ҳайрат ул-аброр” достонидан)

Мақсад: болалар масал мазмунини ифодали (образли) қайта ҳикоя қилиб берадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” достони асосида чизилган миниатюралар, АКТ.

Фаолиятнинг бориши:

1. Кириш суҳбат.
2. Аудиоёзув орқали асарни ўқиб эшиттириш.
3. Ўқилган асар бўйича суҳбат.
4. Мазмун бўйича саволлар.
5. Асар мазмуни муҳокамаси, хулосалаш.

Қўшимча қисм: болалар билан дўстлик ҳақида суҳбат.

Эътиборга молик жиҳати: асар мазмунининг муҳокамасида иштирок этиш, билишга кизиқишни ошириш, гапни тўғри тузиш малакаларининг эгалланиши.

ФЕВРАЛЬ. ИККИНЧИ ҲАФТА ДУНЁ МАМЛАКАТЛАРИ

Қуриш, конструкциялаш ва математика маркази

Қоғоздан самолёт ясаш

Мақсад: болалар самолёт турлари ва унинг аҳамиятини биладилар, чизма бўйича ишлаш кўникмалари шаклланади, майда қўл моторикалари ривожланади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: А4 ҳажмдаги қоғоз, самолётни ясаш алгоритми.

Фаолиятнинг бориши:

1. Самолёт ҳақида топишмоқ.
2. Самолёт қушдан нимаси билан фарқ қилади? Суҳбат.
3. Самолётни ясаш алгоритми бўйича тарбиячи кўрсатмаси.
4. Самолёт ясашни мустақил бажариш.
5. Самолётни учуриб кўриш.

Қўшимча қисм: болалардан ўзларининг самолётларида қаерга учишни хошлашларини сўраш.

Эътиборга молик жиҳати: жамоа бўлиб ишлаш, масъулият ҳиссини тарбиялаш.

Қуриш, конструкциялаш ва математика маркази

Эйфель минорасини конструкциялаш

Мақсад: болалар сурат ва чизмага қараб, шахсий фикрларига асосланиб минорани курадилар, шакллар катта кичиклигини ажратадилар, рақам ва ҳисоблашни биладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: кубиклар, геометрик шакллар, ёғоч ва елим конструкторлар йиғмаси, табиий хомашёлар, безаш учун тўплам, суратлар, АКТ.

Фаолиятнинг бориши:

1. Эйфель минораси акс этган суратларни томоша қилиш.
2. Болалар билан курилишни режалаштириш.
3. Конструкциялаш ишлари.
4. Болаларнинг ишларини муҳокама қилиш ва рағбатлантириш.

Қўшимча қисм: видеофильм қўйиб бериш.

Эътиборга молик жиҳати: ижодий тасаввурни ривожлантириш, вазифаларни тақсимлаш, жамоа ишида ўз ўрнини топиш. Ҳаёт хавфсизлиги асослари.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш маркази

Алишер Навоийнинг “Нон иси” ривояти бўйича сахналаштириш

Мақсад: болалар “Нон иси” ривоятини сахналаштиришда қаҳрамонлар характерини тушунадилар, композициянинг ўзига хослигини ҳис қиладилар, мустақил ҳаракат қиладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: қаҳрамонларнинг кийимлари, патқалам, сиёҳдон, хонтахта, дастурхон, гуллар, атир, қалампир, деҳқон учун белкурак, сувдон, нон.

Фаолиятнинг бориши:

1. “Нон иси” ривоятини эслаш.
2. Сахналаштириш учун сюжет яратиш.
3. Ролларни тақсимлаш. Ижро
4. Таҳлил қилиш.

Қўшимча қисм: А. Навоийнинг “Нон иси” ривоятини аудиоёзув орқали ўқиб эшиттириш.

Эътиборга молик жиҳати: сахналаштиришда ҳамкорларга дўстона муносабатда бўлиш.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш маркази

Қўлқоп театри (болалар танловига кўра)

Мақсад: болаларда театрлаштирилган ўйинга қизиқиш уйғонади, эртакни мазмунига мос кетма-кетликда сахналаштирадилар. Театр турларини биладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: қўлқоп(пахмо, стол, соя) театри кўғирчоқлари.

Фаолиятнинг бориши:

1. Эртакни сюжетини эслаш.
2. Сахналаштирилган ўйин учун сюжетни яратиш.
3. Ролларни тақсимлаш.
4. Эртак мазмуни таҳлили.

Қўшимча қисм: эртак асосида яратилган мултфильмни кўриш.

Эътиборга молик жиҳати: болаларнинг тасаввурларини ривожлантириш, ўйин жараёнида дўстона муносабатда бўлиш, халқ оғзаки ижоди орқали болаларнинг тасаввури, ижодкорлик қобилиятларини ривожлантириш, болаларнинг ижодий қобилиятларини намоиш этишга имкон яратиш, актёрлик маҳоратини тарбиялаш.

Фан ва табиат маркази

Ун олиш мақсадида донни янчиш. Амалий иш

Мақсад: болалар берилган вазифани мустақил ечадилар, хулоса чиқарадилар, мулоқотга киришадилар, мантиқий фикрлайдилар, катталар меҳнатини кадрлашга ўрганадилар, буғдойни етиштириш усуллари билан тинишадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: буғдой бошоғи, кофемайдалагич, қошиқ, 2 халтачада дон.

Фаолиятнинг бориши:

1. Нон ҳақидаги мақолларни ёдга солиш.
2. Буғдойни бошқадан ажратиш.
3. 1-тажриба: буғдойни кофемайдалагичда янчиш.
4. 2-тажриба: бир халтачага унни, иккинчисига эса буғдойни солиш. Аралаштириш, пайпаслаб кўриб қайси бирида ун, қайси бирида дон борлигини аниқлаш? Қандай топилганини муҳокама қилиш.
5. Майда ва йирик янчилган донни ажратиш.

Қўшимча қисм: тегирмон акс этган суратларни томоша қилиш.

Эътиборга молик жиҳати: марказда ишлаш чоғида хавфсизлик қоидаларига риоя этиш.

Фан ва табиат маркази

Электр ҳақида тушунча. Амалий тажриба

Мақсад: болалар инсонлар ҳаётида электр токининг ўрни ва аҳамияти, электр токидан нотўғри фойдаланиш оқибатларини тушунадилар, электр билан ўтказиладиган тажрибаларга қизиқадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: пластмасса чизғич, рангли тошлар, жун мато, пуфакча (шар), қоғоз парчаси ва ялтироқ қоғоз (фольга). АКТ.

Фаолиятнинг бориши:

1. Электр токи ҳақида слайдлар томоша қилиш.
2. 1-тажриба: чизғични жун матога ишқалаб, қоғоз парчаларига яқинлаштириш.
3. 2-тажриба: “Шифтдаги пуфакча”. Ҳаво тўлдирилган пуфакчани сочга ёки жун матога ишқалаш.
4. 3-тажриба: “Рақсга тушувчи буюм”. Ручкани жун матога ишқалаш ва ялтироқ қоғоз (фольга)га яқинлаштириб енгил ҳаракатлантириш керак, натижада ялтироқ қоғоз қимирлай(ўйнай) бошлайди.
5. Хулоса чиқариш.

Қўшимча қисм: мавзуга оида мультфилм кўриш.

Эътиборга молик жиҳати: диққатни ривожлантириш ва илмга иштиёқ уйғотиш.

Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш маркази

Дунё мамлакатларига саёҳат

Мақсад: болалар глобус, дунё харитаси ҳақида тушунчага эга бўладилар, дунёнинг турли қитъасида ҳар хил миллатлар яшаши, ҳар бир давлатнинг ўзига хос урф-одатлари борлигини биладилар, бошқа мамлакатларда яшовчи инсонлар ҳаётига қизиқадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: дунё мамлакатлари ҳақида тақдимот ёки видеофильм.

Фаолиятнинг бориши:

1. Ташкилий қисм. Дунё мамлакатлари ҳақида суҳбат.
2. Дунё мамлакатлари тўғрисида тақдимотларни кўриш.
3. Халқлар дўстлиги ҳақида суҳбат.
4. Фаолиятни яқунлаш.

Қўшимча қисм: дунё мамлакатлари билан таништирувчи альбомлар, энциклопедия китобларини кўриш.

Эътиборга молик жиҳати: диққатни ривожлантириш ва дунёни билишга қизиқишларини ошириш.

Санъат маркази

Расм: Матрешкалар

Мақсад: болалар “Матрешка” ўйинчоғи билан танишадилар, унинг безалишини ижобий қабул қиладилар, иш жараёнида ўз композицияларини яратадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: матрешка шаклидаги қоғоз, бўёқ, икки хил ўлчамдаги мўйқалам.

Фаолиятнинг бориши:

1. Матрешка ҳақида топишмоқ топиш.
2. Матрешка ҳақида ҳикоя қилиб бериш.
3. Матрешка безакларини томоша қилиш.
4. Матрешкани безатиш.
5. “Матрешка” жисмоний дақиқаси.
6. Болалар ишлари кўргазмаси.
7. Фаолиятни яқунлаш.

Қўшимча қисм: халқ амалий санъати намуналаридан ўйинчоқларни томоша қилиш.

Эътиборга молик жиҳати: декоратив расм солиш техникасига эга бўлиш, композицияда нақш қисмларини тўғри жойлаштириш.

Санъат маркази

Лой иши: Дўстлар давраси

Мақсад: болалар инсон шаклини ясашни биладилар, турли жонли образларни ярата оладилар. Ижодий тасаввур, хотирани ривожлантирадилар, таниш усулларни қўллайдилар (ёйиш, думалоқлаш, эзиш, чимдилаш, узиб олиш, кесиб олиш, текислаш, чўзиш, силлиқлаш, улаш, ёғоч билан ўйиш).

Керакли жиҳоз ва материаллар: пластилин, стеклар, ёғочлар, тахтачалар, сочиқлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Инсон шаклини ҳосил қилиш учун нима қилиш кераклигини аниқлаб олиш. Қандай усулларни қўллашни билиш (ёйиш, думалоқлаш, эзиш, чимдилаш, узиб олиш, кесиб олиш, текислаш, чўзиш, силлиқлаш, улаш, ёғоч билан ўйиш).
2. Тайёр намуналарни кўриш. Тайёрланган инсоннинг тана қисмларини бирлаштириб мустаҳкамлаш.
3. Болаларнинг ижодий ишлари.
4. Болалар ишларини муҳокама қилиш ва рағбатлантириш.

Қўшимча қисм: мавзуга оид кўшиқни тинглаш.

Эътиборга молик жиҳати: болаларни ижодий қобилиятларини ва лой иши техникасини қўллаш малакаларини ривожлантириш.

Санъат маркази

Расм: Миллий нақшлар

Мақсад: болалар турли миллатларнинг нақш намуналари билан танишадилар, ўйинчоқларнинг номини биладилар, бўяшнинг ноанъанавий усулларни қўллаган ҳолда тасвирни қоғозга туширадилар, нақшни геометрик шакллари кўллайдилар (доира, тўғри ва тўлқинсимон чизиқлар, тўртбурчак, нукталар).

Керакли жиҳоз ва материаллар: бўяш дафтари, бўёк, мўйқалам, сув учун идиш, қоғоз, сочикча, пахтали таёқчалар, қора қалам, суратлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Нақш тушунчаси, унинг турлари ҳақида суҳбат ва тақдимот.
2. Нақш чизиш кетма-кетлигини чизмаларда танишиб чиқиш.
3. Мустақил ишлаш.
4. Жисмоний дақиқа.
5. Ишлар кўргазмаси, хулоса қилиш.

Қўшимча қисм: турли миллатга мансуб нақш намуналарини томоша қилиш, ўхшаш жиҳатларини аниқлаш, фарқларини топиш.

Эътиборга молик жиҳати: болалар дидини шакллантириш, ранг ва нақш безакларининг ҳамоҳанглигини ҳис этиш, халқ амалий санъатини чуқурроқ ҳис қилишни ўргатиш, бошқа малакатларнинг халқ амалий санъатига нисбатан ҳурматни тарбиялаш, болаларга ўзларини халқ усталаридек тутиш имкониятини бериш.

ФЕВРАЛЬ УЧИНЧИ ҲАФТА ЎЗБЕКИСТОННИНГ БУЮК СИЙМОЛАРИ

Қуриш, конструкциялаш ва математика маркази

Оригами: Ракета.

Мақсад: болалар оригами иш усуллари билан танишадилар, чизма бўйича ишлаш кўникмаларини шаклланади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: тайёр ишлар намунаси, тунги осмон учун кўк рангдаги ватман қоғози, тўртбурчак шаклидаги ҳар хил рангдаги томонлари 15 смли қоғозлар, рангли қоғозлардан кесилган бўлакчалар, юлдузлар учун кумуш рангли ялтироқ қоғоз, юлдуз шакли, ракетанинг ойнаси (иллюминатор), ракетани яшаш алгоритми, елим, мўйқалам, қайчи.

Фаолиятнинг бориши:

1. Кириш суҳбати.
2. Ракетани қуриш алгоритми билан танишиш.
3. Мустақил ракетани қоғозда буклаш.
4. Ракета билан машқ.

Қўшимча қисм: ракета тасвирларини томоша қилиш, видеотақдимотни кўриш.

Эътиборга молик жиҳати: Болаларга қоғозни буклашда қийналаётган дўстларига ёрдам беришларини рағбатлантириш.

Қуриш, конструкциялаш ва математика маркази

Регистон майдони. Йирик қурилиш ашёларидан конструкциялаш

Мақсад: болалар Самарқанд шаҳридаги Регистон майдони билан танишадилар, йирик қурилиш ашёлари билан ишлаш усулларини биладилар, иншоотларни ижодий қурадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: Регистон майдонининг суратлари, йирик қурилиш материаллари.

Фаолиятнинг бориши:

1. Кириш суҳбати. Регистон майдонининг суратларини томоша қилиш.
2. Болаларнинг ижодий фаолияти.
3. Фаолиятни яқунлаш.

Қўшимча қисм: Қуришда фойдаланилган геометрик шакллар номини билиш.

Эътиборга молик жиҳати: конструкцияни танлашга ижодий ёндашув. Ҳаёт хавфсизлиги асослари.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш маркази

“Дорихона” сюжетли-ролли ўйин

Мақсад: болалар фармацевт касби билан танишадилар, беморга нисбатан ҳамдардликни ҳис қилиш, мулоқот маданиятига амал қиладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: оқ халат, бош кийим, рецепт, тиббий воситалар: пахта, боғлам, шиша идишлар (банка), доривор ўтлар қутичаси, томизғич (пипетка), тонометр, фонендоскоп.

Фаолиятнинг бориши:

1. Ўйин қоидалари билан танишиш.
2. Ролларни тақсимлаш.
3. Ўйин режасини тузиш.
4. Хулоса қилиш: болалар фикрига кўра амалга ошмаган ҳолатларни муҳокама қилиш, ўйиндан таассуротларини сўзлаш, болалар яна ўйнашни хоҳлайдиларми?

Қўшимча қисм: МТМнинг тиббиёт хонасига ва дорихонага экскурсия уюштириш.

Эътиборга молик жиҳати: ўйин жараёнида ҳамкорлари билан дўстона мулоқотда бўлиш.

Фан ва табиат маркази

Оҳанрабо (магнит). Амалий тажриба

Мақсад: болалар магнитнинг хусусиятлари билан танишадилар, буюмни ўрганиб, тажриба ўтказадилар, илмий фаразларни ўрганиб, хулосалар қиладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: ёғочдан ясалган буюмлар, темир буюмлар, пластмасса, пўлат, қоғоз, магнит(оҳанрабо), сув солинган стакан, темир буюмлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Оҳанрабо (магнит) кундалик ҳаётимизнинг бир қисмидир.

1-тажриба: магнит ҳамма нарсани тортадими?

Тажриба ўтказишда ҳамма буюмларни икки гуруҳга ажратиш: темир ва темир бўлмаган буюмлар. Навбат билан оҳанрабони биринчи ва иккинчи гуруҳ буюмларига яқинлаштирилади. Шунда аниқланадики, темир бўлмаган буюмларни оҳанрабо ўзига тортмайди, бироқ, темир буюмлар оҳанрабога дарров ёпишади, баъзилари эса уни тортиш кучини сезмайди.

Хулосалар: оҳанрабо пўлат, никель, темир ва шунга ўхшаш буюмларни ўзига тортади, ёғоч, пластмасса, қоғоз, матони тортмайди.

2-тажриба: қандай қилиб сув солинган стакандан қўлни ҳўл қилмай тангани олиш мумкин?

Биринчи тажрибадан сўнг темир буюмлар сув солинган стаканга солинади.

Савол: қандай қилиб сув солинган стакандан қўлни ҳўл қилмай темир буюм (танга, қистиргич)ни олиш мумкин?

Болалар сувдаги темир буюмни оҳанрабо ёрдамида олишгандан сўнг унинг сувдаги темир буюмларга ҳам таъсир кўрсатиши аён бўлади. Қум билан ҳам шундай тажриба ўтказиш мумкин.

Хулосалар:сув оҳанрабо ҳаракатига ҳалал бермайди. Оҳанрабо темир ва пўлатга ҳаттоки сув билан ажратилган бўлса ҳам таъсир кўрсатади.

3-тажриба: Рақсга тушаётган қистиргич - оҳанрабони стол тагида юргизиш

Хулосалар: тахта, қоғоз каби унча катта бўлмаган қалинликдаги тўсиқда темир буюмлар оҳанрабо ҳаракатига мос ҳаракат қилади. Оҳанрабо темир ва пўлатга ҳаттоки тахта билан ажратилган бўлса ҳам таъсир кўрсатади. Фаолиятни яқунлаш.

Қўшимча қисм: қистиргич ўрнига бошқа темир буюмлардан фойдаланиш мумкин (масалан, шуруп, сим ва бош). “Оҳанрабо-мўъжиза” тақдимотини томоша қилиш.

Эътиборга молик жиҳати: болаларни билишга бўлган қизиқишларини ошириш.

Фан ва табиат маркази

Кун ва тун алмашиши. Қуёш системаси. Қуёш тугилиши. Амалий тажриба

Мақсад: болаларнинг амалий тажриба олиб бориш, кузатиш ва тажриба ўтказишга қизиқадилар, билиш фаолияти шаклаади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: иккита глобус, иккита фонар, пилдиروق(юла), “Планеталар” ўйини, иккита топшириқ акс этган карточкалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Муаммоли вазият: қуёш ер шарини бир вақтнинг ўзида ҳар томондан ёрита оладими?
2. Тарбиячи “Кун ва тун” ҳақида топишмоқ ўқийди.
3. Амалий тажриба ўтказиш.
4. Хулосалар.

Қўшимча қисм: Қуёш тизими тасвирланган суратларни томоша қилиш.

Эътиборга молик жиҳати: Болаларни ижобий ҳамкорликка чорлаш.

Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш маркази

Алишер Навоийнинг “Икки вафодор дўст” ривояти бўйича суҳбат

Мақсад: болаларнинг асарни диққат билан тинглаш кўникмалари шаклланади, асар мазмуни ва қаҳрамонлари феъл-атворини тушунадилар, асар бўйича берилган саволларга тўлиқ жавоб берадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: асар матни ёзилган аудиоёзув.

Фаолиятнинг бориши:

1. Дўстлик ҳақида суҳбат.
2. Алишер Навоийнинг “Икки вафодор дўст” асарини аудиоёзув орқали эшитиш.
3. Асар мазмуни бўйича суҳбат.
4. Фаолиятни яқунлаш.

Қўшимча қисм: “Бизнинг энг яхши дўстимиз” мавзусида суҳбат.

Эътиборга молик жиҳати: дўстлик кадрилини англаб етиш, бир-бирига ёрдам бериш ва хурмат қилиш малакаларининг шаклланиши.

Санъат маркази

Жамоавий аппликация: Кўзани миллий нақшлар билан безатиш

Мақсад: болалар кўзани миллий нақшлар билан безатадилар, миллий нақш элементларидан тўғри композиция тузадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: турли хил ва катталиқдаги кўзалар намунаси, рангли қоғоз, қайчи, елим, сочиқча.

Фаолиятнинг бориши:

1. Миллий нақш элементлари билан безатилган кўзалар суратларини томоша қилиш.
2. Аппликация ишининг тартибини кўрсатиб бериш.
3. Болаларнинг ижод фаолияти .
4. Болалар ишларининг кўргазмаси.

Кўшимча қисм: болаларнинг амалий иш жараёнида миллий мусиқани кўйиш.

Эътиборга молик жиҳати: болаларнинг диққатини миллий нақш элементларининг хилма-хиллигига қаратиш, ижодий қобилиятларини ривожлантириш.

Санъат

Расм: Регистон майдони

Мақсад: болалар суратни қоғознинг бор ҳажмига жойлаштириб чиза оладилар, акварель бўёғи ва мўйқаламдан фойдаланишни биладилар, мўйқаламнинг учи билан вертикал ва турли йўналишда эркин ҳаракатлантириш малакаларини мустаҳкамлайдилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: сув учун стакан, мўйқалам, буёқ, сочиқча, қоғоз, АКТ

Фаолиятнинг бориши:

1. Регистон майдонининг суратларини томоша қилиш (АКТ ёрдамида)
2. Расм чизиш тартибини кузатиш.
3. Болаларнинг ижодий фаолияти.
4. Болалар ишларининг кўргазмаси.
5. Фаолиятни якунлаш.

Кўшимча қисм: шарқ архитектураси альбомини томоша қилиш.

Эътиборга молик жиҳати: суратни қоғознинг бор ҳажмига жойлаштиришга риоя этиш.

ФЕВРАЛЬ. ТўРТИНЧИ ҲАФТА КИТОБЛАР ТАРИХИ

Қуриш, конструкциялаш ва математика маркази

Қоғоздан яшаш: Ўз қўлларинг билан китобча ярат.

Мақсад: болалар қоғозни марказдан буклаш йўли орқали китобча яратишга ўрганадилар, бутун қоғозларни жамлай оладилар, китобчани шахсий суратлар билан ижодий безатадилар. Болаларнинг меҳнат фаолияти орқали китобларга хурмат ҳиссини уйғотиш.

Керакли жиҳоз ва материаллар: А-4 ҳажмдаги қоғоз, рангли қоғозлар, суратлар, қайчилар, елим, сочиқча, фломастерлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Китобларни томоша қилиш. Сухбат.

2. Тайёрланган китобчаларнинг намунасини кўрсатиш.
3. Болаларнинг ижодий фаолияти.
4. Фаолиятни якунлаш.

Кўшимча қисм: китобчаларни яшаш турли усуллари билан таништириш, слайдлар намойиш этиш. Тайёр китобчаларни гуруҳ кутубхонасига қўйишни таклиф этиш.

Эътиборга молик жиҳати: болаларнинг ижодкорлик қобилиятларини шакллантириш.

Қуриш, конструкциялаш ва математика маркази

Эртақномо шахар. Йирик қурилиш материалларидан конструкциялаш

Мақсад: болалар шахсий ташаббусга кўра ижодий иншоотларни курадилар, уларни янги қисмлар билан тўлдирадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: турли шаклдаги қурилиш ашёлари, қўшимча қисм, хомашёлар (дарахт, майда ўйинчоқлар, намуналар, қурилмалар).

Фаолиятнинг бориши:

1. Ташкилий қисм: «Болалар, бугун бу ерга эртақлар мамлакатидан эртақ қахрамонлари учиб келишибди, улар биздан уй қуриб беришимизни сўрашяпти. Келинг, уларга эртақлар саройини қуришда ёрдамлашамиз.
2. Ишда қандай материаллардан фойдаланишингизни айтинг? (Брус, ҳар хил узунликдаги гиштчалар, цилиндрлар, призмалар, пластинлар, арка ва бош).
- Унутманг, сизнинг қурилмангиз қулай, мустаҳкам ва чиройли бўлиши керак, ишни бошланг.
1. Болаларнинг ижодий фаолияти.
2. Фаолиятни якунлаш.

Кўшимча қисм: эртақ саройи акс этган суратларни томоша қилиш.

Эътиборга молик жиҳати: болаларнинг жамоа бўлиб ишлашга, ҳамкорлик жараёнида ўзини тутиш маданиятига, бошланган ишини якунига етказишга ўргатиш.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш маркази

“Китоб дўкони” сюжетли-ролли ўйин

Мақсад: болалар жамоавий ўйинда фаол иштирок этадилар, ўйин сюжетида мувофик ҳолда ўзининг ролини бажарадилар, актёрлик маҳоратини кўрсатадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: ўйин учун атрибутлар, дўкон, токчалар, китоблар, журналлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Ташкилий қисм. Ўйин мазмуни бўйича суҳбат.
2. Ролларни тақсимлаш.
3. Болаларнинг ўйинлари.
4. Фаолиятни якунлаш.

Кўшимча қисм: Китоб дўконига экскурсия. АКТ.

Эътиборга молик жиҳати: дўстона муносабатларни, тенгдошини қўллашга тайёрлиги, дўстларининг фикрига қулоқ солиш ва амал қилиш, баҳсларни тўғри ҳал этиш.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш маркази

“Кутубхона” сюжетли–ролли ўйин

Мақсад: болалар кутубхона тушунчаси ва кутубхоначи касби билан танишадилар, касбга мос ҳаракатларни бажарадилар, китоблар ҳақида гапириб берадилар, китобхон варақасини тўлдиришни ўрганадилар, керакли китобни топа оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: гуруҳдаги болалар кутубхонаси, китобхон варақаси (формуляр), ручка, рўйхатга олиш дафтари.

Фаолиятнинг бориши:

1. Ташкилий қисм. Ўйин мазмуни бўйича суҳбат.
2. Ролларни тақсимлаш.
3. Болалар ўйини.
4. Фаолиятни якунлаш.

Қўшимча қисм: кутубхонага экскурсия.

Эътиборга молик жиҳати: болаларнинг кутубхона ва кутубхоначи касби ҳақида тушунчаларини шакллантириш. Китобга меҳр қўйишга ўргатиш.

Фан ва табиат маркази

Қоғознинг хусусиятлари. Амалий тажриба

Мақсад: болалар қоғознинг хусусиятлари билан танишадилар, таҳлил қилиш ва умумлаштириш малакалари шаклланади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: турли қоғоз намуналари (оддий оқ қоғоз, картон, рангли қоғоз, шилдирқ қоғоз, салфетка, ялтироқ-кофетка қоғозлари), елим, қайчи, идишда сув, елпиғич.

Фаолиятнинг бориши:

1-тажриба: сеҳрли қозғоз. Қўғирчоқ “Билагон” болаларга оқ рангдаги альбом қоғозларини ва турли рангдаги фломастерларни таклиф этди. Қоғоз ва фломастерлар билан нима қилиш мумкин?

Хулоса: қоғозни расм чизишга ишлатиш мумкин.

2-тажриба: қоғозни ғижимлаш

Мақсад: болаларга қоғоздан нима қилиш мумкин ва ёғоч кубикдан нима қилиш мумкин эмаслигини тушунтириш. Қўғирчоқ “Билагон” болаларга қоғозни ғижимлашни таклиф этди, буни бажариш осонми? Сўнг ёғоч кубикни ғижимлашни таклиф этди. Хўш, болажонлар ўхшадими?

Хулоса: дарахтдан тайёрланган ёғоч кубик-мустаҳкам, қаттиқ, қоғоз эса мустаҳкам эмас, юмшоқ, уни ғижимлаш мумкин.

3-тажриба: турлича қоғозларни таққослаш

Болаларга қоғознинг икки тури таклиф этилади: картон қоғоз ва оддий альбом қоғоз. Биз болалар билан аввал қоғозни қайчида қирқиб кўрамиз, қоғоз тез ва осон қирқилди, картон қоғозни қирқишда болалар бирозгина қийналдилар.

Хулоса: картон қоғоздан қалин экан.

4-тажриба: қоғозни йиртиш. Қўғирчоқ «Билагон» болаларга икки хил ашё: мато ва қоғозни таклиф этди. Қоғозни йиртиш керак эди, болалар буни осонгина эпладилар, қоғоз тез ва осон бўлақларга ажралди. Сўнг матони йиртиш керак эди, болалар бу ишни эплай олмадилар.

Хулоса: мато қоғозга нисбатан мустаҳкам.

5-тажриба: сув ва қоғоз. Бу тажриба учун биз қоғоз сочиқлар (салфетка) ва қоғоз варақни олдик.

Идишдаги сувга икки хил қоғозни солдик. Қоғоз сочиқлар дарров сувга бўкиб, болаларнинг қўлларида осон йиртилди. Иккинчи сувли идишдаги қоғоз хўл бўлди, бироқ йиртилмади.

Хулоса: қоғоз сувдан кўрқади. Барча турдаги қоғозлар сув билан тўқнашганда сифати бузилади, қоғоз пишиқ эмас.

6-тажриба: куйловчи ва шиқирловчи қоғоз

Биз болалар билан билмоқчи бўлдик. Қоғоз овоз чиқариши, куйлаши мумкинми? Бу тажриба учун кўғирчоқ «Билағон» турли рангдаги қоғозларни олишни ва “кийим ювгандек” ҳаракат қилишни таклиф этди. Қоғоз шиқирлади ва ғирчиллади.

Хулоса:ғижимланганда, ишқаланганда қоғоз товуш чиқарар экан.

7-тажриба: қоғозни елимлаш. Ушбу тажриба учун бизга рангли қоғозлар, қайчи ва елим керак бўлади. Бутун қоғозни қирқиб, болалар бутун қоғоз майдаланганлигига ишонч ҳосил қилдилар, қирқилган қоғоз қисмларини олиб елимлаш таклиф этилди.

Хулоса: қоғозли буюмларни елимлаш мумкин.

8-тажриба: учар қоғозлар.

Кўғирчоқ «Билағон» болаларга кесма ялтироқ (ширинлик қоғози) қоғозларни олиб келди, қоғоз уча оладими? Бунинг учун елпиғич билан (шамол ҳосил қилиш) елпиш лозим, бу тажриба болаларга жуда ёқади. Турли рангдаги ялтироқ қоғозлар ҳар томонга учиб кетди.

Хулоса: кесма ялтироқ қоғозлар жуда енгил, шунинг учун улар шамол бўлганда учиб кетади.

Амалий тажриба хулосалари:

1. Қоғоз хусусиятига кўра юпка ва қалин бўлади.
2. Қоғоз қалин ва юбка бўлади.
3. Қоғоз сувдан кўрқади.
4. Қоғоздан кўра мато пишиқ.
5. Қоғоз қайчи ёки қўл билан қирқилиши мумкин.
6. Қоғоздан ўйинчоқлар қилиш мумкин.
7. Қоғоз ғижимланганда товуш чиқаради.
8. Қоғоз шамол эсганда учиб кетади.
9. Қоғозни ёпиштириш мумкин.

Қўшимча қисм: болалар қоғозни исроф қилмаслик ҳақида тарбиявий суҳбат ўтказиш.

Эътиборга молик жиҳати: ҳаёт хавфсизлиги асослари

Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш маркази

Менинг севимли китобим.

Мақсад: болаларнинг боғланишли нутқлари ривожланади, схема бўйича таърифловчи ҳикоя тузишга ўрганадилар. Эртақ қаҳрамонларини ўзига хос хусусиятларини таърифлаб берадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: болалар адабиёти(расми китоблар), ҳикоя тузиш учун тайёрланган схема.

Фаолиятнинг бориши:

1. Ташкилий қисм. Китоблар ҳақида суҳбат.
2. Ҳикоя тузиш учун чизма бериш.
3. Китоб нима деб номланади?

4. Бош қаҳрамон ким?
5. Нима учун бу китоб ёқади?
6. Болаларнинг қайта ҳикоя қилишлари.
7. Фаолиятни яқунлаш.

Қўшимча қисм: болалар билан аввалдан суҳбатлашиш: Китоб нима? китоблар қандай бўлади? Болаларга ҳар бир китобнинг муаллифи борлиги ҳақида тушунча бериш. Болаларга уйга вазифа берилади: сеvimли китобларининг муаллифи кимлигини билиб келиш.

Эътиборга молик жиҳати: грамматик тўғри нутқнинг шаклланиши ва ўз таассуротларини боғланишли нутқ орқали кўрсатиб бериш.

Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш маркази

Севимли эртак бўйича адабий викторина

Мақсад: болалар эртак ва топишмоқларни топадилар, халқ оғзаки ижоди билан қизиқадилар, сеvimли эртак ҳақида фикр-мулоҳаза юрита оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: халқ эртаклари акс этган тақдимотлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Ташкилий қисм. Эртак саёҳатига таклиф қилиш.
2. Тақдимотларни кўриш, болалар ўйин давомида топган эртаклардан парчалар ўқиш.
3. Ҳар хил эртаклардаги қаҳрамонлар ҳақидаги топишмоқларни топиш.
4. Фаолиятни яқунлаш.

Қўшимча қисм: болалар билан аввалдан суҳбатлашиш: сеvimли эртак, сеvimли эртак қаҳрамони, эртак қаҳрамонларининг қайси фазлатлари ёқади?

Эътиборга молик жиҳати: грамматик тўғри нутқнинг шаклланиши ва ўз таассуротларини боғланишли нутқ орқали кўрсатиб бериш.

Санъат маркази

Лой иши: Менинг сеvimли эртак қаҳрамоним

Мақсад: болалар пластилин билан ишлаш жараёнида эгаллаган кўникмаларини қўллай оладилар, ижодий ишлайдилар, тартибли яшаш, бутун қисм, ва алоҳида қисмларни қўшиб яшаш, ёғоч таёқча билан моҳирона ишлай олиш малакаларини мустаҳкамлайдилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: пластилин, тахтачалар, стеклар, сочиқча.

Фаолиятнинг бориши:

1. Севимли эртак қаҳрамонлари ҳақида суҳбат.
2. Севимли эртак асосида иллюстрация ва суратларни томоша қилиш.
3. Болаларнинг мустақил ижодий ишлари.
4. Фаолиятни яқунлаш.

Қўшимча қисм: халқ эртаклари асосида тайёрланган мультфильмларни кўриш.

Эътиборга молик жиҳати: болаларнинг ижодий қобилиятини ривожлантириш ва ҳаёт хавфсизлиги асослари.

Санъат маркази

Расм: Бизнинг сеvimли китобларимиз

Мақсад: ўзининг ишига керакли бўлган материални танлай олиш, ўйланган сюжетни суратда акс эттириш. қоғоз юзаси бўйлаб расмни тўғри жойлаштириш.

Керакли жиҳоз ва материаллар: бўёқлар, рангли қаламлар, қоғоз, сочиқлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Ташкилий қисм. “Бизнинг севимли китобларимиз” суҳбат.
2. Севимли китоблар бўйича иллюстрацияларни томоша қилиш.
3. Болаларнинг ижодий фаолияти.
4. Фаолиятни якунлаш.

Қўшимча қисм: кутубхонага экскурсия уюштириш.

Эътиборга молик жиҳати: болаларнинг ижодий қобилиятини ривожлантириш, ҳаёт хавфсизлиги асослари.

МАРТ
ОЙ МАВЗУСИ: “ГЎЗАЛ БАҲОР”

Гуруҳ		Гайёрлов					
Мавзу		Онамнинг куни					
Муддати		Мартнинг 1-ҳафтаси					
Ривожланиш соҳаларига оид мақсадлар	Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши	Болаларнинг соғлом ривожланиши, фаол ҳаракатланиши, улар қоматининг тик бўлиб ўсиши ва кайфиятларининг кўтаринки бўлиши учун бадантарбия машқлари билан мунтазам шуғулланишнинг ўрни ҳақидаги тушунчаларни болалар онгига сингдириш, қўл майда моторикани ривожлантириш					
	Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш	Атрофидагиларга хурсандчилик улашиш маданиятини тарбиялашни давом этиш. Яқинларига совғалар улашганда уларнинг хурсандчиликларини ҳис этиш. Яқинлари билан тасаввурлари ҳақида ўртоқлашиш					
	Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари	Баҳор фаслининг ўзига хос хусусиятлари, гўзал манзаралар, шеърлар орқали болалар нутқини бойитиш, сўзларни бўғинларга бўлиш ва сўздаги товушларни аниқлашга ўргатиш. Берилган саволларга тўлиқ ва аниқ жавоб беришни мустаҳкамлаш					
	Билиш жараёнининг ривожланиши	Икки хил ранг аралашмасидан бошқа ранг ҳосил бўлишини кўзатиш					
	Ижодий ривожланиш	Товушларни ажрата олишга ўргатиш, мусиқий фаолиятга қатнашишга қизиқишни ошириш, тасвирий фаолиятнинг турли усуллари билан таништириш ва болаларда ижодий тафаккурни тарбиялаш					
Ривожланиш марказлари		Таълимий- тарбиявий фаолият					
		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Ресурслар ва иловалар
Эркин фаолият	Қуриш, конструкциялаш ва математика	Онам учун тақинчоқ		“8 март” ёзувини кичик қурилиш материалларидан яшаш		Намуна, мунчоқлар, тугмачалар, кубиклар	
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш	Онамга совға олиш учун дўконга борамиз					Никоблар, атрибутлар, карточкалар
	Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш	“Онамнинг куни” мавзусида кичик ҳикоя тузиш					Мавзуга оид карточкалар
	Фан ва табиат	Онам учун ранг-баранг рўмол. Амалий иш					
	Санъат	Расм: Онажоним портрети		Лой иши: Онам учун мунчоқ	Апликация: Бувим учун гулдаста		Рангли қоғозлар, картон, мунчоқлар
	Умумий гуруҳ бўлиб ишлаш						

ОЙ МАВЗУСИ: “ГЎЗАЛ БАҲОР”

Гуруҳ		Тайёрлов					
Мавзу		Ўзбекистонда баҳор					
Муддати		Март ойининг 2-ҳафтаси					
Ривожланиш соҳаларига мақсадлар	Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши	Болаларнинг жисмоний ривожланишини жисмоний машқларни мустақил бажариш орқали мустаҳкамлаш, шахсий гигиена қоидаларига амал қилиш ҳақидаги билимларини мустаҳкамлаш					
	Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш	Бир-бирига дўстона муносабатда бўлиш, жамоа бўлиб фаолиятларда қатнашиш кўникмасини тарбиялаш					
	Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари	Ўз фикрини аниқ ва тушунарли баён этишни билиш, нутқда ҳурмат маъносини билдирувчи сўزلардан фойдаланиш, расмга қараб тавсифловчи ҳикоялар тузиш малакаларини ошириш, 8 март, Наврўз байрамлари ҳақидаги билимлари ва тасаввурларини мустаҳкамлаш					
	Билиш жараёнининг ривожланиши	Геометрик шакллар, тартиб билан 20 гача санашга доир билимларни мустаҳкамлаш, баҳор фаслига хос ўзгаришларни билиш					
	Ижодий ривожланиш	Қайчидан тўғри фойдаланиш, бутунни қисмларга ажратиш, қисмлардан бутун ҳосил қилиш, ижодий фаолликни намоён этиш.					
Ривожланиш марказлари		Таълимий- тарбиявий фаолият					
		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Ресурслар
Эркин фаолият	Қуриш, конструкциялаш ва математика	Кўприк		Тоғ ландшафти			Қурилиш блоклари, ландшафт қурилишига хом ашё
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш	Биз – боғбонлармиз			“Ҳайвонот боғи” сюжетли-ролли ўйини		Меҳнат қуроллари, ниқоблар, кийимлар
	Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш	“Баҳор” расми асосида тавсифловчи ҳикоя					Мавзуга оид сурат ва карточкалар
	Фан ва табиат	Экин экамиз			Муз. Амалий тажриба		Рангли шишалар ва қаламлар, сув, пуфаклар, майда ўйинчоқлар
	Санъат	Лой иши: Натюрморт (шўр хамирдан) яшаш			Расм: Баҳор манзараси		Шўр хамир, бўёқ, гуашь, рангли қоғоз, елим, қайчи, картон
	Умумий гуруҳ бўлиб ишлаш						

ОЙ МАВЗУСИ: “ГЎЗАЛ БАҲОР”

Гуруҳ		Тайёрлов					
Мавзу		Ассалом, Наврӯз					
Муддати		Март ойининг 3-ҳафтаси					
Ривожланиш соҳаларига мақсадлар	оид	Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши	Шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш: қўллар, юз, тирноқ, тозалигини назорат қилиш, ташқи кўринишга эътибор бериш				
		Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш	Бир-бирига дўстона мулоқот қилишга ўргатиш, катталар ҳикоясига қизиқиш билдириш, жамоа бўлиб ишлашни билиш				
		Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари	Тенгдошлари ва катталар билан мулоқотга киришиш, мулоқот чоғида нутқ воситасида ҳиссиётини ва ҳаракатларини намоён қилиш, боғланишли нутқни ривожлантириш				
		Билиш жараёнининг ривожланиши	Табиатда хавфсизлик қоидаларига риоя қилишни ўргатиш, миллий байрамлар ва урф-одатлар билан таништиришда давом этиш. Геометрик шаклларни ажратиш, жисмларнинг жойлашувини аниқлаш				
		Ижодий ривожланиш	Ҳамкорликдаги фаолиятга ижобий муносабат билдира олиш, ритмни ҳис қилишни тарбиялаш, турли буюмлардан композиция яратишни ўргатиш				
Ривожланиш марказлари		Таълимий-тарбиявий фаолият					
		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Ресурслар
Эркин фаолият	Қуриш, конструкциялаш ва математика	Йирик қурилиш материалларидан минора курамиз (чизма асосида)		Конструкциялаш: Варрақлар			Қурилиш блоклари, қоғоз, елим, ип, қалам
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш	Сумалак пиширамиз!		Наврӯзни нишонлаймиз!			Миллий либослар, муסיқий асбоблар
	Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш	Байрам дастурхони. Расмга қараб ҳикоя тузиш		“Мен кимман, топинг” таълимий ўйини			Мавзуга оид расмлар
	Фан ва табиат	Бугдой экамиз. Амалий тажриба					
	Санъат	Лой иши: Ўрик новдаси	Аппликация: Бугдой бошоқлари		Расм чизиш: Байрамона шаҳар		Пластин, рангли қоғоз, бўёқ, альбом
	Умумий гуруҳ бўлиб ишлаш						

ОЙ МАВЗУСИ: “ГЎЗАЛ БАҲОР”

Гуруҳ		Тайёрлов					
Мавзу		Хайвонлар, қушлар ва ҳашаротлар ҳаёти					
Муддати		Март ойининг 4-ҳафтаси					
Ривожланиш соҳаларига оид мақсадлар	Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши	Жисмоний ривожлантиришни давом эттириш, қаторда биттадан ёки жуфт бўлиб юриш, товонда ва оёқ учида аста-секин юриш, моқисмон югуриш, турган жойидан узунликка сакраш					
	Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш	Жамоада дўстона муносабатда бўлиш, бир-бирини тинглаш, ҳурмат қилиш, иш жараёнида халакит бермаслик, касб эгаларининг меҳнатини қадрлаш					
	Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари	Нутқ воситаларини тўғри қўллашга ўргатиш, гапларни мазмунан тўғри тузиш, суратга қараб тасвирловчи ҳикоя тузиш					
	Билиш жараёнининг ривожланиши	Буюмларни алоҳида хусусиятларига кўра таснифлаш, қайси буюмлар кўплигини аниқлашни билиш, буюмларнинг катта-кичиклигини таққослаш					
	Ижодий ривожланиш	Муסיқа тинглаш кўникмаларини мустаҳкамлаш, тинглаганда завқ олиш, хор жамоасида куйлаш					
Ривожланиш марказлари		Таълимий-тарбиявий фаолият					
		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Ресурслар
Эркин фаолият	Қуриш, конструкциялаш ва математика	Қуш инини яшаш (ташландик материаллардан)		Ўрмон панорамаси (кўриниши)			Қурилиш блоклари, қоғоз, елим, ип, қалам
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш	“Доктор Войжоним” шифохонаси		“Пашша Цокотуха” сюжетли-ролли ўйини			Либослар, муסיқа асбоблари
	Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш	Ким қаерда яшайди?		Ҳашаротлар дунёси			Мавзуга оида пазллар
	Фан ва табиат	Ўзбекистон қушлари		Капалакнинг ҳаёт муддати (цикли)			Керакли анжомлаар
	Санъат	Ҳайвонот боғи		Сюжетли лой иши: Биз далага чикдик		Апликация: Ўзбекистон ҳайвонлари	Пластинин, рангли қоғоз, бўёқ, альбом
	Умумий гуруҳ бўлиб ишлаш						

МАРТ. БИРИНЧИ ҲАФТА ОНАМНИНГ КУНИ

Қуриш, конструкциялаш ва математика маркази

Онам учун тақинчоқ

Мақсад: болалар бир нечта белгиларга кўра предметларни фарқлашни (катталиқ, ранг, таркиб) биладилар. Билагузук яшаш учун мунчоқларни навбатма-навбат, тартиб билан жойлаштиришни биладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: ҳар бир болага билагузукнинг асосига 6-10 та мунчоқлар, ҳар хил ранг ва узунликдаги симчалар. Тарбиячи кўрсатиши учун ҳар хил рангдаги ва ўлчамдаги картон доирачалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Болаларни намуналар билан таништириш.
2. Болаларга мунчоқлардан билагузук учун безак қилишни таклиф этиш.
3. Катта-кичиклигига ва рангига қараб, тугмачаларни саралаш (столни ўнг ва чап томонларига жойлаштириш).
4. Намуна асосида симчага мунчоқларни териш.
5. Эркин фаолият.

Қўшимча: синглисига ва дўстига билагузук ясаб бериш.

Эътиборга молик жиҳати: сим билан ишлаганда эҳтиёт бўлиш, дўстона ва ижодий муҳитни яратиш, ҳаёт хавфсизлиги асосларига эътиборни қаратиш.

Қуриш, конструкциялаш ва математика маркази

"8 МАРТ" ёзувини кичик қурилиш материалларидан яшаш

Мақсад: болалар алифбони биладилар, сўзлар туза оладилар ва қурилиш материалларидан уларни ёза оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: кичик қурилиш материаллари: кубиклардаги ёзувлар, саноқ чўплар, ёзув карточкалари.

Фаолиятнинг бориши:

1. Ёзувни жойлаштириш учун намунани кўриб чиқиш.
2. Ёзувни жойлаштириш жараёни.
3. Фойдаланилган материалларнинг миқдорини ҳисоблаб чиқиш.
4. Турли усуллардан фойдаланиб жараённи амалга ошириш.

Қўшимча: онасининг, ўзининг ёки дўстининг исмини ёзиш.

Эътиборга молик жиҳати: зеҳн (идроқ)ни ривожлантириш, ижодий тафаккурни ўстириш.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш маркази

Онамга совға олиш учун дўконга борамиз

Мақсад: болаларда она ҳақидаги тушунчалар кенгайди, ўзаро маслаҳатлашиш ва хулоса чиқариш кўникмаси мустаҳкамланади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: турли мавзулар бўйича расмлар, сотувчиқостюми, буюмлар тасвирланган карточкалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Алифбодан хоҳлаган ҳарфни (товуш)ни танлаб олиш.
2. Сотувчи ва харидор ўртасидаги мулоқот жараёни.

3. Дўкондан совға танлаш.

4. Дўкондаги буюмлар номининг биринчи ҳарфи танланган ҳарф билан мос тушса, буюмни тезда сотиб олиш.

Қўшимча: тўғри талаффузга эътибор бериш.

Эътиборга молик жиҳати: диққат ва топшириқнинг бажарилиш тезлиги.

Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш маркази

“Онамнинг куни” мавзусида кичик ҳикоя тузиш

Мақсад: болаларда уй-рўзғор ишларини бажаришга ҳавас уйғонади, оила аъзоларига нисбатан меҳр туйғуси мустаҳкамланади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: ўйинчоқлар, қўғирчоқлар, мебель-жиҳозлар, идиш-товоқлар ва ҳ.к.

Фаолиятнинг бориши:

1. “Онамнинг куни” мавзусига оид суратларни кўриб чиқиш.
2. Суратларга қараб кичик ҳикоя тузиш.
3. “Байрамда менга нималар ёқади?” мавзусида суҳбат.
4. Болалар яратган ҳикояларни хулосалаш ва рағбатлантириш.

Қўшимча: оналар ва бувиларга аталган шеър ва қўшиқлар айтиш.

Эътиборга молик жиҳати: оилавий байрамларни нишонлашга қизиқиш уйғониш.

Фан ва табиат маркази

Онам учун ранг-баранг рўмол. Амалий иш

Мақсад: болалар оналарига совға тайёрлаш ва улашиш завқини биладилар, асосий ранглар ҳақида маълумотга эгалар. Олов ранг, яшил, бинафша ва жигар рангларни қандай ҳосил бўлиши ҳақида тасаввурга эгалар, рангларни аралаштириб, янги ранглар ҳосил қила оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: ҳар бир болага рўмол учун учбурчак шакли, рангли шиша, рангли қалам, бўёқлар, жадвал.

Фаолиятнинг бориши:

1. Рангли шишани кўздан кечириш (қизил, кўк, яшил ва сарик)
2. Иккита ранг танлаш, уларни аралаштириш ва янги ранг ҳосил бўлишини кузатиш.

Рўмолчани тўлқинсимон қилиб бўяш.

3. Фаолиятни давом эттириш.

4. Жадвални тўлдириш – қайси иккита ранг аралашмасидан янги ранг чиқиши ва қандай ранг ҳосил бўлишини белгилаш.

Қўшимча: бўёқларни аралаштириш орқали янги ранг ҳосил қилиш.

Эътиборга молик жиҳати: амалий тажриба жараёнида болаларнинг қизиқиш ва кайфиятлари.

Санъат маркази

Расм: Онажоним портрети

Мақсад: болалар тасвирий санъат жанрларини (портрет) биладилар, портрет чизиш жараёнида ташқи кўриниш, кайфиятни ифодалай оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: турли ҳажмдаги оқ ва рангли қоғозлар, гуашь бўёқлар, мўйқаламлар, сув идишлар, оилавий фотосуратлар, иш босқичларини кўрсатувчи таянч расмлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Чизиш учун материалларни танлаш.
2. Болаларнинг мустақил иши.
3. Керакли ранглар уйғунлигини ҳосил қилиш.
4. Портретни рамка ва бошқа аксессуарлар билан безаш.
5. Кўргазма ташкил этиш.

Қўшимча: бошқа усуллардан ҳам фойдаланган ҳолда фаолиятни амалга ошириш.

Эътиборга молик жиҳати: фотосуратларни кўриш имкониятини бериш, фонни мустақил танлаш.

Санъат маркази

Лой иши: Онам учун мунчоқ

Мақсад: болалар пластилиндан кичик бўлақлар ҳосил қилиб, бўлақлардан қўл кафтлари орқали доирачалар ясай оладилар. Азиз инсонини хурсанд қилишга бўлган интилиш мустаҳкамланади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: ҳақиқий мунчоқ намунаси, мунчоқларни жойлаштириш учун ип елимланган картон, турли рангдаги пластилинлар, ўйин учун рангли айлана картончалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Мунчоқнинг тузилиши билан танишиш.
2. “Рангига кўра жамла” таълимий ўйини.
3. Пластилиндан айланачалар ҳосил қилиш ва ипга жойлаштиришни амалга ошириш.
4. Болалар ишларидан кўргазма уюштириш.

Қўшимча қисм: рангли картонлардан кесилган айланачалардан яшаш.

Эътиборга молик жиҳати: ишга ижодий ёндашув, қўл майда моторикасини ривожланиши.

Санъат маркази

Апликация: Бувим учун гулдаста

Мақсад: болалар қоғоздан гуллар ясай оладилар. Композицияни қоғозга тўғри жойлаштиришни билладилар. Гуллар учун рангларни тўғри танлайдилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: гулни жойлаштириш учун ёрқин рангдаги картон, рангли қоғозлар, гулдон шаблони, конфет қоғозлари, қайчи, салфетка, елим.

Фаолиятнинг бориши:

1. Гулдонда тасвирланган гуллар расмларини кўриб чиқиш.
2. Намуна (схема)га қараб конфет қоғозларидан гулнинг марказ қисмини тайёрлаш.
3. Болалар фаолияти.
4. Болалар ишларининг кўргазмасини ташкил этиш ва рағбатлантириш.

Қўшимча қисм: яшашнинг бошқа усулларини кўрсатиш.

Эътиборга молик жиҳати: озода ишлаш, иш жойини йиғиштириш, ҳаёт хавфсизлигига риоя этиш.

МАРТ. ИККИНЧИ ҲАФТА ЎЗБЕКИСТОНДА БАҲОР

Қуриш, конструкциялаш ва математика маркази

Кўприк

Мақсад: болалар қуришга қизиқадилар, турли қурилиш материалларидан фойдаланиб намуна асосида қурадилар ва нечта бўлақлардан ташкил топганлигини айтиб берадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: қурилиш материаллари тўплами, леґо, дарёни тасвирлаш учун мовий рангдаги мато, ўйинчоқ машиналар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Кўприклар расмини кўриб чиқиш.
2. “Кенг”, “Тор” тушунчалари ҳақида фикр алмашиш.
3. Фаолиятни ташкил этишни режалаштириш.
4. Қурилма таҳлили: кўприкнинг асосий қисмлари – устунлар, йўл, кўприкдан тушиш жойи (қиялик).
5. Амалий иш: дарёдан ўтадиган, 2 та машина сиғадиган ўлчамдаги кўприк қуриш.

Кўшимча: “Икки эчки” эртагида тасвирланган кўприк ҳақида болалар фикри.

Эътиборга молик жиҳати: айтилган ўлчамга хос қуриш.

Қуриш, ясаш ва математика маркази

Тоғ ландшафти

Мақсад: болалар турли кўринишдаги ландшафтлар билан танишадилар ва уларни таққослайдилар, жамоа бўлиб ишлайдилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: тоғларнинг турли кўринишдаги ва ўлчамдаги расмлари ёки макети, пойафзал қутисининг қопқоғи, кўк картон, рангли қоғоз, журнал саҳифалари, гафрили қоғоз, ип, тош, мунчоқ, пахта, оқ калька бўлағи, салфетка, пенопласт, дарахт шохчалари, қайчи, елим, елим учун мўйқаламлар, латта, клеёнка.

Фаолиятнинг бориши:

1. Тоғлар тасвирланган расмларни томоша қилиш. Уларнинг баланд, пастлигини айтиш.
2. Турли материаллардан фойдаланган ҳолда тоғ ландшафтини яратиш.
3. Ишлар кўргазмасини ташкил этиш ва рағбатлантириш.

Кўшимча: топишмоқлар топиш.

Эътиборга молик жиҳати: болаларда бадиий дид, материаллар билан ишлаш қобилияти шаклланиши, зарурий материалларни танлаш қобилияти.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш маркази

“Биз боғбонлармиз”

Мақсад: болалар табиатни севиш ва асраш тушунчасига эга бўладилар. Боғбон меҳнатига ҳавас ҳисси тарбияланади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: белкурак, хаскаш, аравача, супурги, хокандоз.

Фаолиятнинг бориши:

1. Боғбон меҳнати ва иш қуроллари билан таништириш.
2. Тозалаш учун майдончани танлаш.

3. Болага ишлаш учун зарур бўлган иш қуролларини бериш.

4. Майдончани тозалаш ва экин экишга тайёрлаш.

Қўшимча қисм: “Боғбон” таълимий ўйини.

Эътиборга молик жиҳати: майдончани тозалаш жараёнида бирдамлик ва дўстона муносабатларни ўрнатиш. Бир-бирига ёрдам бериш ва қўллаб-қувватлашга ўргатиш. Ўз меҳнатидан қониқиш ҳиссининг намоён бўлиши.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш маркази

“Хайвонот боғи” сюжетли-ролли ўйини

Мақсад: болалар йиртқич хайвонлар ва уларнинг яшаш тарзи ҳақида биладилар. Хайвонларга нисбатан меҳр-шафқатли, эътиборли бўлиш жамоат жойларида ўзини тутишни биладилар. Хайвонот боғида ишлайдиган ходимлар касби билан танишадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: хайвонот боғининг расми, асосий қурилиш материаллари, ўйинчоқ йиртқич хайвонлар, хайвонларни овқатлантириш учун идишлар, халат, хайвонлар ниқоблари.

Фаолиятнинг бориши:

1. Хайвонот боғининг сурати билан танишиш.
2. Ролларни тақсимлаш.
3. Ижро этиш, муҳокама қилиш ва рағбатлантириш.

Ўйиннинг бориши:

Қурувчилар хайвонот боғини курадилар.

Хайдовчи хайвонларни юк машинасида олиб келади.

Юк ташувчилар хайвонлар солинган қафасларни жойлаштирадилар.

Хайвонот боғи ишчилари хайвонларни парвариш қиладилар (овқатлантирадилар, сув берадилар, қафасларни тозалайдилар).

Ветеринар шифокор хайвонларга ғамхўрлик қилади, уларни текширади (хароратини ўлчайди, фонендоскоп билан эшитади). Кассир чипталарни сотади.

Экскурсовод экскурсия ўтказди, хайвонлар ҳақида гапириб беради, хавфсизлик чоралари ҳақида айтади.

Меҳмонлар чипталар сотиб олиб, экскурсоводни тинглайдилар, хайвонларни томоша қиладилар.

Қўшимча: хайвонлар ҳақида шеърлар.

Эътиборга молик жиҳати: тенгдошлари билан мулоқот қилиш, жамоа бўлиб ишлаш, хайвонларга дўстона муносабат ва уларга ғамхўрлик кўрсатиш.

Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш маркази

“Баҳор” расми асосида тавсифловчи ҳикоя

Мақсад: болалар баҳор ҳақидаги билимларини умумлаштирадилар, сўз бойликлари ортади, расм асосида тавсифловчи ҳикоя қилиш қобилияти ривожланади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: баҳор, баҳор манзаралари тасвирланган расмлар. Баҳорги ўсимлик ва хайвонлар тасвирланган кичик карточкалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Баҳор расмини томоша қилиш.
2. Баҳорни ифодаловчи сўзларни айтиш.
3. Расм бўйича қисқача тавсифловчи ҳикоя тузиш.

Қўшимча: баҳор фасли ҳақида шеърни эслаш.

Эътиборга молик жиҳати: расмни тасвирлашда аниқловчиларни қўллай олиш.

Фан ва табиат маркази

Экин экамиз

Мақсад: болалар ўсимликларнинг турлари билан танишадилар, ўсимликлар ҳаётида сув, тупроқ ва ҳавонинг аҳамиятини биладилар. Ўсимликларни пайҳон қилмаслик лозимлиги каби тушунчалар тарбияланади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: экиш учун аслаҳалар, фартук, болалар белкураги, тошлар, тупроқ, уруғ, сув идиш, кузатиш дафтари.

Фаолиятнинг бориши:

1. Ўсимликларни экиш учун жой танлаш ва тайёрлаш.
2. Ўсимликларни экиш учун ёруғлик, сув, ҳаво, тупроқ зарурлиги ва уруғни экишнинг кетма-кетлиги ҳақида тарбиячи маълумоти.
3. Болаларнинг мустақил фаолияти.
4. Ўсимликнинг ўсишини кузатиш дафтарида белгилаб бориш.

Қўшимча: гулларни каттароқ идишга кўчириш.

Эътиборга молик жиҳати: жараённи амалга ошириш қоидаларига риоя қилиш. Иш охирида анжомларни тозалаб, уни жойига қўйиш.

Фан ва табиат маркази

Муз. Амалий тажриба

Мақсад: болалар инсон ҳаётида сувнинг аҳамияти, унинг хусусиятларини биладилар, сув билан ўтказиладиган амалий тажрибага иштирок этадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: сув, пуфаклар, кичкина ўйинчоқлар - динозаврлар, совутгич.

1. Музлаган динозаврлар тасвирланган суратларни кўриб чиқиш. (энциклопедиялар, журналлардан олинган қирқимлар).
2. Амалий тажриба: ўйинчоқ динозаврни шиширилган пуфак ичига солиш, ичини сув билан тўлдириш ва пуфакни яхшилаб боғлаб қўйиш.
3. Пуфакни 3-4 соатга совутгичга қўйиш.
4. Совутгичдан музлаган динозаврли пуфакни олиш.

Қўшимча: динозаврлар ҳақидаги мультфильмни томоша қилиш.

Эътиборга молик жиҳати: тартиб билан ишлаш ва бошқаларга халал бермаслик.

Санъат маркази

Натюрморт (шўр хамирдан) яшаш

Мақсад: болалар ҳажмли композициялар (натюрморт)ни яратадилар, хамир билан ишлаш техник кўникмасига эгалар, бир нечта объектларни жойлаштириб уйғун композиция ярата оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: тайёр буюмлар – намуналар, шўр хамир, лой, пластилин, пичоқча, клеёнка, идишчалар, қоғоз салфеткалар ва безаклар, маҳсус тахтачалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Тайёр натюрмортларни кўриб чиқиш.
2. Мустақил иш.

3. Болалар ишининг кўргазмаси.

Қўшимча: мевалар учун ликопча ёки ваза яшаш.

Эътиборга молик жиҳати: меванинг ранги, предметларнинг шаклини ўзига ўхшатиб яшаш.

Санъат маркази

Расм: Баҳор манзараси

Мақсад: болалар “Манзара” (пейзаж) сўзининг маъносини тушунадилар. Мустақил сюжет танлаб, унинг характерли белгиларини кўрсата оладилар, ижодий қобилият, кузатувчанлик ривожланади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: альбом варақлари, қалам, акварель бўёқлари, мўйқаламлар, сув идиш, политралар, салфетка.

Фаолиятнинг бориши:

1. Баҳор манзарасининг тасвири билан танишиш.
2. Намунага кўра ёки ижодий ёндашиб манзара чизиш.

Қўшимча қисм: болалар расмлари кўргазмасини ташкил этиш.

Эътиборга молик жиҳати: мустақил ишлаш қобилияти.

МАРТ. УЧИНЧИ ҲАФТА АССАЛОМ, НАВРЎЗ!

Қуриш, конструкциялаш ва математика маркази

Йирик қурилиш материалларидан минора қурамиз (чизма асосида)

Мақсад: болалар чизма расм асосида минора қуришни биладилар. Йирик қурилиш материалларидан мақсадли фойдаланадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: қурилиш материаллари тўплами, 3-4 хилдаги чизилган чизмалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Схема-расмларни ўрганиш.
2. Талаб қилинадиган қурилиш материалларини танлаш.
3. Минора қуриш ва нечта қисмдан ташкил топганини айтиш.

Қўшимча: минора олдидаги майдонни қуриш.

Эътиборга молик жиҳати: ижодий ёндашув, ҳиссий муносабат.

Қуриш, конструкциялаш ва математика маркази

Конструкциялаш: Варраклар

Мақсад: болалар қоғозни турли йўналишларда буклаш йўлларини биладилар, тайёр ишни безатишда ижодий ёндашадилар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Варрак тайёрлаш схемасини ўрганиш.
2. Қоғозни ромб шаклида буклаш, турли хил усулларда қатлаш.
3. Тайёр ишни безаш.

Қўшимча: тайёр варраклар билан гуруҳ хонасини безаш.

Эътиборга молик жиҳати: безак беришда ижодий ёндашиш. Вазифани бажарётганда дўстига ёрдам бериш.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш маркази.

Сумалак пиширамиз

Мақсад: болалар ўзбек халқининг анъаналари ва урф-одатларини биладилар. Сумалак тайёрлаш учун керак бўладиган маҳсулотларни биладилар, ролларни тақсимлайдилар, ўйинда фаол иштирок этадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: қозон, уй-рўзғор буюмлари муляжи, хўжалик буюмлари.

Фаолиятнинг бориши:

1. Ролларни тақсимлаш.
2. Зарур буюм ва анжомларни танлаш.
3. “Қўшниллар” ва “Меҳмонлар” ни меҳмон қилиш.

Қўшимча: “Сумалак” қўшиғидан фойдаланиш.

Эътиборга молик жиҳати: меҳмонларни кутиш одобини тарбиялаш.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш маркази

Наврўзни нишонлаймиз!

Мақсад: болалар Наврўз байрами, ўзбек халқининг анъаналари ва урф-одатлари ҳақида биладилар. Байрамнинг асосий кўркидан бири миллий либослар эканлиги ҳақида маълумотга эгалар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: миллий либослар, ошхона буюмлари, гуллар, миллий мусиқа асбоблари, мавзуга оид байрам мусиқалари ёзилган аудиодиск.

Фаолиятнинг бориши:

1. Байрам тасвирланган расмни кўриш ва муҳокама қилиш.
2. Ролларни тақсимлаш.
3. Байрамни сахналаштириш.

Қўшимча: байрамда тайёрланадиган миллий таомларни эслаш.

Эътиборга молик жиҳати: ўз фикрларини бошқалар билан муҳокама қилиш ва ўзаро келиша олиш қобилияти, тенгдошларига нисбатан дўстона муносабатда бўлиш.

Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш маркази

Байрам дастурхони. Расмга қараб ҳикоя тузиш

Мақсад: болалар байрам дастурхони ҳақида тасаввурга эгалар. Расмга қараб қисқа тавсифловчи ҳикоя тузишни биладилар. Меҳмон кутиш одобини айта оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: мавзу бўйича расмлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Расмларни кўриб чиқиш.
2. Расм бўйича умумлаштирувчи сўзларни айтиш.
3. Тавсифловчи ҳикоя тузиш.

Қўшимча: муляжлар билан дастурхон безаш.

Эътиборга молик жиҳати: расмга қараб ҳикоя тузиш. 3-5 ёки ундан ортиқ сўзлар иштирокида гаплар тузиш.

Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш маркази

“Мен кимман, топинг?” таълимий ўйини

Мақсад: болалар меҳмон кутиш одобини биладилар, луғат бойлиги кенгаяди, тақлид қилиш машқлари орқали овоз ва тўғри нафас олиш шаклланади, диққат билан тинглаш ва меҳмонни ким эканлигини топиш болаларда катта қизиқиш уйғотади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: ўйин учун турли қуш ва ҳайвонларнинг суратлари тасвирланган карточкалар, товушларнинг аудиоёзувлари.

Фаолиятнинг бориши:

1. Меҳмон ва мезбон одоби ҳақида суҳбат.
2. Ҳар хил ҳайвонларнинг овози туширилган аудиоёзувларни тинглаш.
2. Қуш ёки ҳайвоннинг расми тасвирланган карточкани танлаш, унинг товушига мос тақлид қилиш.
3. “Мен кимман, топинг?” таълимий ўйини.

Қўшимча: мавзу бўйича мақоллар айтиш.

Эътиборга молик жиҳати: келган меҳмон кимлигини топиш учун диққат билан тинглаш.

Фан ва табиат маркази

Буғдой экамиз. Амалий тажриба

Мақсад: болалар буғдойни, буғдойдан ун олинишини биладилар, уларда буғдой халқ бойлиги эканлиги ҳақида тасаввур шаклланади. Буғдой маҳсулотларини исроф қилмаслик, фермерлар меҳнатини ардоқлаш ҳақида билимга эга бўладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: экиш учун идиш, дока, буғдой уруғи, сув, кузатиш варақаси, болалар исмлари ёзилган карточкалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Кузатув кетма-кетлиги: идишни бир неча қисмларга бўлиш, тагига намланган дока ёки пахта солиш.
2. Кейин тайёрланган буғдой уруғини солиш. Вақти-вақти билан сув сепиб туриш.
3. Уруғнинг ўнб чикишини кузатиш, саналарни белгилаб бориш.

Қўшимча: ўйинчоқ тегирмон билан таништириш.

Эътиборга молик жиҳати: уруғларни ундириш учун етарли намлик, иссиқлик бўлишини эътиборга олиш. Тўғридан-тўғри тушадиган қуёш нуридан сақлаш.

Санъат маркази.

Лой иши: Ўрик новдаси

Мақсад: болалар алоҳида қисмларни бирлаштириб ўрик гулларини ясайдилар, шохчалар ва гуллардан композиция яратадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: пластилин, стек, кичик деталларларни безаш учун майда бисерлар, салфеткалар, намуналар, ўрик новдалари, гулдон.

Фаолиятнинг бориши:

1. Гуллаган ўрик тасвирини кўриб чиқиш.
2. Гулларни яшаш, уларни шохчаларга бирлаштириш.
3. Ўрик новдаларини гулдонга қўйиш ва улар билан гуруҳ хонасини безаш.

Қўшимча: новдани лента ёки бантик билан безаш.

Эътиборга молик жиҳати: болалар ўзлари шакл ва рангларни танлашда мустақил изланадилар.

Санъат маркази

Апликация: Буғдой бошоқлари

Мақсад: болалар буғдой бошоқлари ҳақида тасаввурга эга бўладилар, тенгдошлари билан жамоа бўлиб ишлайдилар, композиция яратадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: рангли қоғозлар, қайчи, елим, салфеткалар, намуна.

Фаолиятнинг бориши:

1. Намунани ўрганиш.
2. Қирқиш (қўлда майдалаш) ва ёпиштириш.
3. График элементлар билан апликацияни безаш.
4. Болалар иши кўргазмаси ва рағбатлантириш.

Кўшимча: шахсий шкафчаларини ўз ишлари билан безаш.

Эътиборга молик жиҳати: қўл майда моторикасини ривожлантириш.

Санъат маркази.

Расм чизиш: Байрамона шаҳар

Мақсад: болалар мавзуни танлашда ижодий ёндашадилар, байрам нишонлаётган она шахрининг кўриниши тўғрисида тасаввурга эга бўладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: шаҳарда байрам тасвирланган расмлар ва фотосуратлар, альбом варағи рангли бўр ва қаламлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Шаҳар тасвирларини томоша қилиш.
2. Болаларнинг иш учун материалларни танлашлари.
3. Мустақил иш.
4. Кўргазма таҳлили.

Кўшимча: она шаҳри ҳақида шеърлар айтиш.

Эътиборга молик жиҳати: ишга ижодий ёндашув, ҳаёт хавфсизлигига риоя қилиш.

МАРТ. ТҶРТИНЧИ ҲАФТА ҲАЙВОНЛАР, ҚУШЛАР ВА ҲАШАРОТЛАР ҲАЁТИ

Қуриш, конструкциялаш ва математика маркази

Қуш инини ясаш (ташландиқ материаллардан)

Мақсад: болалар қушлар учун ин ясашни биладилар, қушларга нисбатан ғамхўр муносабатда бўладилар, режа бўйича ишлашга ўрганадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: намуна, шарбат қутичалари, қоғоз, қушлар муляжи.

Фаолиятнинг бориши:

1. Намуналарни кўриб чиқиш ва схема бўйича ишлаш.
2. Иш учун материал тайёрлаш.
3. Ишни бажариш.
4. Тайёр инга қушни жойлаштириш.

Кўшимча: болаларга қуш инини хоҳишларига кўра безашни таклиф этиш.

Эътиборга молик жиҳати: ижодий қобилиятларни ривожлантириш, намуна бўйича ишлай олиш.

Қуриш, конструкциялаш ва математика маркази

Ўрмон панорамаси (кўриниши)

Мақсад: болалар композицияни ярата оладилар, қирқиш малакасига эга бўладилар, жамоада ишлай оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: расмлар, ўрмон тасвирланган фотосуратлар, макетлар, композиция асоси, рангли қоғоз, қайчи, фломастер, елим, ўрмонда яшовчи ҳайвон ва қушларнинг шакли.

Фаолиятнинг бориши:

1. Суратлар, фоторасм ва тасвирий материалларни кўриш.
2. Ишни режалаштириш ва тақсимлаш.
3. Деталларни танлаш ва тайёрлаш жараёни.
4. Панорама яратиш.
5. Ишни рағбатлантириш.

Кўшимча: ўз панорамасини номлаш.

Эътиборга молик жиҳати: жамоада ишлаш қобилияти, иш ўрнини тоза сақлаш.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш маркази

“Доктор Вой жоним” шифохонаси

Мақсад: болаларда ветеринар шифокор касбига ҳурмат ва қизиқиш уйғонади, ҳайвонларга нисбатан сезгир, эҳтиёткорона ва ғамхўр муносабатда бўладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: шифокор костюми, ўйинчоқ ҳайвонлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Болалар Чуковскийнинг "Доктор Вой жоним" асарини эслаш.
2. Ролларни тақсимлаш.
3. Саҳна намойиши:

Болалар ўйинчоқ ҳайвонларини танлаб олиб, навбатма-навбат “Доктор Вой жоним”га даволатиш учун олиб келиш.

Кўшимча: болалар ролларини алмаштирадилар.

Эътиборга молик жиҳати: жамоада бирга ўйнаш малакаси, ҳаёт хавфсизлигига риоя этиш.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш маркази

“Пашша Цокотуха” сюжетли-ролли ўйини

Мақсад: болалар сахналаштиришда мустақил равишда қатнашадилар, эртак қаҳрамонларининг ҳис-туйғуларини тушунадилар ва ўйин орқали кўрсатиб берадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: “Пашша Цокотуха” асари ва унинг иллюстрацияси, эртак қаҳрамонларининг костюмлари, эртакка атрибутлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. “Пашша Цокотуха” асари сюжетини эслаш.
2. Болаларга эртак қаҳрамонлари ролларини тақсимлаш.
3. Болаларнинг эртакдан парча танлаши.
4. Эртакни сахналаштириш.

Кўшимча: ролларни алмаштиришни таклиф қилиш.

Эътиборга молик жиҳати: тенгдошлар билан мулоқот қилиш, ўз ҳаракатларини бошқа болалар ҳаракатларига мувофиқлаштириш, бадий китобга қизиқиш билдириш, эртак қаҳрамонларини, уларнинг ҳаракатларини моҳирлик билан ижро этиш.

Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш маркази

Ким қаерда яшайди?

Мақсад: болалар ҳайвон, қуш, ҳашаротларнинг яшаш жойлари номларини биладилар ва уларни фарқлайдилар. Уларга меҳрибон муносабатда бўладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: тематик карточкалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Ҳайвонлар, ҳашаротлар, қушлар расмини кўриб чиқиш.
2. Уч (ҳайвонлар, ҳашаротлар, қушлар) гуруҳга бўлиш.
3. Расмлардан жонзотлар яшайдиган жой номларини айтиш (уя, ин, дарахт коваги).
4. Ҳайвонлар расмини уларга мос яшаш масканларига қўйиш ва қайси ҳайвонга тегишли эканини айтиш: тешик - тулки учун, ин - айиқ учун, дарахт коваги – олмахон ва бойўғли учун, уя - қуш учун, молхона - сигир, бузоклар учун, чуғурчук уяси – чуғурчук учун, қуёнхона– қуёнлар учун.

Қўшимча: бошқа ҳайвонлар ва паррандаларнинг уйларини эшлаш.

Эътиборга молик жиҳати: мавзули карточкалар билан мустақил ишлаш кўникмаси.

Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш маркази

Ҳашаротлар дунёси

Мақсад: болалар ҳашаротлар ҳақида тасаввурга эга бўладилар, ҳашаротларни танийдилар ва уларнинг номларини айтадилар: капалак, ниначи, хонқизи, асалари, қўнғиз, чигиртка.

Керакли жиҳоз ва материаллар: карточкалар, ҳашаротлар муляжи, жумбоқ ҳашаротлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Ҳашаротлар муляжини кўриб чиқиш ва уларнинг номини айтиш.
2. Пазл йиғиш, қайси ҳашаротни йиғганини айтиш, унга тақлид қилиш.
3. Ҳашаротлар ҳақида топишмоқлар айтиш.

Қўшимча: яна қандай ҳашаротларни билишларини айтиш, улар ҳақида дўстларига гапириб бериш.

Эътиборга молик жиҳати: товушларнинг тўғри талаффузи, болаларнинг эмоционал ҳолати.

Фан ва табиат маркази

Ўзбекистон қушлари

Мақсад: болалар айрим қишлаб қоладиган ва иссиқ ўлкаларга учиб кетадиган қушлар номини биладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: “Ўзбекистон қушлари” фотоальбоми ёки слайдлари, “Қушларнинг овозлари” овоз ёзуви.

Фаолиятнинг бориши:

1. “Ўзбекистон қушлари” альбомини томоша қилиш.
2. Қушлар номларини топиш.
3. “Қушлар овози” овозли ёзувларини тинглаш.
4. Алоҳида варақларда қишлоғчи ва учиб кетувчи қушларни белгилаш топшириғини бажариш.

Қўшимча: қушларга тақлид қилиш, бошқа қушлар тасвирланган карточкаларни кўриб чиқиш.

Эътиборга молик жиҳати: хотира ва диққатни ривожлантириш, тинглаш малакаси.

Фан ва табиат маркази

Капалакнинг ҳаёт муддати (цикли)

Мақсади: болалар ҳашаротларнинг ҳаёти билан танишадилар, капалакнинг тузилишини тасвирлаб берадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: тематик расмлар, “Капалакнинг ҳаёт муддати” ўқув қўлланмаси, капалаклар муляжи ва расми, капалак қурти, пилласи.

Фаолиятнинг бориши:

1. Болаларнинг қандай ҳашаротларни билишларини аниқлаш.
2. Дидактик қўлланмадан капалак ҳаёти муддатийлигини ўрганиш.
3. Капалак, капалак қурти ва пилласини кузатиш.
4. Муляжлардан ҳаёт циклини яратиб, уни изоҳлаб бериш.

Қўшимча: капалак пазлини йиғиш.

Эътиборга молик жиҳати: ҳаётни илм-фан билан боғлаш, янги билимлар билан ўртоқлашиш.

Санъат маркази

Хайвонот боғи

Мақсад: болаларда бўёқ, қалам билан чизишга қизиқиш ортади, ўз тасаввурлари бўйича сюжет ярата оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: қоғоз, акварель бўёқлари, рангли қалам, салфетка, мўйқалам, баҳор тасвирланган карточкалар (манзара, ўйин-кулгу, байрамлар).

Фаолиятнинг бориши:

1. Мавзуга оид расмларни кўриш.
2. Болаларнинг хайвонот боғига боргандаги таассуротлари билан ўртоқлашиш.
3. Расм сюжети, болалар ғоялари муҳокамаси.
4. Болалар ишлари.

Қўшимча: тарбиячи болаларга ўз расмлари билан ижодий ривожланиш марказини безашни таклиф этиши мумкин.

Эътиборга молик жиҳати: болаларнинг ташаббуси, ижодий ғоялари ва дадиллигини қўллаб-қувватлаш.

Санъат маркази

Сюжетли лой иши: Биз далага чиқдик

Мақсад: болалар ҳашаротларни ясайдилар, уларнинг тузилиши ва рангининг характерли хусусиятларини кўрсата оладилар, қўл ишларининг мустаҳкамлигини сақлаш учун таёқ, трубка, симларга бириктирадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: пластилин, стеклар, тахтачалар, салфетка, бисер, кичик тугмачалар (ҳашаротлар кўзлари, мўйлови, оёқчаларини тасвирлаш учун).

Фаолиятнинг бориши:

1. Мустақил равишда ўз композициялари сюжетларини танлаш.
2. Керакли материалларни танлаб олиш.
3. Ўз сюжети элементларини бажариш.
4. Ўз ишларини безатиш.

Қўшимча: композицияларни ўсимликлар ва ўтлар (мойчечак, откулоқ ва бошқалар) билан тўлдириш.

Эътиборга молик жиҳати: бажарилган ишга ижодий ёндашиш, ҳаёт хавфсизлиги асослари

Санъат маркази

Аппликация: Ўзбекистон ҳайвонлари

Мақсад: болалар ҳайвонларнинг номини биладилар, қайчини мақсадли ишлатадилар, жамоада маслаҳатлашиб ишлайдилар, керакли ўринда бир-бирларини қўллаб-қувватлайдилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: ватман қоғоз, елим, қайчи, рангли қоғоз, оқ қоғоз, бўёқлар, салфетка, ўйинчоқ ҳайвонлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Ўзбекистон ҳайвонларини эслаш.
2. “Ўзбекистон ҳайвонлари” мавзусидаги аппликацияга ғоя танлаш.
3. Керакли материалларни танлаш.
4. Болаларнинг ижодий ишлари.

Қўшимча: болалар ишлари кўргазмасини ташкил этиш.

Эътиборга молик жиҳати: иш жараёнида эмоционал кайфият, билимларни ижодий қўллаш.

АПРЕЛЬ ОЙ МАВЗУСИ: “ЕР САЙЁРАСИ - УМУМИЙ УЙИМИЗ”

Гуруҳ		Тайёрлов					
Мавзу		Гуллаган баҳор					
Муддати		Апрель ойининг 1-ҳафтаси					
Ривожланиш соҳаларига оид мақсадлар	Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши	Боланинг ақлий, руҳий ва жисмоний ривожланишини таъминлаш, соғлом турмуш тарзини тарбиялаш, элементар меҳнат фаолияти жараёнида шахсан иштирок этишни рағбатлантириш					
	Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш	Табиатга бўлган муҳаббат ва табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш ҳиссини тарбиялаш					
	Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари	Қаратилган нутқни тинглаш ва тушуниш кўникмасини шакллантириш. Саволларга тўлиқ ва аниқ жавоб бериш, жамоавий суҳбатда иштирок этиш.					
	Билиш жараёнининг ривожланиши	Йил фаслларининг ўзгариши ҳақидаги билимларни шакллантириш, баҳор фаслида табиатда содир бўладиган ўзгаришлар ҳақида тасаввурлар ҳосил қилиш					
	Ижодий ривожланиш	Расм чизишнинг ноанъанавий техникасини қўллаш, тегишли ранглар гаммасини танлай билиш, қоғоз варағида предметларни жойлай билиш					
Ривожланиш марказлари		Таълимий-тарбиявий фаолият					
		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Ресурслар
Эркин фаолият	Қуриш, конструкциялаш ва математика	Нима ўзгарди?		Катта-кичиклигини топ		Буюмларни таққослаш	Қурилиш блоклари, лево, конструктор
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш	“Биз қувнок боғбонлармиз” сюжетли-ролли ўйин					ниқоб, белгилар, атрибутлар
	Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш	Гуллайдиган дарахтлар иллюстрацияларини кўздан кечириш					Сюжетлирасмлар, АКТ
	Фан ва табиат	Ҳидига кўра топ. Гуллар ифори		Гул очилмоқда. Амалий тажриба			Рангли қоғоз, идишлар, парфюм
	Санъат	Қушлар шаклини ясаймиз (тузли хамирдан)					Тузли хамир
	Умумий гуруҳ бўлиб ишлаш						

ОЙ МАВЗУСИ: “ЕР САЙЁРАСИ – УМУМИЙ УЙИМИЗ”

Гуруҳ		Тайёрлов				
Мавзу		Коинот сирлари				
Муддати		Апрель ойининг 2-хафтаси				
Ривожланиш соҳаларига оид мақсадлар	Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши	Боланинг ақлий, руҳий ва жисмоний ривожланишини таъминлаш. Кун тартибини тўғри ташкил этган ҳолда соғлом турмуш тарзини тарбиялаш				
	Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш	Шахснинг ҳиссий-иродавий сифатларини такомиллаштириш, ижобий хайрихоҳлик муҳитини яратиш				
	Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари	Мавзуга доир сўзлар билан луғат бойлигини фаоллаштириш				
	Билиш жараёнининг ривожланиши	Диққат, хотира, тафаккурни ривожлантириш. Космос ҳақидаги билимларга қизиқтириш, мавзу асосида янги маълумотлар бериш. Болаларнинг космонавтика, космик фазо, куёш тизимидаги планеталар борасидаги тасаввурларини кенгайтириш				
	Ижодий ривожланиш	Ижодий тасаввурлар, фантазияни ривожланиши, бадиий-эстетик диднинг конструктив ўзига хосликларини шакллантириш				
Ривожланиш марказлари		Таълимий-тарбиявий фаолият				
		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума
Эркин фаолият	Қуриш, конструкциялаш ва математика	Ракетани йиғ			Космодром қурамиз	Қурилиш блоклари, леҒо, конструктор
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш	“Ўзга сайёралик” сюжетли-ролли ўйин				Никоблар, белгилар, атрибутлар
	Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш	“Сехрли таёқча” таълимий ўйини	Фазовий ажойиботлар	“Сўз ҳосил қил” таълимий ўйин	Сюжетли расмлар, копток, АКТ, предметли расмлар	
	Фан ва табиат	Телескоп билан ишлаш				Магнит, темир, предметлар, телескоп
	Санъат	Сайёрани чизамиз	“Космос” мусиқаси жўрлигида тасвирий фаолият билан шуғулланиш		Сайёраларни ясаймиз	Бўёқлар, мўйқалам, пластилин
	Умумий гуруҳ бўлиб ишлаш					

ОЙ МАВЗУСИ: “ЕР САЙЁРАСИ – УМУМИЙ УЙИМИЗ”

Гуруҳ		Тайёрлов						
Мавзу		Ер сайёраси куни						
Муддати		Апрель ойининг 3-ҳафтаси						
Ривожланиш соҳаларига оид мақсадлар	Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши	Болаларда ер сайёраси ҳозирда хавф остида эканлиги, уни асраб қолиш учун экологияни сақлаш кераклиги ва соғлом турмуш тарзини олиб бориш лозимлиги ҳақида тушунча ҳосил қилиш						
	Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш	Ер сайёраси ва унинг бойликларига нисбатан ҳиссий – ижобий, эҳтиёткорона муносабатни тарбиялаш. Бу бойликлар битмас-туганмасдек кўринсада, уларсиз қандай салбий оқибатлар келиб чиқиши мумкинлиги ҳақида маълумотлар бериш						
	Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари	Болаларнинг табиат ҳақидаги билимларини чуқурлаштириш. Болаларни “Ер сайёраси куни” байрами билан таништириш, ҳикояни тинглаш, саволларга жавоб бериш, кичик ҳикояларни мустақил тузиш, таниш шеърларни айтиш кўникмаларини шакллантириш						
	Билиш жараёнининг ривожланиши	Табиатга, ҳайвонот дунёсига бўлган қизиқишни шакллантириш						
	Ижодий ривожланиш	Расм чизишнинг ноанъанавий техникасини қўллаш, тегишли ранглар гаммасини танлай билиш, қоғоз варағида предметларни фазода жойлай билиш						
Ривожланиш марказлари		Таълимий-тарбиявий фаолият						
		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Ресурслар	
Эркин фаолият	Қуриш, конструкциялаш ва математика	“Дьенеш” блоклари		Математика планшети		Блоклар, планшет		
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш	“Сув париси” сюжетли-ролли ўйин					Никоблар, белгилар, атрибутлар	
	Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш	Сув тўғрисида мақоллар					Сюжетли расмлар	
	Фан ва табиат	Лупа остида тирик организмларни ўрганамиз		“Сувга рангларни томизиш” Амалий тажриба		Лупа, жонли экспонатлар, сув ва бўёқлар		
	Санъат	Буржлар белгилари тасвирланган медальонларни бўйаш					Медальонлар, бўёқлар	
	Умумий гуруҳ бўлиб ишлаш							

ОЙ МАВЗУСИ: “ЕР САЙЁРАСИ – УМУМИЙ УЙИМИЗ”

Гуруҳ		Тайёрлов					
Мавзу		Сайёрани асранг!					
Муддати		Апрель ойининг 4-хафтаси					
Ривожланиш соҳаларига оид мақсадлар	Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши	Инсоннинг табиатга ижобий ва салбий таъсири ҳақидаги тушунчаларни шакллантириш. Ер сайёрасидаги барча тирик мавжудотларга эҳтиёткорона муносабатни тарбиялаш					
	Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш	Болаларда инсон ва табиатнинг бирлиги, инсоннинг табиатга ижобий ва салбий таъсири ҳақидаги тасаввурларни кенгайтириш					
	Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари	Луғатни бойитиш, диққат, хотирани фаоллаштириш, тафаккурни ривожлантириш					
	Билиш жараёнининг ривожланиши	Ер сайёраси бу-думалоқ эканлиги ҳақида тасаввур ҳосил қилиш. Табиатга эҳтиёткорона муносабатни тарбиялаш					
	Ижодий ривожланиш	Шеърларни ёдда олиб қолиш кўникмаларини мустаҳкамлаш, иллюстрациялар ёрдамида нутқнинг ифодалилигини ривожлантиришга ўргатиш					
Ривожланиш марказлари		Таълимий-тарбиявий фаолият					
		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	
Эркин фаолият	Қуриш, конструкциялаш ва математика	Кема қурамиз			Самолёт қурамиз		Қурилиш блоклари, лево, конструктор
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш	Қулгили ўзга сайёраликлар					Никоблар, белгилар, атрибутлар
	Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш	Галактикадаги энг яхши сайёра (АКТ)					Сюжетли расмлар, АКТ
	Фан ва табиат	Сайёраларни бир-биридан фарқла		Вулқон отилиши. Амалий тажриба			Атрибутлар
	Санъат	Расм: Ер сайёрасини асра					Қаламлар, бўёқлар, қоғоз
	Умумий гуруҳ бўлиб ишлаш						

АПРЕЛЬ. БИРИНЧИ ҲАФТА ГУЛЛАГАН БАҲОР

Қуриш, конструкциялаш ва математика маркази

Нима ўзгарди?

Мақсад: болалар намуна бўйича режалаштиришга, жамоа бўлиб ишлаш кўникмасига эга бўладилар, ўз фикрларини баён эта оладилар, келишган ҳолда ўзгаришлар киритадилар, мустақил фикрлайдилар, диққат ва кузатувчанлик ривожланади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: кубиклар, лего.

Фаолиятнинг бориши:

1. Янги уйлар” мавзусига оид суратларни томоша қилиш.
2. Болалар билан янги уйни қуришни режалаштириш, суҳбатлашиш, болалар таклифини инобатга олиш.
3. Янги уйларни конструкциялаш.
4. Болалар ишларининг муҳокамаси ва рағбатлантириш.

Қўшимча: қурилиш бўйича таклифлар ва фикрларни инобатга олиш, ихтиёрий ўйинда билимларини қўллаш.

Эътиборга молик жиҳати: жамоада ишлаш кўникмасига эга бўлиш, тенгдошлари фикрини инобатга олиш. Ҳаёт хавфсизлиги асослари.

Қуриш, конструкциялаш ва математика маркази

Катта-кичиклигини топ

Мақсад: болалар буюмларнинг хусусиятларига кўра таққослашни, буюмлар гуруҳидан умумий ўхшашликни топа оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: қурилиш ашёлари, лего, конструкторлар, мавзуга оид сурат.

Фаолиятнинг бориши:

1. Суратларни томоша қилиш.
2. Болалар билан катта ва кичик буюмларни ажратишни режалаштириш.
3. Катта ва кичик геометрик шакллардан фойдаланиш.
4. “Ўхшашини топ” таълимий ўйини.
5. Болалар ишларининг муҳокамаси ва рағбатлантириш

Қўшимча: тарбиячи хоҳишига кўра атрибутлардан фойдаланиши мумкин.

Эътиборга молик жиҳати: ижодий тасаввур, фикрини баён этиш, ҳаёт хавфсизлиги асослари.

Қуриш, конструкциялаш ва математика маркази

Буюмларни таққослаш

Мақсад: болалар “оғир” ва “енгил” тушунчаларини фарқлайдилар, буюмлар вазнини солиштириш орқали тасаввурга эга бўладилар. 1 кг, 1 л – ўлчов бирликлари билан танишадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: қадоқланган бир қути туз, бир халтача тош, пахта, пуфак, тарозилар намунаси, сув, чизғич.

Фаолиятнинг бориши:

1. Буюмларни қўлларига олиб уларнинг “оғир” ва “енгил” эканлигини ҳис этиш.
2. Тарози турлари билан таништириш.
3. Оғирлиги бўйича буюмларни таққослаш.

4. Дам олиш дақиқаси.

5. Болалар ишларининг муҳокамаси ва рағбатлантириш.

Қўшимча: ота-оналарга болалари билан биргаликда «Дўкондан харид» ижодий ўйинини ўйнашни таклиф қилиш.

Эътиборга молик жиҳати: жамоа бўлиб ишлаш, тафаккур ва мантиқни ривожлантириш, ҳаёт хавфсизлиги асослари.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш маркази

“Биз – қувноқ боғбонлармиз” сюжетли-ролли ўйини

Мақсад: болалар хоҳишларига кўра ўзларига роль танлай оладилар, ўз ролларини қизиқиш билан бажарадилар, қаҳрамоннинг хатти-ҳаракатларини эмоционал намойиш этиб берадилар, боғбон меҳнатини қадрлаш кераклиги ҳақида олган билимларини мустаҳкамлайдилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: боғбон кийими, сабзавотлар муляжи, мавзуга оид суратлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Суҳбат.
2. Ўйин қоидалари билан танишиш.
3. Ўйинни олиб бориш.
4. Болалар ишларининг муҳокамаси ва рағбатлантириш

Қўшимча: ўйинда қўшимча ашёлардан фойдаланиш мумкин (фишка, суратлар ва бош.)

Эътиборга молик жиҳати: нутқни ривожлантириш, жамоада эмоционал муҳитни ҳосил қилиш, ўзи бажарган ролдан завқланиш ҳиссини яратиш.

Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш маркази

Гуллайдиган дарахтлар иллюстрацияларини кўздан кечириш

Мақсад: болалар катталарнинг саволларига тўғри ва тўлиқ жавоб берадилар, табиатдаги чиройли манзарани кўриб завқланадилар, таққослаш ва хулоса чиқаришни ўрганадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: мавзуга оид суратлар, гуллаган дарахт новдаси, қоғоз, рангли қаламлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Гуллаган дарахт иллюстрациясини томоша қилиш.
2. Шукур Саъдулланнинг “Баҳор” шеърини ўқиш.
3. Болалар ишларининг муҳокамаси ва рағбатлантириш

Қўшимча: акварель бўёқ билан ишлашни таклиф этиш мумкин.

Эътиборга молик жиҳати: тасаввурни ривожлантириш, йўналтирилган нутқни эшитиш ва тушуниш.

Фан ва табиат маркази

Ҳидига кўра топ. Гуллар ифори

Мақсад: болалар ифори ҳис қиладилар ва нимага тегишли эканлигини айта оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: гуллар, атир, ҳидли совун, 2-3 турдаги гуллаган дарахт новдачалари.

Фаолиятнинг бориши:

1. “Гуллар” мавзусига оид суратларни томоша қилиш.
2. Турли хил гуллаган дарахт новдачаларидаги гулларнинг ифорини ҳис қилиш.
3. Фаолиятни режалаштириш - ифори таърифлаш (ўткир, юмшоқ, ёқимли).

3. “Ҳидидан топ” таълимий ўйини.

4. Болалар ишларининг муҳокамаси ва рағбатлантириш

Қўшимча: муассасаса ҳовлисидаги гуллардан гулчамбар яшаш.

Эътиборга молик жиҳати: ёқимлилиқни ҳис қилиш ва акс эттириш. Жамоада ишлай олиш.

Фан ва табиат маркази

Гул очилмоқда. Амалий тажриба

Мақсад: болалар табиатдаги ўзгаришларни биладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: рангли қоғозлар, идишда сув, қайчи.

Фаолиятнинг бориши:

1. Болаларга тақдимотни намойиш этиш.
2. Босқичма-босқич режалаштириш.
3. Болалар билан муҳокама қилиш, тажрибани тушунтириш.
4. “Қайси гуллигини топ” таълимий ўйини.
4. Болалар ишларининг муҳокамаси ва рағбатлантириш.

Қўшимча: назорат остида тажриба ўтказиш.

Эътиборга молик жиҳати: жамоа бўлиб ишлай олиш. Майда моторикани ривожлантириш.

Ҳаёт хавфсизлиги асослари.

Санъат маркази

Тузли хамирдан қушлар шаклини ясаймиз

Мақсад: болалар тузли хамирдан турли нарсалар яшашни биладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: тузли хамир, табиий ва ташландиқ материал, стек, тахтакачлар, ҳўл сочиқлар, қушлар суратлари.

Фаолиятнинг бориши:

1. Қушлар иллюстрациясини томоша қилиш.
2. Қушлар ҳақида шеър ўқиш.
3. “Ҳайвонот боғида” тақдимотини намойиш этиш.
4. Болалар фаолияти, ишларининг муҳокамаси ва рағбатлантириш.

Қўшимча: болалар томонидан қушларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар акс эттирилган суратлар намойиши.

Эътиборга молик жиҳати: жамоа бўлиб ишлай олиш. Майда моторикани ривожлантириш.

АПРЕЛЬ. ИККИНЧИ ҲАФТА КОИНОТ СИРЛАРИ

Қуриш, конструкциялаш ва математика маркази

Ракетани йиғ

Мақсад: болаларда ижодий тасаввурлар, бадиий-эстетик дид ривожланади.

Керакли жиҳозлар ва материаллар: қурилиш блоклари, лево, конструкторлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. “Биз ракета қуряпмиз” мавзусида расмларни томоша қилиш.
2. Болалар томонидан ракетани қуриш режасини тузиш.
3. Ракетани қуриш жараёнини амалга ошириш.
4. Болаларнинг фаолият маҳсулини кўриб чиқиш ва рағбатлантириш.

Қўшимча: ракета ҳақидаги шеърни ўқиб бериш.

Эътиборга молик жиҳатлари: болаларнинг жамоада ишлаш кўникмаси. Тасаввурларнинг ривожланиши.

Қуриш, конструкциялаш ва математика маркази

Космодром қурамиз

Мақсад: болаларда космодром ҳақида элементар билимлар ҳосил бўлади, қуришни амалга ошириш жараёнида ижодкорликни намоён қиладилар. Космонавтика, космик фазо ҳақидаги, қуёш тизимидаги сайёралар тўғрисидаги маълумотларга қизиқадилар ва фикрлайдилар.

Керакли жиҳозлар ва материаллар: мавзуга мос расмлар, АКТ

Фаолиятнинг бориши:

1. Космодром ҳақидаги слайд ёки видеоматериалнинг намоёниши.
2. Болалар томонидан космодром қурилишини лойиҳалаштириш.
3. Космодромни қуриш жараёнини амалга ошириш.
4. Болалар фаолияти маҳсулини муҳокама қилиш ва рағбатлантириш.

Қўшимча: тарбиячи болаларга Абу Райхон Беруний, унинг ҳаёти ва эришган ютуқлари тўғрисидаги слайд тақдироти намоёнишини таклиф этиши, “глобус”, “юлдузлар туркуми” каби тушунчаларни тушунтириши ва топишмоқ топишни таклиф этиши мумкин.

Эътиборга молик жиҳати: нутқ ва тасаввурларнинг кенгайиши, жамоада ишлаш.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш

“Ўзга сайёраликлар” сюжетли-ролли ўйин

Мақсад: болаларда ижодкорлик ривожланади, жамоада ижодий муҳит яратилади.

Керакли жиҳозлар ва материаллар: ниқоблар, белгилар, атрибутлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. “Ўзга сайёраликлар” расмини томоша қилиш.
2. Болалар ўртасида ролларни тақсимлаш.
3. Ўйин жараёни.
4. Болалар фаолияти бўйича суҳбат ва уларнинг рағбатлантирилиши.

Қўшимча: тарбиячининг АКТдан фойдаланиши.

Эътиборга молик жиҳати: болаларнинг ўйин жараёнида ўзаро муносабатларини кузатиш. Ижодий тасаввурларининг ривожланиши.

Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш маркази

“Сехрли таёқча” таълимий ўйини

Мақсад: болаларнинг сўз бойлиги ортади, дўстларининг ҳикояларини тинглаш малакаси шаклланади.

Керакли жиҳозлар ва материаллар: сюжетли расмлар, копток, АКТ, предметли расмлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. “Сехрли таёқча” номли расми томоша қилиш.
2. “Сехрлар бўлсам” мавзусида суҳбат.
3. Ўйин муҳитини яратиш.
4. Болалар фаолияти бўйича суҳбат ва уларни рағбатлантириш

Қўшимча: тарбиячи болаларга М.Муродовнинг “Икки ният” номли асарини таклиф этиши мумкин.

Эътиборга молик жиҳати: таёқчалардан шакллар ясай олиш кўникмасининг шаклланиши

Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш маркази

Фазовий ажойиботлар

Мақсад: болалар космос, космонавтлар ҳақида билимга эга бўладилар, мураккаб гапларни тузиш ва уларни ўзгартириб, қайта шакллантириш кўникмаси такомиллашади, нутқни ҳаракатлар билан уйғунлаштирадилар.

Керакли жиҳозлар ва материаллар: сюжетли расмлар, АКТ воситалари.

Фаолиятнинг бориши:

1. Космос, космонавтлар ҳақида суҳбат.
2. Юлдузлар фаолияти ҳақида слайдлар намойиши.
3. Топишмоқлар топиш.
4. Болалар фаолияти бўйича суҳбат ва уларни рағбатлантириш

Қўшимча: болаларга ўзларини фазода деб тасаввур қилишлари таклиф этилади: болалар мувозанатсизлик ҳолатидаги турли ҳолатларни акс эттирадилар.

Эътиборга молик жиҳати: болаларнинг жамоада ишлаш малакасининг ривожланиши, тасаввурларининг бойиши.

Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш маркази

“Сўз ҳосил қил” таълимий ўйини

Мақсад: болалар сўзлардаги товушларни тўғри талаффуз этадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: сюжетли расмлар, АКТ, предметли расмлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Тарқатма карточкалар асосида сўз ҳосил қиладилар.
2. Ўзаро машғулот бўйича муҳокама уюштирадилар.
3. Болалар фаолияти бўйича суҳбат ва уларни рағбатлантириш.

Қўшимча: тарбиячи расмлар асосида эртак яратишни ёки сўзлаб беришни таклиф этиши мумкин.

Эътиборга молик жиҳати: болаларнинг луғат бойлиги, расмлар асосида ҳикоя туза олиш қобилияти.

Фан ва табиат маркази

Телескоп билан ишлаш

Мақсад: болалар телескоп ҳақида биладилар, образли ва мантикий тафаккур ривожланади. Дўстлари билан космос, қуёш тизимидаги сайёралар ҳақидаги билимлари билан ўртоқлашади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: магнит, темир предметлар, телескоп.

Фаолиятнинг бориши:

1. Телескоп ҳақида суҳбат.
2. Телескоп орқали осмондаги жисмларни томоша қилиш.
3. Юлдуз ва оймома расмини чизиш ва бўйаш.
4. Болалар фаолияти бўйича суҳбат ва уларни рағбатлантириш.

Қўшимча: тарбиячи АКТда “Само сирлари” номли эртақни томоша қилишни таклиф этиши мумкин.

Эътиборга молик жиҳати: тасавурларининг ривожланиши.

Санъат маркази

Сайёрани чизамиз

Мақсад: болалар атроф-олам мавзуси бўйича билимга эга бўладилар. Аввал эгаллаган билимлари доирасида ўз тасавурларидан келиб чиққан ҳолда сайёрани акс эттирадилар ва фикрлар билдирадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: намуна, бўёқлар, мўйқаламлар, тайёр фонлари мавжуд альбом дафтари варақлари, ракета трафаретлари.

Фаолиятнинг бориши:

1. Намунани томоша қилиш.
2. Болалар тасавуридан келиб чиқиб лойиҳалаштириш.
3. Керакли жиҳозларни танлаш.
4. Болалар фаолияти бўйича суҳбат ва уларни рағбатлантириш.

Қўшимча: тарбиячи болаларни рағбатлантириши ва сайёралар ҳақидаги шеърларни ўқиб бериши мумкин.

Эътиборга молик жиҳати: болаларнинг жамоада ишлаш малакасини шаклланиши. Мантиқий тафаккурнинг ривожланиши.

Санъат маркази

“Космос” мусиқаси жўрлигида тасвирий фаолият билан шуғулланиш

Мақсад: болаларда ижодий тасавурлар ва қобилиятлар шаклланади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: АКТ ва мусиқа маркази, мусиқали диск, оқ қоғоз, рангли қаламлар, фломастерлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Намуна билан танишиш.
2. Мусиқани тинглаш ва унинг мазмуни бўйича суҳбат олиб бориш.
3. “Чексиз само” мавзусида тасавурларни ишга солиш.
4. Болалар фаолияти бўйича суҳбат ва уларни рағбатлантириш

Қўшимча: сайёралар ва куёш тизими, юлдузлар ҳақидаги болалар энциклопедиясини томоша қилишни таклиф этиш, китоб мутолаасига ўргатиш.

Эътиборга молик жиҳати: болаларнинг юлдузли осмон, космик фазо ва мавҳум мусиқа асбоблари ҳақидаги тасавурларини бойитиш.

Санъат маркази

Сайёраларни ясаймиз

Мақсад: болалар ўз фаолиятига ижодий ёндашадилар, мавзу бўйича иш фаолиятида ноанъанавийликни қўллайдилар, пластилинда ишлаш жараёнини амалга ошириш усулларини мустақил танлайдилар, пластилин билан ишлаш малакасига эга бўладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: пластилин, турли ташландиқ материаллар, АКТ.

Фаолиятнинг бориши:

1. Сайёралар билан танишув.
2. “Бизнинг галлактикамиз” АКТ воситасида материалларни томоша қилиш.

3. Пластилин билан мустақил ишлаш.

4. Болалар фаолияти бўйича суҳбат ва уларни рағбатлантириш.

Қўшимча: тарбиячи ташландиқ материаллардан мустақил ясаган ишларни тавсия этиши мумкин.

Эътиборга молик жиҳати: болалар ижодий ёндашадилар.

АПРЕЛЬ. УЧИНЧИ ҲАФТА ЕР САЙЁРАСИ КУНИ

Қуриш, конструкциялаш ва математика маркази

Дьенеш блоклари

Мақсад: болалар мантиқий Дьенеш блоклари билан танишадилар, бир-бирига ўхшаш бўлган рангларни ажратадилар, предметларнинг сони ва катталигига қараб қоғоз марказига жойлаштирадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: мантиқий “Дьенеш блоклари”

Фаолиятнинг бориши:

1. “Дьенеш блоклари” билан ишлаш.
2. Дьенеш блоклари билан қуришни режалаштириш.
3. Дьенеш блоклари билан мантиқий нарсалар яшаш.
4. Болалар ўйинини муҳокама қилиш ва уларни рағбатлантириш.

Қўшимча: лего ёрдамида тарбиячи болалар тузган композицияни тўлдириши мумкин.

Эътиборга молик жиҳати: болаларни жамоада ишлашга ўргатиш, уларнинг мантиқий фикрлашларини ўстириш.

Қуриш, конструкциялаш ва математика маркази

Математика планшети

Мақсад: болаларда математика планшетига қизиқиш уйғонади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: математика планшети.

Фаолиятнинг бориши:

1. Болаларни математика планшети билан ўйнаши.
2. “Бизнинг уй” ни қуришни режалаштириш
3. Шаҳарни конструкциялаш.
4. Болалар ишларини муҳокама қилиш, рағбатлантириш.

Қўшимча: тарбиячи болалар ишлаган композицияларни турли катталикдаги геометрик шакллар билан тўлдиришни таклиф қилиши мумкин.

Эътиборга молик жиҳати: болаларни жамоада ишлашга ўргатиш, фикрлаш доираларини ўстириш.

Сюжетли-ролли ва сахналаштириш маркази

“Сув париси” сюжетли-ролли ўйини

Мақсад: болалар сув парисини расмда танийдилар, жонзотларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш малакалари шаклланади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: ниқоб, белги, атрибутлар, “Ер ости дунёси” мавзусида расмлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. “Ер ости дунёси” мавзусидаги расмларни томоша қилиш.
2. Болалар ўртасида ролларни тақсимлаш.
3. Ўйиннинг бориши.
4. Ўйинни яқунлаш ва хулосалаш.

Қўшимча: тарбиячи болаларга АКТдан фойдаланишни таклиф қилади.

Эътиборга молик жиҳати: ҳар бир боланинг ўйинга жалб этилиши.

Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш**Сув тўғрисида мақоллар**

Мақсад: болалар табиат ҳақида, уни асраб-авайлаш кераклиги ҳақида билимларга эга бўладилар, мақолнинг мазмунини тушунадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: сюжетли расмлар, АКТ, предметли расмлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. “Сув” мавзусидаги расмни томоша қилиш.
2. АКТ орқали турли сув ҳавзаларини кўрсатиш.
3. Сув ҳақидаги мақоллар.
4. Сув билан амалий тажриба.
5. Болалар фикрларининг муҳокамаси ва рағбатлантириш.

Қўшимча: ҳаёт хавфсизлиги бўйича “Сув томчиси” мавзусидаги ҳикояни тинглаш.

Эътиборга молик жиҳати: болаларни жамоада ишлаш малакаларини ошириш.

Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш**Ер-бизнинг умумий уйимиз (АКТдан фойдаланиш)**

Мақсад: болаларда табиат ҳақидаги билимлар мустаҳкамланади, ҳикояни тинглайдилар, берилган саволларга тўлиқ ва аниқ жавоб қайтарадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: АКТ, телевизор, магнитофон.

Фаолиятнинг бориши:

1. “Ер-бизнинг умумий уйимиз” мавзусидаги видеороликни томоша қилиш.
2. Ролик ҳақидаги фикрларни аниқлаш ва умумлаштириш.
3. Глобус ҳақида суҳбат. Унда жой олган тоғлар, океанлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси билан таништириш.
4. Болаларнинг фикрларини муҳокама қилиш ва рағбатлантириш.

Қўшимча: болаларга глобус расмини чизишни таклиф этиш.

Эътиборга молик жиҳати: атроф-оламни асраб-авайлашга доир билимларнинг кенгайиши.

Фан ва табиат маркази**Луна остида тирик организмларни ўрганамиз**

Мақсад: болаларда ҳашоратлар ҳақидаги маълумотларга қизиқиш уйғонади. Уларга озор бермаслик ҳақида тушунчага эга бўладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: луна, тирик экспонатлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Луна орқали ҳашоратларни томоша қилиш.
2. Болалар билан чумоли тана аъзоларининг қисмларини кузатишни режалаштириш.

3. Ҳашоратларни лойдан яшаш.

4. Болалар ишларининг муҳокамаси ва рағбатлантириш.

Қўшимча: тарбиячи болаларга Криловнинг “Ниначи ва чумоли” масалини томоша қилишни таклиф қилади.

Эътиборга молик жиҳати: теварак-атрофга бефарқ бўлмасликни тарбиялаш.

Фан ва табиат маркази:

“Сувга рангларни томизиш” амалий тажриба

Мақсад: болалар табиатда сувнинг ўзига хос хусусиятларини билишга кизиқадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: сув ва бўёқлар, расмлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Сувнинг хусусиятлари билан танишиш.
2. “Сув бўлмаса...” мавзуси юзасидан суҳбат ва мавзуга доир расмлар намойиши.
2. Бўёқ ва сув билан амалий тажриба.
3. Болалар ишининг муҳокамаси ва рағбатлантириш.

Қўшимча: болаларни “Томчилар саёҳати”га таклиф қилиш.

Эътиборга молик жиҳати: тажриба ўтказиш малакалари.

Саънат маркази

Буржлар белгилари тасвирланган медальонларни бўяш

Мақсад: болалар ноанъанавий расм солиш усулларида фойдаланадилар ва кизиқадилар, рангларни тўғри танлайдилар, қоғоз бетига предметларни тўғри жойлаштирадидилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: медальон, бўёқлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Барча бурж белгиларини кўриб чиқиш.
2. Ўзининг буржи белгисини билиш.
3. Буржи ҳақида шеър ёки топишмоқлар айтиш.
3. Ўзининг буржи белгисини бўяш.
4. Болалар ишининг муҳокамаси ва рағбатлантириш.

Қўшимча: болаларга ота-оналарнинг буржлари белгисини билишларни таклиф қилиш. Болаларни ўзлари тузган композицияларини майда ўйинчоқлар билан тўлдиришни таклиф қилиш. Қ.Хикматнинг “Ўзбекистон” шеърини ифодали ўқиш.

Эътиборга молик жиҳати: расм чизиш учун зарур рангларни ажратиш малакаларини шакллантириш.

АПРЕЛЬ. ТўРТИНЧИ ҲАФТА САЙЁРАНИ АСРАНГ!

Қуриш, яшаш ва математика маркази

Кема қурамиз

Мақсад: болалар қурилиш блокларидан кема қуришни биладилар, кема ҳақида фикрга эгалар, шакл ва рангларни фарқлайдилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: қурилиш блоклари, кема расми акс эттирилган суратлар, атрибутлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. “Кема” мавзусидаги суратлар билан танишиш.

2. Топишмоқни топиш.
3. Турли ноанъанавий усулларда кема яшаш.
4. Болалар ишининг муҳокамаси ва рағбатлантириш.

Қўшимча: А.Бартонинг “Кема” шеърини айтиш.

Эътиборга молик жиҳати: сув транспорти ҳақида сўз бойлигини кенгайтириш.

Қуриш, конструкциялаш ва математика маркази

Самолёт курамин

Мақсад: болалар легодан самолёт кура оладилр, майда қўл моторикалари ривожланади, шакл ва рангларни ажратадилар, ҳаво транспорти ҳақидаги билимлар мустаҳкамланади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: лево, ҳаво транспорти тасвирланган суратлар тўплами, ўйинчоқ самолётлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. “Самолёт” мавзусидаги суратлар, ва ўйинчоқларни томоша қилиш.
2. “Аэропорт” қуришни режалаштириш.
3. Самолёт яшаш.
4. Болалар ишини муҳокамаси ва рағбатлантириш.

Қўшимча: самолёт расмларини слайдлар орқали кўриш.

Эътиборга молик жиҳати: атроф-олам ҳақидаги қизиқишларини ўстириш.

Сюжетли -ролли ўйинлар ва сахналаштириш маркази

Кулгили ўзга сайёраликлар

Мақсад: болаларда ўзга сайёраликлар ҳақида ижодий тасаввурлар шакллантирилади, ўзига бириктирилган ролларнинг ҳиссий ҳолатини кўрсата оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: ниқоб, белги, атрибутлар, АКТ воситалари.

Фаолиятнинг бориши:

1. Слайдлар билан танишиш.
2. Ниқоб орқали кулгили ўзга сайёраликларни тасвирлаш.
3. “Мен ўзга сайёраликман” сюжетли-ролли ўйини.
4. Болалар ишини муҳокамаси ва рағбатлантириш.

Қўшимча: “Лунтик” мультфильмини кўриш.

Эътиборга молик жиҳати: сўзлардан тўғри жумлалар тузиш, нутқни ўстириш.

Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш маркази

Галактикадаги энг яхши сайёра (АКТ)

Мақсад: болаларда ер сайёраси ҳақида билимлар мустаҳкамланади. Барча жонзотларга ғамхўрлик қилиш, уларга озор бермаслик лозимлиги ҳақидаги фикрлар такомиллашади, луғат бойлиги ошади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: АКТ, мавзуга оид расмлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Расмларни томоша қилиш.
2. “Энг яхши сайёра” мавзусида суҳбат.
3. Табиатда бажариш таъқиқланган экологик белгиларни намойиш этиш.
4. Белгиларга амал қилинмаса нохуш ҳолатлар келиб чиқиши тасвирланган слайдлар намойиши.

5. “Мен яшаётган сайёра энг яхши бўлиши учун мен...” болалар фикрини тинглаш ва умумлаштириш.

Қўшимча: сайёралар ҳақида топишмоқлар айтиш.

Эътиборга молик жиҳати: табиатдаги салбий ва ижобий ҳолатларни тушуниш.

Фан ва табиат маркази:

Сайёраларни бир-биридан фарқла

Мақсад: болаларда сайёрани асраб-авайлаш, унга бефарқ бўлмаслик, уни озода сақлаш каби тушунчалар мустаҳкамланади, луғат бойлиги ошади, фикрлаш доираси кенгаяди.

Керакли жиҳоз ва материаллар: атрибутлар, сайёра тасвирланган суратлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Ота-оналар иштироки.
2. Мавзуга доир суратларни кўриш.
3. Сайёраларнинг номлари билан таништириш ва таққослаш.
4. Ерни асраш ҳақида болалар фикрларини тинглаш.
5. Болалар ишинининг муҳокамаси ва рағбатлантириш

Қўшимча: тарбиячи сайёра композициясини ота-оналар иштирокида тузишни таклиф этади.

Эътиборга молик жиҳати: болаларда фикрлашнинг кенгайиши.

Фан ва табиат маркази

Вулқоннинг отилиши. Амалий тажриба

Мақсад: болаларда инсон ва табиат уйғунлиги тўғрисидаги тасаввурлар кенгаяди, ер - бу шар кўринишида эканлиги тўғрисида тасаввурга эга бўладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: кум, сув, бўёқлар, АКТ воситалари.

Фаолиятнинг бориши:

1. Вулқоннинг турли кўринишларини расмлар ва роликлар орқали намойиш этиш.
2. Вулқон отилганда инсоният ва атроф-муҳитга нисбатан салбий таъсири тўғрисида суҳбат.
3. Қум, сув ва бўёқлар билан тажриба ўтказиш.
4. Вулқон расмини чизиш.
5. Болалар фаолиятини муҳокама қилиш ва уларни рағбатлантириш.

Қўшимча: тарбиячи болаларга “Фавқулудда вазиятлар” мавзусида сюжетли-ролли ўйинни таклиф этиши мумкин.

Эътиборга молик жиҳати: жамоада ишлаш.

Санъат маркази

Ер сайёрасини асра

Мақсад: болаларда атроф-оламни асраб-авайлашга доир билимлар мустаҳкамланади, табиатни асраш ҳар бир инсоннинг бурчи эканлигини биладилар, ўзларини қизиқтирган маълумотларни мустақил излайдилар, шахсий лойиҳаларини ишлаб чиқишда ғояларини акс эттирадилар, бадий ижод ва майда қўл моторикаси ривожланади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: мавзу доирасида тасвирланган расмлар, экологик белгилар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Мавзуга доир расмлар билан танишиш.

2. “Табиатга муҳаббат!”, “Табиатни асра!” мавзулар доирасида болалар билан суҳбат.

3. Табиатда ўзини тутиш ахлоқ қоидалари тасвирланган расмлар.

4. Болалар фикрларини муҳокама қилиш ва уларни рағбатлантириш

Қўшимча: АКТ воситасида мавзуга доир лавҳалар кўриш, табиат тўғрисида шеърлар.

Эътиборга молик жиҳати: табиат қўйнида ахлоқ-одоб қоидаларини мустаҳкамлаш.

МАЙ
ОЙ МАВЗУСИ: “АСБОБ ВА АНЖОМЛАР”

Гуруҳ		Тайёрлов					
Мавзу		Мен ва менинг уйим. Хотира ва кадрлаш куни					
Муддати		Май ойининг 1-хафтаси					
Ривожланиш соҳаларига оид мақсадлар	Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши	Тезлик, чакқонлик, юриш ва югуришнинг барча турларини тўғри бажариш малакаларини шакллантириш					
	Ижтимоий-ҳиссий ривожлантириш	Ўз фикрини билдириш малакасини шакллантириш, мулоқот жараёнида ижобий ҳис-туйғуларни ҳосил қилиш.					
	Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари	Болаларни фаол мулоқотга жалб этиш, саволларга тўғри жавоб бериш, очик ва ёпиқ бўғинларни тўғри талаффуз этишга одатлантириш					
	Билиш жараёнининг ривожланиши	Болаларда ҳафта кунлари, йил фасллари тўғрисидаги билимларини мустақамлаш. Математик билимларини бойитиш					
	Ижодий ривожланиш	Муסיқа асбобларини чалишда ижодий кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш					
Ривожланиш марказлари		Таълимий-тарбиявий фаолият					
		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Ресурслар
Эркин фаолият	Қуриш, конструкциялаш ва математика	Уй курамит		Уйимиз ҳовли майдончасини курамит		Лего	
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш	Оила		Супермаркет		Сюжетли-ролли ўйинлар учун жамланма	
	Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш	“Мен яшаётган уй” мавзусида ҳикоя тузиш		"Хотира ва кадрлаш куни" мавзусида суҳбат		Сюжетли суратлар	
	Фан ва табиат	Қумнинг хусусиятлари		Тўкилувчан жисмларни ҳажмини ўлчаш.		Сув ва қум билан тажриба ўтказиш учун буюмлар	
	Санъат	Расм: Орзуимдаги уй		Апликация: Менинг хонам	Лой иши: Гуллар (декоратив панно)		Тасвирий фаолият учун анжомлар
	Умумий гуруҳ бўлиб ишлаш						

МАЙ
ОЙ МАВЗУСИ: “АСБОБ ВА АНЖОМЛАР”

Гуруҳ	Тайёрлов					
Мавзу	Мебель. Миллий ҳунармандчилик					
Муддати	Май ойининг 2-хафтаси					
Ривожланиш соҳаларига оид мақсадлар	Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши	Кундалик фаол ҳаракатларни шакллантириш, тўсиқлардан югуриб ўта олиш малакаларини ривожлантириш				
	Ижтимоий-ҳиссий ривожлантириш	Тенгдошлари ва катталар билан мулоқот доирасини кенгайтириш, ўз оилавий анъаналарини билиш, гуруҳидаги болалар тўғрисида гапириб бера олиш каби хусусиятларини ривожлантириш				
	Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари	Ўзининг ва атрофдагилар нутқидаги хатоларни англашга ва мустақил равишда суратга қараб тасвирий ҳикоя тузишга ўргатиш				
	Билиш жараёнининг ривожланиши	Манتيкий фикрлашни, диққатни ва хотирани мустақамлайдиган ўйинларни мустақил равишда ўйнаш малакаларини ривожлантириш				
	Ижодий ривожланиш	Қайчи билан мустақил ишлаш, ижодий фаолиятда фаол иштирок этишга ундаш				
Ривожланиш марказлари		Таълимий-тарбиявий фаолият				
		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума
Эркин фаолият	Қуриш, конструкциялаш ва математика	Уйимиз учун мебель		Сандиқ ясаймиз		Кубик, лево, намуналар
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш	Меҳмон кутамиз		Мебель магазини		Сюжетли-ролли ўйинлар учун жамланма
	Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш	Мебель хақида нималарни биламиз?		Миллий ҳунармандчилик		Сюжетли суратлар
	Фан ва табиат	Дарахт хусусиятлари билан танишиш		Қоғознинг хусусиятлари билан танишиш		Дарахт ва қоғоз билан танишиш учун мўлжалланган буюмлар.
	Санъат	Расм: Менинг хонам		Лой иши: Медальон	Апликация :Сандиқни безатамиз	Тасвирий фаолият учун анжомлар
	Умумий гуруҳ бўлиб ишлаш					

МАЙ
ОЙ МАВЗУСИ: “АСБОБ ВА АНЖОМЛАР”

Гуруҳ		Тайёрлов					
Мавзу		Идишлар. Миллий нақшлар					
Муддати		Май ойининг 3-ҳафтаси					
Ривожланиш соҳаларига оид мақсадлар	Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши	Мустақил равишда машқ ҳаракатларини бажаришни ривожлантириш ва содда ўйинларни ташкил эта олиш ҳамда жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланишни зарурати тўғрисида билим бериш.					
	Ижтимоий-ҳиссий ривожлантириш	Катталар ва тенгдошлари билан мулоқотда алоқага кириша олиши, саволларга мустақил равишда жавоб бера олиш, ўйин жараёнида ташаббускорлик кўрсата олиш ва ўз таклифларини бера олиш малакаларини ривожлантириш					
	Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари	Саҳналаштиришда фаол қатнашиш, болаларнинг атроф-олам тўғрисидаги билимлари ҳақидаги луғат бойлигини оширишда давом этиш					
	Билиш жараёнининг ривожланиши	Жонсиз табиат тўғрисидаги тасаввурларни шакллантириш, мустақил равишда ўнтагача ҳайвон, қуш, ҳашаротлар номларини айтиб беришга ўргатиш					
	Ижодий ривожланиш	Болаларда гўзаллик тушунчасини ривожлантириш, лойдан ўйинчоқлар ясаш ва уларни бўйашга ўргатиш					
Ривожланиш марказлари		Таълимий-тарбиявий фаолият					
		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Ресурслар
Эркин фаолият	Қуриш, конструкциялаш ва математика	Оригами: Стаканча		Тарелкача		Намуна, қоғоз, картонлар	
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва саҳналаштириш	Оила		Кафе		Сюжетли-ролли ўйинлар учун жамланма	
	Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш	К.И.Чуковскийнинг “Федорнинг қайғуси” асарини тинглаш		Идиш-товокларни гуруҳлаш		Чуковскийнинг “Федорнинг қайғуси” асари учун ишланган сюжетли расмлар, АКТ	
	Фан ва табиат	Лой билан тажрибалар. Лойдан идишлар ясаймиз		Суюқлик ҳажмини ўлчаш		Қум ва сув билан тажриба ўтказиш учун буюмлар	
	Санъат	Расм:Чой ичиш учун сервис		Апликация: Тарелкачани миллий нақш билан безаш	Лой иши: Чойнак	Тасвирий фаолият учун канцелярия буюмлари	
Умумий гуруҳ бўлиб ишлаш							

МАЙ
ОЙ МАВЗУСИ: “АСБОБ ВА АНЖОМЛАР”

Гуруҳ	Тайёрлов						
Мавзу	Маиший буюмлар - бизнинг ёрдамчиларимиз						
Муддати	Май ойининг 4-ҳафтаси						
Ривожланиш соҳаларига оид мақсадлар	Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши	Арқонли зинапоядан чиқишга, велосипед ҳайдай олишга ўргатиш					
	Ижтимоий-ҳиссий ривожлантириш	Тенгқурлар ва катта ёшдагилар билан эркин мулоқот қила олиш, қийин вазиятлардан конструктив чиқа олиш йўлларини ўргатиш					
	Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари	Расмга қараб шахсий тажрибасидан мустақил равишда тасвирий ҳикоя туза олиш малакаларини ривожлантириш					
	Билиш жараёнининг ривожланиши	Болажон энциклопедиясидан фойдалана олиш, 20гача тўғри ва тескарисига санаш юзасидан билимларни бойитиш					
	Ижодий ривожланиш	Турли хил предметлардан композициялар ясай олиш, якка ўзи ҳамда жамоада куйлай олиш, бирор бир ғояни қайта ишлатиш таклифини бера олишга ўргатиш					
Ривожланиш марказлари	Таълимий-тарбиявий фаолият						
	Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Ресурслар	
Эркин фаолият	Қуриш, конструкциялаш ва математика	Маиший техникани йиғамиз			Компьютер	Қурилиш ашёлари, картон, қоғоз, елим	
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш	Меҳмонлар учун тайёрлаймиз		Кафе: Мороженое		Сюжетли-ролли ўйинлар учун жамланма	
	Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш	Маиший анжомлар-бизнинг ёрдамчиларимиз			Таълимий ўйин: Маиший буюмларни ажрат (совутадиған ва иситадиған)		Таълимий ўйин, мавзуга доир карточкалар
	Фан ва табиат	Сувнинг хусусиятлари		Магнит билан тажриба			Сув билан тажриба учун жиҳозлар
	Санъат	Расм: Компьютер		Апликация: Термометр	Лой иши: Маиший анжомлар		Тасвирий фаолият учун канцелярия буюмлари
	Умумий гуруҳ бўлиб ишлаш						

МАЙ. БИРИНЧИ ҲАФТА
МЕН ВА МЕНИНГ УЙИМ. ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

Қуриш, конструкциялаш ва математика маркази

Уй қурамиз

Мақсад: болалар турли ҳажмли геометрик шакллардан (куб, цилиндр, пирамида) уй қура оладилар, уларнинг номлари ва белгиларини ҳамда предметларни маълум бир хусусиятларини жамлаб конструкцияни тара оладилар, кўриш, фикрлаш орқали предметлар жойлашувини таҳлил қила оладилар, ҳисоблашни биладилар, предметларни катта-кичиклигига қараб таққослайдилар, чапга-ўнгга тушунчаларини фарқлашга ўрганадилар

Керакли жиҳоз ва материаллар: қурилиш материаллари, пластиналар, йирик геометрик шакллар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Турли архитектура иншоотлари тасвирланган суратларни томоша қилиш.
2. Болаларнинг қурилиш ашёларини танлаб, ўз уйларини қуришни режалаштиришлари.
3. Уйни конструкциялаш.

Қўшимча: болаларга ўз уйларини номлаш таклифини бериш. Қурилиш ёнида болаларни расмга олиш.

Эътиборга молик жиҳати: болаларни жамоада ишлаш маҳорати, тасаввурини бойитиш.

Қуриш, конструкциялаш ва математика маркази

Уйимиз ҳовлисини қурамиз

Мақсад: болалар турли хил ҳажмдаги геометрик шакллардан ҳовли майдончасини қура олиш, уларнинг номлари ва белгиларини билиш, предметларни маълум бир хусусиятларини жамлаб конструкцияни тара олиш, жой ўлчамини ҳисоблай олиш малакаларига эга бўладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: лего (йирик), пластиналар, йирик геометрик шакллар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Ҳовли кўриниши тасвирланган суратни томоша қилиш.
2. Кичик гуруҳларда ишлаш. Болаларнинг ҳовли майдончасини қуришни танлашлари.
3. Ҳовли майдончасини конструкциялаш.
4. Иш якуни ва муҳокамаси.

Қўшимча қисм: қурилишда ўйинни ўйнаш учун майда ўйинчоқлар таклиф қилиш.

Эътиборга молик жиҳати: болаларни жамоада ишлаш маҳорати, тасаввурини бойиши.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш маркази

“Оила” сюжетли-ролли ўйин

Мақсад: болалар ўйланган сюжет учун мустақил шароит ярата олиш, ўйин давомида хайрихоҳлик хислатларини намоён этиш ва жамоада ўйнай олиш, тенгқурлари билан осон мулоқотга кириша олиш малакаларига эга бўладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: кўғирчоқ, ўйинчоқ идиш-товоқ, мебель, ўйин атрибутлари.

Фаолиятнинг бориши:

1. Болалар ўртасида ролларни тақсимлаш (дада, оyi, бола ва ҳ.з.)
2. Марказни уй қилиб безаш.
3. Мустақил сюжетни ижро этиш.

Қўшимча қисм: тарбиячи кузатади, қўшимча сюжетни таклиф этади: сизларникига меҳмон келади; дадангиз хизмат сафарига кетмоқда ва ҳ.з.

Эътиборга молик жиҳати: болаларнинг жамоада иноқ бўлиб ўйнашлари, низоли вазиятларни юмшатиш, мустақил қарор қабул қила олиш.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш маркази

Супермаркет (Озиқ-овқат, саноат моллари, мебель, маиший техника моллари, ўйинчоқ, китоб, канцелярия моллари дўкони ва ҳ.з.)

Мақсад: болалар мустақил ўйланган сюжет учун ўйин муҳитини ярата оладилар, атрибутларни ўз ўрнида ишлата оладилар, улар бўлмаган тақдирда мос равишда ўрнини алмаштира оладилар, мулоқотга эркин кириша оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: “Супермаркет” ўйини, “Кийим-кечак”, “Ўйинчоқлар”, “Нон”, “Сабзавот ва мевалар”, “Сут”, “Маиший кимё” бўлимлари учун пешлавҳа, раста, касса аппаратлари, тарози, маҳсулотларни ўраш учун материал, маҳсулотлар учун сават, турлича қоробка, банка, майда ўйинчоқ, китоб, қўғирчоқ кийимлари, ўйин учун маҳсус пуллар.

Фаолиятнинг олиб борилиши:

1. Сюжетли-ролли ўйинда ижро этиладиган ролни танлаш.
2. Сюжетни тайёрлаш.
3. Ўйинни ўтказиш
4. Ўйинга яқун ясаш.

Қўшимча қисм: болаларга ролларни алмашишни таклиф қилиш.

Эътиборга молик жиҳати: болаларнинг жамоада иноқ бўлиб дўстона ўйнашлари, низоли вазиятларни юмшата олишлари, мустақил қарор қабул қилишлари.

Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш маркази

Мен яшаётган уй (ҳикоя тузиш)

Мақсад: болалар тайёр режага таянган ҳолда ўз фикрини аниқ ифода этиб ҳикоя туза оладилар, нутқда нисбий сифатлар ва қўшма гапларни ишлата оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: ҳикоя тузиш учун схема, уй тасвирланган расмлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Болаларнинг турли хил уйлар тасвирланган суратларни кўриб чиқишлари.
2. “Қайси, топ?” таълимий ўйини (расмлар кўйилади). Расмларни таҳлил қилиб, қанақа уй эканлигини таснифлаш. Фишдан қурилган уй – (ғиштли), ... тошдан – (тошли), ... ёғочдан – (ёғочли), ... панелдан – (панелли).
3. “Тескарисини айт” таълимий ўйини:

Менинг уйим баланд, меники эса (паст).

Менинг уйим ёруғ, меники эса (қоронғу).

Менинг уйим бир қаватли, меники эса (кўп қаватли).

Менинг уйим катта, меники эса (кичик).

Менинг уйим янги, меники эса (эски)

Менинг уйим йўлнинг чап тарафида, меники эса йўлнинг (ўнг томонида).

Менинг уйим кенг кўчада жойлашган, меники эса (тор) кўчада.

Қўшимча қисм: болалар бир-бирларига уйлари тўғрисида айтиб беришади.

Эътиборга молик жиҳати: болаларнинг ўз фикрларини равон ифодадай олиши, нутқнинг грамматик тўғри тузилиши.

Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш маркази

Хотира ва кадрлаш куни

Мақсад: болалар “Хотира ва кадрлаш куни” байрами тўғрисида тасаввурга эга бўлишади, уруш қаҳрамонлари ким эканлигини билишади (улар қаҳрамонона жанг қилишган, ватанимизни душманлардан ҳимоя қилган), ватанпарварлик руҳини ҳис этадилар, уруш фахрийларини ҳурмат қилиш ва эъзозлашни ўрганадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: расмлар, фахрийлар тўғрисида суратлар, “Мотамсаро она” ҳайкали, “Номаълум жангчи” ҳайкали тасвирланган суратлар, генерал Собир Рахимовнинг расми.

Фаолиятнинг бориши.

1. Болалар Улуғ Ватан уруши тасвирланган расмларни томоша қилишади.
2. Мавзуга доир кичикроқ ҳикояни ўқишади.
3. Мустақиллик майдонида жойлашган “Мотамсаро она ҳайкали”, “Номаълум жангчи” ҳайкали тасвирланган суратларни томоша қилишади.

Қўшимча: “Генерал Собир Рахимов” тўғрисида ҳикоя.

Эътиборга молик жиҳати: болаларда ватанпарварлик руҳини, ўз халқига нисбатан муҳаббат ва ғурур туйғуларини шакллантириш.

Фан ва табиат маркази

Қумнинг хусусиятлари

Мақсад: болалар қумнинг хусусиятларини биладилар, қум қуруқ бўлгани учун тўкилиши, ундан нончалар ясаб бўлмаслиги, нам қум-тўкилмаслиги, ундан нарсалар яшаш мумкинлигини билиб оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: қум, сув, қум учун қолиплар, махсус контейнерлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Болалар ушбу марказнинг вазифаси билан танишадилар ва ускуналарни кўриб чиқадилар.
2. *1-тажриба: Хўл қум.* Болалар қумни элакка тўлдириб олишади. (Қум осон ўтади). Болалар тажриба ўтказишади, бунинг учун лейкачалар билан қумга сув қуйишади, сўнгра аралаштиришади. Қолиплардан бир нечта шакллар ясашади. Қумнинг хусусиятларини ва шаклини ўзгаришини кузатишади.
2-тажриба: Қуруқ қум. Доскада қумдан чизилган нақшлар расми. Кичикроқ патнислардаги қумларга болалар ўз нақшларини чизишади.
3. Болалар тажрибалар хулосаларини чизма (график)лар орқали қайд этадилар.

Қўшимча: сайрда қум билан ўйинлар, қумдонларда тажрибани такрорлаш таклифи берилади.

Эътиборга молик жиҳати: болаларда билиш жараёнининг фаоллашуви, кузатиш ва хулоса қилишни билиш.

Фан ва табиат маркази

Тўкилувчан жисмларнинг ҳажмини ўлчаш

Мақсад: болалар ўлчов бирликлари белгиланган идишларда тўкиладиган жисмларнинг ҳажмларини ўлчашни биладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: тўкиладиган жисмлар учун шартли ўлчамлар, кенг ва тор контейнерлар, турли сиғимлар, турли катталиқдаги ёрмалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Тўкиладиган жисмларни ўлчайдиган ускуналарни ўрганиш.
2. Таклиф этилган ёрмалар, шакар ва ҳ.з ларни ўлчаш.
3. Катта ҳажмдан кичикка қараб натижаларни жадвалга киритиш.

Қўшимча: оғирликни ўлчашни таклиф қилиш (тарози)

Эътиборга молик жиҳати: болаларда билиш жараёнининг фаоллашуви, кузатиш ва хулоса қилишни билиш.

Санъат маркази

Расм: Орзумдаги уй

Мақсад: болалар мустақил равишда сюжет танлаш ва бажариш, расмнинг мазмунига қараб уни вараққа жойлаштириш, қора қалам билан контури (ташқи кўриниши)ни чизиш ва рангли қаламлар билан уни бўяшни биладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: А-4 ҳажмдаги оқ қоғоз, қора ва рангли қаламлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Болалар “ўз уйинг-ўлан тўшагинг” мақолини ўқийдилар.
2. Болалар ўз орзуларидаги уйни қандай тасаввур қилаётганлари айтиб беришади (эртакона, пряникли, космик ва ҳ.з.).
3. Болаларнинг ижодий ишлари.

Қўшимча: болалар ишларидан кўргазма тайёрлаш.

Эътиборга молик жиҳати: болаларда “Менинг уйим-менинг кўрғоним” тушунчасини шакллантириш, ўз уйи тўғрисида ғамхўрлик қилиш ва уни севиш.

Санъат маркази

Апликация: Менинг хонам

Мақсад: болалар ишга ижодий ёндашадилар, ранглар ва унинг анвойи турларини биладилар, турли хил шакллардан композициялар ясаб, ишонч билан ишлайдилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: рангли қоғоз, қайчи, елим, фломастер, қалам, салфетка, мато қийқимлари.

Фаолиятнинг бориши:

1. Болалар бир-бирларига ўз хоналарини қандай тасаввур этишларини айтиб берадилар.
2. Композиция яратиш учун зарур материални танлайдилар.
3. Болалар ишни бажарадилар.

Қўшимча: болалар апликацияда тасвирлаган хоналари тўғрисида айтиб беришади.

Эътиборга молик жиҳати: қизиқувчанликнинг шаклланиши, ижодий тасаввурнинг ривожланиши, аппликация билан ишлашда техник кўникмаларнинг шаклланиши.

Санъат маркази

Лой иши: Барельеф усули орқали паннода декоратив гулларни яратиш

Мақсад: болалар таниш бўлган предметларни тасаввур қилиб ясаш, стек билан гулнинг зарур қисм (майда томирча)ларини чизиш, лой ишида тасвирнинг жонлилиги, гулларга хос бўлган эгик ва жимжималикни кўрсата биладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: пластилин, стек, тахтача, салфетка, болаларнинг ишларини жойлаштириш учун барельеф-тахтача.

Фаолиятнинг бориши:

1. Уйларни безаш учун гуллар тасвири туширилган суратларни кўриш.
2. Тарбиячи орқали намунанинг бажарилиши, барельефнинг алоҳида қисмлари деталларини бажаришни кўрсатиш.
3. Болалар иши.
4. Иш сўнггида тарбиячи гулларни барельеф-тахтачага маҳкамлайди ва болаларга тасвир чиройли чиқиши учун кўшимча элементлар билан тўлдиришни таклиф этади.

Кўшимча: уйларни безаш учун бошқа декоратив ишларни кўриб чиқиш.

Эътиборга молик жиҳати: болалар тасаввурини бойиши, лой ишида турли хил усуллардан фойдалана олиш.

МАЙ. ИККИНЧИ ҲАФТА МЕБЕЛЬ. МИЛЛИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИК

Қуриш, конструкциялаш ва математика маркази

Уйимиз учун мебель

Мақсад: болалар турли ҳажмли кубик ва леголардан мебель ясайдилар, мебелни қайси хона учунлигини ва нима учун керак эканлигини биладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: мебель тасвирланган суратлар, “Кубиклардан мебель” схема-расми, қурилиш материаллари, кубик, леголар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Мебель тасвирланган суратларни кўриш, мебель деталларини айтиш, таҳлил қилиш, схемани кўриб чиқиш.
2. Болаларнинг ижодий ғояларига кўра қурилиш ашёлари билан ишлаш.

Кўшимча: болаларга ўзгача кўринишдаги мебелни ясаш таклифини бериш.

Эътиборга молик жиҳати: болаларда қуриш лаёқатларнинг шаклланиши, ижодий тасаввурнинг ривожланиши

Қуриш, конструкциялаш ва математика маркази

Қоғоз ва ташландиқ материаллардан сандиқ ясаш (конструкциялаш)

Мақсад: болалар қоғоз ёки қоғоз қутидан сандиқ ясаш ва тўғри пропорцияни эътиборга олган ҳолда қоғоз ёки картон қоғозни тасвирий фикрлаш орқали таҳлил қилиб тахлаш усулларини амалга ошира оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: ташландиқ материал, картон, қоғоз, қайчи, елим, скотч.

Фаолиятнинг бориши:

1. Сандиқни ясаш ва териш схемасини кўриб чиқиш.
2. Ишнинг болалар томонидан бажарилиши.

Кўшимча: ишни санъат марказида ниҳоясига етказиш.

Эътиборга молик жиҳати: ташландиқ материални ишлатишда боланинг амалий ечим топишга эътибор қилиш, боланинг схемага қараб ишлай олиши.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш маркази

“Оила” сюжетли-ролли ўйин. Варианти: Биз кўчяпмиз

Мақсад: болалар оиланинг кундалик ҳаётини ижодий тасвирлаш, ўйланган сюжет бўйича мустақил равишда ўйнашга шароит яратиш, атрибутларни мақсадли ишлатиш, улар бўлмаганда ўрнини алмаштириш, ўйин давомида хайрихоҳлик қилиш, жамоада ўйнай олиш, тенгқурлари билан осон мулоқотга киришиш малакаларини бойтадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: кўғирчоқ, ўйинчоқ идиш-товоқ, мебель, ўйин атрибутлари.

Фаолиятнинг бориши:

1. Болаларнинг қўйилган вазифа билан танишишлари: янги уйга кўчиш.
2. Ролларни тақсимлаш.
3. Сюжетни мустақил равишда ўйнаш. Тарбиячи кўчиш пайтида мебелни йиғиш ва кўчириб ўтказиш кераклигига эътибор қаратади.

Кўшимча: оила, оиладаги муносабатлар, ота-оналар меҳнати, катталарга ёрдам тўғрисида суҳбатлар.

Эътиборга молик жиҳати: болаларнинг жамоада дўстона ўйнаши, мустақил қарор қабул қила олишлари.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш маркази

“Мебель дўкони” сюжетли-ролли ўйин

Мақсад: болалар мебель дўкони сотувчиларининг меҳнатини ижодий тасвирлайдилар, ўйланган сюжет учун мустақил ўйин муҳитини яратадилар, атрибутларни ўз ўрнида ишлата оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: “Мебель дўкони” расми, ўйин учун пешлавҳалар, раста, касса аппарати, кўғирчоқ учун мебель, ўйин учун махсус қоғоз пуллар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Ролларни тақсимлаш.
2. Сюжетни ижро этиш. Тарбиячининг ўзи ҳам биринчи харидор ролини ўйнаши мумкин.

Кўшимча: “Жамоат жойларида ўзини тутиш қоидалари”, “Ўзаро хушмуомала бўлиш одоби” мавзуларида суҳбат

Эътиборга молик жиҳати: болаларнинг жамоада дўстона ўйнаши, ўйин сюжетини кенгайтириш, хушмуомалали бўлиш.

Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш маркази

Мебель ҳақида нималарни биламиз?

Мақсад: болаларнинг мавзуга доир янги сўзлар билан луғат бойликлари ошади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: мавзули расмлар, “Мебелни таснифлаш” таълимий ўйини

Фаолиятнинг бориши:

1. Болалар мебель расмларини томоша қилишади. Мебелнинг номларини айтишади, сўнгра ўзларини текширишади (тўғри жавоб расмнинг орқа томонида)
2. Мебель тўғрисида топишмоқлар айтиш.
3. “Мебелни таснифлаш” таълимий ўйини. Мебель тасвирланган расмлар жамланмаси. Болалар уларни ишлатилишига қараб таснифлаши керак: ошхона мебели, мактаб учун мебель, ётоқхона учун мебель.

Қўшимча: болалар расмларда кўрсатилмаган мебель номларини айтишади.

Эътиборга молик жиҳати: билиш жараёнининг шаклланиши.

Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш маркази

Миллий хунармандчилик

Мақсад: болалар миллий хунармандчилик санъати ҳақида тасаввурга эга бўладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: мавзули расмлар, зар иплар билан тикилган чеварчилик намуналари, каштачилик, ўймакорлик намуналари, сопол ўйинчоқлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Болалар мавзули расмларни кўриб чиқишади.
2. Намуналарни кўриб, хунар номларини айтишади.
3. Ёққан намунани танлаб олиб, сифатлар иштирокида уни тасвирлаб беришади.
4. Гапни тугат: «Мен ўймакорликни танладим, чунки...».

Қўшимча: Буюк Ипак йўли тўғрисида ҳикоя ўқиб бериш.

Эътиборга молик жиҳати: нутқнинг грамматик тузилиши, сифатларни тўғри қўллаш.

Фан ва табиат маркази

Дарахтнинг хусусиятлари билан танишиш.

Мақсад: болалар тажриба-тадқиқот орқали дарахт хусусиятларини аниқлай оладилар. Хулоса чиқариш учун ўз шахсий тажрибаларига таянадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: кўрсаткичлар чизилган дарахт, сув тўлдирилган идишлар, арраланган ёғоч бўлаги, ёшини кўрсатадиган халқалари тасвирланган арраланган ёғоч бўлаги, иссиқ сувли термос, ёғоч кружка.

Фаолиятнинг бориши:

1. Бола “Дарахтдан нималар қилинади?” варағини тўлдиради. Кўрсаткич (стрелка)лар қаршисига чизади ёки ёзади (мебель, уй, қаламлар, гугурт ва .з.)
2. Арраланган дарахт бўлагини ўрганиш. Ёшини билдирадиган халқаларни кўриб чиқиш. Дарахт ёшини аниқлашга уриниб кўриш.
3. Дарахт хусусиятларини аниқлаш: шаффоф, пишиқ, иссиқлик ўтказиши.
4. Болалар “Чўкади-чўкмайди” амалий тажрибасини ўтказадилар. Сув тўлдирилган идишга таёқчаларни ташлашади. Кузатишади ва хулоса қилишади.

Қўшимча: тарбиячининг болалар билан дарахтларни асраш ҳақидаги суҳбати.

Эътиборга молик жиҳати: кузатиш орқали болаларнинг хулоса чиқара олиш, табиатга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш.

Фан ва табиат маркази

Қоғознинг хусусиятлари билан танишиш.

Мақсад: болалар инсонлар ҳаётида қоғознинг аҳамияти ва унинг турли мақсадларда ишлатилиши ҳақида биладилар; қоғознинг сифатини (ранги, силлиқлиги, қалинлиги, пишиқлиги)ни ва хусусиятлари (сувни шимиши, ғижим бўлиши, қирқилиши, ёниши, ва х.з) ни аниқлайдилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: қадимги ёзувлар тасвирланган тошлар (қўлбола тайёрланган), қайин пўстлоғи, шаффоф қоғоз расмлари; тошлар, гуашь, қоғоз, қалам, ўткир таёкча, сув идиш, турли кўринишда қоғоз, гугурт, ва тарбиячи учун темир косача.

Фаолиятнинг бориши:

1. Болалар қадимги ёзувлар тасвири туширилган расмларни томоша қилишади. Тошда гуашь билан чизиқлар чизишга ҳаракат қилишади, қайин пўстлоғида ҳарфларни ўйишади, қалам билан қоғозга ёзишади.
2. Атрофингизга қараб қоғоздан тайёрланган предметларни санаб ўтинг (салфетка, обой, хожатхона қоғози, табрикнома, китоб, журнал, газета, кути, дафтарлар ва х.з.)
3. Қоғоз хусусиятларини аниқлаш. Болалар қоғозни ғижимлашади, йиртишади, сувга туширишади, хулоса қилишади.

Қўшимча: тарбиячи қоғоз қаердан олинганлиги тўғрисида айтиб беради.

Эътиборга молик жиҳати: қоғоз хусусиятларини аниқлаш учун болалар қоғоз билан етарлича ишлай олишлари керак, аммо иш жойларини йиғиштиришни билишлари шарт. Шунингдек, болалар билан атроф-муҳитга нисбатан ва қоғозга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш кераклиги тўғрисида суҳбат.

Санъат маркази

Расм: Менинг хонам

Мақсад: болалар мустақил равишда сюжет танлаш, расм сюжетига қараб тасвири қоғозга жойлаштириш каби малакаларни оширадилар. Мебелнинг кўриниши ва ўлчамлари бўйича чизадилар, расм контурларини қора қалам билан чизиб, рангли қаламлар ёрдамида бўйядилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: намуна, А-4ҳажмдаги оқ қоғоз, қора ва рангли қаламлар, мебель тасвири туширилган расм.

Фаолиятнинг бориши:

1. Мебель тасвири туширилган расмни томоша қилиш
2. Болаларнинг мустақил фаолияти.
3. Болаларнинг ишлари кўрғазмаси.

Қўшимча: ўз хонаси ва мебелини тасвирлаш

Эътиборга молик жиҳати: болаларнинг ижодий фаолияти ривожланганлиги, расм чизишдаги техник маҳорати.

Санъат маркази

Фольга қоғозига ўйма нақш билан медальонни безаш

Мақсад: болалар миллий хунармандчилик санъатига қизиқадилар, миллий нақшларни фольга қоғозига туширишни биладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: диаметри 10 см бўлган фольга қоғозидан айлана, шарикли ручка, ўйиш ишларини бажариш учун остига қўйишга бир нечта қатламдан иборат бўлган газета.

Фаолиятнинг бориши:

1. Тасвирларда ўйиш йўли билан бажарилган нақшларни кўриб чиқиш.
2. Ишнинг бажарилиш схема-карта.
3. Болаларнинг мустақил фаолияти

Қўшимча қисм: металл ҳамда ўймакорлик халқ амалий санъати намуналари расмларини томоша қилиш.

Эътиборга молик жиҳати: болаларнинг ижодий тасаввури ривожланганлик ва олган билимларини амалиётда татбиқ этиш.

Санъат маркази

Апликация: Сандиқни безаймиз

Мақсад: болалар қайчи билан тўғри ишлай олишни, нақш бўлақларини намунага қараб тўғри қирқа олишни, ранг ва унинг тусларини биладилар. Турли шакллардан композиция ясаб, ишонч билан ишлайдилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: намуна, сандиқ, рангли қоғоз, қайчи, елим, фломастер, салфеткалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Намуна ва халқ амалий санъати буюмларидаги нақшларни томоша қилиш, ўзбек халқ нақшларининг ўзига хослигини ажратиш (ўрамлар, доиралар, пахта, тўлқинли чизиклар ва ҳ.з.)
2. Болалар сандиқлари учун нақш ўйлаб топишади.
3. Ишнинг болалар томонидан бажарилиши.

Қўшимча: болаларнинг ишларидан кўргазма ташкил этиш.

Эътиборга молик жиҳати: болаларнинг ижодий тасаввурини ривожланганлиги, апликация ишида техник кўникмани эгаллаганликлари.

МАЙ. УЧИНЧИ ҲАФТА ИДИШЛАР, МИЛЛИЙ НАҚШЛАР

Қуриш, конструкциялаш ва математика маркази

Оригами: Стаканча

Мақсад: болалар оригами техникасини биладилар ва мустақил равшда ижодий ишлайдилар, математик билимлари бойитилади.

Керакли жиҳоз ва материаллар: намуна, қоғоз стаканчани яшаш схема-режаси, оригами учун қоғоз.

Фаолиятнинг бориши:

1. Қоғоз стаканчани яшаш схема-режасини кўриб чиқиш.
2. Ишнинг болалар томонидан бажарилиши.

Қўшимча: бошқа хилдаги идишларни яшаш таклифини бериш.

Эътиборга молик жиҳати: оригами билан ишлашнинг техник кўникмалари; схема билан ишлашни билиш.

Қуриш, конструкциялаш ва математика маркази

“Ликопча” папье-маше усулида

Мақсад: болалар папье-маше ясаш техникасини биладилар, ишни схема асосида бажарадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: намуна, мавзули расмлар, папье-маше ясаш учун зарур бўлган жиҳозлар (газеталар, ПВА елими, кисточкалар).

Фаолиятнинг бориши:

1. Папье-маше техникасида ишланган идиш-товоклар тасвири туширилган расмларни, намунани томоша қилиш.
2. Схемани ўрганиш.
3. Ишни схемага қараб бажариш.

Қўшимча: вазифани уддалаган болалар қолганларига ёрдам беришади.

Эътиборга молик жиҳати: болаларда ижодий тасаввури ва конструктив қобилиятининг шаклланишига, олинган билимларни амалиётда қўллай олишига.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш маркази

“Оила” сюжетли-ролли ўйин

Мақсад: болалар оилада кундалик турмушни ижодий тасвирлаб берадилар, ўйланган сюжет учун мустақил равишда вазият келтирадилар, атрибутларни мақсадга мувофиқ ишлатадилар, ўйинга хайрихоҳлик билдирадилар ва жамоада ўйнай оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: қўғирчоқлар, ўйинчоқ идиш-товоклар, мебель, ўйин атрибутлари.

Фаолиятнинг бориши:

1. Ролларни тақсимлаш.
2. Болалар сюжетни бориши тўғрисида келишиб олишади (кимни туғилган кунни нишонланади, ким нима қилади ва ҳ.з.)
3. Болалар мустақил ўйнашади, тарбиячи кузатувчи ролида бўлади. Ўйин давомида тарбиячи бирор-бир насихат ёки таклиф беради. Агар ўйинда муаммоли вазият вужудга келса, сюжетнинг янгича йўналишини таклиф этади ёки ўйинга янги ўйинчоқ-персонаж киритади.

Қўшимча: оила ва унда байрамлар қандай ўтиши ҳақида суҳбат.

Эътиборга молик жиҳати: болалар жамоада дўстона ўйнаши, низоли вазиятларда қандай йўл тутиши.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш маркази

Кафе

Мақсад: болалар ошхона ишчиларининг меҳнатини ижодий тасвирлайдилар, ўйланган сюжетга мустақил равишда мос вазият вужудга келтира оладилар, ўйинда лаёқат билдирадилар, тенгқурлари билан осон мулоқотга киришадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: “Кафе” расми, ўйин учун махсус пуллар, болалар идиш-товоклар жамланмаси (ошхона, овқат учун, чой учун), меню, мижозлар учун стол ва стулчалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Ролларни тақсимлаш. Ўйин.

2. Сюжетни ўйнаш. Мижозлар буюртма беришади, ошхона ишчилари буюртмани бажаришади, официант хизмат кўрсатади.
3. Болалар ролларни алмашишлари мумкин.

Кўшимча: умумий овқатланиш жойларида ўзини тутиш одоби қоидалари, стол атрофида ўзини тутиш қоидаси, хушмуомала билан ёндошиш тўғрисида.

Эътиборга молик жиҳати: болалар жамоада дўстона ўйнаши, мустақил қарор қабул қила олиши ва ҳафталик мавзуни тушуниши.

Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш маркази

К.И.Чуковскийнинг “Фёдоранинг қайғуси” эртагини тинглаш

Мақсад: болалар эртакни диққат билан эшитадилар, қаҳрамонларга хайрихоҳлик билдирадилар, сюжетга нисбатан эмоционал равишда жавоб берадилар, юморни тушунадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: К.И.Чуковскийнинг “Федоранинг қайғуси” асарига ишланган расмлари, АКТ.

Фаолиятнинг бориши:

1. Болалар расмларни томоша қилишади.
2. Акт орқали эртакни тинглайдилар ёки томоша қиладилар.
3. Эртакнинг қисмларини мустақил ҳикоя қилиб берадилар.

Кўшимча: мавзуга доир расмларни бўйаш.

Эътиборга молик жиҳати: болалар эртакни ёдга олиши ва тушуниши, товушларни тоза талаффуз қилиши.

Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш маркази

Идиш товоқларни гуруҳлаш: Ошхона учун, овқат ейиш учун, чой учун

Мақсад: болалар идиш-товоқлар, уни йўналиш бўйича ишлатилишига ва турлари тўғрисида тасаввурга эга бўладилар, уларни гуруҳлай оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: “Ошхона”, “Чойхона” номли болалар учун ўйинчоқ идишлар жамланмаси; идиш-товоқлар тасвирланган карточкали расмлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Идишлар тўғрисида топишмоқлар тинглашади ва топишади.
2. Таълимий ўйин: Нима учун?
Масалан: Бу кастрюля. Кастрюляда шўрва пиширилади. (пақир, това, пиёла, чўмич, тоғора, капкир, човли)
3. Идиш-товқни томоша қилиш, “Ошхона”, “Чойхона” вазифасига қараб классификациялаш.

Кўшимча: қадимги идишлар тасвирланган расмларни кўриш.

Эътиборга молик жиҳати: болалар идишларнинг вазифасини билиши, уларни ишлатилишига қараб классификация қила олиши.

Фан ва табиат маркази

Лой иши: Идиш ясаймиз

Мақсад: болалар лойнинг хусусиятларини биладилар. Лой ишида таниш методлардан фойдаланадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: намуна, гувалали курук лой, яшаш учун тайёрланган нам лой турли хил идишлар, сув, шакллар, курук ва нам тупроқ.

Фаолиятнинг бориши:

1. Болалар икки хил лойни кўриб чиқишади. Битта тоғорада курук тупроқ иккинчисида нам тупроқ.
2. Болалар икки хил тупроқ туридан шакллар яшашга интилишади. Курук тупроқ тўкилувчан, ясалмайди, нам тупроқ эса юмшоқ яхши ясади шакллар чиқади деган хулосага келишади.
3. Лойдан пиёла ёки ваза яшаш.

Қўшимча: тарбиячи билан биргаликда тупроқнинг хусусиятлари ҳақидаги билимларини мустаҳкамлашади.

Эътиборга молик жиҳати: лой иши тозаликни талаб қилади, шунинг учун болалар орқасидан йиғиштириб, қўлларини ювишни назорат қилиш.

Фан ва табиат маркази

Суюқлик ҳажмини ўлчаш

Мақсад: болалар шартли белги ёрдамида суюқлик ҳажмини аниқлай оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: ўлчов бирлиги кўрсатилган турли хил ўлчамдаги елим идишлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Болалар қайси идишга кўпроқ сув сиғишини тахминан аниқлашади. Болалар стаканлар ёрдамида идишга сув тўлдиришади. Натижасини белгилашади.
2. Ҳажм бир литрли банкалар ёрдамида ўлчанади. Хулоса чиқаришади.
3. Болалар суюқлик ҳажмини яна нималар ёрдамида аниқлаш мумкинлиги таклифини беришади.

Қўшимча: бошқа жисмларда суюқлик миқдорини ўлчашади ва таққослашади.

Эътиборга молик жиҳати: кузатиш, ўлчаш ва хулоса қилишни билиш, топшириқларни бажаришда болаларни фаоллиги.

Санъат маркази

Чой сервис

Мақсад: болалар расм чизиш учун мустақил материал танлайдилар, расмни берилишига қараб варақда тасвирни жойлаштиришда композиция ўйлайдилар ва бажарадилар. Предметларни тегишли катталигини тасвирлаб идиш чизадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: намуна, оқ қоғоз, қора ва рангли қаламлар, сув, бўёқлар ва мўйқалам, салфеткалар, пахта гулли чой сервиси.

Фаолиятнинг бориши:

1. Намунани томоша қилиш.
2. Расм чизиш учун материал танлаш ва ишга тайёргарлик.
3. Болаларнинг самарали фаолияти.

Қўшимча: болалар иши кўргазмасини ташкил этиш.

Эътиборга молик жиҳати: болаларда ижодий қобилиятнинг ва ишдаги кўникма малакаларини ривожланиши.

Санъат маркази

Ликопчани миллий нақш билан безаш

Мақсад: болалар қайчи билан тўғри ишлайдилар, қоғоздан нақш қирқа оладилар, турли хилдаги композицияларни тузадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: намуна, қуриш ясаш марказида тайёрланган ликопчалар, миллий нақш тасвири туширилган расмлар, оқ ва рангли қоғозлар, қайчи, елим, фломастерлар, салфеткалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Болалар миллий нақш тасвири туширилган расмларни томоша қилишади. Ўз ликопчалари учун нақш танлашади.
2. Ишни болалар томонидан бажарилиши.
3. Болалар бир-бирларига ишларини кўрсатишади.

Қўшимча: ўзининг нақшини ўйлаб топиш ва қоғозда тасвирлаш.

Эътиборга молик жиҳати: болаланинг ижодий таффақурини ривожланиши, кетма-кетлик.

Санъат маркази

Чойнак

Мақсад: болалар қисимларни тасвирлаган ҳолда лойдан ясайдилар, ёғоч қалам ёрдамида зарур элементларни чизадиар, лой иш усулларини қўллайдилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: лой (пластилин), ишнинг бажарилиш карта-схемаси.

Фаолиятнинг бориши:

1. Ишнинг бажарилиш босқичларини кўриб чиқиш.
2. Материални танлаш (бир хил ранг ёки уйғун ранглар, бола хоҳишига қараб).
3. Ишнинг болалар томонидан бажарилиши.

Қўшимча: қўшимча равишда пиёла ясаш, чой сервисини йиғиш.

Эътиборга молик жиҳати: техник малакаларининг шаклланиши ва лой (пластилин) билан ишлай олиши.

МАЙ. ТЎРТИНЧИ ҲАФТА **МАИШИЙ БУЮМЛАР – БИЗНИНГ ЁРДАМЧИЛАРИМИЗ**

Қуриш, конструкциялаш ва математика маркази

Маиший техникани йиғамиз

Мақсад: болалар турли ҳажмдаги қутилардан истаган маиший техникани ясайдилар, чизиклардан қирқиб ортиқчасини олиб ташлаб, кўрсатмаларга қатъий амал қилган ҳолда схема билан ишлай оладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: намуна, мавзули расмлар, турли ҳажмдаги қутилар, қайчи, елим, фломастерлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Мавзули расмлар ва намунани томоша қилиш.
2. Бола қандай маиший техникани йиғишни танлайди.
3. Ижодий иш.

Қўшимча қисм: бошқа турдаги маиший техника асбобларини ясаш.

Эътиборга молик жиҳати: болаларнинг конструктив қобилиятларини ривожлантирилиши, схемалар билан ишлай олиши, қоғозни, елимни тўғри ишлата олиши.

Қуриш, конструкциялаш ва математика маркази

Компьютер йиғамиз

Мақсад: болалар қоробкалардан компьютер ясайдилар, зарур қисмларини яъни: сичқонча колонкалар, клавиатураларни ясайдилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: намуна, турли ҳажмдаги қутилар, оқ қоғоз, фломастерлар, наклеикалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Компьютер тасвирланган расмларни томоша қилиш.
2. Лойиҳани яшаш.
3. Қўшимча равишда компьютер экранини чизиш.

Қўшимча: болалар уйда компьютерда қандай ўйинлар ўйнашини айтиб беришади.

Эътиборга молик жиҳати: болаларнинг конструктив қобилиятларни ривожлантириш, ўз ғоясини ишда қўллаш билиш, ишга ижодий ёндашиши.

Сюжетли - ролли ўйинлар ва сахналаштириш маркази

“Меҳмонлар учун уйни тайёрлаймиз” сюжетли-ролли ўйин (маиший ёрдамчиларни қўллаган ҳолда)

Мақсад: болалар ўйлаб топилган сюжет учун мустақил шароит ярата оладилар, атрибутларни жойида ишлата оладилар, улар бўлмаган тақдирда мос равишда ўрнини алмаштира оладилар, хайрихоҳлик хислатларини намоён этадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: қўғирчоқлар, ўйинчоқ маиший техника, идиш - товоқ, мебель.

Фаолиятнинг бориши:

1. Ролларни ва вазифаларни тақсимлаш (кимдир чанг ютгич қилади, кимдир пиширади ва ҳ.з.)
2. Болалар мустақил ўйнашади, тарбиячи кузатувчи ролида бўлади. Ўйин давомида тарбиячи бирор-бир насиҳат ёки тақлиф беради. Агар ўйинда муаммоли вазият вужудга келса, сюжетнинг янгича йўналишини тақлиф этади ёки ўйинга янги ўйинчоқ-персонаж киритади.

Қўшимча: сюжетни меҳмонларнинг келиши билан чўзиш мумкин (бошқа марказдан болалар).

Эътиборга молик жиҳати: болаларнинг ижодий таффақурини ривожланиши, жамоавий муносабатлар.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш маркази

Музқаймоқ кафеси

Мақсад: болалар кафе ишчиларининг меҳнатини ижодий тасвирлайдилар, ўйланган сюжетга мустақил равишда мос вазият вужудга келтира оладилар, ўйинда лаёқат билдирадилар, атрибутлардан мақсадли фойдаланадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: мавзу асосида расмлар, турли хил музқаймоқларнинг суратлари, музқаймоқ тайёрлаш учун керакли атрибутлар, ўйин учун махсус пуллар, зурур идиш – товоқлар, столча билан стулчалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Болалар ролларни тақсимлашади.
2. Сюжетнинг ўйналиши.

Қўшимча: болалар роллари билан алмашиши мумкин, музқаймоқнинг турли хиллари жамланган менюни тайёрлаш.

Эътиборга молик жиҳати: ижодий тасаввурларини шаклланиши, ўрин алмашадиган ўйинчоклардан фойдаланиш, тўғри нутқни шакллантириш.

Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш маркази

Маиший анжомлар – бизнинг ёрдамчиларимиз

Мақсад: болалар маиший анжомлар ва уларнинг вазифаларини биладилар. Электор анжомлар одамнинг кундалик ҳаётидаги ёрдамчилари эканлигини, улардан нотўғри фойдаланса ҳаёт учун хавfli эканлигини англайдилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: мавзули карточкалар, маиший анжомлар чегаралари тасвирланган карточкалар, маиший анжомлар номлари ёзилган карточкалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Болалар маиший анжомлар тасвирланган расмларни кўриб чиқишади, номларини ҳамда нима учун ишлатилишини айтишади.
2. Карточкаларда чегарасини белгилашади ва номланишини аниқлашади.
3. Номлари келтирилган карточкалар билан расмларни таққослашади.

Қўшимча: карточкаларда бўлмаган маиший анжомларни келтириб ўтишади ва нима мақсадда ишлатилишини айтишади.

Эътиборга молик жиҳати: ишлатилишига қараб маиший анжомларни фарқлаш, гапни тўғри тузишни ўрганиш.

Тил, нутқ ва саводхонликка ўргатиш маркази

Маиший анжомларни ажрат (музлатадиган ва иситадиган)

Мақсад: болалар маиший анжомлар ва уларнинг вазифаларини биладилар, иситадиган ва совутадиган техника турларини биладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: маиший техника тасвирланган суратлар, (музлатгич, музқаймоқ тайёрлайдиган ускуна, микротўлқинли печь, нон печка, фен).

Фаолиятнинг бориши.

1. Тарбиячининг асбобларни совутадиган ва иситадиган гуруҳларга бўлиш мумкинлиги ҳақидаги кириш сўзи.
2. Болалар маиший анжомлар тасвирланган расмларни гуруҳлайдилар ҳамда тушунтириб берадилар.
3. Уйда қандай анжомлар ишлатишлари тўғрисида айтиб беришади.

Қўшимча: агар билишса расмда кўрстилмаган маиший анжомларнинг номларни айтиб беришади.

Эътиборга молик жиҳати: шахсий тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ҳикоя туза олиши, боланинг мантиқий нутқи.

Фан ва табиат маркази

Магнит билан тажриба

Мақсад: болалар магнитнинг хусусиятларни биладилар, билиш жараёнига оид масалаларни ечадилар ва хулоса қиладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: турли катталиқдаги магнитлар, металл, ёғоч ва елим предметлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Болалар марказдаги материалларни томоша қилишади.
2. “Жонли предметлар” машқ. Столда ёғоч ва елим предметлар. Болалар тажриба ўтказишади: каттароқ магнитни столни тагида юрғизишади. Болалар кузатишади ва қуйидаги саволларга жавоб беришади: “Нима содир бўляпти? Нима учун фақат метал жисмлар қўзғалди? Нима учун ёғоч ва елим жиҳозлар жойида қолди?”
3. Болалар хулоса чиқаришади.

Қўшимча: расмлар томоша қилиниши, магнит қаерда фойдланади.

Эътиборга молик жиҳати: тарбиячининг берилган вазифасини ишлай олиш, болаларда билиш жараёнини ривожлантириш, хулоса чиқаришни ўрганиш.

Фан ва табиат маркази

Сувнинг хусусияти

Мақсад: болалар сувнинг кўринишини ва хусусиятини биладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: тоза сув билан идиш, бир мартали стаканчалар, муз бўлаклари, бўш идиш.

Фаолиятнинг бориши:

1. Марказ вазифалари билан танишиш. Сувнинг хусусиятларини аниқлаш.
2. Ҳар бир бола сувни татиб кўради ва хулоса қилади. Шаффофлиги, таъми.
3. Муз бўлакчаларини томоша қилади. Ликопчага солиб токчага қўяди. Муз куёш нурлари остида эришини кузатишади. Сувга айланади.

Қўшимча: тарбиячи ёрдамида сувнинг парга айланиш тажрибасини ўтказиш.

Эътиборга молик жиҳати: болаларда билиш жараёнини фаоллаштириш хулоса чиқаришни билиш.

Санъат маркази

Компьютер

Мақсад: болалар расм чизиш учун мустақил материал танлайдилар, расмни берилишига қараб варақда тасвирни жойлаштиришни режалаштирадилар. Компьютернинг ҳар бир қисмига алоҳида эътибор қаратган ҳолда тўлиқ сюжет яратадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: намуна, оқ қоғоз, қора ва рангли қаламлар, бўёқлар, сув учун стаканча, компьютер тасвирланган расм.

Фаолиятнинг бориши:

1. Болалар мавзуга доир расм томоша қиладилар.
2. Қандай компьютер чизишни режалаштирадилар: одатий ёки келажак компютери ҳақида ўйлашлари мумкин.
3. Болаларнинг фаол ҳаракати.

Қўшимча: инсон ҳаётида компьютернинг ўрни ҳақида ҳикоя қилиш.

Эътиборга молик жиҳати: ижодий тафаккурини ривожланишига расм чизиш технологиясини мустаҳкамланишига.

Санъат маркази

Термометр

Мақсад: болалар термометр ҳақида тасаввурга эга бўладилар, унинг вазифаси ҳақида биладилар. Схемага қараб термометр макетини яшашлари мумкин. Чизғич ва маркер ёрдамида температура кўрсаткичи белгиланган тўғри шкала чизик чизадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: намуна, рангли картон, қайчи, маркер, чизғич, фломастерлар, қизил ва кўк қалин ип, йирик игна.

Фаолиятнинг бориши:

1. Термометрни томоша қилиш, уни ишнинг намунаси ва схема билан таққослаш.
2. Ишни болалар орқали бажарилиши.

Қўшимча: болалар термометр қаерда ишлатилишини айтишади. Тарбиячи лозим бўлганда болалар жавобини тўғирлаб тўлдиради.

Эътиборга молик жиҳати: боланинг схема билан ишлашни билиши.